

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Санобар Жўраева, Лобар Асророва

**ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ
АЛЛОМАЛАРИ ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРИ
ТАРИХИ**

Монография

«EVRIKA NASHRIYOT-MATBAA UYI»
ТОШКЕНТ – 2024

УДК
КБК

Қашқадарё воҳаси алломалари ва зиёратгоҳлари тарихи [Матн]:
Монография / С. Жўраева ва Л. Асророва. – Тошкент: «Evrika nashriyot-
matbaa uyi», 2024. – 220 б.

Масъул муҳаррир:

Х. Юнусова, тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

А.Холиқулов, тарих фанлари доктори (DSc), профессор

Н. Муҳамедов, тарих фанлари доктори (DSc), профессор

Ш.Чориев, тарих фанлари доктори (DSc), доцент

Монографияда ўрта асрларда Кеш ва Насафлик алломалар, тасаввуф вакиллари ва шоирларнинг ҳаёт-фаолияти, илмий мероси, уларнинг ислом илм фани ривожига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар бирламчи манбалар асосида ёритилган. Шу билан бирга, воҳада хоки ётган машхур алломалар, тасаввуф вакиллари, саҳобалар ва хўжалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар, кадамжолар экотуристтик объектларнинг шаклланиш тарихи, архитектураси, уларнинг Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришдаги ўрни каби масалалар илмий баён қилинган. Китоб манбашунослик, тарихшунослик ва зиёратгоҳлар тарихи билан қизиқувчи тадқиқотчилар, талабалар, туристлар ва барча китобхонларга мўлжалланган.

Ушбу монография Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ илмий тадқиқот кенгашининг 10-сонли баённомаси (2024 йил 25 октябрь) қарори асосида AL-662205481-рақамли "Қашқадарё воҳаси тарихий ва маданий ёдгорликлари, экотуризмга оид зиёратгоҳларнинг" i-turizm" платформасини ишлаб чиқиш" мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида "Қашқадарё воҳаси алломалари ва зиёратгоҳлари тарихи" монографияси сифатида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9910-8855-8-7

© С. Жўраева ва Л. Асророва, 2024.

© «Evrika nashriyot-matbaa uyi», 2024.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I бoб. ЎРТА АСРЛАРДА КЕШ ВА НАСАФ АЛЛОМАЛАРИ.....	7
1.1. Қашқадарё воҳасидаги алломалар.....	7
1.2. Тасаввуф шайхлари ва шоирлар.....	29
II бoб. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ	
ТАРИХИ.....	53
2.1. Қашқадарё зиёратгоҳларининг манбашунослиги ва тарихшунослиги	53
2.2. Қашқадарё вилоятидаги алломалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар.....	74
2.3. Зиёратгоҳлардаги урф-одат ва маросимлар	116
III бoб. ҚАШҚАДАРЁ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ	133
3.1. Мустақиллик йилларида воҳа зиёратгоҳларининг тикланиши	133
3.2. Вилоят экотуризмнинг ўзига хос хусусиятлари	147
Хулоса.....	155
Фойдаланилган манба ва адабиётлар	157
Иловалар.....	175

КИРИШ

Ўзбекистон жаҳон цивилизациясида муносиб ўрни тутиб, унинг жанубий ҳудуди бўлган Қашқадарё воҳаси нафақат Марказий Осиё, балки Шарқнинг қадимги маданият марказларидан бири ҳисобланган. Қадимги Турон заминнинг марказий шаҳри сифатида Ерқўрғон (жанубий Сўғд), Нахшаб (Насаф), Шулуктепа ёдгорлиги, Узунқир, Наутака, Бактрия подшолиги манзиллари шаклланган бўлиб, Буюк ипак йўли кесимида жойлашган бу ўлка савдо-сотик, ҳунармандчилик, илм-фан ва маданият марказларидан бири бўлган. Мустақиллик йилларида шу каби қадимий археологик ёдгорликларнинг ўрганилиши уларга бўлган муносабат ва эътибор намунасини кўрсатади.

Дунё мамлакатларида исломшунослик, ҳадисшунослик, калом илми каби исломий фан йўналишлари ва ислом маданияти ривожига катта ҳисса қўшган алломаларнинг илмий меросини ўрганиш юксак даражага кўтарилди. Шунингдек, Қашқадарё воҳаси тарихи, маънавий ва маърифий ҳаётида муҳим ўрин тутган Абу Туроб Нахшабий, Абдуллоҳ ибн Марвазий, Абу Муъин Насафий, Нажмиддин Насафий, Сайидо Насафий, Абу Муҳаммад Кеший каби алломалар асарларининг хорижий тилларга таржима қилиниши умуминсоний ғоялар ва маънавий қадриятларни тиклашда кенг қўламли ишларнинг амалга оширилаётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон жанубий ҳудуди бўлган Қашқадарё воҳаси кўп асрлик тарихи давомида ислом қадриятлари ва анъаналари ривожланган ўлка ҳисобланади. Мазкур ҳудуд тарихига оид маълумотлар қадимги ва ўрта асрлар манбаларида тилга олинади. Қадимий маданият ва цивилизация дурдоналарига эга Нахшаб, Насаф, Кеш каби шаҳарлардан етишиб чиққан алломалар шахсияти, уларнинг ислом дини, фани, ривожига қўшган ҳиссаси, олимлар ижодининг маънавий тарбиявий аҳамияти, улар яшаган манзилларнинг зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжо объектларига айланиши Ўзбекистонда зиёрат туризмнинг ривожланишида муҳим манба бўлиб, ушбу монография доирасида тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 9 феврал ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикаси ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2023 йил 24 февралдаги 100-сон “Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари каби норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Ҳозирги даврда вилоят ҳудудидаги асосий шаҳарларни Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Косон, Яккабоғ ташкил этиб, ҳар бир ҳудуднинг ўз топонимикаси, тарихи, географияси, афсона ва диний қарашлари билан боғлиқ тарихий ва маданий манзилгоҳлари бўлган. Улар ўзида аллома ва авлиёларнинг шахси, насаби, улар яшаган давр билан боғлиқ тарих, ислом оламида, умуман илм-фан йўлида уламолар қолдирган меросни жамлаб, халқимиз миллий ва маънавий қадриятларининг муҳим элементи сифатида асраб келинмоқда.

Бугунги кунда туризмни ривожлантириш жаҳон, давлатларида устувор масалага айланган бир пайтда, туристик соҳада мамлакатимиз салоҳияти жуда юқори. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Қашқадарё воҳасида қадимги давр обидалари, илму ирфон вакиллари ва ислом дунёсида машҳур бўлган алломалар, уларнинг номи билан боғлиқ ислом меъморчилигининг ноёб архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш, обод этиш, бу жойларда зиёрат туризмни ривожлантириш, нафақат вилоят, республика, балки хорижлик туристларни ҳам жалб этиш, номоддий маданият намуналарини асраб-авайлаш, давлатимиз тарихи, маънавияти, маданияти ва гўзал табиатини хорижга кўрсатиш орқали давлат иқтисодиёти ривожига улкан ҳисса қўшиш имконияти яратилади.

“Қашқадарё воҳаси алломалари ва зиёратгоҳлари тарихи” деб номланган ушбу монографиянинг I боби “Ўрта асрларда Кеш ва Насаф алломалари” деб номланиб, унинг 1.1.§ “Қашқадарё воҳасидаги алломалар”, 1.2.§ “Тасаввуф шайхлари ва шоирлар” номли параграфлари, иловалар т.ф.ф.д. (PhD) Л.Қ.Асророва томонидан ёзилган.

Монографиянинг Кириш, хулоса қисми, шунингдек, “Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари тарихи” номли II бобининг 2.1.§ “Қашқадарё зиёратгоҳларининг манбашунослиги ва тарихшунослиги”, 2.2§ “Қашқадарё вилоятидаги алломалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар”, 2.3.§ “Зиёратгоҳлардаги урф-одат ва маросимлар” номли параграфлари, III боби “Қашқадарё зиёратгоҳларининг Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришдаги ўрни” деб номланиб, унинг 3.1.§ “Мустақиллик йилларида воҳа зиёратгоҳларининг тикланиши”, 3.2.§ “Вилоят экотуризмнинг ўзига хос хусусиятлари” номли параграфлари т.ф.д.(DSc) С.Н. Жўраева томонидан ёзилган.

Тадқиқотда ўрта аср манбалари, саёхатномалар, Совет даври адабиётлари ҳамда Ўзбекистон Миллий архиви, Маданий мерос бошқармаси, архив ҳужжатлари, шунингдек, дала тадқиқотлари доирасида зиёратгоҳларнинг ҳолати юзасидан олиб борилган суҳбат натижаларидан фойдаланилган. Китоб Қашқадарё тарихи билан қизиқувчи илмий изланувчилар, талабалар, сайёҳлар ва барча китобхонларга мўлжалланган.

I боб. ЎРТА АСРЛАРДА КЕШ ВА НАСАФ АЛЛОМАЛАРИ

1.1. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ АЛЛОМАЛАР

Марказий Осиёнинг қадимий шаҳарлари ҳисобланган Бухоро, Самарқанд, Хива каби Қашқадарё воҳасидан ҳам асрлар мобайнида улкан мерос яратган аجدодларимиз яшаб ўтган. Уларнинг қолдириб кетган мерослари ислом илмлари, табиий фанлар ҳамда адабиёт соҳаси ривожига ўз ўрнига эга. Асрлар мобайнида бу ўлкадан юзлаб алломалар етишиб чиққанини табақот жанрида ёзилган асарлардан ҳам кўриш мумкин. Уларнинг аксарият қисми ҳали хануз ўрганилгани йўқ. Мазкур лойиҳа юзасидан олиб борилган тадқиқот натижасида, айрим олимларнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар топилди. Келажақда тадқиқотчиларга ушбу ҳудуддан етишиб чиққан алломалар ҳаётини ўрганиш, уларнинг асарлари устида тадқиқот ишларини олиб боришга туртки бўлади деган мақсадда қуйида баъзи алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти хусусида сўз юритилади:

Абдулҳамид ибн Ҳумайд ибн Наср Кеший¹

Кешдан кўплаб муҳаддис ва алломалар етишиб чиққани сабабли IX асрда “Кеш – илм ва адаб гумбази”, дея аталган. Шундай алломалардан Абдулҳамид ибн Ҳумайд ибн Наср Кеший 170/786 йилда Кешда таваллуд топган². Исми Абдулҳамид, лақаби – Абд³. У Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан биринчи муҳаддис ва муфассирлардан бўлиб, ҳадис, тафсир, араб тили грамматикаси бўйича асарлар ёзган. Шунингдек, Мовароуннаҳрда ҳанафийликни кенг ёйилишида ҳам хизмат қилган.

Абдулҳамид Кеший Валид ибн Қосим ибн Валид Ҳамадоний (ваф. 203/819 й.) ва Муҳаммад ибн Исмоил ибн Аби Фадйик (ваф. 200/816 й.) лар ҳадис илмидан устозлари саналади. Яна олим Али ибн Осим Воситий, Муҳаммад бин Бишр ал-Абдий, Ибн Абу Фудайк, Язид бин

¹ Араб адабиётларида “Кассий”, “Кашший” шакллари ҳам учрайди.

² Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Байрут: 1884 – Ж. XII. – Б. 235.

³ Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмоил ибн Халфун. Ал-Муъламу би шуйухил Бухорий ва Муслим. – Байрут: Дор а-кутуб ал-илмий, (йили кўрсатилмаган) – Б. 422. (Бундан кейин: Ал-Муъламу би шуйухил Бухорий ва Муслим.)

Ҳорун, Яҳё ибн Одам, Абу Али Ҳанафий, Абу Довуд ал-Ҳафарий, Абдураззоқ, Жаъфар ибн Аун, Абу Усома, Абу Довуд Таёлисий ва Абу Бадр Сақуни, Абдурахмон бин Абдуллоҳ ал-Даштаки, Салм бин Қутайба, Абдуллоҳ бин Бакр, Умар бин Юнус ал-Ямомий, ал-Вокидий ва бошқа кўплаб ровийлардан ҳадис ривоят қилган⁴.

Аллома ўз даврида тўрт улуғ муҳаддис – Имом Бухорий, Имом Доримий, Имом Термизий ва Имом Муслимларга устозлик қилган⁵. Муслим ундан “Иймон”, “Таҳорат”, “Намоз”, “Закот”, “Рўза”, “Ҳаж”, “Никоҳ”, “Савдо-сотик”, “Фароиз” каби бир неча мавзулардаги бобларида ривоят қилган⁶.

Шунингдек, ундан ўғли Муҳаммад, Бакр ибн Марзубон, Шурайх ибн Абу Абдуллоҳ ан-Насафий аз-Зоҳид, Маккий ибн Нух ал-Мукрий, Умар бин Муҳаммад бин Бужайр, Муҳаммад бин Абд бин Омир Самарқандий, Иброҳим ибн Ҳузайм Шоший, Абу Муоз Аббос ибн Идрис Кассий, Абу Саид Ҳотим ибн Ҳасан Шоший, Ҳасан ибн Фадл, Абу Умар Ҳафс ибн Бухош, Салмон ибн Исроил ибн Жобир Хожанди каби кўплаб олимлар ундан ҳадис ривоят қилган⁷.

Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий Хуросонда ҳадис илмига асос солиб илк “Муснад” асарини тасниф этган бўлса, Мовароуннаҳр ҳудудида Абдулҳамид Кеший биринчилардан бўлиб “Муснади Абд” китобини ёзган.

Аллома Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан дастлабки муҳаддис ва муфассирлардан бири бўлиб, “Китоб ала ал-хуруф ва ал-муъжам”, “Ат-Тасарруф”, “Китоб фаъалту ва афъалту”, “Тафсири Абд ибн Ҳумайд”, “Сулосиёт Абд ибн Ҳумайд Кеший”, “Муснади Абд ибн Ҳумайд” ва “Аъволий мин Муснади Абд” асарларини ёзган. Булардан “Тафсири Абд ибн Ҳумайд”, “Сулосиёт Абд ибн Ҳумайд Кеший” ва “Муснади Абд ибн Ҳумайд” каби асарлари ҳозирги кунгача етиб келган⁸.

⁴ Ал-Муъламу би шуйухил Бухорий ва Муслим. – Б. 423.

⁵ Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006. – Ж. IX. – Б. 563-564. (Бундан кейин: Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало.); Заҳабий Шамсуддин. Тарих ал-ислом. – Байрут: 1884. – Ж. 5. – Б. 91.

⁶ Ал-Муъламу би шуйухил Бухорий ва Муслим. – Б. 423.

⁷ Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Байрут: 1884 – Ж. 12. – Б. 235-236.

⁸ Умаров Ш.Х. Абдулҳамид Кеший илмий меросининг VIII-IX асрлар Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожигаги ўрни. т.ф.ф.д. дис. автореферати. – Т.: 2019. – Б. 19-20.

“Муснади Абд” асари “ас-Самония ал-комилот” (Саккиз мукаммал муснад) деб аталган муснад асарлари сифатида эътироф этилиб, “Тафсири Абд” асари ҳам ўрта асрларда тасниф этилган тўрт машхур тафсир асарларидан бири сифатида қайд этилган⁹. Унинг “Муснади Абд” ва “Тафсири Абд” асарларида келган ҳадислардан жуда кўп алломалар асосий манба сифатида кенг фойдаланган.

Муҳаддис вафот этган санаси тўғрисида олимлар ихтилоф қилишган. Айримлар уни 247/861 йил деса, баъзилар 249/863 йилни қайд этишади¹⁰.

Аҳмад ибн Али ибн Муслим Абул Аббос ан-Нахшабий

Аҳмад ибн Али (207/822-290/903 йй.) “Аббор” номи билан танилган. Балх, Хуросон, Бағдод, Шом шаҳарларида яшаган. У ҳофиз муҳаддислардан саналган. Имом Доракутний ва бошқа олимлар унинг ишончли ровий эканига иттифоқ қилишган.

Муҳаммад ибн ал-Минҳол, Али ибн Жаъд, Умайя ибн Бистом, Худба, Иброҳим ибн Хишом ал-Ғассоний, Яҳё ал-Химмоний, Али ибн Усмон ал-Лоҳиқий, Шайбон ибн Фаррух, Хишом ибн Аммор, Аббос ибн Валид, Маҳмуд ибн Ғийлон, Али ибн Ҳажар, Абу Қудома ас-Сарахсий ва бошқалардан (Шом, Ироқ, Хуросон аҳлларида) ҳадис ривоят қилган.

Ундан Абул Аббос Саррож ан-Найсабурий, Яҳё ибн Муҳаммад ибн Соид, Исмоил ибн Али, Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳакам ал-Воситий, Аҳмад ибн Жаъфар, Абу Бакр Наҷжод, Даълаж ас-Сижзий, Абу Саҳл ибн Зиёд, Жаъфар Хулдийлар ривоят қилган¹¹. Ҳадис ва тарих илмларига оид асарлари бор¹². Муҳаддис 290/903 йил 15 шавбон ойи чоршанба куни вафот этади.

⁹ Ибн Ҳажар Аскалоний. Муталибу-л-алия би-з-заводи-л-масониди-с-самония. – Саудия Арабистони: Дору-л-ғойс, 1997. – Б. 47.; Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Исмоил Бувсирий. Итҳофу-л-хойрати-л-маҳара би-з-заводи-л-масониди-л-ашъара. – Риёз: Мактабатур-Рушд, 1997. – Ж. 1. – Б. 34.

¹⁰ Ал-Муъламу би шуйхил Бухорий ва Муслим. – Б. 423.; Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Байрут: 1884 – Ж. 12. – Б. 236.

¹¹ Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. Ж. 5. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2004. – Б. 64.

¹² Жалолиддин Абдурахмон ибн Абу Бакр Суютий. Табакотул хуффоъ. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1994. – Б. 284-285.; Хайриддин аз-Зириклий. Ал-Аълам. – Ж. 1. – Байрут: Дор ал-илм ал-малайин, 2002. – Б. 170. (Бундан кейин: Зириклий. Ал-Аълам.)

Абу Мутиъ Макхул ал-Фазл ан-Насафий

Абу Мутиъ Макхул ал-Фазл ан-Насафий ҳофиз, фақиҳ, муҳаддис, мутакаллим ва мутасаввиф сифатида танилган. Макхул Довуд аз-Зоҳирӣ, Абу Исо Термизӣ, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал, Муҳаммад ибн Айюб каби кўплаб инсонлардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил, Жаъфар ал-Мустафӣрийдлар ривоят қилишган¹³.

Алломанинг фикҳга оид “Китабуш-Шуъо” (Ёғду) ва одоб-ахлоқ, панд-насиҳатлардан иборат бўлган “Китабу-л-луълиёт фил-мавоъиз” (Мавъизалар бўйича жавоҳирлар) асарлари бор¹⁴. Яна “Китаб фит-тасаввуф” (Тасаввуф ҳақида китоб) ва “Китабур-радд ьала аҳлал-бидъа вал-аҳва” (Бидъат аҳли ва ҳавоийларга раддия китоби), номли асарлари борлигини тадқиқотчилар санаб ўтишган. Турк олими Фуад Сезгин “Китаб фи фазли субҳан Аллоҳ” номли асарни ҳам унга тегишли деб ҳисоблайди¹⁵.

Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий Яҳё ибн Муъиннинг (в. 258/871 й.) шогирди бўлган ва карромия йўналишининг асосчиси Абу Жаҳм Муҳаммад ибн Карром (в. 255/869 й.) билан бир даврда яшаган¹⁶. Насафий ўз даврида калом илми ривожига асосий ўринлардан бирини эгаллаган. Чунки у яшаган даврда ўзларининг ботил ғояларини тарғиб қилган турли-туман диний гуруҳлар ва оқимлар фаолият кўрсатиб, ислом динига катта зарар етказган. Макхул Насафий уларга қарши курашиб, оқимларнинг ботил фикрларига раддиялар ёзган. Унинг “Китоб ар-радд” асари орқали эса ўша даврда пайдо бўлиб фаолият кўрсатган кўплаб диний оқимлар ва фирқалар ҳақида маълумот олиш мумкин.

Манбаларда унинг 318/930 йилда вафот этгани қайд этилган¹⁷.

¹³ Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Ж. XI. – Б. 364.

¹⁴ Зириклий. Ал-Аълам. – Ж. VII. – Б. 284.

¹⁵ Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий. Аъламул-ахёр. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 2929. – В. 132а.; (Бундан кейин: Кафавий. Аъламул-ахёр.) Уватов У. Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий / Буюк юрт алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 199-200.

¹⁶ Броккельман. GAL. S. – Ж. I. Б. 357, 358; Яна қаранг: Массиньон Л. Essai. – Б. 241.

¹⁷ Зириклий. Ал-Аълам. – Ж. VII. – Б. 284.

Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ан-Насафий

Тўлиқ исми Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Муътаззи ибн Муҳаммад ибн Мустағфир ибн Фатҳ ибн Идрис ал-Мустағфирий ан-Насафий¹⁸ милодий 351/962 йили Насаф шаҳрида туғилган. У тарихчи, адиб, тилшунос, муҳаддис ва фақиҳ бўлиб, кенг қамровли билим соҳиби эди. Абул Аббос Жаъфар ан-Насафий Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарлари бўйлаб кўплаб сафарлар қилган, Марв, Сарахс, Нишопур, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида яшаган. 377/987 йилда Насафнинг жоме масжидида ваъз ўқиган. Умрининг охирларида эса Насафнинг бош воизи вазифасини бажарган.

У ўз замонасида Мовароуннаҳрда машҳур бўлган. Фикҳ илмини шайх, кози, Абу Али Ҳусайн ибн Хизр Насафийдан илм олган. Насафда Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободий ва Абу Муҳаммад Розийдан, Бухорода Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Гунжор ал-Ҳофиздан, Марвда Абул Ҳайсам Муҳаммад¹⁹, Зоҳир ибн Аҳмад Сарахсий, Иброҳим ибн Лукмон, Али ибн Муҳаммад ибн Саъид Сарахсий, Жаъфар ибн Муҳаммад Бухорий ва бошқа кўп олимлардан таҳсил олиб ҳадис ривоят қилган²⁰.

Ундан кози Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдулжаббор ас-Самъоний ва Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Аҳмад ас-Самарқандий, Абу Али Ҳасан ибн Абдулмалик, Абу Наср Аҳмад ибн Жаъфар Косоний, Исмоил ибн Муҳаммад Нуҳий ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган²¹.

Олимларнинг таъкидлашича, ўз даврида Мовароуннаҳрда бу инсондек ҳадис жамловчи, тасниф қилувчи ҳамда ҳадисларни яхши тушунувчи муҳаддис бўлмаган.

Олим турли мавзулардаги 10 дан ортиқ китоб, жумладан, “Насаф ва Кеш тарихи” номли икки жилдли муфасссал асар ёзган. Бу китоб бизгача етиб келмаган. Самъоний ўз асарини ёзишда “Насаф ва Кеш тарихи” китобидан унумли фойдаланган, ундан парчалар келтирган.

¹⁸ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. Ж. XIII. – Байрут: Муассасат ар-рисала, 1996. – Б. 217. (Бундан кейин: Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало.)

¹⁹ Абдулҳай Лакнавий. Ал-фавоиду-л-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя. – Қоҳира: Дорул китаб ал-исламий, (йили кўрсатилмаган) – Б.57. (Бундан кейин: Лакнавий. Ал-фавоиду-л-баҳийя.)

²⁰ Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. – Б. 218.

²¹ Кафавий. Аълам-ул-ахёр. – В. 137^б-139^а; Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. – Б. 218.

Унинг яна “Маърифат ас-саҳоба”, “ад-Даъавот”, “Далоил ан-нубувва”, “Фазоил ал-Қуръан”, “аш-Шамоил”, “Хутба ан-набий”, “ат-Тиб”, “Тарихи Насаф ва Кеш” ва бошқа асарлари бор²².

Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад 432/1041 йилнинг жумодул аввал ойида Насафда вафот этган. Қабри Насафнинг водий томонида²³.

Қози Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Мансур Насафий

Шамсул аимма Ҳалвоийдан илм олиб, ривоят қилган. У амолий ровийларидан бири эди. Шунингдек, “Амолий” китобларидан биттаси ундан ривоят қилинган.

Фикҳда устозлари силсиласи куйидагича: Абу Али Ҳусайн ибн Хизр Насафий – Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл – Абдуллоҳ Субазмуний – Абу Ҳафс Сағир Бухорий – Абу Ҳафс Кабир Бухорий – Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний – Абу Ҳанифа.

Ундан шайх, зоҳид, қози, имом Ҳусайн ибн Али Абулқосим Ломиший илм олган ва ҳадис ривоят қилган. Олим 481/1088 йил вафот этган²⁴.

Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавий

Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим ибн Мусо ибн Мужоҳид Паздавий 421/1030 йилда ҳозирги Қашқадарё вилоятининг Касби тумани ҳудудидаги Пазда (Кўҳна Фазли) қўрғонида таваллуд топган. Унга берилган “Паздавий” нисбаси ҳам ўша “Пазда” ёки “Базда” деган қўрғон номидан олинган.

У бошланғич илмини Абул Ҳасан Муҳаммад Паздавийдан олган. Сўнгра Исмоил ибн Абдуссодик, Абу Яъқуб Юсуф ибн Мансур Сайёрий, Яъқуб ибн Юсуф ибн Муҳаммад Найсабурий ва Шайх Имом Абул Ҳаттоблардан илм ўрганган. Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалий, Абд ибн Ҳумайд Кеший ва Абу Мансур Мотуридий тафсириларига таянган

²² Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. – Б. 218.

²³ Қафавий. Аъламул-ахёр. – В. 138^а.

²⁴ Қафавий. Аъламул-ахёр. – В. 150^б; Лакнавий. Ал-фавоиду-л-баҳийя. – Б.67.

холда ижод қилган. Ҳадисда эса саҳиҳ ҳадислар ва Абу Довуднинг “Сунан” асаридан фойдаланган.

Паздавий устози Абу Яъқуб Найсабурий Ҳоким Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Мансур Навқадийдан Абулқосим Саффорнинг “ал-Мухталаф” номли китобини ривоят қилган.

Абул Юср Паздавийдан Абул Муин Насафий, Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий, ўғли Қози Абул Маолий Аҳмад, Усмон ибн Али Пойкандий, Аҳмад ибн Наср Бухорий, Муҳаммад ибн Абу Бакр Синжий, Абу Ражо Муҳаммад ибн Муҳаммад, Рукнул аимма Абдулкарим ибн Муҳаммад Санобий (ёки Сабоъий) Маданий, Муҳаммад ибн Тохир Самарқандий ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ҳулабийлар таҳсил олишган²⁵.

Паздавий Мовароуннаҳрда, айниқса Бухорода ҳанафий мазҳаби ҳамда мотуридийя калом мактабининг ривожланишида улкан хизмат кўрсатган олим ҳисобланади. Унинг пойтахт ҳисобланган Самарқандга кўчиб келиши ҳам, ҳанафий таълимоти ривожланишига сезиларли таъсир қилади. Олим Самарқандда “Қозийул-қузот” унвонига эришади.

Салжукийлардан Маликшоҳнинг Мовароуннаҳрга қарши юриши натижасида (481/1088-89й.) алломанинг Самарқанддаги муваффақият-ли фаолиятларига якун ясалади. Айнан шу ҳолат алломанинг акаси Али Паздавийда ҳам кузатилиб, у Кешга сургун қилинади ва ўша ерда вафот этади. Абул Юср Паздавий ва Абул Муъин Насафий ўз оилалари ва шогирдлари билан Бухорога кўчиб ўтишга мажбур бўладилар. Бу икки алломанинг, айниқса, уларнинг шогирди Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аҳмад Самарқандийнинг (в. 539/1144-45й.) Бухорога кўчиб ўтишлари у ерда мутакаллим олимлар орасида Мотуридий таълимотининг кенг ёйилишида ўзининг катта таъсирини кўрсатади²⁶.

Паздавий Муҳаммад Шайбонийнинг “Ал-жомеъ ас-сағир” асарида “Ал-мураттаб” номли ҳошия, “ал-Воқеот”, “ал-Мабсут”, ақоид илмига оид “Усулу-д-дин” каби асарлари бор²⁷. Паздавийнинг асарлари

²⁵ Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Ж. XIX. – Б. 49.

²⁶ Қаранг: Шовкатов Ш.Ш. Абу ал-Юср Паздавий илмий меросини ўрганишнинг методологик асослари // Eurasian journal of academic research. Volume 2 Issue13, December 2022. – Б. 1595-1604.

²⁷ Ибн Қутлубуго. Тожут-тарожим. – Б. 191.; Ҳожи Халифа. Кашфуз-зунун. – Ж. II. – Б. 538.

орасида унинг “Усулуд-дин” асари аҳамиятли ҳисобланади. 96 масаладан ташкил топган мазкур асар мазмун ва моҳиятидан аҳли сунна вал-жамоъа йўналиши ва мотуридийа мактаби фикрларининг бутун моҳиятини очиб бериш ва Мовароуннаҳрда тарқалган “Аҳлуз-зайғ вал бидъа” асари таъсирини камайтириш учун ёзилган.

Паздавий “Усулуд-дин” асарининг бошида таъкидлашича, самарқандлик бир қанча олимлар ҳам шу мақсадда асарлар ёзган. Лекин Паздавий ушбу асарлардан унчалик кўнгли тўлмаганлиги учун мазкур асарни ёзишга қарор қилган.

Абул Юср Паздавий 493/1099 йилда Бухорода вафот этган²⁸.

Абул Муъин Насафий

Абул Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муътаמיד ибн Муҳаммад ибн Макхул ибн ал-Фадл ан-Насафий ал-Макхулий бўлиб, “ал-Макхулий” нисбаси билан ҳам аталган. Алломанинг таваллуд топган ва вафот этган йиллари ҳақида бир қанча ихтилофлар мавжуд. Жумладан, тадқиқотларда унинг туғилган йилини 418/1027, 438/1046 ёки 417/1026 йилда деб кўрсатилади²⁹.

У дастлабки илмларини ўз оиласида, яъни боболари ва отасидан олган. Бобоси Муътаמיד ибн Макхул Насафий ҳанафий олимлари орасида машҳур бўлган. Абул Муъин Насафийнинг отасидан Абу Ҳанифанинг “Ал-олим вал мутааллим” китобини ривоят қилган. Кейинчалик эса Абул Юср Паздавийга шогирд бўлади. Дастлабки таълимни она шаҳри Насафдан олиб бўлгач, илм-фаннинг йирик марказларидан ҳисобланган Самарқандга кўчиб ўтади. Сўнгра сиёсий вазиятлар таъсири остида Самарқанддан Бухорога боради. Тарихчи олим С.Оқилов Насафий “Табсиратул-адилла” асарини 500/1106 йили Бухорода ёзиб тугатганидан, у Бухорода анча вақт муқим қолган деган хулосага келган. Ҳаётининг сўнгги йилларини эса она юрти Насафда ўтказган. Унинг илмий фаолияти давомида бошқа ўлкаларга сафар

²⁸ Самъоний. Ансоб. – Ж. I. – Б. 78.; Ибн Қутлубуғо. Тожу-т-тарожим. – Б. 191.

²⁹ Зириклий. Ал-Аълам. – Ж. VII. – Б. 341.; Насафий Абул Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Табсиратул адилла фи усулид-дин / Ҳ. Отай нашри. – Анкара: 1993. Ж. I. – Б. 7.; Язичиўғли М. Yazicioglu M. S. Maturidi kelam ekolu'nun iki buyuk simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l - Mu'in Nese'fi // Ankara universitesi basimevi. – Анкара: 1985. – Б. 289.

қилганлиги манбаларда деярли учрамаса-да, алломанинг “ат-Тамҳид ли қоваидит-тавҳид” асари ношири Жибуллоҳ Ҳасан Аҳмаднинг маълумот беришича, Насафий Дамашқда Али ибн Ҳусайн Муҳаммад ал-Балхий ас-Сақалқандийга ҳадис илмидан сабоқ берган³⁰.

Абул Муъин Насафий илмий-маънавий меросини ўрганган тадқиқотчилар унинг ижодига юксак баҳо берганлар ва Мотуридийдан кейин ушбу мактаб тақдирининг ҳал қилинишида бекиёс хизмат кўрсатган мутакаллим олим сифатида эътироф этганлар.

У нафақат калом илмининг алломаси, балки ўз даврининг фақиҳи ва усулчи олими сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Масалан, ундан Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ас-Самарқандий фикҳ илмини ўрганган³¹. Яна Бурҳониддин Марғиноний ҳам алломанинг “Табсиратул-адилла” асарини ривоят қилган.

Абул Муъин Насафий кўплаб шогирдларни тарбиялаган бўлиб, улар: Абу Бакр Алоуддин Самарқандий, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абул Юср Паздавий, Абу Бакр Масъуд Кошоний, Нажмиддин Умар Насафий, Абул Ҳасан Балхий, Маҳмуд ас-Соғарчи, Абул Фатҳ Халамий ва бошқалар.

Абу Муъин Насафий ҳаёти давомида мўтазилия, карромия, жаҳмия ва ботинийлар каби фирқаларга раддиялар берган. Унинг “Табсиратул-адилла фи илмил-калом” (“Калом илмидаги далиллар кўзгуси”), “Ат-Тамҳид ли қоваидит-тавҳид фий илмил-калом” (“Калом илмидаги тавҳид қоидалар учун ягона китоб”), “Баҳрул-калом” (Калом илми уммони), “Муътақадот” (Эътиқодлар) ва бошқа асарлари мавжуд.

Аллома 508/1114 йил зулҳижжа ойининг 25 куни (21 май) вафот этган.

Нажмиддин Абу Ҳафс Насафий

Тўлиқ исми манбаларда Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон

³⁰ Оқилов С. Абулмуин Насафий ва унинг мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси (“Табсирату-л-адилла” асари асосида): тарих фанлари номзодлик дисс. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – Б. 51.

³¹ Лакнавий. Ал-фавоиду-л-бахийя. – Б. 216.

ан-Насафий ас-Самарқандий ал-Ҳофиз ал-Фақиҳ аз-Зоҳид ал-Ҳанафий тарзида келтирилади³². Аммо баъзан Насафнинг қадимий номи Нахшабга нисбат берилиб, муаллифнинг исм-нисбаси ан-Насафий ўрнига ан-Нахшабий шаклида ҳам учрайди³³. Асли насафлик бўлиб, умрининг асосий қисмини Самарқандда ўтказгани учун унга «ан-Насафий сумма ас-Самарқандий» («насафлик», сўнгра “самарқандлик”) исми-нисбалари ишлатилган. Асосан, мутафаккир илм оламида Абу Ҳафс ан-Насафий номи билан машҳурдир.

Абу Ҳафс Насафийнинг туғилган йили хусусида турлича фикрлар мавжуд бўлиб, 460/1068, 461/1069 ёки 462/1070 йилларда таваллуд топган дея кўрсатилган.

Абу Ҳафс Насафий ҳақида кўплаб табақот жанрида ёзилган китобларда хабар берилади. Унинг ҳаёти ҳақида илк маълумотни унинг кейинги давр замондоши Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний ал-Марвазий (ваф. 1167 й.) беради. Масалан, Абу Саъд ас-Самъоний ўзининг «Китоб ал-ансоб» асарида Абу Ҳафснинг номи 27 ерда зикр этган³⁴.

Абу Ҳафс ан-Насафий ҳадисга оид дастлабки илмларни насафлик муҳаддислардан олган. Унинг ҳадис илми бўйича илк устози муҳаддис Абул Аббос ал-Мустаффирийнинг набираси ҳофиз Абу Ражо Қутайба ал-Усманий ан-Насафий (ваф. 473/1081)дир. Абу Ражо Насафдаги «Боб ал-мақсура» номли жойда жума масжидида талабаларга ҳадис имло қилдирган вақтда, ёш Абу Ҳафс Насафий ҳам биринчи маротаба ҳадисларни хатга тушира бошлаган. Кейинчалик, аллома Насафда кўзга кўринган муҳаддис Абу Бакр Муҳаммад ал-Баладий Насафийдан ҳам кўплаб ҳадислар ўрганганини ўзининг “Матлаъ ан-нуҷум” тўпламида эслатиб ўтади³⁵.

³² Лакнавий. Ал-фавоиду-л-баҳийя. – Б.150.; Зайниддин Қосим ибн Қутлубуға. Тожу-т-тарожим фи табақоти-л-ҳанафия. – Байрут: Дорул қалам, 1992. – Б. 219. (Бундан кейин: Ибн Қутлубуға. Тожу-т-тарожим.)

³³ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Ал-Ансоб. – Ж. II. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998. – Б. 374. (Бундан кейин: Ал-Ансоб.)

³⁴ Раҳимджанов Д. А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-Қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. т.ф.н. дисс... – Т.: 2003. – Б. 11.

³⁵ Муҳаммадаминов С.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матлаъ ан-нуҷум ва мажмаъ ал-‘улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожига тутган ўрни. т.ф.н. дисс... – Т.: 2012. – Б. 32.

Олим бошланғич таҳсилни Насафда олиб, билим олишни Самарқандда давом эттирган ва умрининг асосий, ижодий қисмини Самарқандда ўтказган. Абу Ҳафсининг яна Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад Насафий Касбавий (ваф. 1092 й.), Абу Али ал-Ҳасан ибн Абдулмалик Насафий, Муҳаммад ибн Аҳмад Моймарғий Насафий (XI аср), Абу Муҳаммад Исмоил ибн Муҳаммад Нухий ан-Насафий (ваф. 1089 й.), Абу Ҳомид Аҳмад ибн Ҳамза, Абу Наср Аҳмад ибн Тохир (ваф. 523/1129 й.), Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Насафий, Абу Али Бакр ибн Абдуллоҳ, Абу Ҳафс Умар ибн Абул Ҳорис ибн Абдуллоҳ каби кўплаб олимлардан илм олиб, ҳадис ривоят қилган³⁶. Улар орасида ан-Нухий сулоласи вакиллари алоҳида ажратиб кўрсатмоқ лозим.

Абу Ҳафс Насафий 477-492/1085-1099 ва 507-508/1113-14 йиллар Бағдодда бўлади ва у ерда бир қанча бағдодлик уламолардан, жумладан, Абул Ҳасан Али ал-Баззоз Бағдодий (ваф. 492/1099 й.), Абул Ғаноим Муҳаммад Бағдодий (ваф. 517/1123 й.), Абул Қосим ибн Баён (т. 461/1069 й.), Ал-Ҳофиз Абул Қосим Исмоил аш-Ашъас (ваф. 536/1142 й.)лардан ҳадис илмидан дарс олган³⁷. 1113-14 йили ҳаж амалини бажариш мақсадида Бағдод орқали Маккага сафар қилганда Бағдодда Абул Аббос Муҳаммад ибн Юнус ал-Кудаймий ва Сарахсда Абул Фадл Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Соифийдан ҳадис эшитган.

Муаллиф Бухорога бориб, Саид ибн Муҳаммад ал-Хоразмийдан фикҳ илмини ўрганган. Абдулҳай Лакнавий (1264/1848-1304/1886 й.)нинг келтиришича, Садрул ислом Абул Юср Муҳаммад Паздавий ва Ато ибн Ҳамза ас-Сўғдийлар ҳам унинг фикҳ илмидан устози бўлган³⁸.

Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий (ваф. 990/1582 й.) Нажмиддин Насафий устозларининг бир неча силсиласини санаб ўтади. Улар қуйидагилар:

1. Садрул ислом Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавий – Абу Яъқуб Юсуф ибн Мансур ас-Сайёрий – Абу Исҳоқ ал-Ҳоким Навқадий – Абу

³⁶ Ансоб. – Ж. III. 105, VI. – Б. 40, 232; XII. – Б. 526.

³⁷ Муҳаммад Ҳифзуллаҳом ал-Кумиллоий. Ал-будурул мудийя фи тарожимил ханафийя. – Бангладеш: Дорус-солих, 2018. – Ж. XII. – Б. 393.; Ансоб. Ж. III. – Б. 105.

³⁸ Кафавий. Аъламул-ахёр. – В. 169^б; Лакнавий. Ал-фавоиду-л-бахийя. – Б.149.

Жаъфар Ҳиндувоний – Абу Бакр ал-Аъмаш (Муҳаммад ибн Саъид) – Абу Бакр ал-Искоф – Муҳаммад ибн Салама – Абу Сулаймон Жузжоний – Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний – Абу Ҳанифа³⁹.

2. Кичик силсиласи: Наср ибн Яҳё – Абдулкарим ибн Муҳаммад Сибогий⁴⁰ – Садрул ислом Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавий – Исмоил ибн Абдуссодиқ – Абдулкарим Паздавий – Абу Мансур Мотуридий – Абу Бакр Жузжоний⁴¹ – Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний – Абу Ҳанифа.

3. “Ҳидоя” соҳиби Нажмиддин Умарнинг куйидаги гапларини келтиради: “Мен ҳадисни 550⁴² та шайхдан ривоят қилдим. Абу Муҳаммад Исмоил ибн Муҳаммад Нухий Насафий – Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад Мустағфирий – Қози Ҳусайн ибн Хизр Насафий – Абу Бакр Муҳаммад ибн Фадл – Абдуллоҳ Субазмунӣ – Абу Ҳафс Сағир Бухорий – Абу Ҳафс Кабир Бухорий – Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний – Абу Ҳанифадан эшитдим”⁴³.

Кафавийнинг юкорида санаб ўтган силсилаларини инобатга оладиган бўлсак, Абу Ҳафс Насафий устозлари силсиласи Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг икки улуг шогирдларидан, Самарқанд ва Бухоро фикҳ (ақида ҳам) мактаби асосчиларидан бўлган Абу Сулаймон Жузжоний ва Абу Ҳафс Кабир Бухорийларга бориб етади.

Абу Ҳафс ўзи илм толибларига Самарқанд масжид ва мадрасаларида дарс берган. Насафий ҳадис илмининг билимдони бўлиб, унга “ал-Ҳофиз” нисбаси берилган. *Ҳофиз* даражасига эришган муҳаддислар 20 минг ва ундан ортиқ ҳадисларни матн ва иснодлари билан тўлиқ ёд билганлар. Тадқиқотчи С.Муҳаммадаминовнинг ёзишича, Абу Ҳафс Насафий Мовароуннаҳрда ўз даврининг энг катта ўқув даргоҳларидан бири бўлган Табғочхон мадрасасида талабаларга дарс берган. Шунингдек, ан-Насафий Самарқанднинг “Сиккат ал-лаббо-

³⁹ Кафавий. Аъламул-ахёр. – В. 169^б-170^а.; Алоуддин Самарқандий. Мийзанул-усул фи натоижил-укул. – Қатар: Матобий ад-Духа ал-ҳадийса, 1984. – Б. 24-25.

⁴⁰ Наср ибн Яҳё ва Абдулкарим Сибогийлар Нажмиддин Насафий билан бир замонда яшаб, учаласи ҳам бир устоздан таълим олган бўлиши мумкин. (Л.А.)

⁴¹ Абу Бакр Жузжоний(ваф. 267/881 й.) Муҳаммад ибн Ҳасан(ваф. 189/804 й.)нинг шогирди Абу Сулаймон Жузжоний(ваф. тахм. 225/840 й.)дан таҳсил олган. Ушбу силсила халқасида битта узилиш бор. (Л.А.)

⁴² Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999. – Б. 16.; Кафавий. Аъламул-ахёр. – В. 170^а.

⁴³ Кафавий. Аъламул-ахёр. – В. 170^а.

дин” (“Кигиз босувчилар”) гузарида жойлашган ўзининг ташаббуси билан ташкил қилинган масжидида талабаларга турли фанлардан машғулотлар ўтказган⁴⁴.

Абу Ҳафсдан Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Али ан-Насафий, Абул Қосим Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Насафий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан Насафий, Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Аҳмад ас-Самарқандий, Абу Наср Аҳмад ибн Абдурахмон Ригдамуний, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Нурбаштийлар таҳсил олиб, ҳадис эшитишган⁴⁵. Ўғли Абул Лайс Аҳмад ибн Умар ҳам унинг ишини давом эттирган шогирдларидан саналади.

Абу Ҳафс ан-Насафий ўздан кейин бой илмий мерос қолдирган. Унинг 100 дан ортиқ асар ёзганини олимлар қайд қилиб ўтган⁴⁶. Мазкур асарлар фикҳ, ҳадис, тафсир, адабиёт каби ислом илмларига таллуқли бўлиб, уларнинг аксарияти бизнинг давримизгача етиб келмаган.

Ҳадис илмига оид “ан-Нажоҳ фи шарҳ ахбор китоб ас-сиҳоҳ” (Саҳиҳ китобидаги хабарларни шарҳлаш бўйича эришилган ютуқ), “Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд” (Самарқанд уламоларининг билиш ҳақидаги қанд китоби), “ал-Йавокит фил мавокит” (Вақтлар хусусида ёкутлар), *Қуръон илмларига* оид – “ат-Тайсир фи-т-тафсир” (Тафсирни енгиллатувчи), форс тилида ёзилган “Тафсири Насафий”, “ал-Хат фил-қироъа”, “Китоб зиллат ал-қори” (Қорининг хатоси), “Рисола фи анва хато ал-қори” (Қорилар томонидан йўл қўйилган хатолар турлари ҳақида), *фикҳ илмига* оид “Шарҳ усул ли Кархий”, “ал-Манзума ал-насафийа фил хилофиёт” (Ихтилофли фикрлар ҳақида ан-Насафийнинг манзумаси), “Тилбат ат-талаба” (Талабаларнинг талаби), “Машориъ аш-шароъи”, *адабиёт ва араб тили грамматикасига* доир “Ужолат ан-Нахшабий ли дайфиҳил-Мағрибий” (ан-Нахшабийнинг ўз меҳмони ал-Мағрибийга),

⁴⁴ Муҳаммадаминов С.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожига тугган ўрни. т.ф.н. дисс... – Т.: 2012. – Б. 36.

⁴⁵ Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999. – Б. 20.

⁴⁶ Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Ж. XIV. – Б. 494.; Ибн Қутлубуға. Тожу-т-тарожим. – Б. 220.

“Китоб ал-ашъор тақдири ал-ишъор” (Шеърларни кадрлашда хабар бериш китоби), *ақоид илмига* оид “Ақоид” каби кўплаб асарлари бор.

Унинг асарлари ўз даврида ва ундан кейинги даврларда ҳам таълим муассасаларида дарслик сифатида ўқитилган.

ЎЗР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган «Матлаъ ан-нужум ва-мажмаъ ал-булум» номли катта ҳажмдаги қомусий нодир қўлёзмада 57 та асар киритилган бўлиб, уларнинг бир қисми Абу Ҳафс Насафий қаламига мансуб. Бошқа қисми эса турли муаллифларга оид асарлардан ҳисобланади.

Абу Ҳафс Насафий 537/1142 йил Самарқандда вафот этади ва шу ердаги Чокардиза қабристонида, Имом ал-худо Абу Мансур Мотуридий ёнига дафн этилади⁴⁷.

Имом Аҳмад ибн Мусо ал-Кашший

Имом Аҳмад ибн Мусо ибн Исо ибн Маъмун ал-Кашший (ваф. 550/1155 й.). Кунyasi – Абул Аббос. Фақиҳ. Нажмиддин Насафийдан илм олган. Кўплаб олимлар унинг асаридан иқтибослар олишган. Фикҳ илмига доир “Мажмуъ ан-навозил вал-ҳаводис вал-воқеъот” асари бор⁴⁸.

Абу Шакур Солимиий Кеший

Абу Шакур Солимиий Кешийнинг (XI аср) ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида биографик манбаларда маълумотлар жуда оз учрайди.

Абу Шакур Солимиий Кешийнинг тўлиқ исми – Абу Шакур Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ас-Саъид ибн Шуайб ал-Кеший ас-Солимиий ал-Ҳанафий ал-Кашфийдир. “Кеший” нисбаси туғилиб ўсган жойи қадимги Кеш шаҳрига нисбатан берилган, баъзи араб манбаларида “Кашший” ёки “Кассий” тарзида берилган. У “ал-Мухтадий (тўғри йўлда юрувчи)” номи билан ҳам аталган. Яна “ас-Солимиий” ва “Солимиий Тамҳидида” деган нисбалар билан аталган.

⁴⁷ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Ат-таҳбиър фил муъжамил кабийр. – Ж. 1. – Бағдод: Риасат диван ал-авкоф, 1975. – Б. 529.; Қанд. 1999. – Б. 20-21. 99.

⁴⁸ Кафавий. Аъламул-ахёр. – В. 202⁶; Ҳожи Халифа. Суллам ал-вусул ила табақот ал-фухул. – Ж. I. – Истанбул: Ирсика, 2010. – Б. 258.; Али Ризо Қорабулут. Муъжам ат-тарих ат-турос ал-исламий фи мактабаат ал-олам. – Ж. I. – Қайсарий: Дор ал-ақаба, – Б. 548.

Аллома 460-70/1068-1077 йилларда Шайх ал-ислом Имом Зоҳид Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳамза ибн Муҳаммад Хатиб Самарқандийдан (ваф. 491/1098) таълим олиб, унинг ҳузурида фақиҳлик даражасига етган.

Абу Шакур Солимиё Хуросонга сафар қилиб, Балх ва Марв шаҳарларида бўлган. Марвда шиа фирқаси вакиллари ва мажусийлар томонидан имтиҳон қилинган. Ўзи бу воқеани қуйидагича зикр этади: “Шиалардан бўлган бир қавм орасида синовга дучор бўлдим. Улардан бири мендан Пайғамбар (с.а.в.)дан кейин энг афзал киши кимлиги ҳақида сўради. Мен уларнинг зарар беришидан қўрқиб турар эдим. Кейин айтдим: “Саҳобалардан энг афзали Абу Бакр, аҳли байтдан Али ибн Абу Толибдир. Бу жавобимдан улар хурсанд бўлишди. Чунки Али ибн Абу Толибни саҳобалардан эмас, балки аҳли байтдан, аҳли байтни саҳобалардан афзал, деган маънода тушундилар. Мен эса Алини саҳобалардан ҳам, аҳли байтдан ҳам ҳисобланади ва Абу Бакр ундан афзал, халифалар аҳли байтдан афзал, деган маънода юқоридаги сўзни айтдим”. Бундан ташқари аллома Марвда билан ҳам мунозара қилганини айтади⁴⁹.

Абу Шакур Солимиё мотуридийлик ақида­сига оид “ат-Тамҳид фи баён ат-тавҳид (Тавҳид баёни ҳақида қўлланма)” ва “Китоб ал-Меърож” номли асарлари бор.

Абул Аббос Аҳмад ибн Мусо ибн Исо ибн Маъмун ал-Кашший (Кеший) ал-Ҳанафий (XII аср) Абу Ҳафс Насафийнинг эътироф этган шогирдларидан бўлиб, “Мажмуъ ал-ҳаводис ван-навозил вал-фатово вал-воқеъот” номли асар ёзган.

Мазкур асарнинг қўлёзма нусхалари дунё фондларида қўплаб сақланади. ЎЗР ФА Шарқшунос­лик институтида ҳам асарнинг 1091/1680 йил (ҳозирги) Истанбул шаҳрида қўчирилган 5861 рақамли нусхаси сақланмоқда. Қўлёзманинг қайд варағида муаллиф ҳақида маълумот берилган: “Таржимаи муаллиф марҳум: Шайхул имом Аҳмад ибн Мусо ал-Кеший соҳиби “Мажмуъ ан-навозил” фақиҳ,

⁴⁹ Примов С.У. Абу Шакур Кеший “Тамҳид” асарининг Мотуридия таълимоти ривож­ида тутган ўрни. Исломшунос­лик ф.ф.д. дисс... – Т.: 2021. – Б. 38-39.

мунозир, фозил, комил эди. Шайхул имом Нажмиддин Насафийдан илм ўрганган. Унинг асаридан Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшаний ўзининг “Фусул” китобида “Болиғ” ҳақидаги масаладан иқтибос келтирган. Сарахсий ҳам”⁵⁰.

Муаллиф муқаддимада асарини ибодат, тоат, намоз, закот, ҳаж, рўзалардан сўнгра муомалат ва уқубот масалаларида “Фатовойи Абу Лайс Самарқандий”, “Фатовойи Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл Бухорий”, “Фатовойи Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Шайхул имом Абу Ҳафс Кабир Бухорий”, “Воқеоти ан-Нотифий”, “Фатовойи Муҳаммад ибн ал-Валид ибн Валид Самарқандий”, “Ҳайратул фуқаҳо” каби кўплаб асарлардан фойдаланганини зикр этган.

Абул Баракот Насафий

Ҳофизиддин Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий исмидан кўра кўпроқ нисбаси, лақаби ва куняси билан машҳур. “Абул Баракот” олимнинг куняси бўлиб, бу ном билан ҳанафий олимларидан икки киши машҳур. Абул Баракот Насафий ҳамда Абул Баракот ибн Абул Ҳусайн ибн Нажиб Майдойиний⁵¹.

Абул Баракот Насафий туғилган йили ҳақида аниқ маълумот йўқ, бироқ Муҳаммад Шафиқ Гирболнинг “ал-Мавсуату-л-арабияту-л-муяссара” (“Арабий осон қомус”) асарида унинг таваллуди 629/1232 йил деб кўрсатилган⁵².

Ҳофизиддин Абул Баракот Насафий Насафда туғилган бўлса-да, Бухорода бошланғич таълимни эгаллайди. Олим кўплаб мамлакатларга саёҳат қилган, ҳамма жойда ўз билими билан обрў-эътибор топган. Бир муддат Кирмон шаҳридаги “ал-Қутбияту-с-султония” мадрасасида мударрислик қилган. Талабаларга Имом Мотуридий, Марғиноний ва ўз асарларидан сабоқ берган. Сўнгра Бағдодга келган.

⁵⁰ ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. Р: 5861. – В. 1^а.

⁵¹ Аминов Х., Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 326.

⁵² Қаранг: Муҳаммад Шафиқ Гирбол. Ал-Мавсуату-л-арабияту-л-муяссара. – Ж. II. Дару-л-жил вал-жамъияту-л-мисрия, 1995. – Б. 1833.

Бу даврда у дарс бериш билан бирга кўплаб машҳур олимларнинг асарларига шарҳлар ёзган⁵³.

Насафий “Шамсул аймма” (“Имомлар куёши”) унвонига сазовор бўлган машҳур олим Муҳаммад ибн Абдусаттор ибн Муҳаммад Кардарий⁵⁴, Али ибн Муҳаммад ибн Али Ҳамидулдин Зарир Ромиший Бухорий (ваф. 666/1268 й.), Хоҳарзода номи билан танилган Бадриддин Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулкарим Кардарий (ваф. 651/1253 й.)лардан илм олган⁵⁵. Аттобийдан “Зиёdot” асарини ривоят қилган⁵⁶.

Шу билан бир қаторда олим ўз замонасининг етук олимлари ҳисобланган кўплаб шоғирдларни етиштириб чиқарган. Жумладан, у “Ҳидоя”га шарҳ ёзган таниқли ҳанафий фақиҳ Ҳисомиддин Ҳусайн ибн Али ибн Ҳажжож Сиғнокий (ваф. 714/1315 й.), Маҳмуд ибн Аҳмад Деҳлавий, Ибн Соатий номи билан машҳур бўлган Музаффариддин Аҳмад ибн Али ибн Тағлиб (ваф. 694/1295 й.), Алоуддин Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Бухорий (ваф. 730/1330 й.) ҳамда Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Хожандий Кокий (ваф. 749/1349 й.) каби олимларнинг устози ҳисобланади⁵⁷.

Абдулҳай Лакнавий (1264/1848-1304/1886 йй.) Абул Баракот Насафийни: “У замонасида тенги йўқ комил имом, фикҳ ва усул етакчиси, ҳадис ва унинг маъноларида ўтқир олимдир”, Ибн Ҳажар Асқалоний (773/1371-852/1448 йй.) эса “ўз замонасининг алломаси”, дея тавсифлайди⁵⁸. Абул Баракот Насафийнинг ҳанафий мазҳабига асосланиб ёзган “Канзу-д-дақоик” (“Нозик масалалар ҳазинаси”), “ал-Вофий” (“Тўлиқ”) ва унинг “ал-Кофий” (“Кифоя қилувчи”) номли шарҳи, “ал-Манор” (“Машғал”) ҳамда унинг “Кашф ал-асрор” (“Сирларни очиш”) номли шарҳи, “ал-Мусаффо фи шарҳ ал-манзума

⁵³ Муҳаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 40.; Абдурахманова Н. Абул Баракот Насафий илмий меросининг таснифи // Eurasian journal of social sciences, philosophy and culture. Innovative Academy Research Support Center. Volume 2 Issue 3, 2022. – P. 184-185.

⁵⁴ Абул Вафо Қураший. Ал-жавоҳиру-л-мудия фи табақоти-л-ҳанафия. – Ж. III. Дару Ҳижр, 1993. – Б. 228-230. (Бундан кейин: Абул Вафо. Ал-жавоҳиру-л-мудия.)

⁵⁵ Кафавий. Аъламул-ахёр. – В. 284^б; Ибн Қутлубўга. Тожу-т-тарожим. – Б. 215.

⁵⁶ Кафавий. Аъламул-ахёр. – В. 284^б.

⁵⁷ Абул Вафо. Ал-жавоҳиру-л-мудия. – Ж. II. – Б. 114.; Кафавий. Аъламул-ахёр. – В. 284^б.

⁵⁸ Махсудов Д. Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг тафсир илмида тутган ўрни: тарих. фанлари. номз... дис. автореф. –Т.: ТИУ, 2007. – Б. 18-19. (Бундан кейин: Махсудов Д. Дис. автореф.).

ан-Насафий” (“Насафий назмининг аниқланган номли шарҳи”), “ал-Мустасфо фи шарҳ ан-Нофеъ фил-фуруъ” (“Фикҳга оид ан-Нофеънинг Мукаммал номли шарҳи”) каби бир қанча фикҳий асарлари мавжуд⁵⁹. Аллома фикҳ, ақида, тафсир каби илмларга оид асарлар ёзган бўлиб, унинг “Тафсири Насафий” асари бошқа асарларидан мавзу, услуб ва илмларнинг кенг қамровлилиги билан ажралиб туради⁶⁰.

Юқорида номлари зикр қилинган асарлар Абул Баракот Насафийнинг кенг қиррали билими ва бой илмий меросидан далолат беради. Асарларда кўтарилган масалаларнинг долзарблиги боис, уларга асрлар оша кўплаб шарҳ ва ҳошиялар битилган. Алломанинг айрим китоблари ва уларнинг шарҳлари ҳали етарлича ўрганилмаган. Бу эса ушбу асарлар устида илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бориш лозимлигини тақозо этади.

Абул Баракот Насафий 710/1310 йилда Бағдодга келган ва шу йили рабиул-аввал ойининг жума куни кечаси Бағдодда вафот этган ҳамда Исфаҳон яқинидаги Изаж шаҳрида дафн қилинган.

Лутфуллоҳ Насафий⁶¹

Лутфуллоҳ Насафий Фозил Кайдоний (ваф.749/1349) Насафда туғилиб, илмий фаолият олиб борди. Бизгача етиб келган манбаларда Лутфуллоҳ Насафийнинг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган маълумотлар кўп эмас. Био-библиографик манбаларда ҳам Насафий ҳақида қисқа ва бир-бирини доим такрорлаб келган маълумотлар берилади. Насафлик олимларининг кўзга кўринган вакилларида бири бўлган Лутфуллоҳ Насафий илмий мероси мамлакатимиз ва хорижда етарли даражада ўрганилмаган. Унинг бизгача “Фикҳи Кайдоний” номли ягона асари етиб келган.

Муаллифнинг асардаги асосий мақсадларидан бири, халқ орасидаги мавжуд ижтимоий, маданий ва руҳий анъаналарнинг мўғуллар даврида ҳам узлуксиз давом этишини таъминлашдан иборат бўлган. Лутфуллоҳ Насафий ўз ўрнида мўғуллар даврида сўниб бораётган

⁵⁹ Кафавий. Аъламул-ахёр. – В. 284^б-285^а.; Абдурахманова Н. “Ал-Мустасфо” асарининг ёзилиш тарихи ва ўзига хос услублари // Ислмо тафаккури. – Т.: №2. 2024. – Б. 25.; Ибн Кутлубуга. Тоҷу-т-тарожим. – Б. 22.

⁶⁰ Махсудов Д. Дис. Автореф. – Б. 19.

⁶¹ Насруллаев Н. Лутфуллоҳ Насафий / Буюк юрт алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 215-219.

фиқҳ илмини қайта жонлантира олган. Чунки, ўша пайтда Мовароуннаҳр ҳудудида Насафийнинг “Фикҳи Кайдоний” асари каби ибодат масалаларини тўлиқ қамраб олган эътиборли асарлар жуда кам ёзилган. Асар матнида зикр этилган масалалар ислом манбашунослигининг фақат ибодат соҳасига оидлиги билан характерли. Унда ибодатга оид масалаларнинг энг нозик жиҳатларигача кириб борилган. Муаллиф кенг дунёқараши, масалаларни ёритишда ҳанафийликка риоя қилиши ва ибодатга оид амал турларини талабага ёдлаб оладиган даражада содда, равон услубда маҳорат билан тушунтира олиши каби маҳоратларини ўз асарида намоён эта олган.

Манбаларда Лутфуллоҳ Насафийнинг вафот этган йили кўрсатилган бўлса-да, унинг таваллуд санаси учрамайди. Қўлёзмаларда муаллифга “Насафий” ва “Кайдоний” деб нисба берилиши унинг айнан ўша мавзедан эканига ишора қилади.

Лутфуллоҳ Насафийнинг болалик ва ўсмирлик даврини батафсил ёритувчи маълумотлар сақланиб қолмаган. Манбаларда алломанинг илм истаб сафар қилгани ёки мўғуллар хуружи сабаб ўзга юртларга кетиши ҳақида ҳам маълумотлар учрамайди. Шундай бўлса-да, уни зиёли оиладан чиққан, ўз даврининг пешқадам фақиҳларидан таълим олган, шариат илмларини мукаммал эгаллаган, дейишга асосимиз бор. Чунки, Насаф ҳам ўзига қўшни шаҳарлар каби минтақанинг илм-фан ва маданият марказларидан бири бўлган. У ерда машҳур уламо ва шайхлар фаолият кўрсатган.

“Фикҳи Кайдоний” асари қарийб олти аср, яъни ўтган асримизнинг ўттизинчи йилларигача Ўрта Осиё мадрасаларида ўқитилди ва ислом фикҳининг асосий қўлланмаларидан бири сифатида эътироф этилди. Асарнинг кўплаб таржима, таълиқа, шарҳ ва ҳошиялари Мовароуннаҳр шаҳарларига кенг тарқалди. Бу каби омиллар муаллиф асарининг муҳим аҳамиятга эга эканига ишора қилади. Фикҳий мавзуда ёзилган ушбу асарнинг юзлаб қўлёзма нусхалари жаҳоннинг турли қўлёзма фондларида сақланади⁶².

⁶² Насруллаев Н. Фикҳи Кайдоний. Каталог. – Т.: ELMUNDO-Press, 2010. – 312 б.

Лутфуллоҳ Насафий асарни ёзишда, ўзидан аввал яратилган ибодатга оид асарларга таянган. Чунки, ибодат масалалари диний илмлар ичида энг нозик ва мазҳаб қоидаларини тўлиқ талаб қилувчи илмлар сирасига киради. Ўз ўрнида бу каби жиҳатлар уни ёритувчилар учун жуда катта масъулият юклайди. Насафий мана шу масъулиятни теран англаган ҳолда, ўз ишини бошлаган. Бу билан у ақида, ҳадис, фикҳ ва бошқа илмлардан етарлича хабардор эканини исботлай олган. Шу боисдан асар матнини, бошқа ибодат масалалари ёритилган асарларга таққосланса, уларда ўзаро ўхшашлик жиҳатлар кузатилади. Маълумки, Мазҳаблар юзага келиши билан фикҳий истилоҳлар ҳам муомалага кирди. Жумладан, фарз, вожиб, суннат, мандуб, мустаҳаб, макбул, марғуб, мубоҳ, ҳаром, макруҳ, шарт, иллат, рукн каби амал турлари мазҳаблар орасига ёйилиб, улар турли номларда қабул қилинди. Ҳар бир фикҳий атама мазҳаб асосчилари доирасида муайян даражада очиб берилди. Шунингдек, рукн ва шарт, иллат ва сабаб, фосид ва ботил орасидаги фарқлар ҳам мазҳаблар аро ўз таърифларига эга бўлди. Бу каби истилоҳлар мазҳабга кўра баъзи фарқли ўринларга эга. Масалан, фарз билан вожиб ҳанафийларда бошқа-бошқа (фарз қатъий, вожиб занний) саналса, суннийликнинг қолган мазҳабларида вожибни қабул қилмасдан фарз билан кифоя этилади.

“Фикҳи Кайдоний”нинг Мовароуннаҳр мадрасаларида қўлланма сифатида ўқитилгани, асарга кўплаб шарҳлар ёзилишига сабаб бўлган. Бу шарҳларнинг аксари Мовароуннаҳр ва Хуросон олимлари қаламига тегишли бўлиб, асосан “Шарҳи Фикҳи Кайдоний” номи билан кенг тарқалган. Жумладан, Саъиддин Тафтазоний, Қози Ихтиёр, Мавлоно Фасиҳиддин ибн Абдулкарим Низомий Ҳиравий, Шамсиддин Муҳаммад Кўҳистоний, Муҳаммад Амин ибн Абдуллоҳ Мўминободий, Иброҳим ибн Мирдарвеш Бухорий, Исмоил Носих, Иброҳим ибн Ҳусайн ибн Аҳмад ибн Пири Маккий Пиризода, Азиз Маҳмуд ибн Фазлуллоҳ ибн Маҳмуд Ҳудоний Ускударий, Шайх Исмоил Ҳаққи ибн Мустафо Жалватий, Нуриддин Али ибн Султон Муҳаммад Қорий каби олимлар “Фикҳи Кайдоний”га турли ҳажмда шарҳ ёзганлар.

Асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини қатор Шарқ қўлёзмалар фондларида учратиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республи-

каси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида. Бу фонд нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда ҳам йирик жамғармалардан бири ҳисобланади. Фонд қўлёзма ва тошбосма асар матнлари ҳошиясига битилган нусхалар билан салмоқли ўрин тутати. Мана шундай ҳолатлар “Фикҳи Кайдоний” матни ва шарҳларида ҳам кўзга ташланади. Асарнинг изоҳли нусхалари асосан ҳошия ва жадвал ташқарисига қўчирилган.

Лутфуллоҳ Насафийнинг “Фикҳи Кайдоний” асари қўп жиҳатлари билан ҳанафий фикҳига мансуб Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Тожиддин Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Мухтасар ал-Викоя”, Абу Лайс Самарқандийнинг “Муқаддима ас-Салот”, Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандийнинг “Салоти Масъудий”, Ибн Камолпошшонинг “Шурут ас-Салот” каби фикҳий асарларига матн жиҳатидан яқин туради.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни айтишимиз мумкинки, дарҳақиқат ҳанафий олимлари нафақат ижтимоий масалалар, балки ибодат масалалари орқали ҳам жамиятни бирлик, яхшилик ва эзгуликка чорлаганлар. Уларнинг фикҳий қарашлари таълиф этган асарларида ўз аксини топган. Шу муносабат билан Лутфуллоҳ Насафийнинг “Фикҳи Кайдоний” асари фикҳий илмлар ичидаги энг катта қисмни ташкил этган намоз ва унинг қоидаларига йўналтирилган мавзуларни қамраб олган.

Асарнинг ўзбек тилидаги таржимаси “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси босмаҳонасида 2009 ва 2010 йиллари чоп этилган⁶³.

Ашрафиддин Абулфазл Ашраф ибн Нажиб ибн Муҳаммад Косоний

Абулфазл Ашраф ибн Нажиб ибн Муҳаммад Косоний (XIII аср) шайхул имом, устоз бўлиб, “Ашрафиддин” лақаби билан танилган. Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Муҳаммад Деҳқон Косоний, Шамсул-аимма Муҳаммад ибн Абдусаттор Кардарий (ваф. 642/1244 й.), қози Маҳмуд

⁶³ Лутфуллоҳ Насафий. “Фикҳи Кайдоний” (матн ва таржима). Нашрга тайёрловчилар: Зоҳиджон Исломов, Нейматулло Насруллаев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 94 б.

ибн Ҳасан Балхий, Аднон ибн Али Умар Косонийлардан илм ўрганган. Қошғарда вафот этган⁶⁴.

Абулфазл Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Бурҳон Насафий

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад “Бурҳон Насафий” номи билан танилган. Заҳабийнинг айтишича, у илми хилоф ва фалсафада соҳибларидан бири ва зоҳидлардан эди. Олимлар унга имом, олим, фозил, муфассир, муҳаддис, усулий, жадалий ҳамда мутакаллим дея таъриф берганлар⁶⁵. Тахминан 600/1204 йиллар оралиғида туғилган.

675/1276 йил Бағдодга боради ва ўша ерда яшаб қолади. Тарихчиларнинг ёзишича, Бурҳон Насафий калом, мантиқ, фалсафа, усул, хилоф⁶⁶, жадал⁶⁷, тафсир, ҳадис, фикҳ каби соҳаларда асарлар ёзган. Асарлари номи тарих ва табақот китобларида зикр этилган.

Имом Фаҳриддин Розий тафсирини қисқартирилган шаклда ёзади ва “Ал-Водиҳ”, дея номлайди⁶⁸. Яна “ал-Фусул фи илмил-жадал”⁶⁹, “Маншаъ ан-назар”, “ат-Тарожийҳ”, “Дафъун-нусус ван-нукус”, “Шарҳ ал-асмо ал-ҳусна”, “Шарҳ ал-ишорот ли Ибн Сино” ва бошқа асарлари мавжуд⁷⁰.

⁶⁴ Кафавий. Аъламул-ахёр. – В. 255^б; Лакнавий. Ал-фавоиду-л-бахийя. – Б.49; Абул Вафо. Ал-жавоҳиру-л-мудия. – Ж. I. – Б. 162.; Тамимий Тақийиуддин ибн Абдулқодир. Ат-Табақот ас-санийя фий тарожим ал-ҳанафийя. – Ж. I. – Риёз: Дор ар-Рифоъий, 1983. – Б. 183.

⁶⁵ Кафавий. Аъламул-ахёр. – В. 309^б; Лакнавий. Ал-фавоиду-л-бахийя. – Б.194.

⁶⁶ Хилоф илми – киёсий ҳуқуқшунослик (мазҳабшунослик) бўлиб, ҳозирда кўпроқ фикҳи мукорин деб аталмоқда. У шариат манбаларидан чиқариб олинган ҳукми муҳолифлар ҳужумидан сақлаш мақсадида шаръий далиллардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берувчи фан. У усул ал-фикҳнинг энг асосий шўъбаларидан бири ҳисобланади. Хилоф олими мунозарали мавзу бўйича муҳолиф томоннинг барча далил ва ҳужжатларини эшитгандан кейин масалаларни киёсий услубда ўрганади. Унинг далилларини асосий усул-қоидаларга таъинган ҳолда текширгандан сўнг уларнинг асосизлигини кўрсатиб бериб, ўз мазҳабида чиқарилган ҳукмнинг тўғрилигини исботлайди. Айни ҳолда ўз мазҳабига қаратилган шак-шубҳани талқин этади. Ушбу фан соҳаси кўпроқ назарий аҳамиятга эга бўлгани боис унга назар илми ҳам деб аталади. Хилоф илмининг асосчиси сифатида Абу Зайд ал-Дабусий ал-Бухорий (р.х.) тан олинган.

⁶⁷ Жадал илми – мунозара қилиш услубларини ўрганадиган фан бўлиб, фақиҳлар ва турли мазҳаблар тарафдорлари орасида юз бериб турадиган мунозараларнинг одоб ва қоидаларини кўрсатиб беради. Жадал илми фикҳ учун зарур бўлиб, айрим масалаларнинг қабул қилиниши ёки рад этилиши ёхуд шубҳа остига олиниши жадал ва мунозара орқали юз беради. Шу боисдан уни мунозара илми ҳам деб аталади. Ҳанафийлик фикҳида жадал илмига асос солган фақиҳ “Усул ал-Баздавий” муаллифи Фаҳр ал-ислом ал-Баздавий (р.х.) ҳамда “ал-Иршод” (Йўлланма) соҳиб Рукниддин ал-Амидий (р.х.) ҳисобланади.

⁶⁸ Кафавий. Аъламул-ахёр. – В. 309^б.

⁶⁹ Асар “ал-Мукаддима ал-Бурҳонийя фил-хилаф”, “ал-Фусул фил илмил-жадал”, “ал-Фусул ал-Бурҳонийя фил-жадал”, “ал-Мукаддима ан-Насафийя” каби номлар билан аталган. Қаранг: Бурҳониддин Муҳаммад ибн Муҳаммадан-Насафий. Шарҳ ал-фусул фи илмил-жадал. – Риёд: Жомийа ал-Малик Саъуд, 2012. – Б. 5.

⁷⁰ Унинг 10 та асари номини доктор Шарифа бин Али ўзининг тадқиқотида санаб ўтган. Қаранг: Бурҳониддин Муҳаммад ибн Муҳаммадан-Насафий. Шарҳ ал-фусул фи илмил-жадал. – Риёд: Жомийа ал-Малик Саъуд, 2012. – Б. 4-б.; Зириклий. Ал-Аълам. – Ж. VII. – Б. 31.

Хилоф илмида эса “ал-Муқаддима ал-Бурҳонийя” номли асари бор. Олим калом илмида ҳам ижод қилган. 684/1285 йил Бағдодда ҳофиз Абу Муҳаммад Қосим ал-Бирзолийга ижоза берган⁷¹. Олим Деҳли султонлигида ҳам дарс берган, кўплаб олим ва машойихлар ундан таълим олган⁷².

687/1289 йил 20-зулҳижжа оyiда вафот этади ва Хайзарондаги Абу Ҳанифа қабри ёнидаги қубба⁷³ остида дафн этилади⁷⁴.

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Макхул ибн Фазл. Абул Бадиъ, Макхулий

Отаси Абул Муъин ал-Макхулий ва Ҳорун ибн Аҳмад ал-Исфаринонийдан ривоят қилган. Самъонийнинг айтишича, у фикҳ илмида беназир бўлган. 879/1474 йил сафар ойида Бухорода вафот этган⁷⁵.

1.2. ТАСАВВУФ ШАЙХЛАРИ ВА ШОИРЛАР

Аскар ибн Ҳусайн Абу Туроб ан-Нахшабий

Аскар ибн Ҳусайн Абу Туроб ан-Нахшабий. У тахминан 191/806 йилда Нахшаб (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилган. Бухоро ва Сарахс мадрасаларида таҳсил олган. Сўфийлар орасида “умматнинг Лукмони” лақабини олган Ҳотим ал-Асом (тўлиқ исми: Абдурахмон Ҳотим ибн Унвон ибн Юсуфи Балхий. 146/763-237/851-852 йй.)дан таҳсил олган. Устози вафот этгач, Шомга бориб, кўплаб ҳадислар ёзиб олган. У

⁷¹ Ибн Қутлубуга. Тожу-т-тарожим. – Б. 247.

⁷² Абдулҳай ибн Фахриддин Ҳусайний. Нузхатул хавотир ва бахжатул масомий ван-навотир. – Ж. I. – Байрут: Дор ибн Ҳазм, 1999. – Б. 88.

⁷³ Абу Ҳанифа Ироқнинг Бағдод шаҳри шимолида жойлашган ерда дафн этилган. Абу Ҳанифа дафн қилинган жой кейинчалик “Мақбаратул Хайзарон” дея номланади. Бу ном халифа Маҳдийнинг хотини, Ҳорун ар-Рашиднинг онаси Ал-Хайзарон бинти Атонинг исми билан боғлиқ. Бу аёл қабристонга 173/789 йилда дафн қилинган. 375/986 йилда Имом Аъзам раҳ.нинг қабри ёнида бир масжид қурилади ва унинг ёнида катта мадраса ҳам бунёд этилади. 459/1066 йилда қабр ёнида бир саҳна ва қабр устига баланд оқ қубба қурилади. Ўша саҳна атрофидаги маҳалла “Имом Абу Ҳанифа” маҳалласи деб аталган. 941/1534 йилда Имом Аъзамнинг қабрини Усманий халифа Султон Сулаймон Қонуний зиёрат қилади ва вайрон бўлган макбара, қубба, масжид ва мадрасани қайта тиклайди. Бу жойни химоя қилиш учун қалъа тиклатиб 150 та соқчи қўяди. 1170/1757 йилда Мамлуклар подшоҳи Сулаймон пошо бу жойларни яна янгидан бино қилдирди. 1424/2003 йилда Аъзамия маҳалласида ҳарбий амалиётлар жараёнида макбара атрофига зарар етди. Ерлик аҳоли уни имкон борича тиклаб, химоя қилишга ҳаракат қилдилар. Қаранг: <https://nasafziyo.uz/index>

⁷⁴ Абул Вафо. Ал-жавоҳиру-л-мудия. – Ж. II. Тошбосма. 1914. – Б. 127.

⁷⁵ Тақиюддин ибн Абдулқодир ат-Тамимий ад-Дорий ал-Ҳанафий. Табақот ас-санийя фи тарожим ал-ҳанафия. – Ж. I. – Риёд: Дор ар-Рифоъий, 1983. – Б. 148.

Имом Шофеъий китобларини мутолаа қилган⁷⁶. Бағдодга бир неча маротаба борган ҳамда Аҳмад ибн Ҳанбалнинг илм мажлисларида иштирок этган⁷⁷. “Тазкираи Муҳаммад Боқир” асарида келтирилишича, Нахшабий Абу Абдуллоҳ ва Абу Убайдлардан таълим олган⁷⁸.

Абу Туроб Нахшабий Нуъайм ибн Ҳаммод, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Нумайр, Ҳотим ал-Асом ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан Фатҳ ибн Шахроф ва унинг ўртоғи, Абу Бакр ибн Абу Осим, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал, Юсуф ибн Ҳусайн ар-Розий, Аҳмад ибн Жаллолар ривоят қилишган⁷⁹. Яна Абу Ҳотам Аттор, Аҳмад Хузравайх Балхий, Абу Ҳамза Хуросоний, Шоҳ Шужоъ Кирмоний, Али ибн Саҳл Азҳар Исфаҳоний, Абу Убайдуллоҳ Бусрий, Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизий, Абу Жаъфар Ҳаддодлар ҳам у билан суҳбатдош бўлган⁸⁰.

Абу Туроб Нахшабий маъруза ва суҳбатларида инсонларни нафсни тийиб юришга, сабр-қаноатли бўлишга, шариат, тариқат ва маърифат йўлидан боришга чақирган. Замондошлари уни “Маъно шоҳининг мардони”, “Тақво осмонининг ойи”, “Ҳақиқат илмининг орифи”, “кутби замон” деб таърифлашган. У ҳақида эл орасида ўнлаб нақллар ёйилган. Шулардан йигирмага яқини Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Авлиёлар султони, туронлик авлиёлар” китобида (Тошкент, 1995) келтирилган.

Абу Туроб “сабрнинг буюк тимсоли” дея улуғланган. Аллоҳдан ҳаё қилиб, орқасини тўшакка, бошини ёстиққа қўймаган, мужоҳада ва тақвоси билан барчани ҳайратга солган⁸¹.

⁷⁶ Абу Амр Усмон ибн Абдуррахмон. Табакотул фуқаҳо аш-Шофеъийя. – Ж. I. – Байрут: Дорул башоир ал-исламийя, 1992. – Б. 592.

⁷⁷ Бурҳониддин Иброҳим ибн Муҳаммад. Ал-максидул иршод фи зикри асҳоб ал-Имом Аҳмад. – Ж. II. – Риёз: Мактабат ар-Рушд, 1990. – Б. 284.

⁷⁸ Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Сиддикий. Тазкираи Муҳаммад Боқир. ЎзР ФА Шарқишунослик институти. Қўлёзма. Р: 1846. – В. 36⁶.

⁷⁹ Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. – Ж. XI. – Б. 485, 545-546.

⁸⁰ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 20, 21, 26, 29, 34, 36, 39, 41, 60.

⁸¹ Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 70-71.

Кўплаб олимлар, шайхлар Нахшабийни таърифлаб илиқ фикрлар билдиришган. Масалан, Абу Абдуллоҳ ибн Жалло: “Олти юз⁸² пири комилни кўрдим. Уларнинг орасида тўрт машойихдан улуғроғи йўқ эди. Улардан бири Абу Туроб Нахшабийдир”, деган бўлса, Алишер Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида маълумотлар келтириб, алломани эҳтиром билан тилга олган. Фаридуддин Аттор эса олимни тасаввуфга асос солган илк сўфийлар қаторига киритганини айтиб, “у бало сафларини бузувчи, тақво девонининг яғонаси, Ҳақ Набийнинг меросхўри, замона шайхи, валийлик саҳросининг сайёҳи, фақир дарёсининг кемачиси, машойих улуғларидан, Хуросон тупроғидан эди”, деб таърифлайди⁸³.

Манбаларда келтирилишича, шайх кўп марта ҳаж сафарига борган. Алишер Навоийнинг келтирилишича, сафарларнинг бирида унга Абу Ҳамза Бағдодий ҳамроҳлик қилган⁸⁴. Нахшабийнинг вафоти ҳам сафардалигида саҳрода содир бўлгани қайд этилади. Алишер Навоий ва Абул Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг ривоятига кўра, у саҳрода намоздалигида самум шамоли⁸⁵ куйдирган⁸⁶. Фаридуддин Аттор эса шайх Абу Туроб Нахшабийнинг вафоти Басра саҳросида бўлганини айтгач: “У ўлганда, ювилганда, дафн қилинганда ҳеч киши йўқ эди. Бир неча кунлардан сўнг Абу Туроб қиблага юзланган ҳолда, ҳассасига таяниб жон берганини, азиз жонини Ҳаққа топширганини кўрганлар. У тиз чўккан ҳолда чап кўлида кўзаси бор ҳолда топилган. Унга ҳеч бир жонивор теккан эмасди”, дея келтиради⁸⁷.

Абу Туроб Нахшабийнинг вафот санаси адабиётларда турлича кўрсатилган. Айримлар уни 245/859⁸⁸ йил дея қайд этса, баъзилар

⁸² Заҳабийнинг асарида Ибн Жаллодан келтирилган ривоятда: “1000 та шайхни кўрдим, аммо Абу Туробдайини учратмадим”, дея келтирилган. Қаранг: Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. – Ж. XI. – Б. 546.

⁸³ Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 28-31.; Фаридуддин Аттор. Тазкират ул авлиё. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи А.Мадраимов. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 30.

⁸⁴ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 26.

⁸⁵ Самум (араб. – иссиқ шамол) – Арабистон ярим орол ва Шимолий Африка чўлларидаги қуруқ иссиқ шамолнинг номи. Самум кучли қумли бўрон, баъзида момақалдирик билан бирга кузатилади.

⁸⁶ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 20.; Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Сиддикий. Тазкираи Муҳаммад Боқир. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 1846. – В. 36^б.

⁸⁷ Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А. Мадраимов. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 303.

⁸⁸ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Сиддикий. Тазкираи Муҳаммад Боқир. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 1846. – В. 36^б; Заҳабий. Сияр аълам ан-нубало. – Ж. XI. – Б. 546.; Аҳмад ибн Али ибн Собит

274/887 йил⁸⁹ни кўрсатган. Аммо барча манбаларда унинг ҳажга кетаётиб, саҳрода вафот этганига иттифоқ қилишган.

Ҳозирда Нишон тумани Эски Нишондан икки километр чамаси узоқликда, собиқ Қарри Нишон мавзесида 2018 йилда “Абу Туроб Нахшабий Насафий”, деб ёзилган қабртош топилган⁹⁰. Афсуски, бирорта манбада Нахшабийнинг жасади ватанига келтириб дафн этилгани учрамади. Қабртош ёзувидан унинг анча кейинги (тахминан XIX аср охирлари) даврга оид эканини кўриш мумкин. Юқоридаги маълумотлар таҳлилига асосланиб айтиш мумкинки, Нишон туманидаги Абу Туроб Нахшабий қабри рамзий қабр дея хулоса қилиш мумкин. Аммо келажакда тадқиқотчилар томонидан синчковлик билан ўрганилса, янги хулосаларга ҳам келиш эҳтимоли катта.

Муҳаммад ибн Абу Бакр Насафий (Шарафиддин Ҳусом)⁹¹

Муҳаммад ибн Абу Бакр Насафий XII аср охири ва XIII аср бошларида Самарқандда яшаган таниқли олим, шоир ва мударрис. Самарқанд мадрасаларида дарс берган. Нуриддин Муҳаммад Авфийга устозлик қилган. Абу Бакр Насафий “Шарафиддин Ҳусом” тахаллуси билан ижод қилган. Диний илмларни пухта эгаллаган ва шеърятда ҳам қалам тебратган.

Шоирнинг “Нашканад” радифли қасидаси ниҳоятда машҳур бўлган. Авфий бу ҳақда шундай бир воқеани келтириб ўтади: Шарафиддин Ҳусом ҳажга кетаётиб, Рай шаҳрида тўхтади. Иттифоқан бу шаҳарга машҳур шоир Афзалиддин Хоқоний қам келган эди. Шарафиддин у билан суҳбатлашгани боради. Биринчи учрашувдаёқ Хоқоний: “Нашканад” қасидасининг муаллифи сизмисиз?”, деб сўрайди.

(Хатиб Бағдодий). Тарихи Бағдод. – Ж. XIV. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-ислами, 2002. – Б. 266.; Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 20.

⁸⁹ Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 70.; Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. (IX-XX асрлар): Таъкир. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 24.

⁹⁰ 2018 йилда Эски Нишонда яшовчи Нуриддинхон Саидкулов мазкур зиёратгоҳни яъни, халқ орасида “Шаҳид ота” ёки “Чилламозор” деб номланган зиёратгоҳдаги асосий қабри таъмирлатади. Шундан сўнг бу зиёратгоҳ “Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий” номи билан боғланади. Қашқадарё вилояти собиқ бош имоми Исмоил Ҳожи Райхонов шу зиёратгоҳ билан боғлаб, ўзининг “Абу Туроб Нахшабий ан-насафий”(Райхонов И. Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий. – Қарши: Насаф, 2018.) рисоласини ёзади. Ҳозирда Эски Нишонда яшовчи тадбиркор, 70 ёшда бўлган Тождин Ҳожи Рахмонов ўз маблаг ҳисобидан зиёратгоҳга олиб борадиган йўлни таъмирлатган.

⁹¹ Муҳаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 46-50.

Бундан Шарафиддин бир оз ранжийди. Чунки у шеъриятдан бошка кўплаб илмларда ҳам танилган эди. У шундай дейди: “Ҳа, ёшлик, нодонлик қилиб шеъриятга ҳам кўл урганмиз, аммо энди ундан тавба қилдик”. Хоқоний бунга жавобан шундай дейди: “Эй мавлоно, қанийди, бутун девоним сизники бўлса-ю, сизнинг ана шу қасидангиз меники бўлса. Чунки умримизнинг аксар қисми шеър ёзиш билан ўтади, касбимиз шу, аммо сизнинг қасидангизга ўхшаш бирор сатр битолмадик”.

Хоқоний Шарафиддин Хусомни катта эҳтиром ва совға-саломлар билан кузатиб қўяди.

Азизиддин ибн Муҳаммад Насафий

Азизиддин ибн Муҳаммад Насафий XIII (тахминан 638/1240-700/1300 йй.) асрда яшаган машҳур файласуф олим, шоир ва табиб. У Насаф (ҳозирги Қарши) шаҳрида туғилган ва ёшлик йиллари шу ерда кечган. Кейин Бухорога бориб кўп йиллар у ерда илм ўрганган. Нажмиддин Кубронинг шогирди шайх Саъиддин Муҳаммад ибн ал-Муайяд Ҳамавий (тав. 587/1191 й.) дан тасаввуф сирларини ўрганган. Тиб илмидан сабоқ олиб, табиблик ҳам қилган. Йиллар ўтиб, Эроннинг Баҳрибод, Шероз, Исфаҳон, Ҳамадон, Тус шаҳарларида истиқомат қилади ва Абркўҳ шаҳрида вафот этади.

У юнон фалсафаси ва тасаввуфни чуқур ўрганган. Азизиддин Насафий улкан назариётчи олим сифатида ном қозонган ҳамда ўзидан кейин бой маънавий мерос қолдирган. Унинг асарлари ҳали ўрта асрлардаёқ Европада маълум бўлган, жаҳон маънавияти хазинасидан муносиб жой олган. У тасаввуф, калом ва ҳикмат билан шуғулланиб, бу борада аниқ қарашларга эга бўлади.

Инсон ва унинг камолоти масаласи олимнинг доимий диққат марказида турган ва асарларида ҳам бу ўз аксини топган. У Шарқ фалсафий оқимларини уч қисмга ажратиб ўрганган. Чунончи, унинг фикрига кўра, Шарқда бир-бирига вобаста ва бир-бири билан муҳолифатда тараққий этиб келган қуйидаги илмлар бор: 1) илми калом; 2) илми ҳикмат; 3) илми ваҳдат – яъни тасаввуф. Азизиддин Насафий XIII аср тасаввуф тариқатининг кўзга кўринган назариётчиси сифатида

тасаввуф таълимотининг ниҳоятда машаққатли ва масъулиятли йўл экани, бу йўлга кўр-кўрона кириб бормасликни назарий жиҳатдан асослаб беради. Тасаввуф йўлини танлаган одам учун бу йўл одамийликнинг барча даражаларини эгаллашга ёрдам беришини, зеро, тасаввуф йўлига киришнинг асл мақсад-муддаоси қалб саховатига эга бўлиш, эзгулик соҳибига айланишдан иборатлигини таъкидлаб кўрсатади⁹².

Азизиддин Насафийнинг умри давомида ижод қилган маънавий мероси намуналаридан кўплаб ирфоний-фалсафий асарлари бизнинг давримизгача етиб келган. Унинг асарлари Шарқ фалсафаси, ислом дини, тасаввуф таълимоти, тиб илми, табиатшунослик ва космология муаммоларига бағишланган. Азизиддин Насафийнинг адабий ва илмий манбаларда зикр қилинган асарларининг номлари қуйидагилардан иборат:

“Кашфул-хақойик”, “Мақсад ал-ақсо”, “Зубдатул ҳақойик”, “Усул ва фуруъ”, “Баён ат-танзил”, “Манозил ас-соирин”, “Мабдаъ ва маод” ва бошқа асарлар ёзган. Унинг асарлари юртимиз ва дунёнинг турли мамлакатлари қўлёзма фондларида сақланмоқда. Азизиддин Насафийнинг “Мақсад ал-ақсо”(Р: 2484/III, 11883/VI, Ҳамид Сулаймон фонди: Р: 1028), “Баён ат-танзил” (Р: 2484/IV), “Мабдаъ ва маъод”(Р: 9854/III), “Бисти ду рисола”⁹³ (Р: 7146/III), “Зубдатул-хақойик” (Р:10179/IV) каби асарлари нусхалари ЎЗР ФА шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Олим “Мақсад ал-ақсо” рисоласининг ёзилиш сабабини асар мукаддимасида келтирган. Унинг айтишича, дарвешлардан бир жамоа ундан маърифатда инсоннинг зоҳири ва ботини ҳақида бир китоб ёзинг, китобда йўловчи ким, йўл нима, нечта манзил мавжуд ва қандай мақсад бўлиши керак, шариат, тариқат, ҳақиқат нима, комил инсон қандай бўлиши керак, суҳбат, сулук, тарк нима, комил инсондан мурод нима каби масалаларни ёритишини сўрашади. Уларнинг илтимосини инобатга олиб, муаллиф ушбу асарини ёзади ва китобида аҳли ҳадис

⁹² Саматов Ш. Азизиддин Насафий маънавий меъросида комил инсон ғояси // Ijtimoiy fanlar / 2-son, 2022. – Б. 46-50.

⁹³ 22 та рисоладан иборат.

ҳамда тасаввуф аҳллариининг сўзларидан фойдаланганини таъкидлайди⁹⁴.

“Мабдаъ ва маъод” асарини эса муаллиф мухтасар қилиб беш фаслга бўлиб ёзган. Уларда шариат, ҳикмат, ваҳдат аҳллари, инсон мартабалари ва сайру сулук, уруж ҳақида сўз юритган. Муаллиф истилоҳларни луғавий маъноларига ҳам тўхталган. Оят ва ҳадислардан кенг фойдаланган⁹⁵.

“Баён ат-танзил” асарини ҳам ёронларининг илтимосига биноан ёзади. Улар муаллифдан “Китоби танзил”дан каттароқ, “Кашфул-ҳақоик”дан кичикроқ асар ёзишини илтимос қилишади. Чунки, улар “Танзил” китобининг сўзлари ғоятда мухтасар берилгани, шу сабабли унинг маъноларини чуқур англолмасликлари ва “Кашфул ҳақоик” китоби эса ниҳоятда узун бўлиб, маъносини тушунишлари қийин эканидан шикоят қилишади. Шунда муаллиф: “Асҳобларни таклифларини қабул қилиб, Аллоҳдан мадад сўраб бу китобни “Танзил” тартибида жамладим. Аммо “Танзил”дан каттароқ бўлди ва уни “Баёни танзил” дея номладим. “Кашфул ҳақоик”да “Китоби Танзил” каерда, қандай менга етгани ҳақида зикр қилган эдим. Шу боис, бу китобга яна такрорлаб ўтирмадим”, дея зикр этади.

Асар 10 усулга ажратиб ёзилган бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади: Аллоҳ таолони билиш(маърифати), оламни англаш, инсон маърифати, набий ва валий, мўъжиза ва каромат, ваҳий ва илҳом маърифати, каломуллоҳ ва китобуллоҳ маърифати, тун, қадар, Қиёмат куни маърифати, тириклик ва ўлим, мабдаъ ва маъод.

Асарнинг қимматли жиҳати шундан иборатки, муаллиф фикрларни, далилларни келтирар экан, “Шариат аҳллари”, “авомнинг”, “ҳикмат аҳлининг” фикрлари дея ҳар бирини алоҳида баён этган⁹⁶.

Хуллас, Азизиддин Насафий ўз даврида кенг тарқалган тасаввуф, фалсафа ва бошқа мантиқий фанлар ҳақида жуда яхши билимга эга бўлган ҳамда илм-фанга ривожига ўз ҳиссасини қўшган олимлар сирасига киради.

⁹⁴ Қаранг: Азизиддин Насафий. Мақсад ал-ақсо. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 2484/III. – В. 66^a-81^b.

⁹⁵ Қаранг: Азизиддин Насафий. Мабдаъ ва маъод. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 9854/III. – В. 41^a-54^a.

⁹⁶ Қаранг: Азизиддин Насафий. Баён ат-танзил. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 2484/IV. – В. 81^a-102^b.

Зиёуддин Нахшабий

Зиёуддин Нахшабий табиб, адиб ва шоир бўлган. Унинг ҳаётига доир маълумотлар оз бўлиб, исмини гоҳ “Зиё”, гоҳ “Зиёуддин” тариқасида қўллайди. Нахшаб (Қарши) шаҳрида туғилган. Унинг XIII асрнинг II ярми, аниқроғи, XIII асрнинг тўртинчи чорагида туғилганлиги тахмин қилинади. Умрининг кўп қисми Бадонда ўтгани сабабли “Бадоний”, “Ҳиндий-Бадоний” нисбаси билан ҳам аталган. У араб, форс тиллари билан бир қаторда санскрит тилини яхши билган. Шунингдек, тиббиёт, мусиқа, шеърят, фикҳ, фалсафа, ахлоқ, тасаввуф ва адабиёт илмларини ҳам пухта эгаллаган.

Поён Равшановнинг таъкидлашича, Зиёуддин болалик даврини Нахшабда ўтказди, шу жойда мактабда ўқийди. Балоғат ёшига етгач, Алоуддин Хилжий замонида (695/1296-716/1316 йй.) ўз ватанини тарк этиб, Ҳиндистон ярим оролига боради. У султон Қутбиддин, яъни Муборакшоҳ Хилжий (717/1317-721/1321 йй.) даврида кўпгина асарлар яратади. Ўша даврнинг тазкиранавислари Зиёуддин Нахшабийнинг султон саройи билан алоқада бўлмаганлигини, мадҳу санога берилмаганлигини қайд этганлар⁹⁷.

Нахшабий Шайх Шихобиддин ал-Ҳамравийдан таҳсил олади. Тариқат илмини эса Шайх Фаридиддин ибн Абдулазиз ибн Ҳамидиддин Ноқурийдан ўрганади ва зоҳид, тақводор бўлиб етишади⁹⁸. Ҳаётининг сўнгги йилларини зуҳд ва тақво билан ўтказди ва 751/1350 йил оламдан ўтади. Ҳиндистоннинг Бадоян шаҳрида дафн этилган.

Унинг асарларида инсонпарварлик ғоялари талқин этилган. Софлик, эзгулик, одоблилиқ, вафодорлик каби инсоний фазилатлар улуғланган, тубанлик каби хусусиятлар қораланган.

Умрининг ўн йилга яқинини ҳиндлар орасида машҳур бўлган “Тўтининг етмиш ҳикояси” (“Шукасаптати”) асарини қайта ишлаб, “Тўтинома” асарини ижод қилишга бағишлаган (асар 1330 йилда ёзиб

⁹⁷ Равшанов П. Қарши тарихи. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 405-406.

⁹⁸ Абдулхай ибн Фаҳриддин Хусайний. Нузҳатул хавотир ва баҳжатул масомий ван-навозир. – Ж. I. – Байрут: Дор ибн Ҳазм, 1999. – Б. 169.

тугалланган). Ғарб олимлари бу асарни ўз тадқиқотларида кенг ёритганлар⁹⁹.

Зиёуддин Нахшабийнинг Ҳиндистонда ижод этган илк асарларидан бири “Жузвийёт ва қуллийёт” 1317-1321 йилларда ёзилган. Унинг яна “Гулрез”, “Силк ас-сулук”, “Шарҳи сураи Забур”, “Лаззатун-нисо”, “Насоих ва мавоиз”, “Ашараи мубашшара”, “Шарҳ алад-дуа ас-сурёний”, “Асмаи ҳиндийя”, “Чеҳл номус” сингари қўплаб асарлари мавжуд¹⁰⁰. Улар юртимиз ва дунёнинг турли мамлакатлари қўлёзма фондларида сақланмоқда.

ЎзР ФА шарқшунослик институти қўлёзмалар **Асосий фондида** ҳам олимнинг “Шарҳи сураи Забур”¹⁰¹ (Р: 2900/XXIV) “Шарҳи қасидаи рубубийя” (Р: 11342/III, 9126/I нусхалари қўп), “Шарҳи қасидаи муборака” (Р: 504/XXV), “Девони Зиё Нахшабий” (Р: 159/XIX), “Силкус-сулук” (Р: 10647/II ва яна бир неча нусхаси бор), “Манзумаи Нахшабий” (Р: 11207/III), “Тарихи мутафарриқа ва тарихи Макка манқул аҳли тасаввуф ва адъийя” (Р: 11207) ва **Ҳамид Сулаймон фондида**: “Чеҳл номус” (Р: 2274), “Тарихи Ҳиндистон” (Р: 1601), “Тўтинома” (Р: 1461, 10056 нусхаси қўп), “Мазҳар ал-ажойиб” (Р: 1324 “Тўтинома” таржимаси) каби асарларининг қўлёзма нусхалари сақланмоқда.

Нахшабийнинг “Чеҳл номус” асари 40 номус (бўлим, қисм сифатида келтирилган)га ажратиб ёзилган. Унда инсоннинг тана аъзолари маноқибларга бўлиб шарҳланган. Яъни, соч, бош, димоғ, пешона, қош, қовоқ, киприк, кўз, кўз ёши, бурун, юз, кулоқ, зулф, лаб каби инсоннинг бошидан оёғигача бўлган тана аъзоларига фалсафий-ирфоний таъриф берган¹⁰².

⁹⁹ 1867 йилда В.Перч Нахшабийнинг “Тўтинома” асари ҳақида фикр юритиб, айрим парчаларини немис тилига ўтган. Яна бир немис олими Ҳерман Эте мазкур асар ҳақида мулоҳазалар билдирган. А. Кримский ҳам Нахшабий ҳаёти ва ижодига оид айрим маълумотларни жамлаган. Е.Э.Бертельс ўзининг “Ислом қомуси” асарида Нахшабий асарлари номларини келтириб ўтган.

¹⁰⁰ Абдулҳай ибн Фахриддин Ҳусайний. Нузхатул хавотир ва баҳжатул масомий ван-навотир. – Ж. I. – Байрут: Дор ибн Ҳазм, 1999. – Б. 169.

¹⁰¹ Асарнинг муқаддима қисмида “Рисолаи Гулрез”, дея номланган. Қаранг: ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 2900/24. – В. 352^б-380^б.

¹⁰² Зиёуддин Нахшабий. Чеҳл номус. ЎзР ФАШИ. Ҳамид Сулаймон фонди. Қўлёзма. Р: 2274. – В. 1^а-264^б.

Хожа Шамсиддин Кулол

Хожа Шамсиддин Кулол XIV аср бошида Қашқадарё воҳасида таваллуд топган ва бир муддат Бухорода яшаб, Амир Саййид Кулол хузурида тариқат сабоғини олган. Манбаларда Амир Кулолнинг муридлари сони бир юз ўн тўртта бўлиб, уларнинг барчаси камолга етгани тўғрисида маълумот берилган¹⁰³. Баҳоуддин Нақшбанд, Шамсиддин Кулол (Амир Темурнинг пири), Ориф Деггаронийлар уларнинг энг машҳурлари саналган¹⁰⁴. Шамсиддин Кулол устози Саййид Амир Кулол сингари кулолчилик билан кун кечиргани боис “Кулол” лақабига эга бўлган. Али Сафийнинг маълумотида кўра, Шамсиддин Қарши тарафдан яёв чўлу биёбонни кезиб ҳаж сафарига борган. Ироқда замона шайхлари билан мулоқотда бўлиб, шомликларнинг мулоқабат ўтириш, яъни бош эгиб тангри таолога илтижо-муножот этиш тариқини Мовароуннаҳр тасаввуф аҳлига ўргатган¹⁰⁵.

Юқорида айтилганидек, Шайх Шамсиддин Баҳоуддин Нақшбанд билан бир пайтда Саййид Амир Кулолдан таҳсил олишган. Улар бирга ҳажга бориб, бир-бирининг тарбияси билан шуғулланган. Ҳол масаласида дастлаб Баҳоуддин Нақшбанд билан зиддиятга киришган бўлса ҳам, кейинчалик бу келишмовчилик орадан кўтарилган¹⁰⁶.

Узоқ йиллар Сайид Амир Кулол билан Шамсиддин Кулолни бир шахс деган нотўғри маълумот амалда бўлган. Хусусан, Василий Бартольд Саййид Амир Кулол ва Шамсиддин Кулолни бир шахс деб хато қилган. Вадим Массон ва Галина Пугаченкова каби олимлар ҳам, ҳатто таниқли олим, академик Бўрибой Аҳмедов ҳам “Темур тузуклари”нинг илк наشريда бу хато маълумотни такрорлаган¹⁰⁷.

Хожа Шамсиддин Кулол Амир Темурнинг отаси амир Муҳаммад Тарағайнинг ҳам пири бўлган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида Муҳаммад Тарағай Шамсиддин Кулолга сидқидилдан ихлос

¹⁰³ Шаҳобиддин ибн Амир Ҳамза ибн Амир Кулол. Мақомоти Амир Кулол. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 96. – В. 138*.

¹⁰⁴ Асророва Л. Тариқатнинг етти пири. – Т.: Тафаккур, 2021. – Б. 85.

¹⁰⁵ Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил-ҳаёт. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004. – Б. 79.

¹⁰⁶ Донишмандлар тухфаси: Рубойилар / таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 25-26.

¹⁰⁷ Даврон Х. Амир Темур пирлари // Тафаккур. №1. 1994.; <http://kh-davron.uz>

килиб, унинг қабрини зиёрат қилиш мақсадида тез-тез бориб турганини ёзади.

Шамсиддин Кулол тахминан, ҳижрий 764/1362-63 йил, айрим манбаларда эса 771/1370 йилда вафот этгани кўрсатилган¹⁰⁸.

Амир Темурнинг шайхга ҳурмат-эҳтироми баланд бўлган бўлган ва унинг кўрсатмаси билан 1373 йили пирнинг Шаҳрисабздаги қабри устига гумбаз барпо этилган. Амир Тарағайнинг хоки ҳам ўша ерга кўчириб ўтказилган¹⁰⁹. Шайх билан Амир Темурнинг отаси амир Тарағайнинг қабри Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат хонақоҳида ёнма-ён жойлашган.

Кейинги даврларда ёзилган маноқиб китобларида шайхнинг қабри зиёратига борган шайхлар ҳақида ёки муаллиф ўзининг зиёрати ҳақида ёдномалар зикр этилади. Бундай асарларнинг аҳамияти шундан иборатки, муаллиф ўзи гувоҳ бўлган сиёсий-тарихий воқеалар, ўша давр ижтимоий ҳаётини ёритишда тарихчиларга бирламчи манба вазифасини ўтайди. Шундай асарлардан бири – Муҳаммад Тоҳир ибн Хоразмийнинг “Хужжатус-соликин” асари бўлиб, унда муаллиф икки марта Шаҳрисабзга бориб Шамсиддин Кулолнинг қабрини зиёрат этгани воқеасини киритган. Дастлабки марта борганида муаллиф Убайдуллоҳхон ибн Субҳонқулихон(1702-1711)нинг лашкари билан ҳамроҳ бўлганини ёзган. Муаллифнинг ёзишича, Убайдуллоҳхоннинг отаси Субҳонқулихон Муқимхон номли кишини Балх ҳокими этиб тайинлаган, уни Маҳмудбек Қатағон деган ўлдиргани, ҳокимнинг интиқомини олиш мақсадида Балхга бориб, Маҳмудбекни жазолагани, муаллиф кўшинга Қарши вилоятида кўшилганини ёзган. Яна сўнгги кун Убайдуллоҳхон Шаҳрисабзга бориб, у ернинг ҳокими Ниёз девонбеги халққа зулм ва ситам ўтказгани, аҳолининг Убайдуллоҳхонга арз қилгани учун уни жазолаб, ўрнига Иброҳимбекни ҳоким этиб тайинлаганини баён этган. Иккинчи марта эса Амон Термизий ҳамроҳлигида Самарқанддан Қафлотун йўли билан тоғ ўртасидан

¹⁰⁸ Даврон Х. Амир Темур пирлари // Тафаккур. №1. 1994.; <http://kh-davron.uz>

¹⁰⁹ Донишмандлар тухфаси: Рубойлар / таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 25-26.

юриб Шаҳрисабзга боргани ёзилган. Муаллиф Шамсиддин Кулолнинг қабри Шаҳрисабз қалъасида жойлашганини зикр этган¹¹⁰.

Шайх Дарвеш Муҳаммад

Шайх Дарвеш Муҳаммад нақшбандия тариқатининг “Олтин силсила”сида йигирма биринчи пир сифатида тилга олинади. Дарвеш Муҳаммад ўрта бўйли, гўзал юзли, буғдойранг, оқ соқолли, қадди-қомати келишган ва мутаносиб эди. Зоҳирий ва ботиний билимларда мукаммал валий-зот, муридларни тарбия ва иршод қилишда фавқулотда бир малака эгаси бўлган. Ҳамма тушунадиган содда тилда гаплашар, ҳар бир кишига савиясига кўра муомала қилар, фазилатларини аниқлаб қобилиятларини ривожлантириш ва юзага чиқаришда маҳоратли, бу хусусда улуғ бир фазилат соҳиби эди¹¹¹.

Отаси Хожа Офок Калон Термиз саййидларидан бўлиб, Яъқуб Чархийнинг неварасига уланади. Бу никоҳдан Дарвеш Муҳаммад Вахшуворий оламга келади. У тариқат силсиласидан ташқари, насаби ҳам она томонидан Яъқуб Чархий хонадонига бориб тақалади. Дарвеш Муҳаммад асосан Чағаниённинг Вахшувор қишлоғида ва Ҳисори Шодмон томонларда яшаган. Шундан Вахшуворий нисбасини олган.

У Мавлоно Зоҳиднинг(ваф. 936/1529 й.) машҳур халифаларидан эди. Муҳаммад Зоҳид Вахшуворий кўплаб муридларни тарбиялаган бўлса-да, улардан Дарвеш Муҳаммад номигина маълум ва машҳур. Шайх зоҳирий ва ботиний илмларни жамлаган инсон бўлган. “Ҳазинатул асфиё” соҳиби “Тазкиратул асфиё”дан келтиришича, Хожа Муҳаммад Дарвеш байъат қилишидан 15 йил олдин зуҳд ва риёзат қилган¹¹². Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Азим Марғионий Чимёнийнинг айтишича, Хожа Дарвеш Муҳаммад муршиди вафотидан сўнг унинг ўрнида ўтиради ва юзлаб одамларга Ҳақ йўлни танитади¹¹³.

¹¹⁰ Муҳаммад Тоҳир ибн Хоразмий. Хужжатус-соликин. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 856. – В. 120^б.; (Бундан кейин: Хужжатус-соликин.) Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Тоййиб Хоразмий. Тазкираи Тоҳир Эшон. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 855. – В. 106^{а-б}. (Бундан кейин: Тазкираи Тоҳир Эшон.)

¹¹¹ Обидов А., Бобохонов Ж. Тариқат силсиласининг олтин занжири. – Т.: Наврўз, 2018. – Б. 78.

¹¹² Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Азим Марғионий Чимёний. Тазкиратул-атқиё. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 9037. – В. 137^а.

¹¹³ Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Азим Марғионий Чимёний. Тазкиратул-атқиё. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 9037. – В. 137^б.

Абдурахим Ҳисорий Дарвеш Муҳаммадни Хожа Аҳрор Валийдан ҳам таълим олганини ёзди¹¹⁴.

Дарвеш Муҳаммаднинг кубравия шайхи Камолиддин Ҳусайн Хоразмий (ваф. 1551 й.) билан учрашгани, Нақшбандия шайхи Шайх Амир Али Азизон Ҳиравий (ваф. 1601-1602 й.) билан суҳбат қилгани қайд этилади. Дарвеш Муҳаммад “Ваҳдатул-вужуд” таълимоти асосчиси Муҳйиддин ибн Арабийнинг тасаввуфий-фалсафий фикр-қарашларидан чуқур таъсирланган ва шу таъсир натижаси ўлароқ бу мавзуда бир рисола ёзган деган хабар бор¹¹⁵.

Дарвеш Муҳаммад ўғли Абдулбоқи Хожаги Имканагийга бош устоз бўлган. Ундан ташқари Хожа Мирак Гумбаз Сабзий, Хожа Муҳаммад Ризо, Мавлоно Шер Муҳаммад, Шайх Солатий, Мир Али Азизон Самарқандий ва бошқаларга иршод берган. Ўзидан кейин ўғли Хожа Муҳаммад Имканагийни халифа этиб тайинлайди¹¹⁶. Муҳаммад Тоҳир Хоразмийнинг айтишича, Амир Али Азизон Дарвеш Муҳаммаднинг муриди бўлиб қолмай, улар қариндош бўлишган. Иккаласи ҳам Ҳазрат Умар р.а.нинг авлодларидан бўлган¹¹⁷.

У фақирликда кун кечириб, 970/1563 йилда вафот этади ва Китоб шаҳридан чамаси 17 км. жанубий-шарқда жойлашган Хожа Исфароз қишлоғида дафн этилади¹¹⁸.

Муҳаммад Тоҳир ибн Хоразмий “Ҳужжатус-соликин” асарида ёзишича, у қози Амон Термизий билан Шахрисабзнинг Имкана қишлоғига Дарвеш Муҳаммаднинг қабрини зиёрат қилгани боради ва унинг авлодидан бўлган Хожа Низомиддиннинг уйига меҳмон бўлган¹¹⁹.

Ҳозирги кунда маҳаллий халқ бу ерда яъни, Оксув дарёси бўйида Шайх Шамсиддин, унинг фарзанди Шайх Нажмиддин, кейинчалик учинчи бўлиб Дарвеш Муҳаммад дафн этилган, дейишади.

¹¹⁴ Абдусаттор Жуманазар. Хожагий Эмканагий устози ва таълим олган мактаб // Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Эмканагий. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: 2013. – Б. 30.; Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 347.

¹¹⁵ Обидов А., Бобохонов Ж. Тарикат силсиласининг олтин занжири. – Т.: Наврўз, 2018. – Б. 78-79.

¹¹⁶ Обидов А., Бобохонов Ж. Тарикат силсиласининг олтин занжири. – Т.: Наврўз, 2018. – Б. 79.

¹¹⁷ Ҳужжатус-соликин. – В. 1996., Тазкирани Тоҳир Эшон. – В. 180⁶-181^а.

¹¹⁸ Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Азим Маргиноний Чимёний. Тазкиратул-атқиё. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 9037. – В. 137^б; Ҳужжатус-соликин. – В. 199^а; Абдусаттор Жуманазар. Хожагий Эмканагий устози ва таълим олган мактаб // Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Эмканагий. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: 2013. – Б.30.

¹¹⁹ Ҳужжатус-соликин. – В. 199^а.

Шайхларнинг қабрлари ер устида умумий тўртбурчак шаклда қурилган катта сағана кўринишидаги иншоот ичига қўйилган. Умумий сағананинг баландлиги 4 м., эни тахм. 8 м., бўйи 12 м.ни ташкил этади. Умумий сағана мармар билан қопланиб, оқ ва жигар ранг билан ишлов берилган. Сағананинг ёнида учта шайхнинг исми-шарифи ва яшаб ўтган йиллари ёзилган. Сағана олдида ёғочдан туғ қўйилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 1961 йили археологик изланиш баҳонасида шайхларнинг боши устида қўйилган белги-тошлар олиб кетилган¹²⁰.

Ҳозирги кунда зиёратгоҳ ҳудудида фақат масжид бўлиб, ичида чиллахона бор ва у яхши сақланган. Қурилиш услубига кўра, масжид тўртбурчак шаклда, устига гумбаз ёпилган. Масжиднинг олди очик айвон килиб ёпилган ва ҳовлисида 600 ёшга кирган халқ тилида “Амир Темур томонидан экилган” деган ном остидаги терак дарахти жойлашган.

Ҳазрати Мавлоно Хожагий Шаҳрисабзий Имканагий

Хожа Имканагий Дарвеш Муҳаммад Имканагийнинг фарзанди ҳамда халифаси ҳисобланади. Ботиний ва зоҳирий тарбияни отасидан олган. У 918/1512 йилда Китоб туманининг Имканак¹²¹ қишлоғида таваллуд топган ва ўша ерни нисбаси билан аталади. У обид, зоҳид, зикр соҳиби, каромат, шарофат, азимат соҳиби эди¹²². Имканагий доим ўзини халқ назаридан олиб қочар яъни, кўп кўриनावермаган. У дастлабки билимни отасидан олгач, Бухоро, Самарқанд мадрасаларида таҳсил кўрган.

¹²⁰ Дала тадқиқотлари: Қашқадарё вилояти Китоб тумани, 2024 йил 9 июнь.

¹²¹ “Хожа Илмкони” масжиди Китоб тумани Хўжа Илмкони МФЙ, Хўжа Илмкони қишлоғида жойлашган. Хўжа Илмкони қишлоғи туман маркази Китоб шаҳридан 12 км масофада жойлашган. Хожа Илмкони қишлоғи ҳақида “Қашқадарё қишлоқномаси” китобида: “Хўжайикана – Китоб туманидаги қишлоқ. Сўнгги давр маълумотларида бу номни Хўжаикулли тарзида ёзиш ҳолати пайдо бўлди. Халқ нутқида Хўжаикана талаффуз шакли ҳам бор. Кана сўзли қишлоқ номлари бир нечта: Искана (Китоб), Зачкана (Шаҳрисабз), Ваткана, Жинжаккана, Зинжаккана. Ҳозирги ўзбек, тожик, форс ва бошқа эроний тиллардан хона(уй, уй қисми, овул, қишлоқ, жой) сўзининг қадимий шакли – кана. Маъноси – ҳовли, кўрғон, работ. Бу сўзнинг ибодатхона маъноси ҳам бўлган. Номнинг қадимий шакли Хўжаикана бўлган. Қадимда хўжа сўзи халқ муқаддас деб билган жойлар номига қўшилган ва (чинор, хонақоҳ, қабр, булоқ, чашма, тош, ибодатхона) бўлган кўрғон, саждагоҳли кўрғон (масжид). Хўжаилмкони тарзида ёзиш хато. Бу ном қишлоқларга бериш ва ном қўйиш анъаналарига зид. Илм+кон+и сўз ва кўшимчаларининг маъноси қишлоқ номлари бўлиш имкониятидан маҳрум”, дейилади. Қаранг: Акбаров Р. “Хожа илмкони” масжиди // <https://nasafziyo.uz/index>.

¹²² Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Азим Марғинович Чимёний. Тазкиратул-аткиё. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 9037. – В. 137⁶.

Махдуми Аъзам Косоний суҳбатида иштирок этган. Зоҳир ва ботин илмида камолотга эришган. Нақшбандийлик тариқатининг тарғиботчиси, донишманд сифатида шуҳрат қозонган¹²³. “Ҳазинатул асфийё” соҳиби “Равзатул ислом”дан келтиришича, ўз замонасининг султонларидан бири Пир Муҳаммад султон қўшини билан Самарқандга қараб юради. Самарқанд ҳокими (хон) Султон Боқи душманининг келишидан хавотирланиб Хожанинг олдига боради ва совға-саломлар этади. Ҳазрати Хожа шаҳардан чиқиб султон Пирмуҳаммадхоннинг олдига борди ва сулҳ тузишга рози қилишга уринди. Ночор шаҳарга қайтиб султон Боқига айтди: “Агар сен Аллоҳнинг бандаларига бошқа озор бермаслик, салтанатни инсоф билан бошқаришга, мазлумни золимдан қутқаришга чин дилдан сўз берсанг душмандан зафар қозонасан”. Султон Боқи чин дилдан зулм қилмасликка аҳд қилади. Шундан сўнг Пирмуҳаммадхоннинг лашкари қайтиб кетади¹²⁴.

“Хужжатус-соликин” асарида келтирилишича, Хожагий Шаҳрисабзий (Имканагий) Муҳаммадхонга мураббий ва тарбиячи бўлган. Муҳаммадхон: “Эй мавлоно, сиздан мен мухлиснинг умидим катта, дуонгиздан дариг тутмасангиз” дер эди. Шунда Шайх: “Мен ҳаёт эканман, албатта сизнинг дуонгизга машғул бўлуб, турли зарарлардан ҳофиз ва ниғаҳбон бўламан”, дея жавоб берарди. Имканагий Шаҳрисабзда вафот этган вақтда Муҳаммадхон Хуросонда бўлган. Ўша кун хоннинг бошини танасидан жудо қилиб, шаҳид этганлар¹²⁵.

Хожа Имканагий 1008/1599 йил 90 ёшда вафот этган. Қабри ҳам Имканак қишлоғида¹²⁶.

Муҳаммад Тоҳир ибн Хоразмийнинг айтишича, Имкана қишлоғидаги унинг макбараси чиройли этиб қурилган. У қози Амон Термизий ҳамроҳлигида у ерни зиёрат этади. Қози Амон Балхга бораётганда Муҳаммад Тоҳир ҳам у билан ҳамроҳ бўлган ва улар Имкана қишло-

¹²³ Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 347.

¹²⁴ Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Азим Марғинович Чимёний. Тазкиратул-атқиё. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 9037. – В. 138^а.

¹²⁵ Хужжатус-соликин. – В. 327^{а-б}.

¹²⁶ Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Азим Марғинович Чимёний. Тазкиратул-атқиё. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 9037. – В. 138^б.

гига кириб, Мавлоно Хожайнинг авлодларидан Хожа Низомиддин ва Хожа Жалолиддинларнинг уйига меҳмон бўлишган¹²⁷.

Имканагий қабрига қўйилган тош лавҳа кулранг мрамрдан ясалган бўлиб, унда насх-сулс хатида қуйидаги битиклар ёзилган:

“Бу орифлар султони, ҳақиқатга етганларнинг ҳужжати, миллат, дин ва султонларнинг насиҳатгўйи, фақирлар ва мискинлар мураббийи, хос ва авом мурожаат қилувчи, фозиллар ва олимларнинг суюклиси, кашф эгаси, улуг шайхлар, мағфур, марҳум, яхши ишлар қилувчи, қутблар қутби, ҳазрат мавлоно Хожай (Имканагий)нинг мунаввар қабр тошидир. У эса Мавлоно Дарвеш Вахишворнинг ўғли, уларга Аллоҳнинг раҳмати ва розилиги бўлсин. (У эса) мавлоно Ёқуб Чархийнинг издоши. (У) 1008 (1599-1600) йили вафот этган” дейилади. Даҳмадаги иккинчи қабр эса Хожа Имканагийнинг ўғли Хожа Абул Қосимнинг қабри бўлиб, қабр тошда: *“Бу муаттар қабр авлиёлар султони ва яхшилар суянчиги, олий ҳиммат, ҳаққа етишган ва Тангри карамига эришган, султонлар дўсти, фақирлар мураббийи ва мағфират этилиб, ушбу жойда сокин бўлган ҳудожўй марҳум хожа Абул Қосим ибн мавлоно Хожай а.раҳ.никидур. Вафот этган санаси ҳижрий 1022 йил (милодий 1613-1614 йиллар)”*, деган ёзув битилган.

Хожа Илмканагий қабрига яқин жойда 2015 йилда янги масжид бино этилди. Масжид Имканагий ва қишлоқнинг номидан келиб чиқиб, “Хожа Илмкони” деб аталди. 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинаиб, расман фаолият кўрсата бошлади.

“Хожа Илмкони” масжидининг тарҳи тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, бўйи ва эни 9,95х13,85 метрни ташкил этади. Масжиднинг ички баландлиги 4,70 метр¹²⁸.

Комил ибн Камол Насафий (XVI-XVII аср) мутасаввиф, кодирия тариқати вакили бўлган. “Дурр ал-макнун”, “Равзат ал-жаннат” ва “Шарҳ ал-ҳиками-л-Атоийя” номли асарлари бор.

XVII асрнинг 2-ярмида ёзилган “Дурри макнун” (“Яширин дурлар”) номли асарида сўфийлик, унинг моҳияти, атамаларини тадқиқ

¹²⁷ Ҳужжатус-соликин. – В. 326^{а-б}.

¹²⁸ Акбаров Р. “Хожа илмкони” масжиди // <https://nasafziyo.uz/index>.

этган, асослаб берган. Асарнинг муқаддима қисмида муаллиф ўзи ҳақида, асарининг ёзилиш сабабларини баён этган. Муаллифнинг айтишича, Насаф шаҳрида турувчи бу фақир бир муддат Бухоро шаҳрида истиқомат қилдим. Ўша вақтларда гоҳо изтироб ва инқибоз чекиб хомуш бўлиб қолар эдим. гоҳо Саййид Қосим Анворнинг девонини ўқиб вақт ўтказасам, гоҳо ғазал иншо (кўчирар) қилар эдим. Зохирина кўрадиганлар у ғазалларни мажозини тушунмас эдилар”¹²⁹. Шундан сўнг Комил Насафий ғазалларнинг мажозий маъноларини уларга шарҳлашни мақсад қилади ва мазкур асарини ёзади. Асар муқаддима ва хотимадан иборат.

Муаллиф асарида Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомийлардан иқтибослар келтирган. Ғазалларни ҳадис, алломаларнинг фикрлари билан шарҳлаган. Хотима қисмида истилоҳ илмининг зарурлиги ҳақида таъкидлаб ўтади ва шу қисмда истилоҳларни алифбо тартибда келтирган.

Комил Насафийнинг шу мавзудаги яна бир асари “Равзат ал-жаннат” деб номланган. Бу рисола номаълум муаллифнинг “Илҳомот” номли асарига ёзилган шарҳдир. Муқаддима қисмида муаллиф асарини ёзиши сабабларидан бир нечтасини санаб ўтган. Сабаблардан бири – айрим жоҳил сўфийлардан иборат кимсалар ўқиши учун дея келтиради. Ундай тоифа одамлар бундай китобларни ўқиб, маъносини тушунмайдилар дея изох келтиради. Муаллиф асарида оят, ҳадис, шоир ва шайхларнинг ижодидан кенг фойдаланган, ақида масалаларини ҳам ёритган. Асарда “Нафаҳотул-унс”, “Силсилатул орифин”, “Баҳрул ҳақоик”, “Шарҳи Нузҳат”, “Тафсири Мадорик”, “Кашфул маҳжуб”, “Тафсири Жомеъул баён” каби асарлардан фойдала-нилган¹³⁰.

Учинчи “Шарҳу-л-ҳиками-л-Атоийя” номли рисоласи эса Атоуллоҳ Искандарий (вафоти 1309-йил) асарига ёзилган шарҳдир. Рисоланинг XVIII асрда кўчирилган бир нусхаси бизнинг давримизгача етиб келган¹³¹.

¹²⁹ Комил ибн Камол Насафий. Дурр ал-макнун. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. Р: 529/І. – В. 2^а.

¹³⁰ Комил ибн Камол Насафий. Равзат ал-жаннат. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. Р: 529/ІІ. – В. 25^а-93^а.

¹³¹ Ўрта аср шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2016. – Б. 461.

Надр Мухаммад Насафий

Мутасаввиф олимлардан бўлиб, “Тарихи валий” номли асари ЎзР ФАШИда сақланмоқда. Асарда қодирия, кубравия, ҳамадония, чиштия тариқатларининг пирлари силсиласи, вафоти ва тарихи берилган. Масалан, Ҳазрати Эшон Мир Ҳусайн Соктарий (ваф. 1030/1621 й.)нинг шогирди Ҳазрат Шайх Мир Али Акбар Соктарий (1056/1646 й.), унинг муриди Шайх Мир Шихобиддин Соктарий (1082/1671 й.)лар бўлган.

Муаллиф рисола сўнгида устози Шайх Мир Атоуллоҳ Соктарийлиги ва муриди Шайх Мирзо Баҳодир Бухорий бўлганини ёзган. Шогирди 1100/1689 йил вафот этган. Бу маълумотдан Надр Мухаммад Насафий XVII асрда яшаган деган хулосага келиш мумкин¹³².

Сайидо Насафий

Шоир Сайидо Насафий (1047/1637-1122/1710)нинг тахаллуси ва исми “Миробид”. Бухоро мадрасаларида ўқиган ва тўқувчилик билан кун кечирган. Ҳаёти камбағалликда ўтиб, сарой шоири лавозимидан воз кечган. Турди Фароғий (XVII аср) билан яқин дўст бўлган, унинг таъсирида ижоди камолга етган.

Малехо Самарқандий ўзининг “Музақкирул-аҳбоб” номли тазкирасида Сайидо Бухородаги Девонбеги мадрасасида, кўримсизгина бир хужрада истикомат қилганини ёзади. Моддий қийинчиликда яшаса-да, таъма умидида амалдорларга бўйин эгишдан ор қилади¹³³.

Дастлаб асарларида аштархоний ҳукмдорларни мадҳ этган, уларга мадҳиялар ёзган. Лекин ижтимоий тенгсизлик, адолатсизликлар моҳиятини тушунгач, мадҳиябозликдан узоқлашган. Асарларида жабру зулмга қарши норозилик асосий ўринни эгаллаган. Шунингдек, ҳунармандларнинг машаққатли ҳаёти, уларнинг эҳтиёжларини ёзган. Чунки, шундай ҳолат ўзининг ҳам бошидан кечган. “Шахрошуб” манзумасида 212 хил касб-ҳунар эгаси ҳақида фикр билдирган, ҳунар аҳлини улуғлаган. “Баҳориёт” (Ҳайвонотнома) мажозий мунозара

¹³² Надр Мухаммад Насафий. Тарихи валий. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. Р: 2501. В. – 1⁶-14^а.

¹³³ Мухаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 82.

асарида, айрим ғазалларида ўз даврининг ижтимоий-сиёсий муҳити танқид қилинган. Асарлари нафис, содда тилда ёзилгани учун тез оммалашган.

Сайидонинг биринчи танланган девони академик Абдулгани Мирзоевнинг саъй-ҳаракатлари билан милодий 1944 йилда нашр этилади. 1977 йилда Сайидо Насафийнинг танланган асарлари сўз боши билан нашр этилади. Ушбу китобда шоирнинг 500 та ғазали, 63 та мухаммаси, қасидалари, рубойлари, мустазод, маснавийлари ва “Баҳориёт” номли асари билан чоп қилинган. Сайидо сўз зарофатига эътибор қаратгани ва янгиликка тамойил кўрсатгани боис “сабки ҳинди” ёхуд “ҳинд услуби”да ижод қилиш унга маъқул тушган. Ушбу мураккаб услубда ижод қилиш қийин бўлсада, аммо у шеърларини ушбу услубда маҳорат билан ёзган. Хаёлпарастликлар орқали ажойиб ҳамда чигал маъноларга эга иборалар яратиш ва завқни имтиҳон қилиш билан бирга у ўша вақтдаги оғир ижтимоий вазиятни ҳам шеърларида тасвирлаган.

Сайидо Насафий ёшлигидан бошлаб шеър ёзишни бошлаган ва қисқа муддатда Бухоро ва унинг атрофида иқтидорли шоир сифатида танилган. Сайидо умрининг охиригача Бухорода қолади ва ушбу шаҳарда ижод қилади. Ундан қолган адабий мерос – ғазал, қасида, маснавий, мусаддас, мухаммас, рубойи, қитъа ҳамда тамсилый асарлар бўлмиш “Баҳориёт” ва Шаҳр ошуб” дан иборатдир ва 8500 байтни ташкил этади. Унинг девон ва танланган шеърлари бир неча бор Тожикистонда чоп этилган.

Миробид Сайидо Насафий 1122/1710 йилда Бухорода вафот этган¹³⁴.

ҒАЗАЛЛАРДАН НАМУНАЛАР

Қай тараф бормай, сўроғим: “Қайда мардум?” – айларам,
Борки шўҳ ўғлим, уни ҳар-ҳар замон гум айларам.
Оқизиб қонимни дилдан, сўрар: аҳволинг қалай,

¹³⁴ <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/fors-tojik-sheriyati/sayido-nasafi/>; <https://ru.wikipedia.org>

Чопар-у шамшир билан, дейди, тараххум айларам.
Гул каби ишқ соғари илкинга осон кирмагай,
Хун ичар токи умрлар бир табассум айларам.
Бошладим гарчи гуноҳни, узмади бадхўй оёқ,
Мен тиғи остида умримни тазаллум айларам.
Ойни рухсори унинг хийра чодирга михлади,
Хийракўз юлдузларин бамисли мазлум айларам.
Безабон неъмат буғдой эрди хомуш лаблари,
Шиква этмасдим, ўзимни энди сал шум айларам.
Тўғри гап айтмоқ қиличбозликдан авлодир азал,
Арра гард қилгай тилимни, то такаллум айларам.
Мисли тандир, интизорликдан қаро бўлғай кўзим,
Оқ буғдой нондан наҳот суфрамни махрум айларам?
Мен гўё Сайидо, сўнг майхона ёққа борамен,
Сокин ором олганики, болишим хум айларам.

* * *

Гулинг бўйини тунларда ҳаволардан сўроғ этсам,
Бориб боғинга ўн панжам ёқиб мисли чароғ этсам.
Сипанд доналаридан чексам ўзлар интиқомини,
Куюк юлдузларингни бамисоли лола, доғ этсам.
Ёниш таълимини олсам сенинг базмингдаги шамдан,
Бориб майкадага чароғини мен бедимоғ этсам.
Ғунча янглиғки бошим хешларимнинг пинжига тиксам,
Лозимми боғ ҳавоси сингари димоғ-фироғ этсам.
Тийра бахтимга ўзимнинг ташладим ҳар шом назар,
Юзидан хонани гашти тамошо, мисли зоғ, этсам.
Хешларимдан топмадим бир бор хабар чун Сайидо,
Магар водийсига Мажнунни борсам-да, сўроғ этсам.

* * *

Итинг минг хурса ҳам этмам шикоят,
Ки бор сарви равонингдин ривоят.
Йўлинг бошида мен ўпай узангинг,
Етагингдин магар топгум иноят.
Хазон боғинга йўл топмайди ҳаргиз,

Магар сарви равонга бор ҳимоят.
Сенинг қай илтифотинга шукр дей?
Ниҳонингдин атолик йўқ ниҳоят!
Сайидога халослик йўлини айт,
Жинон боғига, гар бўлмас жиноят.

* * *

Маҳ ликосидин бу кеч хонам чаманлиғ истагай,
Шамъи мажлис кўзга милдай анжуманлиғ истагай.
Бўстоннингким, менинг моҳим тамошо айлади,
Ғунчаси гулнинг Юсуфга пираҳанлиғ истагай.
Бошласам гулшанда нола гар қаро бахтим учун,
Ки овозим сурнайи мурғи чаманлиғ истагай.
Мурдасин парвонанинг боғлар фонус қошида шамъ,
Пардаси маъшукнинг ошиққа кафанлиғ истагай.
Холи карвонларни урғайдур унинг хат фаслида,
Гар танилди ўғри, бил, ул роҳзанлиғ истагай.
Тоҷу тахту ганжинанг мағрури бўлма, Хусраво,
Рўзи маҳшар хун баҳойи Қўҳканлиғ истагай.
Дилбарим гар шеърӯ шоирликка чин дохил экан,
Чун қалам мен бирла сўнг ёри суҳанлиғ истагай.
Мисли савсан ҳарфимиздан бир забон ким етказур,
Бўйнида ғунчаосо маржони шанълиғ истагай.
Келди айёми, қуёшдек айланурмиз барчамиз,
Токи қайси сарзамин бизга ватанлиғ истагай.
Гар, Сайидо, зулфидан ёрнинг насим келтирса бўй,
Қўчалар, шаҳримда саҳройи Хўтанлиғ истагай¹³⁵.

Мир Аҳмад ибн Мавлоно Назруллоҳ ал-Хусайний ал-Кеший

Мир Аҳмад (ваф. 1221/1806 й.)ни етти ё саккиз ёшида отаси билан бобоси Эшони Шаҳид номи билан танилган Эшон Охунд Мулло Муҳаммад Латиф(ваф. 1150/1737 й.)нинг тарбиясига топширишади. Устози унга Мир Аҳмад деб исм қўяди ва: “Мир Аҳмад менинг

¹³⁵ Форс тилидан Жонибек Субҳон таржимаси. Қаранг: <https://parstoday.ir/uz/radio/programs>

фарзандим, уни ранжитманглар. Агар унга озор берсангиз менга озор берган бўласизлар”, дейди¹³⁶.

У бир неча муддат Мовароуннаҳр шаҳарларига саёҳат қилади. Сўнгра илм олиш мақсадида Бухорога боради. Бухородаги бир мударрисдан ҳужра олиб, сабр билан диний илмларни олишга киришади. Асарида Заргарон мадрасасида яшаганда талабалар билан бўлган кизиқарли воқеаларни ҳам киритган¹³⁷.

“Меҳтари Анбар” масжидида Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Юсуф билан учрашиб, унинг хизматига киради. Бир неча муддат Шайхдан таълим олгач, устози уни бошқа муршиддан таҳсил олишни буюради. У Бухородан чиқиб¹³⁸, Даҳбедга боради. 1172/1759 йилда Саййид Муҳаммад Мусо Ҳожахондан илм ола бошлайди. 18 йилга яқин вақт ундан таҳсил олгач, устози вафот этади ва Даҳбеддаги катта бобоси Махдуми Аъзамнинг савмаъсига дафн этилади¹³⁹.

Мир Аҳмад “Тухфатур русул ва фарид ал-мактубот” номли асар ёзган. ЎзР ФА шарқшунослик институтида асарнинг 1262/1846 йилда кўчирилган нусхаси сақланмоқда. Китоб муқаддима, 85 мактуб ва хотимадан иборат. Мактубларда: ақида масалалари, илм талаб қилиш, унинг фазилатлари, фикҳга доир мавзулар, қайлула, салом-алик, мусофаҳа ва муъонақа, аксирганда ҳамд айтиш, Асмои ҳуснани шарҳи, тавба, савоб, тасаввуф аҳли, шариат ҳақида, жаннат, дўзах, уларнинг сифатлари, жазаба, сулук, Ҳожагон-нақшбандия тариқати мақомотлари, Абдуҳолик Гиждувоний васиятлари берилган. 84-85-мақолаларда муаллиф ўзининг ҳаёти ва устози ҳақида ёзган.

Мир Аҳмад 1221/1806 йил шаввол ойининг 13-кечаси хуфтон вақтида вафот этади ва Ҳожи Муҳаммад Юсуф қабрининг ғарб томонида дафн этилади.

¹³⁶ Мир Аҳмад ибн Мавлоно Назруллоҳ ал-Ҳусайний ал-Кеший. Тухфатур русул ва фарид ал-мактубот. ЎзФА ШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 2154. – В. 187^а.

¹³⁷ Ўша асар. – В. 186^б.

¹³⁸ Мир Аҳмад ибн Мавлоно Назруллоҳ ал-Ҳусайний ал-Кеший. Тухфатур русул ва фарид ал-мактубот. ЎзФА ШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 2154. – В. 187^а.

¹³⁹ Ўша асар. – В. 188^а.

Ҳазрати Хожа Шох Қаршигий

У ориф, зоҳид инсон бўлиб Шайх Абдулқуддуснинг муриди бўлган. Қози Амон Термизий Хожа Али Афғонийдин нақл қилишича, Хожа Шох яхши одам бўлиб, олий мартабага эришган зотлардан бўлган. Улар бир-бирини кўрмаган бўлса-да, ғойибона уни яхши инсон эканлигини доим таъкидлаган. Хожа Шохнинг қабри Қаршига қарашли “Косон” қалъасининг ташқарисида эди. Муҳаммад Тоҳир ибн Хоразмий “Хужжатус-соликин” асарида унинг қабрини зиёрат қилган воқеасини қуйидагича келтирган: *“Фақир вақти Қаршига мутаважжсиҳ бўлиб Хожа Шохнинг қабрин зиёрат этиб андин сўнг Қарши вилоятига етушдим. Намози асрдин аввал Ҳазрат Убайдуллохоннинг лашқарига лоҳиқ бўлдим. Сўнги куниким, якшанба эрди Убайдуллохон лашқари била Шаҳрисабзга дохил бўлдилар. Ул мавзеда 14 кун таваққуф этиб, Балх тарафга равон бўлдилар. Сўнги кун¹⁴⁰ Харрозга етишдилар. Фақир ул мавзедин Бухоро тарафга мурожаат қилдим. Ҳазратхон мазкур Балх бориб они мусаххар қилиб, фатҳ ва файрузи била Бухорога келиб, ўз тахтида қарор тутди. Ал-ҳосил, Хожа Шохнинг қабрини зиёрат қилдим эрса, ул мавзенинг одамларидин сўрдим. Ҳазрат Хожа Шох қая вақт вафот топдилар? Алар айтдилар: “Бир йил муддатидаур Ҳазрат Хожа Шох вафот топдилар”. Ул Ҳазратнинг қабрин зиёрат қилгон вақтда 27 ёшар эрдим. Ҳолоким, бул китобни ёзув ўлтурубдурман фақирнинг ёши бир кам 70 га етушубдур. Ул Ҳазратнинг рихлати замони била фақирнинг бу замонининг ўртаси қарийб 42 йил бўлубдур”¹⁴¹.*

Шайх Ҳасан Насафий

У гўзал хулқли инсон бўлган. Шайх Ҳасан Насафий Ҳазрат Амир Ҳамзанинг улуғ халифаларидан эди¹⁴². У Қарши вилоятидан бўлиб, айримлар Насаф вилоятидан ҳам деганлар¹⁴³.

¹⁴⁰ Хужжатус-соликин. – В. 369^б.

¹⁴¹ Ўша асар. – В. 370^а.

¹⁴² Ўша асар. – В. 117^б.

¹⁴³ Хужжатус-соликин. – В. 118^а., Тазкирани Тоҳир Эшон. – В. 103^{а-б}.

Шайх Тожиддин Насафий

Ул олим роҳи дин, ходий, аҳли яқин яъни Ҳазрат Шайх Тожиддин Насафийдур. Ул жаноб ҳам Ҳазрат Саййид Амир Ҳамзанинг хулафолари зумрасидин¹⁴⁴.

Шайх Али Хожа Насафий

Ул соҳиби мартабаи олий, муршиди маволий Ҳазрати Али Хожа Насафийдур. Ул Ҳазрат ҳам Амир Ҳамзанинг асҳоблари асҳоблари жумласидин эрди¹⁴⁵.

Шайх Ҳамадон Араб Қаршигий

Ул толиби Ҳазрати Раҳмон яъни Ҳазрати Шайх Ҳамадондур. Ул жаноб Шайх Муҳаммад Алининг асҳоби киборларидин эрди. Ул ҳазратнинг қабри ҳам Қаршида воқеъдир. Ҳазрат Шайх Ҳасан Араб унинг халифаларидан бири ҳисобланади¹⁴⁶.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги Қарши ва Шаҳрисабз тарихи Марказий Осиёнинг энг кўҳна шаҳарлари – Самарқанд, Бухоро, Хива тарихи сингари қадимийдир. VIII аср охири ва IX асрнинг бошларида Насаф ва Кешда йирик ҳадисшунослик ва фикҳшунослик мактаблари вужудга келган. Бу мактабларда ислом оламининг турли мамлакатларидан келган талабалар билим олган.

Қуръон, тафсир, ҳадис, ақида ва фикҳ илмларида Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавий, Абул Муъин Насафий, Нажмиддин Абу Ҳафс Насафий, Абул Баракот Насафий, Абу Шакур Солимий Кеший, Лутфуллоҳ Насафий каби олимлар ижод этган бўлишса, Абу Туроб Нахшабий, Зиёуддин Нахшабий, Азизиддин ибн Муҳаммад Насафий, Надр Муҳаммад Насафий, Сайидо Насафий, Мир Аҳмад Кеший, Комил ибн Камол Насафий, Хожа Шамсиддин Кулол, Дарвеш Муҳаммад Имканагий, Хожа Имканагий каби мутасаввиф, файласуф, шоир ва табиблар бутун ислом оламида шуҳрат топдилар. Уларнинг асарлари дунёнинг турли давлатлари фондларида сақланмоқда ва уларнинг айримлари бир неча тилда таржима қилинган.

¹⁴⁴ Хужжатус-соликин. – В. 118^а, Тазираи Тохир Эшон. – В. 103^б.

¹⁴⁵ Хужжатус-соликин. – В. 118^а, Тазираи Тохир Эшон. – В. 103^б.

¹⁴⁶ Хужжатус-соликин. – В. 357^а.

II боб. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ТАРИХИ

2.1. ҚАШҚАДАРЁ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ

Жанубий Ўзбекистон ҳудудидаги зиёратгоҳлар масаласига доир маълумотларни ёзма манбалар бўлган эсдалик, хотира, ҳисобот, саёҳатнома, қозилик ва вақф ҳужжатлари орқали аниқлаш тадқиқ қилинди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Қашқадарё ҳудудидаги зиёратгоҳлар тарихини ёритувчи манба ва адабиётларни характерига кўра, қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Ўрта асрлар тарихига оид манбалар. Таъкидлаш лозимки, ўрта асрларда Қашқадарё воҳаси тарихини ёритувчи маълумотлар ҳудуд топонимикаси, географияси, аҳоли турмуш тарзи ва жой номлари билан боғлиқ маълумотларни ўз ичига олади. Жумладан, дастлабки маълумотлар X асрда Кешга (ҳозирги Шаҳрисабз) келган араб сайёҳи Ибн Ҳавқал асарида келтирилиб, унда Кеш шаҳри кўҳандиз, ҳисна ва работдан ташкил топганлиги, шаҳар Мадина работ билан туташиб кетганлиги айтилади. Ички шаҳар ва кўҳандиз хароба ҳолатда бўлиб, шаҳарнинг барча иморатлари лойдан ва ёғочдан қурилган¹⁴⁷. Кеш шаҳридаги қишлоқларнинг аҳолиси ҳақидаги маълумотлар, бу ерга ташриф буюрган яна бир араб сайёҳи Муқаддасий (X аср), Табарий (224/839-311/923 йй.) ва Истаҳрий (ваф. тах. 345/957 йй.) асарларида ҳам учрайди¹⁴⁸.

Абдулқарим Самъоний XII аср ўрталарида Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Насаф, Кеш ва Термиз шаҳарларига ташриф буюриб, Қарши воҳасида бўлган вақтида, у ернинг шаҳар ва қишлоқларини, олим ва фузалоларини ўрганган, улар билан танишиб, суҳбат қурган. Унинг “Насабнома” (“ал-Ансоб”) номли қимматли асарида Самарқанд, Насаф ва кешлик 90 та алломанинг номи зикр этилади. Жумладан, Қарши туманидаги ҳозирги Қовчин (аввалги Ибсан қишлоғи)дан етишиб

¹⁴⁷ Ибн Ҳавқал. Китоб сураат ал-арз. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. – Б. 65-66.

¹⁴⁸ Камолиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана арабоязычным источникам IX-начала XIII вв. – Т.: 1996. – С.18-30.

чиққан алломалар ҳақида ҳам маълумот берилади¹⁴⁹. Абдулкарим ас-Самъонийнинг маълумотиغا кўра, 219/834 йил Насафда биринчи марта шайх Абу Абдурахмон Муъёз ибн Ёқуб Косоний жомеъ масжиди, унга яқин жойда сўфийлар учун рабат, кудук ва таҳоратхоналар қурдирилган¹⁵⁰.

Маълумки, ислом дини ривожига ҳисса қўшган тасаввуф шайхларининг давлат подшоҳлари олдида ҳам обрўи баланд бўлган, улар ислом уламоларини жуда ҳурмат қилиб ўзларига пир деб билган, пир-муридлик даражаси ривожланган. Айнан шу асосда, машҳур авлиёларнинг қабрлари вафотларидан кейин ҳам катта зиёратгоҳ бўлиб қолган. Уларнинг халқ орасидаги обрўи, кўрсатган кароматларига қараб зиёратгоҳнинг мавқеи кўринган. Бошқа давлатлардан келган элчи, сайёҳлар ҳам ислом оламида машҳур бўлган шахс ҳурмати учун уларнинг қабрларини зиёрат қилган.

II. Тарихий-бадий асарлар:

а) Тарихий-географик асарлар. Маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган сиёсий, биографик асарлар ҳамда хорижлик сайёҳларнинг ҳисоботларида зиёратгоҳлар ва уларнинг халқ ҳаётидаги ўрни тўғрисида маълумотлар келтирилади. Бундай турдаги манбаларда биографик шахслар номи ҳамда авлиё, пир, сиғиниш масканлари тарихини ёритувчи номлар қайд этилади. Зиёратгоҳлар номи билан боғлиқ уламолар тарихи, биографияси, олимларнинг асарлари ҳамда ўлкадаги аҳолининг маданий ҳаётини ёритувчи манбалар яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институти фондида¹⁵¹ Ҳофиз Абрунинг “Ашкол ал-ақолим”, “География”, “Худуд ул-олам”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” қўлёзма манбалари¹⁵² сақланади. Мазкур манбалар ҳам ўлка аҳолиси тарихига доир маълумотларни сақлаши билан қимматли ҳисобланади.

¹⁴⁹ Самъоний Абдулкарим. Насабнома (ал-Ансоб). – Бухоро: 2003. – Б. 225-226.

¹⁵⁰ Камалиддинов Ш.С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана арабоязычным источникам IX – начала XIII вв. – Т.: 1996. – С. 52-53.

¹⁵¹ Ҳофиз Абу. Ашкол ал-ақолим. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма. Р: 5361. – В. 290.

¹⁵² Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. – Ж. II. –Т.: Фан, 1969. – 310 б.; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома («Шарафномаи шохий»). Биринчи китоб. Форс тилидан С.Мирзаев тарж.; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б.Аҳмедов. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 65.

Шарқшунослик институти жамғармаси, унда сақланаётган ёзма ёдгорликлар миқдори ва уларнинг илмий-тарихий аҳамияти жиҳатидан дунёда энг бой ва бетакрор хазина ҳисобланади. Унинг таркибида ягона ва нодир асарлар ҳам талайгина. Жумладан, Ёқут Ҳамвийнинг (XII аср охири – XIII аср боши) “Муъжам ал-булдон” асарида Марказий Осиё шаҳарлари, жумладан, Насаф ва Кешга борганининг изоҳи билан бирга, аҳолига доир шу ерда яшаган атоқли шахслар, зиёратгоҳлар, ёдгорликлар тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилади¹⁵³.

Темурийлар даврида сарой тарихчиси бўлган Ҳофиз Аbru (763/1362-834/1431 йй.) кўп марта саёҳатга чиққан ва кўп жойларни кўрган. Унинг “Зубдат ат-таворих” асари тарихий-географик манба бўлиб, унда Кеш-Шаҳрисабз, Нақшаб-Кеш атрофида мадрасалар, хонақоҳлар, рабоблар ва ҳовузлар курдилар¹⁵⁴, деб қайд этилса, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сида¹⁵⁵, XVII асрда яшаган тарихчи Маҳмуд ибн Вали асарида Қарши ҳақида маълумотлар келтирилгани¹⁵⁶ кўриш мумкин.

Айтиш лозимки, зиёратгоҳлар номи турли авлиё ва валийлар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, авлиёлар ҳаёти ва қароматларига доир Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида 72 авлиё тўғрисида маълумот келтирилса, Рушдий тазкирасида 95 авлиё зикр этилади¹⁵⁷. Мазкур манба ҳам айнан Қашқадарё воҳаси авлиёлари номи билан боғлиқ маълумотларни ўзида бирлаштиради.

Абдурахмон Жомий қаламига мансуб “Нафохат ул-унс”да 618 авлиё зикри берилган¹⁵⁸. Авлиёлар ва уларнинг ҳаётига оид маълумотлар, шунингдек, авлиёларнинг инсон турмуш тарзи билан боғлиқ масалаларга доир қарашлари зиёратгоҳлар тарихини ўрганишда ёрдамчи материал вазифасини бажара олади. Шунингдек, 1496 йилда

¹⁵³ Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 143.

¹⁵⁴ Ҳофиз Аbru (ЎзР ФАШИ. Р: 5361. – В. 4^а; А. Ўринбоев таржимаси); Ҳ.Ҳасанов. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 154.

¹⁵⁵ Бобур З.М. Бобурнома. – Т.: Фан, 2018. – Б. 54.

¹⁵⁶ Аҳмедов Б. Маҳмуд ибн Вали. – Т.: Фан, 1966. – Б. 37.

¹⁵⁷ Фаридуддин Аттор. Ибодати исломия. – Т.: Ғафур Ғулом нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. – 464 б.; Тазкират ал-аулия, или Рассказы о святых. Пер. Ольги Васильевой. Автор: Фарид ад-дин Аттар. – М.: САМПО, 2005. – 240 с.

¹⁵⁸ Абдурахмон Жомий. Асарлар. 8-жилд. Нафохат ул-унс. – Душанбе: Адиб, 1990. – 584 б.

Алишер Навоий “Насойим ул-мухаббат” номли тазкирасида 770 авлиёнинг таъриф ва тавсифини келтирган¹⁵⁹. Мазкур асар ҳам Марказий Осиё ҳудудида авлиёлар номи билан боғлиқ топонимика, агиография ва персонификация таҳлилига қўшимча манба вазифасини бажаради. Манбада Кеш алломалари ҳақида ҳам сўз боради.

Таъкидлаш ўринлики, зиёратгоҳлар масаласини ўрганишда зиёратгоҳ таъмири билан боғлиқ вақф ҳужжатлари маълумотлари ҳам муҳим ҳисобланади. Шу маънода, Хожа Аҳрор Валийнинг вақф ҳужжатлари ҳам қимматли манба вазифасини ўтайди. Мазкур китобда Хожа Аҳрор Валийга тегишли Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Афғонистонда жойлашган ер мулки, шаҳар атрофидаги боғлар, савдо-ҳунармандчилик расталари (тим), ҳаммомлар, тегирмонлар ва бошқа мулклар қайдга олинган ҳужжатлар сифатида берилган. Мазкур мулклар масжид, мадрасалар қуриш ва авлиёлар қабри учун вақф қилингани таъкидлаб ўтилган¹⁶⁰.

Тарихий манбаларда айнан Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги зиёратгоҳлар масаласининг барча жиҳатларини қамраб олган материаллар ёритилмаса-да, бироқ ушбу маълумотлар муаммонинг тарихий босқичларини аниқлашга ёрдам беради. Шунингдек, кейинги давр манбалари бўлган Рўзбеҳхоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асари¹⁶¹ ва Муҳаммад Солихнинг “Шайбонийнома” асарида¹⁶²ги географик ва этнографик маълумотларда Бухоро таркибидаги Қоракўл, Қарши ва Ғузор аҳолисининг ижтимоий ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар учрайди.

б) Илмий-оммабон, биографик характердаги рисоалар. Бу туркумдаги манбалар ўз ичига шеър, ҳикоя ва насрий асарларни олади. Кўриб ўтилаётган даврда яратилган айрим бадий асарларда диний культ билан боғлиқ воқеалар, урф-одатлар ва уларнинг асл ҳикоялари, авлиёларнинг шахсий ҳаётини ёритувчи мисоллар кўрсатиб берил-

¹⁵⁹ Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. Мукамал асарлар тўплами. 17-том. – Т.: 2001. – 590 б.

¹⁶⁰ Самарқандские документы XV-XVI вв. (О владениях Ходжи Ахрара в Средней Азии и Афганистана). Факсимиле, критический текст, перевод, введение, примечания и указатели О.Д.Чехович. – М.: Наука, 1974. – 631 с.

¹⁶¹ Ахмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: 2001. – 352 б.

¹⁶² Муҳаммад Солих. Шайбонийнома. – Т.: Ғ.Ғулом, 1989. – 334 с.

ган¹⁶³. А.Чориевнинг “Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир манокби” асари, Садриддин Салим Бухорийнинг “Боҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир”, Ж.Мирзони “Термиз сайидлари”, Идрис Шохнинг Нақшбандия тариқатини ёритувчи рисоласи, И.Райҳоновнинг Қашқадарё воҳасида ижод қилган Ҳазрат Жунайд Бағдодийнинг ҳаёти ва меросига доир асари, Ш.Шарипов ва И.Хошёрларнинг “Исҳоқ бува зиёратгоҳи”, Муҳаммад Усмон Жамолнинг “Буюк донишманд”, Менқул Ханжарнинг Вахшувор ва Сўфи Оллоёр шахсига доир асари, Мирзо Аҳмад Хушназарнинг “Қабристон зиёрати одоби” шулар жумласидандир.

в) Эсдалик тарзида ёзилган адабиётлар. Мазкур турдаги адабиётларнинг асосини этнограф, географ ва тарихчиларнинг эсдалик кўринишида ёзилган хотира ва ҳисоботлари ташкил этади.

Маълумки, XV-XVI асрларда Ўрта Осиёга Рус ва Европа давлатларидан элчилар келиши кўпайган. Мазкур элчилар ўз маълумотларида, зиёратгоҳлар ёки ислом оламидаги шахслар бўлган авлиё, пирлар тўғрисида батафсил тўхталмаса-да, аммо Ўзбекистон жанубий ҳудудларининг этник ҳолати, дини, аҳоли турмуш тарзи ҳақида маълумот келтириб ўтганлар. Албатта, бундай маълумотлар муаммонинг тарихий босқичларидаги деталларни аниқлашга ёрдам беради.

Руи Гонсалес де Клавихонинг “Кундалиги”да айтилишича, XV аср бошларида Испаниядан келган элчига Амир Темур давлати ва Усмонли Турк султонлиги ҳақида аниқ маълумотлар олиб келиш топширилган эди. Элчи Руи Гонсалес ўз асарида Кеш (Шаҳрисабз) ҳақида¹⁶⁴ маълумот берса, Е.К.Мейендорф ўзининг “Россия элчилигининг Оренбургдан Бухорога 1820 йилги саёҳати” (Путешествия Российского

¹⁶³ Садриддин Салим Бухорий. Боҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. – Т.: Ёзувчи, 1993.; Менқул Ханжар. Вахшувор ва Сўфи Оллоёр. – Термиз: Жайхун, 1993.; Садриддин Салим Бухорий. Табаррак зиёратгоҳлар. – Т.: Ёзувчи, 1993. – 48 б.; Идрис Шох. Нақшбандия тариқати. – Т.: Ўзбекистон, 1993.; Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир манокби. – Т.: Шарқ, 1996.; Мирзо Ж. Термиз сайидлари. – Самарқанд: Ўзбекистон Республикаси ФА. F.Ғуломов ношидаги Археология институти, 2001.; Мирзо Аҳмад Хушназар. Қабристон зиёрати одоби. – Т.: Мовароуннахр, 2005.; Муҳаммад Усмон Жамол. Буюк донишманд. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2009. – Б. 8.; Шарипов Ш, Хошёрв И. Исҳоқ бува зиёратгоҳи. – Т.: Voris-nashriyot, 2016. – Б. 6-7.; Исмомил Хожий Райҳонов. Ҳазрат Жунайд ал Бағдодийнинг ҳаёти ва мероси. – Қарши: Насаф, 2017. – Б. 14.

¹⁶⁴ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). Масъул муҳаррир Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муалл. М.Сафаров; тарж. О.Тоғаев. – Т.: Ozbekiston, 2010. – 264 б.

посольства из Оренбурга в Бухару в 1820 году) номли монографик тавсифида Бухоро, Янги Урганч, Хива, Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Термиз, Бойсун, Шеробод ва бошқа шаҳарлар ҳақида қизиқарли шарҳлар келтирган¹⁶⁵. Хусусан, унда Кешдаги Темурбек томонидан қурилган масжид ва унинг отаси дафн этилган мақбара борлиги ҳамда Амир Темур амри билан қуриладиган бу мақбара ҳали битмагани айтилган. Темурбекнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо шу масжидда дафн этилгани ҳамда масжидда ҳар куни отаси ва ўғлининг хотирасига атаб, элга худойи ош берилгани қайд этилган¹⁶⁶.

Ўзбекистон тарихига оид манбаларнинг яна бири – XVII асрдан бошлаб минтақага ташриф буюрган сайёҳларнинг сафарномалари бўлиб, уларнинг катта қисми рус, инглиз, немис, француз тилларида ёзилган. Мазкур минтақага қизиқиш, айниқса, XIX асрда кучайиб, бу даврда хориждан турли мақсадларда кўплаб экспедициялар уюштирилган, тадқиқотчи, сайёҳлар ташриф буюрганлар.

Марказий Осиёни ўрганиш учун юборилган йирик тадқиқотчилардан яна бири бу Шарль Эжен де Южфальви де Мезо-Ковездир (1842–1904)¹⁶⁷. Француз ҳукумати томонидан Ш.Южвальфи раҳбарлигида Туркистонга 1876 ва 1887 йилларда икки маротаба махсус илмий экспедиция жўнатилган. Бу икки экспедициянинг натижалари берилган “Француз илмий экспедицияси Россия, Сибир ва Туркистонда” номли олти жилддан иборат асарда Туркистонни ўтган икки йил давомида этнографик нуқтаи назардан урф-одатлари, анъаналари ва эътиқодларини ўрганган. Бунинг натижасида, Марказий Осиё этник атласи яратилган.

1867 йилда Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфманнинг шахсий топшириғи билан Россия империяси бошқарув аппаратини Туркистон ўлкаси ҳаётига оид турли хил маълумотлар билан таништириб бориш мақсадида “Туркистон тўплами” – тарихий хорижий

¹⁶⁵ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году. Предисл. Н.А.Халфина. – М.: Главная редакция восточной литературы издательства Наука, 1975. – 182 с.

¹⁶⁶ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). Масъул муҳаррир Муҳаммад Али. Сўзбоши ва изоҳлар муал. М.Сафаров; тарж. О.Тоғаев. – Т.: Ozbekiston, 2010. – Б. 146-147.

¹⁶⁷ Nebenzahl Kenneth. Mapping the Silk Road and Beyond. 2000 years of Exploring the East. – New York: 2005. – 176 p.

нашрлар жамланмаси тузилиб¹⁶⁸, унинг 555, 566-569, 584, 589-жилдларнинг этнография қисмида ҳудуд аҳолиси зиёратгоҳларига ташрифи масаласига доир мақолалар қайд этилади.

Шунингдек, ўлкада яшаган рус шарқшунос олимлари, асосан, маҳаллий аҳоли ҳаёти турмуш тарзи, жумладан, уларнинг авлиё пирларга муносабати, аҳоли турмуш тарзида ибодатнинг аҳамияти, зиёратгоҳларга ташриф масалаларини кенгроқ ёритганлар. Мазкур масала юзасидан А.Г.Арендаренко, А.И.Брянов, В.Духовская, А.Н.Куропаткин, Н.С.Лыкошин, Г.П.Федоров, В.Наливкин, М.Наливкина, Н.П.Остроумов, Н.Маллицкий, В.А.Парфентьев асарларида ҳам кенг маълумотлар учрайди¹⁶⁹.

Туркистон генерал-губернатори С.М.Духовскийнинг 1899 йилда ёзилган “Ислам в Туркестане” асарида аҳолининг зиёратгоҳларга ташрифи қуйидагича баҳоланган: тажриба шуни кўрсатмоқдаки, туземликлар касалликларни даволашда ўз хохишлари билан рус тиббиётчиларнинг хизматларидан фойдаланмоқда, бироқ даволаниш тугаши билан улар (Туркистон мусулмонлари – С.Ж.) даволаш натижалари янада яхшироқ бўлиши учун албатта “муқаддас жой”ларга ташриф буюришади. Бундай жойлардан маҳаллий аҳоли ўз дардларидан фориғ бўлишни исташади¹⁷⁰. Бундан ташқари, эсдалик тарзида ёзилган адабиётлар ҳам ўлка аҳолиси турмуш тарзи, дин амалларининг бажарилиши, зиёратгоҳларга ташриф масаласида кизиқарли маълумотларни бирлаштиради.

III. Расмий ҳужжатлар. Маълум тарихий даврда кечган жараёнларни ўрганишда мазкур вақт оралиғида яратилган ҳужжатларнинг

¹⁶⁸ Касымов А.Г. Туркестанский сборник. – Т.: Фан, 1984. – 30 с.

¹⁶⁹ Остроумов Н.П. Характеристика религиозно-нравственной жизни мусульман, преимущественно Средней Азии // Православное обозрение, 1881.; Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: 1886.; Арендаренко А.Г. Досуги в Туркестане 1874-1889. – СПб, 1889.; Сарты. Этнографические материалы. – Т. 1. –Т.: 1890.; Маллицкий Н. Ишаны и суфизм. Сборник материалов по мусульманству. – СПб, 1899.; Брянов А.И. На память о Фергане. Новый Маргилан, 1901.; Парфентьев В.А. Селение Вуадиль. (Статистический очерк). – Ежегодник Ферганской области. – Т. 3. – Новый Маргилан, 1904.; Духовская В. Туркестанские воспоминания. – СПб, 1908.; Современное правовое положение мусульманской женщины. – Казань: 1911.; Федоров Г.П. 36 лет службы в Ташкенте. – СПб, 1913.; Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. – Т.: 1913.; Современное правовое положение мусульманской женщины. – Казань: 1911.; Лыкошин Н.С. Полжизни в Туркестане. Очерки быта туземного населения. – СПб. 1917.; Куропаткин А.Н. Семиречье Из дневника // Военная мысль, 1920. №1. Дневник // Красный архив, 1923. № 1. (20); Айни С. Бухара. Воспоминания. – М.: 1960.

¹⁷⁰ Духовский С.М. Ислам в Туркестане. – СПб, 1899. – С. 4-6.

бекиёс ўрни бор. Тарихий ҳужжатлар мазмунига кўра, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётни акс эттиради ва шу билан боғлиқ ҳодисалар ҳақидаги ахборотни ўзида сақлайди. Аини вақтда ҳужжатларнинг катта қисми расмий манба сифатида ҳам ҳаққоний тарихни ёритишда муҳим далил ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий архивининг (кейинги ўринларда – ЎзМА) жамғармаларида мустамлака, совет ва мустақиллик йилларида Қашқадарё ва Сурхон воҳаси этнографияси, биолар архитектураси, давлат ва дин муносабатларига доир қимматли материаллар сақланади. Масалан, ЎзМА архив ҳужжатлари 34-фондда ТАССР Маориф Халқ комиссарлигининг 1917-1924 йилдаги вақф ҳужжатлари Туркистондаги область ва уездларга доир маълумотларни бирлаштириб, унда зиёратгоҳлар учун ажратилган вақфлар ҳақида ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, 394-фондда санъат, табиат ва қадимги ёдгорликларни сақлаш Ўрта Осиё кўмитаси (Средазкомстарис) жамғармаларида 1920-1928 йиллардаги Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий обида ва ёдгорликларнинг сақланиши, уларнинг рўйхати, давлат муҳофазасидаги ҳолати тўғрисида маълумотлар сақланади.

Совет йилларида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуд зиёратгоҳлари ҳолати, уларнинг муҳофазаси юзасидан маълумотларни 2761-фондда «Республиканское правление общества охраны памятников истории и культуры» (Маданий ва тарихий ёдгорликларни сақлаш жамиятининг Республика бошқармаси) жамғармаларида учратиш мумкин. Шунингдек, 2296-фондда «Главное управление по охране памятников и изобразительного искусства Министерство культуры УзССР (1957-1976)» (ЎзССР маданият вазирлиги тасвирий санъат ва ёдгорликларни сақлаш бош бошқармаси) жамғармаси ҳам ўзида қимматли маълумотларни бирлаштирган. Унда ёдгорликларни сақлаш юзасидан буйруқлар, таъмирлаш (реставрация) жараёнлари, уларга ажратилган маблағлар, шу даврдаги ёдгорликларнинг расмий рўйхати келтирилган. Шунингдек, ЎзМАда, Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихи билан бевосита боғлиқ архив ҳужжатлари жамланган М-фондлар ҳам архитектура, маданият қурилиш соҳасига доир тарихий ва бошқа жараёнларга тегишли маълумотларни ўзида қамраб олган. Масалан,

М-7, М-38 фондлари Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги жамғармасида ҳамда М-35 фондда ҳам «Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству» маданий-тарихий бойликларни сақлаш юзасидан давлат аҳамиятига оид фармон, қонун ва фармойишлар, уларнинг бажарилиши юзасидан тадбирлар, Ўзбекистонда тарихий-маданий ёдгорликлар рўйхатига оид ҳужжатлар мавжуд.

Шунингдек, Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси бўлимлари маълумотлари ҳам мазкур маълумотларни тўлдиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуд зиёратгоҳлари муаммосини ўрганишга бағишланган расмий ҳужжатларни мазмуни ва характериға кўра, қуйидаги гуруҳларға бўлиш мумкин:

а) зиёратгоҳлар фаолиятиға оид ҳукумат томонидан қабул қилинган расмий ҳужжатлар. Ҳуқуқий ҳужжатлар – юқори ҳокимият томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатларни бирлаштирувчи тарихий манбалар туридир. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларға низомлар, шартномалар, уставлар, фармонлар ва кодекслар киради. Улардан мавзуга алоқадор кўплаб далилларни олиш мумкин. Масалан, урушдан кейинги йилларда ЎзССР архитектура бошқармаси томонидан ҳудудлардаги тарихий-маданий ёдгорликларни рўйхатға олиш масаласида, Шаҳрисабздаги Кўк Гумбаз масжиди, Ҳазрати имом мажмуаси ҳамда Оқ Сарой ёдгорликлари ҳолати ҳам қайд этилган¹⁷¹;

б) зиёратгоҳлар реставрацияси таъминоти учун ажратилган молиявий маблағлар тўғрисида маълумотлар. Бу турдаги ҳужжатларда тарихий-маданий ёдгорликларни таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағлар ва бошқа чиқимлар борасидаги маълумотлар келтирилган. Статистик маълумотларни рақамларда таққослаш орқали давлатнинг зиёрат жойи ҳисобланган мақбара, тарихий жойларни сақлаш, таъмирлаш юзасидан муносабати, уларнинг шу даврдаги ҳолатини ўрганиш мумкин. Масалан, Ўрта Осиё халқлари материал маданиятини ўрганиш мақсадида Средакомстариснинг 1927 йил 9

¹⁷¹ ЎзМА, ф. 2296-жамғарма, 1-рўйхат, 37-иш, 104-105 varaқлар.

майда бўлиб ўтган йиғилишида ЎзССР Наркомпрос томонидан Л.В.Ошанин раҳбарлигида Қашқадарё ҳудудида антропологик экспедиция ўтказиш ва маҳаллий аҳолининг этнографиясига оид материалларни йиғишга рухсат берилиши қарор қилинган ва 500 рубль маблағ ажратилгани келтирилади¹⁷².

IV. Даврий матбуот материаллари. Мустамлака, совет йиллари ва мустақиллик даври даврий матбуотида зиёратгоҳлар масаласининг ёритилиши юзасидан маълумотлар берилган. Хусусан, мустамлака даври газеталарида, зиёрат масканлари этнографик, географик нуқтаи назаридан берилган бўлса, совет йиллари матбуотида, динга қарши курашда тарғибот орқали атеизмнинг моҳиятини тушунтириш ишлари кучайтирилган. Шу мақсадда, даврий нашрларда махсус буйруқ асосида динга қарши мақолалар¹⁷³ кенг ўрин олган бўлса, мустақиллик йилларида чоп этилган “Ислом нури”, “Имом Бухорий сабоқлари” журнали саҳифаларида зиёратгоҳлар тарихи, исломда авлиёлар, зиёрат одоблари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган.

V. Дала тадқиқотлари. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари бўлмиш Қашқадарё аҳолиси ҳаётида зиёратгоҳларнинг аҳамиятини ўрганишда аҳоли билан олиб борилган шахсий суҳбатлар, интервью, анкета сўровнома ҳам ислом динида диний кулът тарихига доир маълумотларни бойитишга хизмат қилади. Масалан, суҳбат орқали маҳаллий аҳолининг зиёратгоҳларга ташрифидан асосий мақсади, валий шафоатчи ёрдамида ният-мақсадларини амалга оширишда ёрдам сўраши ва турли касалликларни даволашда ташрифи ҳақида муайян маълумотлар олинади ва тадқиқотга жалб қилинади.

VI. Фотосуратлар. Ўзбекистон давлат архивларидан яна бири, бу юқорида номи қайд этилган Ўзбекистон Республикаси кино, сурат, овозли ҳужжатлар, Марказий давлат архиви (ЎЗР КСОХМДА) бўлиб, унда фотоплёнка, фотосуратлар, электрон дисклар ва бошқа шу туркумдаги ҳужжатлар мавжуд. Масалан, Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман буйруғига биноан тузилган А.Л.Куннинг

¹⁷² ЎзМДА, ф. 394-жамғарма, 1-рўйхат, 204-иш, 2-3 вараклар.

¹⁷³ Совет Ўзбекистони газетаси, Ислом нури газетаси (1991-2020 йй.).

“Туркистон альбоми” тадқиқотчиларига Ўрта Осиё аҳолиси ҳаёти билан ҳар томонлама танишиш имконини берди¹⁷⁴.

Умуман, зиёратгоҳлар тарихи ва ислом дини култининг аҳоли турмуш тарзи, маънавий ҳаётидаги аҳамиятини ўрганишда юқорида келтирилган архив ҳужжатлари ва тарихий-бадий адабиётлар муҳим манба вазифасини бажаради. Маълумотларнинг аксариятини этнографик кузатувлар асосида амалга ошириш, манба ва адабиётларда келтирилган маълумотларни солиштириш ва объектив маълумотларни аниқлаб олиш имкони пайдо бўлади. Бунда социологик сўров, кузатиш (эксперимент), анкета саволлари билан текшириш, маросим иштирокчилари билан суҳбат (интервью) усулларида фойдаланиш муаммонинг янги жиҳатларини очишга, манбаларда келтирилган маълумотларни факт билан мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Айтиш мумкинки, ислом манбалари орқали зиёрат термини, унинг мазмун-моҳияти, дин қонун-қоидаларида мазкур ибодатнинг келиб чиқиши ва шаклланишига муносабат кўрсатиб берилади. Бошқа томондан, жанубий Ўзбекистон ҳудудида яшаб, ижод қилган ислом уламоларининг асарлари орқали тарихий жараёнларни баҳолайди ва зиёрат тарихининг янги қирраларини очиб беради. Шу маънода, ислом манбалари диний эътиқод култининг аҳоли ижтимоий-маънавий ҳаётидаги аҳамиятининг ахлоқий-тарбиявий жиҳатларини ўрганиш имкониятини беради.

Ҳозирга қадар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжолар алоҳида тадқиқот доирасида ўрганилмаган. Россия империяси (1867-1917), совет ҳокимияти (1917-1991) ҳамда мустақиллик йилларида, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар масаласи этнографик жиҳатдан қиёсий таҳлил қилинмаганлиги ва бу борада яхлит мустақил тадқиқотнинг мавжуд эмаслиги мавзунини тадқиқот даражасида ўрганишни тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, зиёрат масаласи, бевосита диний ибодат билан боғлиқ бўлиб, диншунослик йўналишида яратилган адабиёт-

¹⁷⁴ Абашин С.Н. Власть и фотография: визуальная репрезентация в имперской рамке. // Неприкосновенный запас. – 2012, 4(84). – С. 120-138.

ларда турли динларнинг келиб чиқиши, тараққиёти тарихи, таълимоти, асосий манбалари, ҳозирги даврдаги ҳолати, маълум халқ ҳаётида тутган ўрни дунё динлар тарихи мисолида кўрсатиб берилган. Мазкур турдаги асарларда ислом дини ва унинг тарихи таҳлил қилиниши баробарида ислом динида ибодатнинг турлари сифатида ҳаж ҳамда мусулмонлар орасида қабр зиёрати масаласининг умумий жиҳатлари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган¹⁷⁵.

Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган зиёратгоҳлар тарихшунослигини тадқиқ этишда муаммонинг келиб чиқиши, ривожланиши ва тарихий асосларини аниқлашда ёрдамчи ҳисобланган илмий тадқиқотларни хронологик ва муаммовий жиҳатдан тарихчилар томонидан ёзилган асарлар манбашунослиги ҳамда мавзуга оид нашр этилган ишлар тарихшунослиги уч гуруҳга бўлиб ўрганилди:

- биринчи гуруҳга совет ҳукмронлиги йилларида чоп этилган илмий адабиётлар ва тадқиқотлар;
- иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида нашр этилган ишлар;
- учинчи гуруҳга эса, мавзуга оид хорижий давлатларда чоп этилган адабиётлар олинди.

Марказий Осиё мусулмонлари яшайдиган ҳудудларнинг Россияга қўшиб олинishi олимларнинг тарих, маданият ва аҳоли турмуш тарзини ўрганишга бўлган қизиқишини орттирди. Улар ўз хизматлари давомида маҳаллий аҳоли билан бирга яшаб, уларнинг турмуш тарзини ўрганганлар ва хулосалар асосида, Туркистон мусулмонларининг зиёратгоҳлари, мазор, муқаддас жойлари тўғрисида маълумот берганлар. Мазкур тематика муаллифлар томонидан маҳаллий аҳоли ҳаётига ёки унинг ислом динига нисбатан муносабати баъзи ўринларда

¹⁷⁵ Самыгин С.И., Нечипуренко В.И., Полонская И.Н. Религиоведение: социология и психология религии. – Ростов-на-Дону: Феникс, 1996. – 672 с.; Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 1996.; Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. – Т.: 1999.; Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик маърузалар матни. – Т.: Тош ДШИ нашриёти, 2000.; Мўминов А., Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. – Т.: Меҳнат, 2004. – 296 б.; История религий народов Центральной Азии. / Отв. редактор: доц. Ш.А.Ёвқочев. – Т.: 2006. – 227 с.; Диний ва дунёвий илмлар уйғунлиги. / Муҳарр. З.Исломов. – Т.: ТИУ, 2008. – 134 б.; Исламшунослик комусий лугати. – Т.: Movarounnahr. 1-жилд, 2013. – 136 б.

салбий баҳоланган, баъзан этнографик нуктаи назаридан баён этилган¹⁷⁶.

Масалан, ҳудудий зиёратнинг ўзига хос хусусиятлари академик В.В.Бартольд¹⁷⁷ асарларида тилга олинса, Туркистон мусулмонларининг зиёрат масаласи Ч.Валихонов¹⁷⁸ тадқиқотларида бериб ўтилади. Шунингдек, айнан шу даврда маҳаллий аҳоли турмуш тарзига оид асарларда муқаддас жойлар тўғрисида фрагментар эслатиб ўтилган маълумотлар рус муаллифларининг географик-статистик характерга эга бўлган маълумотларида ҳам акс этади¹⁷⁹.

Айтиш лозимки, Ўзбекистонда зиёратгоҳлар фаолиятининг айрим жиҳатлари ёритилган совет йилларидаги адабиётларда нафақат Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди, балки зиёратгоҳнинг умумий хусусияти ва аҳолининг муносабати таҳлил қилинган. Туркистон мустамлака даври зиёрат масаласини тадқиқ қилган олим В.Литвинов ҳам ўз тадқиқотида муаммонинг ўрганилиш жиҳатларини таъкидлаб, Совет тарихшунослигида, зиёрат масаласи ҳукумат сиёсати даражасида ўрганилмаганлигини қайд этади. XX асрнинг 20-йилларида мусулмонларни инқилобий ўзгаришларга жалб қилиш мақсадида партия ва совет адабиёти бу масалани ўргана бошлаган. Б.Л.Куфтининг “Қозок маданияти ва ҳаёти” тўғрисидаги китобида халқнинг муқаддас жойларга ташрифи ҳақида қисқа эслатиб ўтилади. Кейинги йилларда мусулмон руҳонийлари фаолияти кескин таъқиб остига олиниб, мазор ва

¹⁷⁶ Костенко Л.Ф. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. – СПб, 1871.; Белявский. Материалы по Туркестану. – СПб, 1884.; Гродеков Н.И. Киргизы и кара-киргизы Сырдарьинской области. – Т. 1. Юридический бгт. – Т.: 1889.; Малицкий Н. Ишаны и суфизм. Сборник материалов по мусульманству. СПб, 1899.; 1914.; Михайлов Ф.А. Религиозные воззрения туркмен Закаспийской области // Сборник материалов по мусульманству. – Т. 2. – Т.: 1900.; Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. В 3-х т., – СПб, 1906.; Любимов П.П. Религии и вероисповедный состав населения Азиатской России. – Петербург, 1914.

¹⁷⁷ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Сочинения в 9 томах. – Т. I. – М.: 1963.; История Туркестана (конспект лекций). – Т. II. – М.: 1964.; Культура мусульманства. Ислам. Бартольд В.В. Сочинения. – Том II, часть 2. – М.: 1964.; История культурной жизни Туркестана. Фергана: – Т. II. ч. 2. – М.: 1964.; Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. – Т. V. – М.: 1968.; Рецензия на книгу Н.П. Остроумов Исламоведение. – Т. I. Аравия. Колыбель ислама. – М.: 1966.

¹⁷⁸ Валиханов Ч.Ч. Сочинения в 5 томах. – Т. I-5. – Алма-Ата: 1985.; Записки о диких каменных киргизах. – Т. II. О мусульманстве в Степы. – Т. IV. – СПб, 1899.

¹⁷⁹ Путешествие по окраинам Русской Азии и записки о ней. – СПб, 1868.; Григорьев В.В. Россия и Восток. Сборник исследований и статей по истории, этнографии и географии. – СПб, 1876.; Миропиев М.А. О положении русских инородцев. – СПб, 1901.; Радлов В. Образы народной литературы северных тюркских племен. Ч.5. – СПб, 1885.; Веселовский Н. Памятник Ходжа Ахрара в Самарканде. Восточные заметки. – СПб, 1895.; Россия и Восток // Сборник географических и политических статей. – СПб, 1896.; Череванский В.В. Мир ислама в его пробуждении. В 2-х частях. – СПб, 1901.

қабрларга ташриф қоқоқлик ва жоҳиллик белгиси, деб баҳоланди. 1936 йилда Л.И.Климович “Ислам в царской России” асарида бу ҳақида қисқача маълумотларни берса-да, муқаддас жойларга зиёрат тўғрисидаги маълумотларга илмий нуқтаи назардан эмас, “шахсга сиғиниш”нинг сабабларини синфийлик мисолида кўрсатиб берган¹⁸⁰.

Таъкидлаш ўринлики, XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган барча адабиётлар жамиятдаги сиёсий ўзгаришлар ва коммунистик партиянинг ғоявий таъсири остида дин билан боғлиқ эскилик сарқити сифатида баҳоланиб, ёритилган. Тадқиқотларнинг асосий объекти сифатида ислом дини ва унинг тарихини ўрганиш белгиланган бўлиб, хусусан, Т.Саидбаев, О.Сухарева, М.Жалолов, А.Аҳмедов, Р.Мавлютов, У.Юсупов каби муаллифлар ўз илмий ишларида ислом дини ва у билан боғлиқ маросимлар тарихини салбий баҳолаб, таҳлил қилганлар¹⁸¹. Масалан, Р.Мавлютов “Ислом” номли рисоласида маҳаллий аҳоли ҳаётида зиёрат феномени тўғрисида фикр билдирган. Унинг таъкидлашича, мусулмонлар ўзларининг аввалги аجدодларидан қолган диний эътиқод анъаналарига амал қилиб, турли қадимий иншоотлар, қабрлар, қабристонларни ҳамда дарахт, тош ва бошқаларни муқаддас жойлар (мозорлар) сифатида ҳурмат қилишган. Одатда, бу мозорлар афсоналар билан муқаддаслаштирилган бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида илк бор VII-VIII асрларда мусулмон мозорларига сиғиниш сифатида пайдо бўлгани қайд этилган¹⁸².

Айтиш лозимки, зиёрат ва у билан боғлиқ маросимлар нафақат ўзбек халқи орасида, балки ўлкада яшовчи турли миллат вакиллари орасида сақланган ва ҳозирга қадар қўлланиб келинаётган урф-одатлардан бири ҳисобланган. Шу жиҳатдан, Россия тарихшунослигининг совет йиллари адабиётларида, бошқа ҳудудлар аҳолиси (қозоқ, қирғиз, туркман, тожик халқлари) мисолида муаммонинг айрим

¹⁸⁰ Литвинов В.П. Мусульманское паломничество в царской России: историко-антропологический аспект: на примере Туркестана 1865-1917 гг. Дисс. ... канд.ист.наук. – М.: 2007. – 26 с.

¹⁸¹ Қаранг: Алиев М. Ислам и его обряды. – Т.: Қызыл Ўзбекистан и Ўзбекистон сурхи, 1956. – 84 б.; Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Т.: 1960. – 85 с.; Мавлютов Р.Р. Ислам. – М.: 1974. – 168 с.; Мавлютов Р.Р. Ислам. – М.: 1974. – 168 с.; Саидбаев Т.С. Ислам и общество. Опыт историко-социологического исследования. – М.: 1984. – 302 с.; Аҳмедов А. Ислам и современной идейно политической борьбе. – М.: 1985. – 240 с.; Джалолов М. В тени ислама. – Т.: 1987. – 104 с.; Саидбаев Т.С. Диалоги об исламе. – Т.: 1988. – 74 с.

¹⁸² Мавлютов Р.Р. Ислам. Изд. 2-е. – М.: Политиздат, 1974. – С.100-110.

масалалари ёритилган¹⁸³. О.Муродов таджикотида Зарафшон тожиклари мисолида диний маросимнинг келиб чиқиши шомонлик дини илдизлари билан боғланса¹⁸⁴, Л.Толстов таджикотида эса, Хоразм воҳаси туркий тилли аҳолиси ўртасидаги диний ибодат шакллари тарқалиш асосларини халқ фольклори билан боғлаб, унинг тарихий ўтмишини массагет қабиласига бориб тақаган¹⁸⁵. С.Абрамзон диний ибодатда маросим масаласини қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқи турмуш тарзидаги диний элементлар мисолида қиёсий таҳлил қилиб, унинг асосларини бевосита қадимги тарихий жараёндаги диний эътиқод илдизлари қолдиқлари билан боғлиқлигини кўрсатиб берган¹⁸⁶.

Совет йилларида нашр қилинган Ўзбекистон тарихига доир адабиётларда¹⁸⁷ ҳам мазкур мавзу аҳоли ижтимоий-маданий ҳаёти ёки шаҳар архитектурасида тарихий ёдгорликлар мисолида Тошкент¹⁸⁸, Бухоро¹⁸⁹, Фарғона муқаддас қадамжолари ва диний культлар мавзуси ёритилган.

Мазкур тадқиқотлар орасида совет этнографи Г.П.Снесаревнинг илмий изланишлари¹⁹⁰ Хоразм ҳудуди зиёратгоҳлари мисолида ўрга-

¹⁸³ Муродов О. Шоманский обрядовый фольклор у таджиков средней части дошны Зеравшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975; Толстов Л.С. Отголоски массагето-аларского субтрага в фольклоре тюркоязычных народов Хорезмского оазиса // Этнография и археология Средней Азии. – М.: 1979.; Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978.

¹⁸⁴ Муродов О. Шоманский обрядовый фольклор у таджиков средней части дошны Зеравшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975.

¹⁸⁵ Толстов Л.С. Отголоски массагето-аларского субтрага в фольклоре тюркоязычных народов Хорезмского оазиса // Этнография и археология Средней Азии. – М.: 1979.

¹⁸⁶ Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978.

¹⁸⁷ История народов Узбекистана. – Т. II. – Т.: 1947.; История Туркменской ССР. – Т. I. кн. 2. – Ашхабад: 1957.; Очерки истории Каракалпакской АССР. – Т. I. – Т.: 1964.; История таджикского народа. – Т.2. – М.: 1964.; История Узбекской ССР. – Т. II. – Т.: 1968.; История Казахской ССР с древнейших времен до наших дней. – Т. III. – Алма-Ата: 1979.; История Таджикской ССР. – Душанбе: 1982.; История Киргизской ССР. – Т. II. – Фрунзе: 1986.; История Каракалпакской АССР. – Т.: 1986.

¹⁸⁸ Азадаев Ф. Ташкент во второй половине XIX века. Очерки социально-экономической и политической истории. – Т.: 1959.; Алексеров Ю. Самарканд. Страницы истории. – Т.: 1967.; Соколов Ю.А. Ташкент, ташкентцы и Россия. – Т.: 1965.; Чеботарева В.В. Ташкент в прошлом и настоящем. – Т.: 1968.; История Самарканда. – Т. I. – Т.: 1969.; История Ташкента с древнейших времен до победы Февральской буржуазно-демократической революции. – Т.: 1988.; Саидкулов Т. Самарканд во второй половине XIX – начале XX вв. (Из социально-экономической и политической истории средней части Зеравшанской долины). – Самарканд: 1970.; История Коканда (с момента присоединения Средней Азии к России до настоящего времени). – Т.: 1984.

¹⁸⁹ Сухарева О.А. Бухара XIX – начало XX в. (Позднефеодальный город и его население). – М.: Наука, 1966. – 328 с.; Кармышева Б.Х. О мусульманском духовенстве в сельских районах Бухарского ханства в конце XIX – начале XX века // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма – М.: Наука, 1985.

¹⁹⁰ Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: 1969.; Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: 1983.

нилган бўлса, В.Н.Басилов тадқиқотларида эса, муқаддас авлиёлар образи, унинг тарихий илдизлари бевосита шомонлик билан боғлиқ эканлиги қайд этилган¹⁹¹. Умуман, совет даври адабиётларида жанубий Ўзбекистон мисолида зиёрат масаласи тадқиқот сифатида ўрганилмаган, ҳатто буни тадқиқотчи олим В.П.Литвинов ҳам баҳолаб, Туркистондаги дин билан боғлиқ эътиқодлар этнографик йўналишда фақат бир ҳудуд доирасида ўрганилгани, яъни олимлар ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга эътибор қаратганини таъкидлайди. Унинг фикрича, тадқиқотчиларнинг камчилиги шундаки, муқаддас жойларга зиёрат масаласи махсус чуқур ўрганилмаган ва ундаги ёндашувлар партия ғоявий мафкураси нуктаи назардан баҳоланиб, эскилик сарқити, жамиятдан орқада қолиш ғоялари билан ёритиб берилган¹⁹².

Совет йилларида нафақат дин билан боғлиқ зиёрат тарихи, балки Қашқадарё воҳасининг қадимий обидалари ва тарихий жойлари архитектураси, санъат, маданият ва диний этнографиясининг маълум масалаларини ёритган илмий адабиётлар яратилди¹⁹³. Айниқса, 1968-1970 йилларда Ўзбекистонда турли кўринишдаги этнографик экспедициялар ташкил этилиб, аҳолининг этник состави, ҳўжалиги, моддий ва маънавий маданияти, оила ва оилавий турмуш тарзи тўғрисида катта ҳажмли маълумотлар йиғилди¹⁹⁴. Амир Темур ва Темурийлар даври меъморий обидалари тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш 1870 йилда Чор Россияси томонидан Шаҳрисабз ва Китоб бекликларининг тугатилиши, Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилганидан кейин бошланган. Шаҳрисабзга дастлаб ташриф буюрган табиатшунос А.Л.Кун (1870), В.Н.Литвинов (1895-1910), И.А.Кастанье (1916), сураткаш Г.Е.Кривсов, топограф Н.Ф.Ситняковский, ёзувчи В.В.Крестовский бу шаҳарда ўзлари кўрган меъморий обидалар тўғрисида

¹⁹¹ Басилов В.Н. Культ святых в исламе. – М.: 1970.; Басилов В.Н., Снесарев Г.П. Введение // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. – М.: 1986. – С. 3-5.

¹⁹² Литвинов В.П. Мусульманское паломничество в царской России: историко-антропологический аспект: на примере Туркестана 1865-1917 гг. Дисс.канд.ист. наук. – М.: 2007. – 26 с.

¹⁹³ Аршавская В.А., Ртвеладзе Э.В., Хахимов З.А. Средневековые памятники Сурхандарьи. – Т.: Издательство литературы и искусств им. Г.Гуляма, 1982. – 150 с.; Басилов В.Н. Легенда: Верить или не верить? // Советская этнография. – М.: 1974. №1.; Моногорова Л.Д. Семья и семейный быт // Этнографические очерки Узбекского сельского населения. – М.: Наука, 1969.

¹⁹⁴ Этнографические изучение быта и культуры узбеков. Ред. Х.Зияев и Б.В.Лунин. – Т.: Фан, 1972. – 161 с.

умумий маълумотлар қолдиришган, холос. Жумладан, Насаф ва Кеш шаҳарлари, қишлоқлари тарихий топографияси билан дастлаб ёзма манбалар асосида В.В.Бартольд¹⁹⁵, Л.А.Зимин¹⁹⁶ шуғулланган. 1927 йилда Шахрисабзнинг тарихий-меъморий ёдгорликлари Б.Н. Засыпкин, 1930 йилларда Я.Ф.Ғуломов, Т.Мирғиёсов, С.К.Кабановлар¹⁹⁷ томонидан тадқиқ этилган. 1942 йилда М.Е.Массон, Г.А.Пугаченкова¹⁹⁸, В.Л.Воронина¹⁹⁹, 1948 йилда эса, О.А.Сухарева Шахрисабзнинг маҳаллалари, гузарлари, тарихий топографияси ва шаҳар аҳолисининг этник қатламларини ўрганган²⁰⁰.

Тадқиқотлар орасида археолог Л.Ю.Маньковскаянинг “Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари” китоби²⁰¹ муҳим ҳисобланади. Унда ҳудуддаги темурийлар даври ёдгорликлари, Хожাগий Имканагий, Абулқосим Хожа хонақохлари ҳолати тўғрисида кенг маълумот берилади. Археолог олим М.Е.Массон Қашқадарё воҳаси Шахрисабз ҳудудидаги қабрлар (Ҳазрати Имом, Султон Содот) ҳолатини ўрганиб, хулосалар беради²⁰².

Шунингдек, археолог олимлардан Р.Абдурасулов, Л.Ремпель, Л.Маньковская томонидан Қашқадарё вилояти Косон тумани Пудина

¹⁹⁵ Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра. Соч., – Т.1. – М.: 1963. – С. 187-197.; Бартольд В.В. Соч. – Т. 1. – М.: 1960. – С. 188-196.

¹⁹⁶ Зимин Л.А. Нахшеб, Несеф, Карши. Их история и древности В.В.Бартольду. Туркестанские друзья, ученики и почитатели. – Т.: 1927. – С. 127.

¹⁹⁷ Кabanов С.К. Описание архитектурных памятников низовьев реки Кашка-Дарья. – Т.: 1947. – С. 16.; Кabanов С.К. Археологические разведки в верхней части долины Кашкадарьи. Труды института истории и археологии. Вып.7. – Т.: 1955. – С. 77-114.

¹⁹⁸ Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Т.: государственное издательство художественной литературы Узбекистана, 1958. – 292 с.; Пугаченкова Г.А. Холчаан. – Т.: 1966. – С. 241.; Пугаченкова Г.А. Термез, Шахрисабз, Хива. – М.: Издательство Искусство, 1976. – 208 с.; Проект районной планировки Китабского района Кашкадаринской области Узбекиской ССР. – Том. 1. – Т.: 1971.; Пугаченкова Т.А. Ак-Астана баба // Советская археология. – Т.: 1960. №3.; Пугаченкова Г.А. Холчаан. – Т.: 1966. – С. 241.; Пугаченкова Г.А. Темурнинг меъморий мероси. Архитектурное наследие Темура. L’Héritage architectural de Timour – Т.: Главная редакция энциклопедий, 1996. – С. 22-34.; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. – Т.: Государственное изд. худож.лит. Узбекистана, 1958. – 292 с.

¹⁹⁹ Воронина В.Л. Архитектура Средней Азии XVI-XVII вв. // ВИА, Т.8. – М.: Издательство литературы по строительству, 1969. – 492 с.

²⁰⁰ Сухарева О. А. К истории городов Бухарского ханства. – Т.: 1958. – С. 128-139.

²⁰¹ Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи. – Т.: Узбекистан, 1971. – 56 с.; Её же. Архитектурные памятники Шахрисабза. – Т.: Узбекистан, 1986. – 40 с.

²⁰² Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Темуре и Улугбеке // Труды САГУ, вып. LXIX, – Т.: 1953. – С. 32.; Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.)). – Т.: Фан, 1973. – 99 с.

қишлоғида жойлашган Қусам Шайх меъморий ёдгорлигидаги энг қадимги мақбаралар Х-ХІ асрда бунёд этилганлиги аниқланган²⁰³.

1963-1966 йилларда ТошДУнинг ёш археологик, топографик экспедицияси (КАТЭ) аъзоларидан М.Е.Массон²⁰⁴, С.Б.Лунина²⁰⁵, З.И.Усманова²⁰⁶, Н.И.Крашенинникова²⁰⁷ ҳамда ХХ асрнинг 70-йилларида Б.Д.Кочнев томонидан мазкур ҳудуд ёдгорликлари ўрганилган²⁰⁸. Кейинги йилларда, яъни 1980-90 йилларда Ш.С.Камолиддинов мазкур мавзуда изланишлар олиб борган²⁰⁹.

Айтиш мумкинки, муаммонинг айрим жиҳатлари хориж тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган. Хориж (инглиз-америка) тадқиқотчилари А.Беннигсен²¹⁰, Ж.Уилер²¹¹, У.Коларз²¹², С.Уимбуш²¹³, М.Олкотт²¹⁴ каби олимларнинг изланишларида аҳолининг зиёрат жойларига таширифи тазйиқ остига олингани қайд этилган. Хориж олимларининг мавжуд адабиётлардан фойдаланиш ва этнографик тадқиқотлар олиб бориши учун имкониятлар етарли бўлмаганлиги сабабли уларда аҳолининг иштироки масаласи батафсил таҳлил қилинмаган.

²⁰³ Абдураулов Р.Р., Ремпель Л.И. Неизвестные памятники архитектуры бассейна Кашкадарьи. ИЗУ (Искусство зодчих Узбекистана). Вып. I. – Т.: 1962. – С. 30.; Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи. – Т.: 1979. – С. 98-99.

²⁰⁴ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1963-1967гг.)). – Т.: 1973. – С. 61.

²⁰⁵ Лунина С.Б. Города Южного Согда. – Т.: 1984. – С. 14-26.

²⁰⁶ Усманова З.И. Историческая топография Шахрисабза в свете новых данных. Архология Средней Азии // Сборник научных трудов ТашГУ, №533. – Т.: 1977.; Археологическое изучение Шахрисабза. Средневековая городская культура Казахстана и Средней Азии. (Материалы Всесоюзного совещания 13-15 мая 1981г.). – Алма-Ата: 1983.

²⁰⁷ Крашенинникова Н.И. Маршрутное обследование Китабского района. АО1976. – М.: 1977.; Работы в Китабском и Шахрисабском районах. АО 1981 г. – М.: 1983.

²⁰⁸ Кочнев Б.Д. Исследования средневекового Несефа. Археологические открытия 1974 года. – М.: 1975.

²⁰⁹ Камалиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда в Тохаристана Арабоязычным источникам IX-начала XIII вв. – Т.: 1996. – С. 36.

²¹⁰ Bennigsen A (co-authorship Lemerrier-Quelquejay Ch). Islam in the Soviet Union. – New York: Praeger, 1967. – 272 p.; Bennigsen A., Wimbush S.E. Muslim National Communism in the Soviet Union. A Revolutionary Strategy for the Colonial World. – The University of Chicago Press, 1979. – 267 p.

²¹¹ Wheeler G. Russia and Islam: new trends in soviet policy // Central Asian Review. – Oxford, 1956. Vol. 4. №1. – P. 1-3.; Wheeler G. The modern history of Soviet Central Asia. – New York: Frederick A. Praeger, 1964.; Wheeler G. The Russian Presence in Central Asia // Canadian Slavonic Papers. – Carleton University, 1975. Vol. 17. №2-3. – pp. 189-217.

²¹² Kolarz W. Islam in the Soviet Union, 1917-1960. – Karachi-Dacca, 1960. – 72 p.; Kolarz W. Religion in the Soviet Union. – New York: St. Martin' Press, 1961. – 518 p.; Kolarz W. Russia and her colonies. – Hamden, Conn: Archon Books, 1967. – 334 p.

²¹³ Wimbush S.E. The politics of identity change in soviet central Asia // Central Asian survey. – London: 1984. – Vol. 3. – №3. – P. 69-78.; Wimbush S.E. The Soviet Muslim Borderlands / The Last Empire. Nationality and the Soviet Future. Edited by Robert Conquest. – California: Hoover Institution Press, 1986. – P. 218-234.

²¹⁴ Olcott M.B. Soviet Islam and world Revolution // World Politics. – 1982. Vol. 34. №4. – P. 487-504.; Olcott M.B. Women and Society in Central Asia // Soviet Central Asia. The Failed Transformation. Edited by William Fierman. – Boulder: Westview Press, 1991. – P. 235-254.

Ўрта асрларда Қашқадарё воҳаси ислом дини ва маданиятининг равнақиға ҳисса қўшган Нахшабий, Насафий, Кеший, Киссий каби буюк уламолар М.Азизов тадқиқотида, хусусан, биргина Шаҳрисабз ҳудудида олтмишдан ортиқ олиму фозиллар, азиз-авлиёлар етишиб чиққанлигини қайд этади²¹⁵.

Тадқиқотлар орасида Ф.Раҳмоновнинг Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одат ва маросимларига доир диссертация иши ҳам мавзуга алоқадор муаммоларни ўзида жамлайди²¹⁶.

Россия тарихшунослигида ҳам Ўзбекистонда ислом диний эътиқодлари билан боғлиқ жараёнлар тарихи борасида янги талқинлар ва қарашлар билан бойитилган тадқиқотлар яратилиши давом этмоқда. Жумладан, ўзбек халқи этнографияси бўйича етук олим С.Абашиннинг тадқиқотлари ҳам бу борада жуда кўп масалаларга ойдинлик киритади²¹⁷. Тадқиқотчи Ўзбекистон ҳудуди ислом дини маросимлари билан боғлиқликда, балки тарихи, маданияти, яшаш турмуш тарзи бир хил бўлган Марказий Осиё халқлари ижтимоий ҳаётидаги ўрни билан солиштирган ҳолда келтиради.

Мазкур тадқиқотлар орасида В.Литвиновнинг Туркистонда ҳаж ва муқаддас жойларга зиёрат масаласига бағишланган изланишларида ушбу масаланинг турли жиҳатлари ёритиб берилган²¹⁸. Жумладан, олимнинг келтиришича, Россия империясининг Туркистондаги мусулмонларга муносабати ҳар доим ҳам ёмон бўлмаган, ислом динига оид масалаларда ҳудудий ишларга аралашмаган бўлса-да, ҳаж зиёрати ва муқаддас жойларга зиёрат масаласида аҳолининг тиббий соғлигини сақлаш мақсадида баъзи чекловлар ўрнатган. Хусусан, турли

²¹⁵ Азизов М., Мухторов Ф. Кешнинг машҳур сиймолари. – Т.: 2014. – Б. 12-13.

²¹⁶ Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одат ва маросимлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари): Тарих фан.номзоди ...дисс. – Т.: 2001. – 146 б.

²¹⁷ Абашин С.Н. Ислам и культ святых в Средней Азии // Этнографическое обозрение. – 2001. №2. – С. 128-131.; Абашин С. "Народный" суфизм в современной Средней Азии // Исламские ценности и центральноазиатские реалии. – Т.: ИФЕАК, 2004. – С. 1-11.; Абашин С.Н. Занги-ата // Ислам на территории бывшей Российской империи: Энциклопедический словарь. Вып. 3. – М.: 2001. – С. 41.; Абашин С.Н., Бобровников В.О. Соблазны культа святых (вместо предисловия) // Подвижники ислама: Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе / Сост. С.Н. Абашин, В.О. Бобровников. – М.: 2003. – С. 3-17.

²¹⁸ Литвинов В.П. Мусульманское паломничество в царской России: историко-антропологический аспект: на примере Туркестана 1865-1917 гг. Дисс... канд.ист.наук. – М.: 2007. – 26 с.; Литвинов В.П. Власть и паломничество мусульман в Русском Туркестане // Власть. – 2014. №6. – С. 88-93.; Литвинов В.П. Санитарно-эпидемиологические меры власти в системе паломничества мусульман русского Туркестана // Власть. – 2017. №5. – С. 210-216.

эпидемияларнинг тарқалиши муносабати билан аҳолининг зиёратлардаги иштирокида чекловлар белгиланган. Бундан ташқари, чор Россияси даврида аҳоли ўртасида авлиё қабрларига, мазорларга бориш кенг тарқалганини таъкидлайди²¹⁹.

С.Житинев маданиятшунослик йўналишида зиёратдаги диний культлар турли дин элементларини ўзида бирлаштириб, бу маданиятларнинг ривожланиши учун асос бўлишини кўрсатиб беради²²⁰. Маданиятшунослик контекстида қилинган Е.Калужникованинг тадқиқотида эса, зиёрат ритуал маросимларни амалга ошириш маскани сифатида унинг моҳияти ва тарихий тузилиши кўриб чиқилади²²¹. Ҳар иккала тадқиқотда ҳам асосан христианлик, ислом ва бошқа динлар мисолида зиёратгоҳ масаласи таҳлил қилинган.

Астрахан мисолида муқаддас диний культлар масаласини таҳлил қилган тадқиқотчи А.В.Сызрановнинг қайд этишича, Қуйи Волгада туркий халқлар орасида исломнинг кириб келиши ва ўрнатилиши Ўрта Осиё сўфийлик анъаналарининг кучли таъсири остида шаклланган. Қуйи Волга ва Марказий Осиё мусулмонларининг маданий анъаналари бирлиги ҳақида айтиб ўтиб, миграция жараёнлари, улар билан диний алоқаларнинг узилиб қолганлиги, давлатнинг динга қарши сиёсати ва совет давридаги тузум анъаналарнинг унутилгани билан изоҳлайди²²².

Хорижлик тадқиқотчилар томонидан, хусусан, сўфийлик тариқатлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар, уларнинг эпиграфикаси, у ердаги урф-одат ва маросимлар ҳамда вакфномалар бўйича Джо-Анн Гросс (АҚШ), Юрген Паул (Германия), Тьерри Заркон, Ҳабиба Фатҳи (Франция), Яёи Кавахара (Япония)нинг тадқиқотлари зиёратгоҳларни ўрганиш бўйича муҳим аҳамият касб этади²²³. Шунингдек,

²¹⁹ Литвинов В.П. Власть и паломничество мусульман в Русском Туркестане // Власть. – 2014. №6. – С. 88-93.; Литвинов В.П. Санитарно-эпидемиологические меры власти в системе паломничества мусульман русского Туркестан // Власть. – 2017. №5. – С. 210-216.

²²⁰Житинев С.Ю. Религиозное паломничество: межкультурные коммуникации и цивилизационный контекст. Дисс... канд.культур.наук. Гос. акад. Славян культуры. – М.: 2011. – 186 с.

²²¹ Калужникова Е.А. Паломничество как ритуал: сущность и культурно-исторические типы. Дисс...канд культур.наук. – Екатеринбург: 2007. – 167 с.

²²² Сызранов А.В. Культ мусульманских святых в Астраханском крае // Этнографическое обозрение. – 2006. №2. – С. 127-143.

²²³ Gross J.A., Urunbaev A. The Letters of Khawaja 'Ubayd Allah Ahrar and his Associates. – Leiden-Boston-Koln, 2002. – P. 21-22.; Гросс Дж. Мусульманская Центральная Азия: Религиозность и общество. – Душанбе:

хориж тарихшунослигида ислом динида зиёратгоҳлар ва у билан боғлиқ масалаларга доир айрим маълумотлар илмий мақола кўринишида ҳам таҳлил қилинган. Масалан, Д.ДеУиз²²⁴, Д.Монтгомери²²⁵, М.Ибади²²⁶, Т.Дадабаев²²⁷, Д.Абрамсон, Э.Каримов²²⁸ тадқиқотларида ҳам зиёрат масаласининг турли жиҳатлари юзасидан фикр-мулоҳазалар келтирилган. Жумладан, Д.Абрамсон ва Э.Каримов ҳаммуаллифлигида ёзилган мақолада Марказий Осиё халқлари ҳаётида зиёратнинг аҳамияти, турли даврларда унга бўлган муносабат ва мустақиллик йилларида зиёратгоҳларнинг ҳолати тадқиқ қилинади. Муаллифлар асосий объектлар сифатида Бухоро, Хива, Қўқон шаҳридаги машҳур тарихий-маданий жойларни тадқиқ қиладилар.

Умуман, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги зиёратгоҳлар масаласининг айрим жиҳатлари фрагментар даражада тадқиқотчилар томонидан кўриб ўтилган бўлиб, бу Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси ҳудуди зиёратгоҳлари тарихи ва унинг аҳоли маънавий-маърифий ҳаётида тутган ўрни каби масалаларни бутун ҳолатини кўрсатиб бермайди.

Тарихшунослик таҳлилига тортилган адабиётлар хулосаси Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуд зиёратгоҳлари тарихи ва маънавий-маърифий ҳаётдаги аҳамиятини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш муҳимлигини кўрсатади. Тадқиқотларда акс этмаган баъзи масалаларни архив ҳужжатлари ва манбалар ёрдамида таҳлил қилиш диний

Девашгич, 2004. – С. 77.; Schaibanidishe Grabinschriften. Herausgegeben von Babadjanov B., Muminov A., Paul J. – Wiesbaden, 1997. – P. 17.; Zarcone T. Farg'ona valiylari // Qodiriya tariqati. – Istanbul: 1997. – С. 27-29.; Кавахара Я. Офок хожанинг ўғли Хожа Ҳасан шажараси ҳақида // Шарқшунослик. –Т.: 2004. – №12. – Б. 98-103.; Хабиба Фатхи. Значение женских ритуалов «Биби Мушкулькушод» и «Биби Сешанбе» в современной Центральной Азии // Ўрта Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-қисм. –Т.: 2005. – Б. 15.; Kawahara Y. Tadhkira of Khwaja Hasan Sahibqiran: Study on Private Manuscript in Ferghana Valley // Journal of Asian and African Studies. – Leiden-Boston-Koln, 2006. №. 71. – P. 26-30.

²²⁴ DeWeese D. Islamization and Native Religion in the Golden Horde: Baba Tiikles and Conversion to Islam in Historical and Epic Tradition. – Pennsylvania, 1994. – P. 73-78.

²²⁵ David W. Montgomery, John Heathershaw. Islam, secularism and danger: a reconsideration of the link between religiosity, radicalism and rebellion in Central Asia // Religion, State & Society – 2016. 44:3, – P. 192-218.

²²⁶ Mehdi Ebad. Shrine Pilgrimage (Ziyārat) in Turco-Iranian Cultural Regions // International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage: Vol. 4: Iss. 1, Article 7. Volume 4(1) – 2016. – P. 70-77.

²²⁷ Timur Dadabaev. Religiosity and Soviet 'modernisation' in Central Asia: locating religious traditions and rituals in recollections of antireligious policies in Uzbekistan // Religion, State and Society, – 2014. 42:4, – P. 328-353.

²²⁸ Abramson D., Karimov E. Sacred Sites, Profane Ideologies: Religious Pilgrimage and the Uzbek State. Eds. Sahadeo, Jeff, Russell Zanca. // Everyday Life in Central Asia Past and Present. – Bloomington: Indiana University Press, 2007. – P. 319-338.

маросимларнинг келиб чиқиши, мазор, қабр, мақбара номи билан боғлиқ шахслар персонализацияси масаласини (психология, этнология, социология, диншунослик фанлари кесимида) зиёратгоҳ номи билан боғлиқ шахс насаби, илму ирфони, қилган амаллари, қолдирган адабий меросининг мазмун-моҳиятини ўрганиш орқали ёшлар онгига ватанпарварлик ғоясини сингдириш, аҳолининг маънавий тарбиявий онгини ошириш имконини беради. Юқорида кўрсатилганидек, Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари зиёратгоҳларини ёритувчи илмий ишлар, тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, айнан Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларини тарихини ва бугунги ҳолатини ёритувчи тадқиқот яратилмаганлигини исботлайди. Бу эса сўнгги йилларда давлатимизнинг зиёрат туризми соҳасидаги ислохотларини амалга оширишда муҳим ва, ўз навбатида, илмий ва амалий аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

2.2. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ АЛЛОМАЛАР НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЗИЁРАТГОҲЛАР

Марказий Осиёга ислом дини кириб келгач, Мовароуннаҳрда маҳаллий анъана ва қадриятлар “ислом маданияти” билан уйғунлашди. Унинг жанубий ҳудуди бўлган Қашқадарё воҳаси ҳам ўзининг бой тарихи, ноёб маданий ва маънавий мероси, анъаналарига эга ўзига хос қурилиш услуби ва меъморчилиги ривожланди.

Таъкидлаш ўринлики, ўрта асрлар мобайнида воҳа сўғд, турк хоқонлиги, араб халифалиги, сомонийлар, қорахонийлар, қарлуқлар, хоразмшоҳлар, мўғуллар, темурийлар салтанати ва Бухоронинг турли сулоалари каби шарқнинг йирик давлат бирлашмалари таркибида бўлиб келган. Шарқнинг буюк сиймолари шу ерда таваллуд топган бўлиб, вилоятнинг бир қатор меъморий ёдгорликлари уларнинг номи билан аталади. Воҳада ислом олами намояндалари: тасаввуф вакиллари, саҳобалар, саййидлар, хўжалар номлари билан боғлиқ ҳақиқий ва рамзий қабрлар бўлган мақбаралар мавжуд.

Худуд архитектура меъморчилиги IX-XII асрларда, асосан Сомониёлар давридан аллома ва авлиёлар қабри устида марказий хонаси гумбазсимон услубдаги мақбаралар қурилиши билан бошланган бўлса, мақбаралар атрофи масжид, азон айтадиган минора, сувдан фойдаланиш учун ҳовуз, таҳоратхона, баъзи жойларда тасаввуф вакиллариининг чилла ўтириши, ибодат қилишлари учун чиллахоналар, ҳатто мадрасалар ҳам бўлганлигини кўриш мумкин.

АБУ УБАЙДА ИБН ЖАРРОҲ ЗИЁРАТГОҲИ **(Қарши шаҳри)**

Қарши шаҳрининг жануби-ғарбий томонида, яъни Гулшан маҳалласи Жайхун кўчасида Абу Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳи жойлашган²²⁹. Абу Убайда ибн Жарроҳ саҳобийлардан бўлиб, милодий 583 йили Маккада туғилган. Насаб жиҳатдан Расулуллоҳ (с.а.в.)га қариндош бўлган, куняси Абу Убайда. Отаси Абдуллоҳ ибн Жарроҳ ибн Ҳилол ибн Уҳайб ибн Забба ибн Ҳорис ибн Фихр ибн Молик. У мусулмон бўлмаган. Бадр жангида мушрик бўлиб ҳалок бўлган. Онаси Умайма бинт Ғанм ибн Жобир ибн Абдуллоҳ ибн Аъло ибн Омир ибн Умайра ибн Вадийъа ибн Ҳорис ибн Фихр. Бу аёл исломни қабул қилган²³⁰.

Ривоятларга кўра, Абу Убайда ибн Жарроҳ узун бўйли, очиқ юзли сийрак соқолли, озғиндан келган киши эди. У ислом динини ёйишда кўрсатган жасорати учун халқ орасида эъзозланган, ислом тарихида шижоатли, тўғри сўз, теран фикрли, обид, зоҳид, табиатан мулоим, буюк саркарда, одил инсон сифатида танилган. Абу Убайда ибн Жарроҳ исломга кирган дастлабки мусулмонлардан бири бўлиб, тириклигидаёқ жаннатга кириши башорат қилинган саҳобийлардан ҳисобланади. У зотнинг исломга киришига Абу Бакр (р.а.) даъвати сабаб бўлган. У дастлаб Ҳабашистон, кейинчалик Мадина шаҳрига

²²⁹ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри, 2024 йил 6 август.

²³⁰ 101 улуг саҳобий. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 147-151.

ҳижрат қилган. Умар (р.а.) ўзидан кейин халифаликка Абу Убайда ибн Жарроҳни муносиб номзодлардан бири деб билган²³¹.

18/639 йилда Шомни фатҳ этишда ўлат касалидан вафот этган. Асл қабри Шариат дарёсининг ғарб томонида, Амё кишлоғида жойлашган²³². Қарши шаҳрида Абу Убайда ибн Жарроҳ номи билан боғлиқ рамзий зиёратгоҳ ҳам мавжуд.

Мазкур зиёратгоҳнинг пайдо бўлиши Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғланади. Амир Темур ва темурийларнинг илм аҳли, аллома ва авлиёларга ҳурмати баланд бўлганлиги боис, қабрларни ҳам зиёрат қиладиган даражада муборак масканга айлантирган. Жумладан, Амир Темур 1401 йилда Шом диёрини фатҳидан сўнг Иорданиядаги Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг саҳобаларидан бири бўлган Абу Убайда ибн Жарроҳ қабрини зиёрат қилади. Мақбара ва сағананинг таъмирсиз аҳволдалигини кўриб, у ерни ободонлаштирган. Амир Темур Абу Убайда ибн Жарроҳнинг қабр тупроғидан олиб келиб, Қаршида ҳам мазкур шахсга бўлган ҳурмат юзасидан рамзий зиёратгоҳ барпо этади²³³.

Совет даврида Абу Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳига ташриф буюрувчилар яширинча келишган. 1945 йилда объект фойдаланиш учун очилган. 1947 йилда яна ёпилган. 1954 йилда бу ерга келган тарихий обидалар ва ёдгорликларни муҳофаза қилиш давлат ташкилоти вакили Френкел мажмуа ҳолатини бундай тасвирлайди: “Мажмуа ҳозирда харобага айланган. Уни ўраб турган тўсиқлар энди йўқ. Атрофи пахтазор. Мақбарадан жамоа хўжалиги омбори сифатида фойдаланилмоқда. Масжид хувиллаб ётибди. Ҳовуз қаровсиз, ҳамма жойни қалин буталар қоплаган”²³⁴. 1968-1973 йилларга оид архив ҳужжатларида кўрсатилишича, зиёратгоҳнинг ҳеч қандай белгиси ва ёзувлари бўлмаган қабрдан иборат бўлган²³⁵. М.Е.Массон Убайда қабристони Қарши шаҳридаги йирик Катта Хожа Рўшноий мозори

²³¹ 101 улугъ саҳобий. – Т.: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 147-152.

²³² Ислом энциклопедияси. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 23.

²³³ Пўлатов С., Бўтаев А. Қарши – қадимий шаҳар. – Қарши: Насаф, 2006. – Б. 34.

²³⁴ Исмоил Райҳонов. Абу Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳи. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016. – Б. 21-22.

²³⁵ Қашқадарё вилояти давлат архиви. 527-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғма жилд, 26-27-варақлар.

таркибига киришини айтади ва Жарроҳ номи саҳобанинг тиббиёт билан шуғулланганини кўрсатади деб қайд этади²³⁶.

XX асрнинг бошларида қабрнинг шимоли-ғарбий томонида масжид, унинг ёнида эса, баланд бўлмаган минора жойлашган. Масжид 1926 йилда бузиб ташланган. Унинг жанубида юзаси 16 квадрат метрни ташкил этган ҳовуз бўлиб, М.Е.Массон 70-йилларда аёлларнинг бу зиёратгоҳга ташриф буюрганини, ҳовуз яқинида катта дарахт борлиги, масжид ва бино жойлашганлиги, кейинчалик у ерда минора пайдо бўлгани, мазорга кириш жойида бронза билан безалган кўп қиррали халқа мавжудлигини таъкидлайди²³⁷. Айтиш мумкинки, ҳозирда ҳам мазкур минора ва ҳовуз сақланиб қолган. Аҳоли ташрифи чоғида қабрни зиёрат қилишган.

Зиёратгоҳ 2000 йилда қайта тикланиб, қабр устига макбара бунёд этилади. Кириш жойларига дарвозахона қурилади, йўлақлар таъмирланади, тарихий объект атрофи ободонлаштирилиб, зиёратчилар учун шарт-шароитлар яратилади.

2012-2013 йилларда давлатимиз томонидан қайта таъмирлаш ишлари олиб борилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068 сонли қарорига мувофиқ, Абу Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳи Ўзбекистон моддий ва маданий меросининг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган ва давлат муҳофазасига олинган.

АБДУЛЛОҲ ИБН МУБОРАК МАРВАЗИЙ ЗИЁРАТГОҲИ (Муборак тумани)

Қашқадарё вилояти Муборак тумани Хўжа Муборак қишлоғида ислом илми билимдонларидан бири Абдуллоҳ ибн Муборак Марва-

²³⁶ Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. (Из работы Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.). – Т.: Фан, 1973. – С. 85-86.

²³⁷ Насриддинов Қ., Хўжаров Ў. Қарши шаҳрининг меъморчилик ёдгорликлари. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 48.

зийнинг зиёратгоҳи жойлашган²³⁸. Ислом маданияти ва тамаддунига катта ҳисса қўшган мутасаввиф, муҳаддис, ҳадис ва фикҳда замонасининг етук олими, луғатшунос, шоир, тарихчи, қомусий олим, буюк имом мақомига эришган аллома Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Муборак Ханзалий ал-Марвазий 118/736 йили Туркменистоннинг қадимий шаҳарларидан бири Марвда туғилган²³⁹. Хоразм туркийларидан Муборак ибн Возихнинг ўғли бўлган. У бутун умрини ҳаж, илм ва ибодат, ислом илмларини ўрганишга бағишлаган. Кўп мамлакатларга саёҳат қилган. Саёҳатларида Абу Ҳанифа билан кўришган ва унинг энг мумтоз шогирдлари қаторидан ўрин олган²⁴⁰.

Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийнинг шогирдлари жуда кўп бўлган, чунки ундан жуда кўп олимлар ҳадис ривоят қилганлар. У ҳадисларни тўплаб, “Амир ул-мўъминин” унвонига сазовор бўлган. Хатто Суфён ас-Саврий ва бошқа буюк алломалар, ўзи илм олган устозларини ҳам киритиш мумкин. Аббос ибн Мусъаб ўз тарих китобида Иброҳим ибн Исҳоқ орқали ал-Муборакдан қуйидагича ривоят қилади: у (Ибн ал Муборак) “Эмишки, мен тўрт минг олимдан ўрганиб (олиб) уларнинг мингтасидан ҳадислар ривоят қилганман”,²⁴¹ деб айтган экан.

Аллома суфийлик, фикҳ, ҳадисшунослик, тарих, грамматика ва тафсирга оид асарлар ёзган. 20 минг ҳадисни ўз ичига олган 20 асарини Абу Ҳанифанинг фикҳига кўра тартиб этган. Илк дафъа Арбаъин (қирқ ҳадис) ёзган. Имом Бухорийнинг отаси – Исмоил Абдуллоҳ ибн Марвазийнинг шогирдларидан бўлган²⁴². Олимнинг омон қолган қўлёзма асарларидан айримлари Сурия пойтахти Дамашқ шаҳридаги Зохирия кутубхонасида ва Шарқнинг бошқа мамлакатлари кутубхоналарида сақланади. Жумладан, “Китоб ал-Арбаъийн ҳадийсан” (“Қирқ Ҳадис китоби”), “Китоб ал-Истийзон” (“Изн сўраш ҳақида китоб”), “Китоб ал-бирр ва сила” (Яхшилик ва меҳрибонлик ҳақидаги китоб), “Китоб ат-тарих” (Тарих китоби), “Китобут-т-тафсир ал-

²³⁸ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Муборак тумани, 2024 йил 26 май.

²³⁹ Фаридулдин Аттор. Тазкират ул-авлиё. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи А.Мадримов. – Т.: Ғ. Ғулом, 2017. – Б. 192.

²⁴⁰ Ислом энциклопедияси. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашрети, 2017. – Б. 14.

²⁴¹ Усмон Жамол М. Буюк донишманд. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро Маркази, 2009. – Б. 37.

²⁴² Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашрети, 2017. – Б. 14.

Қуръон” (“Қуръон тафсири”), “Китоб ал-муснад” (Муснад китоби), “Китоб риқаъ ал-фатова” (Фатволар мажмуаси китоби) каби 10 дан ортиқ илмий асарларини айтиш мумкин²⁴³. Ибн Муборак гўзал нафис шеърлар, нозик назмий асарлар яратган фасоҳатли шоир бўлган. Ҳатто Ибн Журайж (ваф. 140/757 й.) у ҳақида “Мен ундан кўра фасих бўлган бирорта шоирни кўрмадим”²⁴⁴ деган. Алишер Навоий ҳам ўзининг “Насойимул-муҳаббат” асарида Аллоҳ Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийга ғайбий қобилият берганини келтириб ўтади²⁴⁵.

Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий 181/797 йилда 63 ёшида Ироқда Фрот дарёси бўйида жойлашган Ҳийт деган шаҳарчада вафот этган, ўша жойда дафн этилган²⁴⁶. Муборак туманида олимнинг рамзий қабри мавжудлиги бу ҳудуднинг ислом оламида ўзига хос ўринга эга бўлганлигини кўрсатади.

Мазкур зиёратгоҳнинг пайдо бўлиши Амир Темур номи билан боғланади. Яъни, Амир Темур Муборак Марвазийга бўлган ҳурматидан Ироқнинг олис Ҳийт шаҳарчасида дафн этилган қабри хокидан келтириб, Муборак шаҳри яқинида унга рамзий макбара бунёд эттирган²⁴⁷. Турли даврларда алломанинг ҳаётидан хабардор бўлган маҳаллий аҳоли томонидан макбара атрофида умумий таъмирлаш ишлари олиб борилган.

1990 йиллар бошларида бу зиёратгоҳ Муборак қишлоғида яшовчи Иброҳимхон Шарифхон ўғли томонидан таъмирланган. Кейинчалик “Муборакнефтгаз” унитар шўъба бошқармаси, “Муборакнефтгаз”ни қайта ишлаш заводи раҳбарияти томонидан қайтадан таъмирланган²⁴⁸. Зиёратчилар учун барча шароитлар яратилган. Бу ерга маҳаллий аҳоли билан бирга республикамизнинг турли вилоятларидан зиёратчилар ташриф буюришади.

²⁴³ Носир Муҳаммад, Насаф ва Кеш алломалари. (IX-XX асрлар): Тазкира. – Т.: 2006. – Б. 11-12.

²⁴⁴ Усмон Жамол М. Буюк донишманд. – Самарқанд: Имом Бухорий Халқаро Маркази, 2009. – Б. 37.

²⁴⁵ Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 34-35.

²⁴⁶ Усмон Жамол М. Буюк донишманд. – Самарқанд: Имом Бухорий Халқаро Маркази, 2009. – Б. 8.

²⁴⁷ Усмон Жамол М. Буюк донишманд. – Самарқанд: Имом Бухорий Халқаро Маркази, 2009. – Б. 5.

²⁴⁸ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Муборак тумани, 2024 йил 26 май.

АБУ ТУРОБ НАХШАБИЙ ЗИЁРАТГОҲИ (Нишон тумани)

Нишон тумани Эски Нишондан 2 километр чамаси узоқликда собиқ Қарри Нишон мавзесида Абу Туроб Нахшабий ан-Насафийнинг қабри жойлашган.²⁴⁹ Хуросон тасаввуф мактабининг йирик намояндаси, IX асрнинг буюк машойихларидан бири Аскар ибн Ҳусайн Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий 191/806 йили Нахшаб (Насаф) ҳозирги Қарши шаҳрида туғилган. Бухоро ва Сарахс мадрасаларида таҳсил олган. Фикҳ илмини Аҳмад ибн Ҳанбалдан ўрганган. Бошланғич таълимни ватанимизда олиб, сўнгра Басрада машҳур Шайх Ҳасан Басрийдан таълим олган.²⁵⁰

Абу Туроб Нахшабий футувват ва таваккул назариётчиси, илм, фатво, зухд ва тақвода машҳур бўлган. Унинг қарашларида нафс ва кибрни жиловлаш мусулмон инсонлар ҳаётида нақадар аҳамиятли экани яққол намоён бўлган. Замондошлари уни “Маъно шохининг мардони”, “Тақво осмонининг оyi”, “Ҳақиқат илмининг орифи” деб аташган. Қирқ марта ҳаж амалларини адо этган. Маъруза ва суҳбатларида кишиларни нафсни тийиб юриш, сабр-қаноатли бўлиш, шариат, тариқат ва маърифат йўлидан боришга чақирган²⁵¹. Абу Туроб Нахшабий ҳақида эл орасида кўплаб нақллар ёйилган. Шулардан йигирмага яқини Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Авлиёлар султони, туронлик авлиёлар» китобида (1995) келтирилган.²⁵² Алишер Навоий ўзининг Абу Туроб Нахшабий Насафийнинг тасаввуфдаги маҳоратига юксак ҳурмат билан қараган. Ўзининг “Лисонут-тайр”, “Насойимул-муҳаббат” асарида маълумотлар келтириб, алломани эҳтиром билан тилга олган²⁵³. Фаридуддин Аттор “Тазкиратул-авлиё” асарида шундай ёзади: “Шайх Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий” (қ.с.) азиз вилоят бодиясининг даштининг сайёҳи, замон денгизининг маллоҳи (кемачиси) эди. Хуросон тупроғидаги шайхларнинг улуғларидан”...!²⁵⁴.

²⁴⁹ Райҳонов И. Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий. – Қарши: Насаф, 2018. – Б. 6.

²⁵⁰ Райҳонов И. Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий. – Қарши: Насаф, 2018. – Б. 4-6.

²⁵¹ Ислом энциклопедияси. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 28.

²⁵² Рушдий Муҳаммад Сиддиқ. Авлиёлар султони, туронлик авлиёлар. – Т.: 2004. – Б. 58.

²⁵³ Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 28-31.

²⁵⁴ Райҳонов И. Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий. – Қарши: Насаф, 2018. – Б. 4-5.

Фаридуддин Аттор олимни тасаввуфга асос солган илк сўфийлар қаторига киритганини айтиб, “у бало сафларини бузувчи, такво девонининг ягонаси, ҳақ набийнинг меросхўри, замона шайхи, валийлик саҳросининг сайёҳи, фақир дарёсининг кемачиси, машойих улуғларидан, Хуросон тупроғидан эди”, деб таърифлайди²⁵⁵. Суламий ўзининг “Тасаввуф ва унинг ҳақиқати ҳақида муқаддима” асарида алломани “сўфийларнинг машойих ва олимларидан эди”, деб айтиб ўтган²⁵⁶.

Тасаввуф манбаларида Марказий Осиёдан етишиб чиққан яна бир машҳур зоҳид – Қашқадарё воҳасининг Нахшаб шаҳридан бўлган Абу Туроб Нахшабийга (ваф. 245/834 й.) кўпроқ эътибор қаратилади. У Марказий Осиёдаги аксарият зоҳидлардан фарқли ўларок, тасаввуф тарихида машҳур мутасаввифлар рўйхатидан жой олганлигидир. Суламий ва ундан кейинги бошқа муаллифлар Абу Туроб Нахшабийни суфийлар яшаган даври ва тасаввуф тарихидаги ўрнига қараб аввал беш, сўнгра олти табақага бўлишган. Биринчи табақа, тасаввуфга асос солган илк суфийлар қаторида келтиришган. Суламий ва Самъонийнинг маълум қилишича, Хуросоннинг Балх ва Ироқнинг Басра шаҳарларида суфийлик таълимини олган Абу Туроб Нахшабий ўзининг зоҳидлик фаолиятида футувват, таваккул, зуҳд ва вараъ ғояларини тарғиб қилган²⁵⁷.

Тадқиқотчи Комилжон Рахимов Абу Туроб Нахшабийни, “Қашқадарё суфийлик мактаби асосчиси” деб баҳо берган. Абу Туроб Нахшабий ўз фаолияти билан Марказий Осиё зоҳидлик мактабининг яна бир тармоғи Қашқадарё тармоғига асос солганлигини тахмин қилиш мумкин. Зеро, ушбу суфийдан сўнг мазкур диёрда зоҳидлик ҳаракатининг кенг ёйилганлиги кузатилади.

²⁵⁵ Фаридуддин Аттор. Тазкират ул авлиё. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи А.Мадраимов. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 30.

²⁵⁶ Имом Абдурахмон Суламий. Тасаввуф ва унинг ҳақиқати ҳақида муқаддима /Таржимон ва изоҳлар муаллифи Абдулҳамид Мухаммад Турсун. – Т.: Nilol nashr, 2020. – Б. 43.

²⁵⁷ Рахимов К. Мовароуннахр тасаввуф тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Т.: Akademnashr, 2020. – Б. 44.

Абу Туроб Нахшабий тахминан 274/887 йилда Басра йўлида ибодат вақтида вафот этган²⁵⁸. Фаридуддин Аттор ўзининг “Тазкират ул-авлиё” асарида Абу Туроб Нахшабийнинг ўлими ҳақида шундай ёзади: “Айтишларича, шайх Абу Туроб Нахшабийнинг ажали Басра саҳросида келди. У ўлганда, ювилганда, дафн қилинганда ҳеч киши йўқ эди. Бир неча кунлардан сўнг Абу Туроб қиблага юзланган ҳолда, ҳассасига таяниб жон берганини, азиз жонини Ҳаққа топширганини кўрганлар. У тиз чўккан ҳолда чап қўлида кўзаси бор ҳолда топилган. Унга ҳеч бир жонивор теккан эмасди. Ҳадисларда келганки, валийларнинг тани чиримас, жониворлар ҳам ундан қочарлар, зиён етказа олмаслар. Улар ўлмайдилар, бир уйдан бошқа уйга борадилар. Аллоҳ Абу Туроб Нахшабийни раҳмат айласин!”, деб келтиради²⁵⁹. Аммо Абу Туроб Нахшабийнинг қабри Басра шаҳрининг қаерида жойлашганлиги ноъмалум.

Бошқа манбаларда Абу Туроб Нахшабийнинг қабри Қарши шаҳри яқинида деб келтирилган²⁶⁰. Халқ орасида “Абу Туроб Нахшабий” Басра саҳросида ибодат вақтида вафот этган. У кишининг жасадига ҳеч бир жонзод тегмаган. Вафотидан уч кун ўтиб шогирдлари ўзи таваллуд топган Нахшаб шаҳри яқинига олиб келиб дафн этган”, деган ривоятлар ҳам мавжуд. 2018 йилда Эски Нишонда яшовчи Нуриддинхон Саидқулов Нишон тумани Эски Нишондан 2 километр чамаси узоқликда, собиқ Қарри Нишон мавзесидаги халқ орасида “Шаҳид ота”, ёки “Чилламозор” деб номланган зиёратгоҳдаги асосий қабрни таъмирлатади. Таъмир давомида қабр устидаги тупроқ олинганда, қабр тепасидан XIX аср охирларига тегишли араб тилида “Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий” деб ёзилган узун қабртош топилади. Шундан сўнг бу зиёратгоҳ “Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий” номи билан боғланади. Шундан сўнг, Қашқадарё вилояти собиқ бош имоми Исмоил Ҳожи Райхонов шу зиёратгоҳ билан боғлаб, ўзининг “Абу Туроб Нахшабий ан-насафий”²⁶¹ рисоласини ёзади. Ҳозирда Эски Ни-

²⁵⁸ Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 70-71. Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари (IX-XX асрлар): Тазкира. – Т.: 2006. – Б. 7-8.

²⁵⁹ Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А. Мадраимов. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 303.

²⁶⁰ Исмоил Ҳожи Райхонов. Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий. – Қарши: Насаф, 2018. – Б. 6.

²⁶¹ Исмоил Ҳожи Райхонов. Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий. – Қарши: Насаф, 2018. – Б. 6.

шонда яшовчи тадбиркор, 70 ёшда бўлган Тожиддин Ҳожи Раҳмонов ўз маблағи ҳисобидан зиёратгоҳга олиб борадиган йўлни таъмирлатган. Юқоридаги маълумотлар таҳлилига асосланиб шуни айтиш мумкинки, манбаларга таянган ҳолда шу жой Абу Туроб Нахшабийнинг ҳақиқий ёки рамзий зиёратгоҳи бўлса, келажакда обод гўшага айланади.

ЖУНАЙД БАҒДОДИЙ ЗИЁРАТГОҲИ (Нишон тумани)

Қашқадарё вилояти Нишон тумани, Эски Нишондан бир неча чақирим узоқликдаги Откудук қишлоғи яқинида тариқат вакиллари-дан бири бўлган Жунайд Бағдодийнинг зиёратгоҳи жойлашган²⁶². Тўлиқ исми Абдулқосим ал-Жунайд ибн Муҳаммад Қаворирий ал-Бағдодий (ваф. 297/910 й.) Бағдодда таваллуд топган. Ўша даврда Бағдодда мавжуд бўлган тасаввуфий икки асосий йўналишдан бири жунайдиянинг асосчиси бўлган²⁶³. Бу тариқат шарқда “Тоҷул-орифийн”, “Султонул-муҳаққиқийн”, “Устодул-тариқат” номлари билан машҳур бўлган. Манбаларга кўра, Жунайд Бағдодийнинг бутун умри Бағдодда ўтган. Бағдод мадрасаларида таълим олган ва ўз қарашларида инсоннинг диний-руҳий покланишига алоҳида эътибор қаратиб, тасаввуф амалиётини исломга мослаштирган.

Бағдод аҳли Жунайдни “Саййид ут-тоифа” деб атаган. Ҳазрат Жунайд ал Бағдодий аҳли сунна ва жамоанинг буюк уламоларидан, ҳижрийнинг III асрида сунний тасаввуф шайхларидан эди. Гўдаклигида отадан етим қолиб, тоғаси сўфий Сиррий Сақатий кўлида тарбияланган. Шофийий мазҳаби ҳуқуқи ва ҳадисларни машҳур фақиҳ Абу Савра Иброҳим Бағдодий (ваф. 239/854 й.) дан ўрганган. Жунайдга ал-Ҳарис ал-Муҳосибий (тахм. 165/781-243/857 йй.) ҳам устозлик қилган²⁶⁴. Улар Бағдод сўфийлик мактаби асосчиларидан бўлган. Жунайд Бағдодий томонидан ёзилган 31 та рисола мавжуд бўлиб, у

²⁶² Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Нишон тумани. 2024 йил 6 август.

²⁶³ Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 173.

²⁶⁴ Ҳомиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 100.

“Расоил” деб номланади. Унда алломанинг мактублари, сўфийликка доир мақола рисоалари жамланган. Уларнинг бир қисми Қуръоннинг айрим оятларига шарҳ сифатида ёзилган. Кейинчалик унинг китоблари “Расоил ал-Жунайд” (“Жунайд рисоалари”) номли китоб ҳолида 2005 йилда “Иқроъ” нашриётида chop этилган²⁶⁵. Жунайд Бағдодий Аллоҳнинг ягоналиги (тавҳид), психологик тажриба ва ҳис этиш асосида Уни билиш даражаси ҳақидаги таълимотни ишлаб чиққан.

Алишер Навоий ҳам ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Жунайд Бағдодий ҳақида: “Ҳар кишиким ярим кун Жунайд билан суҳбат тутган бўлса, ундан одоб тарки келмагай” деб келтиради²⁶⁶.

Жунайд Бағдодий шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат илмида бениҳоят олий даража ва мақом соҳиби бўлган. Суфён Саврийнинг қарашларини маъқуллаган. Бағдод машойихларининг барчаси Жунайд йўлини тутишган.

Шайх Шиблий деди:

Агар ақл киши суратига кирса эди, Жунайд суратида бўлар эди.

Сиррий Сақатий деди:

Жунайднинг шавқ, маърифат, кашф ва ишқ бобидаги мартабаси ниҳоятда олийдир.

Жунайд Бағдодий 91 йил умр кўриб, 298/910 йилда Бағдодда вафот этган²⁶⁷. Унинг асл қабри Ироқда жойлашган. Ироқ ҳукумати томонидан 1980 йилларда Жунайд Бағдодий мақбараси қайта таъмирланиб катта зиёратгоҳга айлантирилган. Мақбара ёнида унинг номи билан жомеъ масжид ҳам қурилган.

Алломанинг асл қабри Ироқнинг Бағдод шаҳрида бўлса-да, Нишон тумани Откудук қишлоғи яқинидаги Найман ота зиёратгоҳини таъмирлаш давомида XIX асрга оид “Жунайд Бағдодий” номи ёзилган қабртош топилган. Шунинг учун мазкур зиёратгоҳ рамзий қабр сифатида аҳоли орасида муқаддас ҳисобланади.

Халқ орасида “Соҳибқирон Амир Темур юришлари даврида Қарши шаҳридаги Убайда ибн Жарроҳ хокини олиб келгани каби,

²⁶⁵ Райҳонов И. Ҳазрат Жунайд ал Бағдодийнинг ҳаёти ва мероси. – Қарши: Насаф, 2017. – Б. 14.

²⁶⁶ Навоий А. Насойимул-муҳаббат. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 28.

²⁶⁷ Ҳомиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 101.

Ҳазрат Жунайд Бағдодийнинг ҳам хокларини олиб келиб, зиёратгоҳга айлантирган”, деган ривоятлар ҳам юради²⁶⁸.

Бу зиёратгоҳ Нишон тумани Откудук қишлоғи яқинида, Нишон чўлидаги бир тепаликда жойлашган. 2017-2018 йилларда Эски Нишонда яшовчи Саидкулов Нуриддинхон Холтўра ўғли ўз маблағи ҳисобидан Ҳазрат Жунайд Бағдодийнинг рамзий қабрини қайтадан тиклаган ва қабр устига гумбазли хонақоҳ қурдирган²⁶⁹. Хонақоҳ тўртбурчак шаклда қурилган икки хонали иморат бўлиб, усти гумбаз билан ёпилган. Зиёратчилар ўтириб тиловат қилишлари учун шароит яратилган. Мақбара атрофи кенгайтирилиб, обод масканга айлантирилган.

Ҳозирги кунда ушбу объект маҳаллий аҳоли доим борадиган зиёратгоҳ бўлиб, баҳор ойларида экин-текинларнинг мўл-кўл ҳосили учун кўй сўйишиб, Аллоҳ йўлида эҳсон қилишади.

АБУ МУЪИН НАСАФИЙ ЗИЁРАТГОҲИ (Қарши тумани)

Қарши тумани Қовчин қишлоғи Бишкент шаҳридан 5 км узоқликда жойлашган ҳудудда Абу Муъин Насафий номи билан аталувчи зиёратгоҳ, мажмуа мавжуд²⁷⁰. Ҳадис, фикх, калом илми равнақиға ҳисса қўшган Абу Муъин Насафий (418/1027-508/1114 йй.) номи ҳам ислом маданияти дунёсида алоҳида ўрин тутади²⁷¹. Ўз даврининг етуқ олимларидан саналган Абу Муъин Насафий калом илми асосчиларидан бири Имом Абу Мансур Мотуридий (870-944) нинг шогирдларидан бўлган. У имом, фозил, усулиётчи, мутакаллим, фақиҳ, ҳофиз, наҳв (грамматик) фанларига доир 15 га яқин асар ёзган. Абу Муъин

²⁶⁸ Қашқадарё вилояти Нишон тумани Эски Нишонда яшовчи, 1968 йилда туғилган Саидкулов Нуриддинхон эшон билан бўлган суҳбат, 2019 йил 30 август. 4-дафтар. (2019 йил октябрь ойида вафот этган).

²⁶⁹ Қашқадарё вилояти Нишон тумани Откудук қишлоғидаги зиёратгоҳ мутаваллиси, 1981 йилда туғилган Бобоев Воҳидхон эшон билан бўлган суҳбат, 2024 йил 5 август.

²⁷⁰ Даминов И. Абу Муъин Насафийнинг илмий мероси ҳақида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2021. 2-сон. – Б. 96-98.; Мотуридия таълимоти ва Абу Муъин Насафий илмий мероси [Матн] / У. Уватов, С. Оқилов, Э. Даминов: маъсул муҳаррир У. Алимов. Тошкент ислом университети Исломушунослик илмий тадқиқот маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2018. – 304 б.

²⁷¹ Маҳмудов Қ. Имом Насафийнинг мероси ҳақида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2011. 1-сон. – Б. 19-20.; Оқилов С. Абу Муъин Насафий ва “Табсиратул адилла” асарининг аҳамияти. / ТИУ Илмий таҳлилий ахбороти. 2002. №1. – Б. 32-35.

Насафийнинг калом илмига бағишланган бош асари “Табсират ал-адилла” (Далиллар тилга кирганда) бўлиб, у катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган йирик асар ҳисобланган. Унинг дин асослари қисми устози Мотуридий услуби асосида шарҳланган²⁷². Шу боис, Абу Муъин ан-Насафий ислом илми дунёсида “Соҳиб ат-Табсира” номи билан шуҳрат қозонган. Асарнинг қимматли томони шуки, унда ўша даврда Мовароуннаҳрда фаолият кўрсатган қатор олимлар ҳақида муҳим маълумотлар мавжуд.

Абу Муъин Насафий номи билан боғлиқ зиёратгоҳни Л.Ю. Маньковская “Аъзам даҳмаси Имом Муъин комплекси”, деб атайди ва уни XI-XVII асрларга тегишли эканлигини таъкидлайди. Бу жой саҳни девор билан ўраб олинган ташқи ҳовли, бир-бирига ёндашиб тушган бир неча хужра, гавжум дарвозали, тўртбурчак ички ҳовли мавжуд. Ҳовлининг ўртасида тўртбурчак ҳовуз бор, ёғочдан қурилган пешайвонли масжид энг қадимий бинолардан биридир. Масжидда мўъжазгина чиллаҳона бўлиб, у Имом Муъин даҳмасидаги мураккаб бино билан боғлиқ. Даҳма архитектура услуби жиҳатдан ўзига хос баланд кулоҳи гумбаз билан ёпилган. У ўймакор ёғочдан ишланган нақшлар билан безатилган. Гўрхонанинг шимолий-ғарбий томонига қўпол таъмирланган XI-XII асрга тегишли бино келиб туташган. Шарқ томондан ҳам бино бўлиб, у хонақоҳга бориб тақалади. Унинг бунёд этилган вақтини XVI аср охири XVII аср деб баҳолаш мумкин²⁷³.

Ҳозирги кунда ҳам бу жой халқ орасида “Имоми Муъин” деб аталади. Мажмуада айна чоғда кириш дарвозаси (3,5×3,5 м., XIV аср), масжид, ҳовуз, “Тошқудук” (XIV аср, чуқурлиги 18 м., эни 0,80 м.) ва қабристон бор. Бу ерда талабалар яшайдиган хужралар бўлган. Шунингдек, қарвонсарой ҳам бунёд қилинган. 1968 йилда мажмуа деворининг бир қисми қулаб тушган, девор орасидан XII асрда ёзилган

²⁷² Уватов У. Абулмуъин Насафий ва унинг “Ал-тамҳид ли қавоидит-тавҳид” асари // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2006. 4-сон. – Б. 262-265.; Уватов У. Абу Муъин Насафий ҳаёти ва мероси. – Т.: Маънавият, 2002. – Б. 36.

²⁷³ Маньковская Л. Ю. Қашқадарё воҳасининг археологик ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 79-80.

Қуръон китоби топилган. Имоми Муъин давридаги Балх тут ёғочидан уста Зариф ясаган лавҳ (60×110 см.) ҳамда чироғдон топилган²⁷⁴.

Мустақиллик йилларида кўплаб алломалар қатори Абу Муъин Насафий ҳаёти, асарларини илмий ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. Президентимиз 2017 йил 24-25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташриф чоғида Қарши тумани Қовчин қишлоғидаги калом илми бўйича таниқли олим Абу Муъин Насафий мажмуасига борди, зиёратгоҳни қайта таъмирлашга буйруқ берди. У ерда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, зиёратгоҳ ҳудуди 2,1 гектарни ташкил этади. Мажмуа таркибида кутубхона ва Насафийлар номи билан боғлиқ музей ташкил қилинди, 500 ўринли катта масжид қурилди. Зиёратгоҳ девори орасидан XII асрда Хитой ипак қоғозига битилган Қуръон топилган бўлиб, китобни бўйи 60 см,эни 41 см.ни ташкил этади. Китоб учун баландлиги 1 метру 60 см бўлган лавҳ ясалган. Тарихий объект атрофи катта қабристон бўлиб, 50 гектардан кўпроқ майдонни эгаллайди. 2020 йилда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш мақсадида Маданий мерос агентлиги руйхатидаги асосий зиёратгоҳ бинолар сифатида Абу Муъин Насафий зиёратгоҳида йўл кўрсаткич ўрнатилди ва ташкилий ишлар амалга оширилди. Ҳозирда ушбу мажмуа зиёратчилар билан гавжум.

МИРИ ЖАНДА ЗИЁРАТГОҲИ **(Ғузор тумани)**

Ғузор шаҳридаги Мири-Жанда зиёратгоҳи Ғузор дарёсининг чап қирғоғи юқори қисмида, Мардтепа қишлоғида жойлашган²⁷⁵. Зиёратгоҳда тасаввуфдаги “Сухравардия” тариқати асосчиси Шаҳобуддин Умар Сухравардийнинг (538/1144-631/1234 йй.) хоки ётибди. Бу ном алломанинг шимоли шарқий Эроннинг Жабал ўлкасидаги Сухравард²⁷⁶ шаҳрида туғилганлигига ишора қилади. У ўрта асрларда фао-

²⁷⁴ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри, 2024 йил 6 май.

²⁷⁵ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Ғузор шаҳри. 2024 йил 20 июль.

²⁷⁶ Даминов И. Шаҳобуддин Умар Сухравардий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У. Уватов. – Т.: O‘zbekiston, 2018. – Б. 264-272.

лият юритган буюк сўфий, фақих, тил ва ҳол илмини юксак даражада эгаллаган моҳир имом, усулчи олим, ислом оламида ҳанузгача нуфузини йўқотмаган “Сухравардия” тариқатининг асосчиси эди²⁷⁷.

Шаҳобуддин Умар Сухравардийнинг биринчи устози амакиси Сухравардий номи билан ижод қилган машҳур алломалардан Абун-Нажиб Сухравардий бўлган. У Шарқнинг машҳур олийгоҳларидан “Низомия” мадрасасида таҳсил олган. Шаҳобуддин Умар Сухравардийнинг қарашлари фалсафий асарларида ёритилган бўлиб, “Кашф ал-фадойиҳ ал-юнония ва рашф ан-насоиҳ ал-имония” юнон фалсафасини, жумладан Аристотель перипатетизмини танқид қилишга бағишланган. Китоб фалсафа тарихчилари эътиборида бўлиб, 774/1373 йилда Муиниддин Яздий томонидан форс тилига таржима қилинган “Авориғ ал-маъориғ” (“Маърифат тухфалари”) номли асари ҳам илмий ва амалий аҳамиятга эга. У 63 бобдан иборат, асосан тасаввуф ғносеологияси, одоб-ахлоқи, психология амалиётига бағишланган. Унда дунёвий илм билан илоҳий илмнинг узвий боғланиши тан олинган. Асарда “дунёвий илм-гўёки сут, илоҳий илм эса-унинг қаймоғи” деб ҳисобланган. Бу билан муаллиф материяга қараганда рух юқориқроқ мавқега эга демоқчи²⁷⁸. Асар XIII-XVI асрларга араб, форс, турк тилларига таржима қилинган²⁷⁹. XX асрда ҳам китоб немис, инглиз тилларига қайта-қайта нашр этилган.

Шаҳобуддин борлиққа хилма-хил тезликдаги ранглар мажмуи сифатида қараб, “Ишроқ” (порлаш) ҳақидаги қарашни илгари сурган. Шунинг учун уни “Шайх ул-ишроқ”²⁸⁰ деб ҳам аташган. Шайхнинг “Ҳикмат ул-ишроқ” китоби энг нодир маънавий манбалардан бири ҳисобланади ва мазкур асар нафақат ахлоқий-тарбиявий, балки фан нуқтаи назаридан ҳам шу даврдаги билимлар мажмуасини ўз ичига олади.

Шаҳобуддин Умар суннийлик эътиқодида бўлиб, мўътадил қарашларни тарғиб қилган. Бағдоднинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Сухравардийлик таълимоти кейинчалик Ҳиндистон (Синд, Панжоб,

²⁷⁷ Эргашов А. Мири-Жанда ота мажмуаси. – Т.: Qagrus media, 2019. – Б. 9.

²⁷⁸ Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашрети, 2017. – Б. 435.

²⁷⁹ Эргашов А. Мири-Жанда ота мажмуаси. – Т.: Qagrus media, 2019. – Б. 13.

²⁸⁰ Ҳомиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 122-123.

Мўлтон, Гужарот) да тарқалган ва чиштийлик тариқати билан бир қаторда энг таъсирли тариқат саналган. Дастлабки даврда бу мамлакатга келиб қолган кам сонли мусулмонларни бирлаштиришда муҳим роль ўйнаган. Сухравардийлик шарқ мамлакатларида кенг тарқалиб, унга ҳар хил даврда яшаган алломалар ўз ҳурматларини билдиришган. Масалан, Алишер Навоий уни эъзозлаб тилга олади. Амир Темурнинг пири Шайх Шамсиддин Кулол ҳам Сухравардийлик тариқатига мансуб эди. Сухравардийлик XVI-XVII асрларга келиб бир нечта мустақил оқимлар (шаттария, баҳоия, жалолія, жамолия, маҳмудия, давлатшоҳия ва б.оқимлар) га бўлиниб кетган²⁸¹.

Унинг шоғирдлари орасида ўғли Имомиддин Муҳаммад (ваф. 655/1257 й.), Шероз шайхи Нажибуддин Бузгуш (ваф. 678/1279 й.) ва бошқалар бор эди. Буюк форс шоири Саъдий Шеъротий (605/1208-691/1292 йй.) “Бўстон” асарида Сухравардийни устози деб атаган. Умар Сухравардий 35 ёшидаёқ Бағдодда “Шайхлар шайхи” даражасига кўтарилган²⁸².

Уни Бағдод халифаси Бағдод шайхларининг раҳнамоси этиб тайинлаган. Кейинчалик Халифа Носир ли Диниллоҳ (575/1180-622/1225 йй.) саройида маслаҳатчи даражасига кўтарилган. 1217-1218 йилларда Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад билан дипломатик музокаралар олиб борган. Элчи сифатида узоқ муддат Мовароуннахрда Хоразмшоҳ саройида фаолият юритган. Отасининг таълимотини давом эттириш учун ўғли Шайх Зайниддин Тошкент шаҳри яқинидаги Кўҳи Орифон кишлоғини ўзига макон тутди²⁸³. Шу ерда маҳаллий аҳолига ислом илмларидан таълим бериб, пир бўлади. Тошкентнинг Кўкча даҳасида, қабристон ўртасидаги баландликда Шайх Зайниддин бобонинг пештоқ-гумбазли, чўзинчоқ мақбараси қад кўтарган бўлиб, ривоятларга кўра мақбара (XIII аср) Амир Темур даврида Шайх Зайниддинга атаб барпо этилган²⁸⁴.

Шаҳобуддин Умар Сухравардий кўп вақтини Бағдодда ўтказганлиги учун, айрим манбаларда Бағдодда вафот этиб, шу ердаги

²⁸¹ Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашрети, 2017. – Б. 434.

²⁸² Эргашов А. Ғузур меъморчилик тарихи. – Т.: Nilol media, 2019. – Б. 54-55.

²⁸³ Эргашов А. Мири-Жанда ота мажмуаси. – Т.: Qagrus media, 2019. – Б. 9.

²⁸⁴ Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашрети, 2017. – Б. 435.

“Вардия” қабристониға дафн этилган дейилса, таниқли рус шарқ-шуноси В.В.Бартольд Амир Темур даврида фаолият юритган Ҳавофий унинг қабри Ғузорда жойлашганлигини айтган²⁸⁵. Амир Темур томонидан сўфий, факих, имом “Сухравардия” тариқатининг асосчиси Шаҳобуддин Умар Сухравардий қабри устига мақбара қурилган²⁸⁶.

Шаҳобуддин Умар ҳозирги Ғузор худудига келиб қолади ва Амир Жанд қабристонида дафн этилиши ҳам келтирилади²⁸⁷. Мазкур қабрда олимнинг хоки бор-йўқлиги ҳали исботланмаган бўлса-да, бу жой ҳозирги вақтда зиёратгоҳ бўлиб қолмоқда²⁸⁸. У дафн этилган қабристон номи аллома соҳиби хирқа бўлгани боис, “Мири Жанда” “Буюк хирқа” маъносини билдиради.

Марзабони чиллахонаси ва ҳужралардан иборат бўлиб, бу ерда ўз даврида шогирдлар таҳсил олишган. Ёдгорликдан фақат мақбара сақланиб қолган бўлиб, ўрта аср меъморчилиги услубларини ўзида акс эттирган²⁸⁹.

Мазкур зиёратгоҳ атоқли файласуф, олим, тасаввуф алломаси ва шоири Сухравардий сиймосини ўзида мужассамлаштирган мажмуа сифатида ўз даврининг илмий-маънавий ва адабий ҳаётида катта ўрин тутди.

СУЛТОН МИР ҲАЙДАР ЗИЁРАТГОҲИ **(Касби тумани)**

Султон Мир Ҳайдар зиёратгоҳи Касби тумани Касби қишлоғида жойлашган. Мир Ҳайдар отанинг асл исми Амир Шамсиддин Мир Ҳайдар Али Хожа Ҳайдар Хуросоний (674/1275-767/1365 йй.)²⁹⁰ бўлиб, аввал Хуросон Қойим, Маккада, сўнг Миср шаҳрида таҳсил олган. 14 ёшида имом мақомига эришиб, фикҳ, ҳадис, Қуръон илмлари

²⁸⁵ Эргашов А. Мири-Жанда ота мажмуаси. – Т.: Qagrus media, 2019. – Б. 9.

²⁸⁶ Салоҳиддин Тошкандий. Темурнома. – Т.: Чўлпон, 1991. – 348 б.

²⁸⁷ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Ғузор шаҳри. 2024 йил 20 июль.

²⁸⁸ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Ғузор шаҳри. 2024 йил 20 июль.

²⁸⁹ Муҳаммадкаримов А., Обидов А., Искардаров З. Тошкентнинг табаррук зиёратгоҳлари. – Т.: Navro‘z, 2016. – Б. 25.

²⁹⁰ Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота маноқиб. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 20-21.

сохиби, олим бўлган²⁹¹. Касби туманида Султон Мир Ҳайдар номи билан боғлиқ ёдгорлик мажмуи қад ростлаган. Маҳаллий аҳолининг қайд этишича, дастлаб олим ўзи туғилган манзилда, Касбида дафн этилган, бироқ турли сабаблар билан икки марта хоки бошқа жойга қўчирилган Полвони Аҳмад Хоразмий номи қайд этилади, кейинги йилларда олимнинг хоки яна қайта олиб келиниб Касбида дафн этилган²⁹².

Амир Шамсиддин Мир Ҳайдар Али Хожа Ҳайдар Хуросонийнинг ҳаёти тўғрисида маълумот келтириладик, ҳали дунёга келмай туриб илоҳий башорат ила Хожа Шамсиддин ҳақида Ҳаким ота Сулаймон башорат қилганлар. 673/1275 йил рамазон ойининг ўнинчи куни субҳи тонг маҳали Жамолиддин Шайх Ҳазратининг уйларида Моҳинурбиби онамизнинг дардлари кучайди. Овсинлари Сокинойинурни дояни чақириб келишга юборди. Тўртинчи фарзанд дунёга келди. Ул азиз инсон Хуросоннинг Қойим шаҳри Шўрдарё бўйида дунёга келди²⁹³. Хожа Саййид Жалолиддин ўз фарзандини укаси Саййид Муҳаммад Абдуллохга фарзандликка беради. Саййид Муҳаммаднинг фарзанди бўлмаган ва Хожа Шамсиддинни тарбия қилгач, ўзлари ҳам фарзандли бўлган.

Хожа Шамсиддин зехнли бўлиб, етти қироат Қуръон қориси Шайх Жалолиддин Қўқоний унга сабоқ берди. Ул зот асли Қўқон шаҳридан бўлиб, форсий, арабий тилда равон сўзлар эди ва ўз юртида фитна дастидан Шўрдарё бўйига келиб қолган эди²⁹⁴. Мир Ҳайдар ота асли ҳазрат Али ва Биби Фотиманинг имом Ҳусайн авлодидан бўлган етук олим инсон эди. У киши Бухорода Саййид Амир Кулол Хожадан ҳам ҳақиқатга етмоқликдан сабоқ олган²⁹⁵.

Амир Шамсиддин Мир Ҳайдар Али Хожа Ҳайдар Хуросоний Хоразмда 30 ёшда, 31 ёшда Бухорода, 32 ёшда эса Касбида манзил топган²⁹⁶.

²⁹¹ Равшанов П. Султон Мир Ҳайдар ота даражоти. – Т.: Янги аср авлоди, 2014. – Б. 82.

²⁹² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Касби тумани. 2024 йил 26 май.

²⁹³ Чориев А. Ҳазрати Султон Мир Ҳайдар ота маноқиби. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 20-21.

²⁹⁴ Ўша асар. – Б. 22-23-24.

²⁹⁵ Ўша асар. – Б. 38.

²⁹⁶ Ўша асар. – Б. 29-30.

Мир Ҳайдар отанинг таваллуд йилини 673/1275 йили деб қабул қиладиган бўлсак, у 766/1365 йилда вафот этганлиги санасини аниқлигига кўра 90 йил умр кўрган бўлади²⁹⁷. Юқорида айтилганидек, олим хоки қайта ҳозирги Касбида дафн қилинган.

Олим Л.Ю.Маньковская XX асрнинг 50-йилларида Султон Мир Ҳайдар мажмуаси қаровсиз қолдирилгани ва омборга айлантирилганини айтишга журъат топа олган. Султон Мир Ҳайдар ота мажмуаси ҳақида дастлабки тадқиқотларни С.К.Кабанов, 1960-йилларнинг бошларида Р.Р.Абдурасулов, Л.И.Ремпель, 1970 йилларда Л.Ю.Маньковская, А.З.Зайниддинов эълон қилган²⁹⁸. 1989 йилнинг январидан макбарани тартибга келтириш, эсдалик лавҳини қўйиш ишлари амалга оширилган. Масжид ва минора йўлаклари тупроқдан тозаланиш даврида турли тарихий осори-атиқалар топилган²⁹⁹. Архив ҳужжатларида воҳадаги бошқа меъморчилик обидаларига нисбатан мазкур ёдгорлик ўтган асрнинг 70-80-йилларида археологик ва меъморчилик нуктаи назаридан кенг ўрганилганлиги кўрсатилади³⁰⁰.

Султон Мир Ҳайдар номи билан аталувчи обида турли даврларда қуриб битказилган уч гуруҳ биноларни ўз ичига олади, улар: XIV аср даҳмалари, XV аср қабртошлари, XVI аср масжид биносидан иборат³⁰¹. Мазкур тарихий-меъморий ёдгорлик ансамбли XI-XVI асрларда барпо қилинган. Ёдгорликнинг умумий майдони атрофидаги қабристонлар билан бирга 166,4 гектардан иборат. Унинг ёнидаги тепалик эса, “Касби қўргони” деб аталиб, 2,8 гектарни ташкил қилади. Бу ансамбль атрофида Султон Мир Ҳайдар макбараси, уч гумбазли макбара, чиллахона, Саид Мир Мўъмин Самарқандий қабри, айвон, минора, қишки ва ёзги масжидлар, ҳайит намози ўқиладиган намозгоҳ тарихий ёдгорлиги, иккита ёпиқ ва битта очик сардобалар мавжуд. Ер остидан топилган сардоба Қорахонийлар даврига мансуб бўлиб, VII-IX асрларда қурилганлиги аниқланган³⁰².

²⁹⁷ Равшанов П. Султон Мир Ҳайдар ота даражоти. – Т.: Янги аср авлоди, 2014. – Б. 82.

²⁹⁸ Маданий мерос агентлиги архиви. КД-9712 фонд, 3-рўйхат, 34-иш, 81-84 varaқлар.

²⁹⁹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Касби тумани Касби кишлоғи. 2024 йил 26 май.

³⁰⁰ Маданий мерос агентлиги архиви. КД-9686 фонд, 3-рўйхат, 34-иш, 18-37 varaқлар.

³⁰¹ Абдурасулов Р., Ремпель Л. Неизвестные памятники бассейна Кашкадарья // Искусство зодчих Узбекистана. – Т.: АН РУз, 1962. – С. 24-30.

³⁰² Маньковская Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари. – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 85-89.

Хусусан, XI-XIV асрлардаги мақбараларнинг ёғочли группаси уч бинодан иборат бўлган. Бунда икки даҳма олдидаги йўлакча хизматини бажарадиган ўтиш йўли энг кичкинаси ҳисобланади. Бу жойда зиёратхона кичик, шу боисдан ҳам унинг қаторида, чамаси, XVI асрда марказий ҳовли ғарб тарафида ёзги масжид-айвон қад кўтарган. Зиёратхона билан бир неча даҳмани бирлаштирадиган даҳлизли ягона бино XI-XVI асрлардаги мақбара қурилишларида маълум эди. Бинолар қурилиш услуби ўзгариб, XIV асрнинг иккинчи ярмида ўзининг композицион ҳал этилди (масалан, Шаҳрисабздаги Дорус-Саодат комплекси)³⁰³.

Касбидаги мақбаралар архитектурасида Фудина ва Қовчиндаги мақбараларнинг аллақачон бизга таниш бўлган шакли ва деталлари турли вариантларда кўзга ташланади; бунда пастки чор қирраликлар равоқ қаносларининг қатларидан тикка қилиб ажратиб қўйилган; деворларида кичик меҳробий учтадан тоқча ясаб ҳатто улар оралиғида чироқлар учун тутун йўли ҳам қилинган. Равоқларнинг бурчак қўлтиқларида майда косали муқарнаслар бор, бу услуб XIV асрнинг биринчи ярмига хосдир. Майда ясси ғиштларга кўра улар анча олдинги даврда қурилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Биринчи мақбара Саид Амир Шамсиддинбек Ҳожи Ҳайдарники бўлиб, қабр устига қўйилган тўқ кулранг мармар сағанада унинг 897/1491 йилда қўйилганлиги битиб қўйилган. Ўртадаги ҳовлининг шарқий томонида алоҳида турган мақбара ҳам, чамаси XIV асрнинг бошларига оид бўлса керак.

Қишки масжид мустақил равишда ҳовлининг жанубий томонидан даҳма бостирмасига туташтириб қурилган. Қалқонсимон йирик қаноси, равоқларнинг тартибсизлиги, ғишт девор ва шувоғининг пала-партишлиги бу масжид анча кейинроқ XIII-XIX асрларда барпо қурилганлигини билдиради. Бинонинг ўрта қисми кенг ҳамда фасади бўйлаб ясси пештоқ ва орқа томондан тўғри бурчаги туртиб чиқарилиб қўйилган. Пастаккина гумбаз ясси қалқонсимон қанослар устида турибди. Девордаги ички тоқчаларнинг бурчаклари равоқ асосидан

³⁰³ Маданий мерос агентлиги архиви. ҚД-9685 фонд, 13-рўйхат, 34-иш, 20-24 ыараклар.

ясалган, қирралар билан безатилган токчалар эса XI-XII асрлардаги ёдгорликлар шаклига нисбат этилган. Содда, унча аниқ бўлмаган, баъзан аралаш шаклли бу масжид XVII асрдан бурунроқ қурилган дейишга имкон бермайди. Олд томондаги минора эса териб олинган эски ғиштлардан қурилган, улар орасида Касбидаги вайрон бўлган иморатларнинг майда, ўрта асрга оид ғиштлиари ҳам учрайди. Минора улкан эмас, танаси юқорига қараб ингичкалашиб боради, тепасида муаззинхона бор. Бу ерда фонарнинг диаметри минора танасидан кичикроқ, бу XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларига хос. Унинг пастки қисми бир неча марта таъмир этилган. Бу масжид аслида Султон Мирҳайдар комплексидаги жума масжиди хизматини ўтаган дейиш мумкин. Чунки, Касби қишлоғидан 1-2 километр ғарброқда яна битта намозгоҳ масжид сақланиб қолган³⁰⁴.

Маҳаллий ривоятларга кўра, у 370 йил бурун, яъни XVI-XVII асрлар бўсағасида қурилган. Режага кўра бино тўғри бурчакли, унинг бир-бирига ўтадиган беш гумбазли хоналари фасад олдидаги жуда кенг саҳнга қаратиб солинган. Гумбазларнинг асоси бир хилда, ўртадаги хона бир оз кенгроқ ва меҳроб тахмони беш қиррали бўлиб, ташқарига туртиб чиққан. Масжиднинг енгил, ҳажмдор шакли, тузилиши ва безакларининг ўзига хослиги бу обида XVI-XVII асрларда бунёд этилган деб кўрсатишга имкон беради³⁰⁵.

Султон Мир Ҳайдар мажмуасидаги қабр устига қўйилган тўқ кулранг мармар сағанада унинг ҳижрий 897/1491 йилда қўйилгани битилган. Мақбара ёнидаги минора XIX-XX асрга тегишли ҳисобланади³⁰⁶.

Таъкидлаш лозимки, Султон Мир Ҳайдар мақбаралар мажмуининг қурилиш услуби Шаҳрисабздаги Дорус-саодат, Косондаги Қусам Шайх ансамблига ўхшайди. Бу услуб XIV асрга хос бўлиб, Темурийлар меъморчилик услубини такрорлайди.

³⁰⁴ Маньковская. Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари. – Т.: 1979. – Б. 87.

³⁰⁵ Раимқулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари. – Қарши: Насаф, 2018. – Б. 48.

³⁰⁶ Маданий мерос агентлиги архиви. ҚД-9686 фонд, 3-рўйхат, 34-иш, 5-8 Ҳарақлар.

ҚУСАМ ШАЙХ ЗИЁРАТГОҲИ

(Косон тумани)

Қарши шаҳридан 15 км шимоли-ғарбда Косон тумани Пудина қишлоғида Қусам Шайх зиёратгоҳи жойлашган.³⁰⁷ Яссавий тариқатининг тарғиботчиси, Нақшбандийнинг устозларидан бири Хонзода Муҳаммад ал-Машхур Куррахожа Атои ўғли Қусам шайх XI асрнинг охири ва XIV асрнинг ўртасида (тах.737/1336-739/1338 йй.) яшаган ислом оламидаги шайхлардан бирidir. Ибн Муҳаммад Қусам шайхнинг фаолияти Қашқадарё вилояти Косон тумани Пудина қишлоғи билан боғлиқ бўлган. Чунки Қусам шайх Туркистонда Аҳмад Яссавий хонадониди (қиз томондан эвараси) туғилган бўлса ҳам, умрининг деярли юз йилини Пудина ҳудудида ўтказди. У Аҳмад Яссавий Ҳазратларининг неваралари Гавҳар Шахнозбегимдан туғилган бўлиб, ота тарафи Бухоролик Ҳусайн шайх Атои авлодларидан, яъни Хонзода Муҳаммад Ҳожадир. Оилада 5 нафар ўғил дунёга келади³⁰⁸ ва Қусам Муҳаммад тўнғич ўғил бўлган, укалари: Исроқ Муҳаммад ва Мансур Муҳаммад билан бирга араб мамлакатларига бориб ислом илмларини мустаҳкамлаб қайтаётганларида мўғул истилоси туфайли икки укасининг ҳаётини бой беради. Уларнинг қабри шу жой: Насафда қолгани боис, ўзи ҳам ислом маданий марказларидан бўлган Пудина қишлоғида яшаб қолади. Маҳаллий бойлардан бири у кишига еридан вақф қилиб ажратиб беради. У кишининг доим ёнида юрадиган Севинч ота деган хизматкори бўлган.³⁰⁹ Айтиш керакки, ҳозирги Пудина қишлоғи Қусам Шайх яшаган даврда айникса гуллаб яшнаган. Бу жой қадимда Насаф шаҳри ҳудудига кирган бўлиб, Насаф шаҳри IX-X асрларда нафақат Туронда, балки мусулмон мамлакатлари эътибори тушган марказ ва Буюк Ипак йўлининг асосий савдо ҳудуди ҳисобланган. Карвонсаройлар, масжид, мадраса, хонақоҳ, савдо тимлари, ҳаммомлар, работ ва мусофирхоналар ишлаб турган. Мадрасаларда илму толиблар диний ва дунёвий соҳалардан таълим олган. Пудинанинг маданий марказ бўлишида Қусам Шайх-

³⁰⁷ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Шаҳрисабз шаҳри, 2024 йил 26 май.

³⁰⁸ Ашурова Ш., Ахмедова Қ. Қусам Шайх. – Қарши: Насаф, 2005. – Б. 4.

³⁰⁹ Қашқадарё вилояти Косон тумани Пудина қишлоғида яшовчи, 1952 йилда туғилган Норов Рўзимурод билан қилинган суҳбат. Зиёратгоҳ мутаваллиси. 2024 йил 25 май.

нинг хизматлари катта. Пудина мактабида Саййид Амир Кулол, Шамсиддин Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа алломалар таълим олган.

Қусам шайх ҳақида Абдурахмон Жомий ўзининг “Нафосатул-унс” асарида: “Муҳаммад Қусам Атои туркий шайх бўлиб, Аҳмад Яссавий авлодидандур, Баҳоуддин Нақшбанднинг устозидир” дея қайд этган.³¹⁰ Мутафаккир ва шоир Алишер Навоий ўзининг “Насойимул-муҳаббат” асарида “Шайхлар Шайхи” деб эътироф қиладилар. Шу билан бирга: Қусам шайх турк шайхларидандир. Хожа Аҳмад Яссавий авлодидан. Хожа Баҳоуддин Амир Саййид Кулол – у кишига ижозат берганларидан сўнг Қусам шайх хизматиға бордилар... Хожа Баҳоуддин Қусам шайх хизматида уч ойга яқин бўлдилар. Охири шайх Хожага ижозат бериб деди: – “Тўққиз ўғлим бор. Сен уларнинг барчасидан улуғроқ ва муқаддасроқсан”, деб ёзган эдилар.³¹¹ Насафлик авлиё Саййид Амир Кулол Бухорода Хожа Баҳоуддинга таълим бериб бўлгандан сўнг, Пудина марказининг отаси Қусам шайхдан бориб таълим олишини буюради.³¹² Қусам шайхнинг мударрислик фаолиятини эътироф этган ҳолда, Пудинада ҳадисшунослик мактабига асос солганини таъкидлаш лозим. Ҳазрат ўз хизматининг эътирофи мукофоти тариқасида “Шайхлар шайхи” деб аталган.

Косон туманининг Пудина қишлоғида Қусам Шайх номи билан боғлиқ XI асрга тегишли археологик ёдгорлик тарихи ҳақида совет йилларида археолог олимлардан Р.Абдурасулов, Л.Ремпель, Л.Маньковская томонидан ўтказилган экспедиция ҳақидаги мақола ва рисоаларда тилга олинади. Археолог олимлар Қусам Шайх меъморий ёдгорлигидаги энг қадимги макбаралар X-XI асрда бунёд этилганлигини аниқлашган³¹³. Қусам ота ансамблига кираверишда унча катта бўлмаган дарвозасимон учта иморат бўлиб, улар орқали зиёратчилар ансамблнинг марказига борадилар. Биринчи дарвозанинг асоси унинг қадимчилигини рад этади. Дарвоза девори X-XI аср ғиштларидан ҳам

³¹⁰ Маданий мерос агентлиги архиви. ҚД-9720 фонд, 4-рўйхат, 97-иш, 13-18 ыараклар.

³¹¹ Алишер Навоий. Насойим ул-Муҳаббат. Ҳикоялар ва ҳидоятлар. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 118-119.

³¹² Абдул Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. – Т.: Ёзувчи, 1991. – Б. 12.

³¹³ Абдурасулов Р.Р., Ремпель Л.И. Неизвестные памятники архитектуры бассейна Кашкадарьи. ИЗУ (Искусство зодчих Узбекистана). Вып. I. – Т.: 1962. – С. 30.; Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи. – Т.: 1979. – С. 98-99.

териблиб, асосан XVI-XVII асрларда қурилган. Охирги қурилиш ишлари XIX асрни кўрсатади. Иккинчи дарвоза кичикроқ, ёнлари гувала билан ўралган бўлиб, иккита хонаси ҳам бор. Ён томонидан Севинч ота мазорига чиқилади. Сал нарироқдаги хийла йирик гумбазли масжид икки босқичда қурилган. Кенг чортоқ хонали, учли гумбаз билан ёпилган бўлиб, у XVII-XVIII асрлардан олдин қурилмаган, гиштларининг пала-партиш терилганлигига ва равоқлари ҳамда қаносларининг қўпол шаклига қараганда XIX аср охири ва XX аср бошларида қурилган. Бунда янги девор бурчаклари бўйлаб ғилоф сифатида эски деворга қараб чўзилиб борган. Шундай қилиб, хонанинг асли мўлжали ўзгарган. Ташқарисида икки томонлама синчли пешайвон қурилиб, бино маҳалла масжидига айлантирилган³¹⁴. Қусам Шайх меъморий ёдгорликлар ичида энг қадимийси Исҳоқ ота номи билан юритиладиган мақбара, унга ёндош бўлган иккинчи мақбара бўлиб, XI-XIII аср бошлари билан даврлаштирилади.

Археолог олим Л. Ю. Маньковскаянинг келтиришича, Қусам Шайх мақбараси (XI-XII асрлар) жойлашган ҳовлининг шимол томонидаги мақбара ҳам анча қизиқарли, у хандақсимон йўлаклар орқали асосий комплекс билан туташтирилган. Бир ривоятга кўра энг қадимги сағаналардан бирида Исҳоқ ота, бошқа ривоятларга кўра Соғотойхон дафн этилган дейилади. Марказлашган тўртбурчакли бу мақбара пештоқи жуда содда. Марказий Осиёдаги энг қадимги ёдгорликлардан бири ҳисобланган бу мақбара X асрнинг охирида қурилган бўлиши мумкин. У билан жанубий комплекснинг зиёрат-хонага ўхшаш мақбараси бирлаштирилган. Бунда деворларига чиролар қўйиладиган уч қаватли тоқчалар бор. Унинг деворлари XIV аср ўрталаридаги сағана гиштларнинг парчалари билан қопланиб шувалган. Бу ҳам кўҳна обидалардан бўлиб, тарихий-археологик маълумотларга кўра унинг қурилган вақти XI асрнинг охири-XIV асрнинг бошларига тўғри келади³¹⁵.

³¹⁴ Маньковская Л. Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткичи). – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 74-76.

³¹⁵ Ўша асар: – Б. 77.

Мажмуа бир вақтда эмас, XI-XIX асрлар давомида қурилган³¹⁶. Ёдгорлик марказида Қусам Шайхнинг мақбараси, зиёратхона ва икки кичик даҳма, унинг олдида тўққиз гумбазли масжид жойлашган. Мажмуа ҳовлисида кейинчалик қурилган масжид ва аввалги даврга оид қудук, ҳовуз жойлашган³¹⁷. Қусам ота мажмуаси тарҳи безатилиши нуқтаи назаридан Шоҳи Зиндадаги Али Насафий амалий нақшин-корлигига умумий яқинлиги бор. Бу ёдгорлик Марказий Осиё меъморчилигининг энг қадимий ва ноёб намуналаридан биридир. Таъкидлаш лозимки, Косондаги Қусам Шайх ансамбли услуби XIV асрга хос бўлиб, Темурийлар меъморчилик услубини такрорлайди³¹⁸.

1990-1995 йилларда Қусам Шайх мажмуаси қайтадан таъмирланиб, масжид олдидан Севинч ота, Мансур Муҳаммад ҳамда Исҳоқ ота мақбараларига йўлакчалар қурилган. 2020 йилда “Қусам Шайх” зиёратгоҳида капитал таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиб, йўл кўрсаткичлар ўрнатилди³¹⁹.

ҲАЗРАТИ БАШИР ЗИЁРАТГОҲИ **(Китоб тумани)**

Ҳазрати Башир зиёратгоҳи Китоб шаҳридан 30,5 километр шимолий-шарқда Хабаш ва Кўл тоғлари оралиғидан оқиб ўтувчи Қашқадарё соҳилидаги Ҳазрати Башир қишлоғида жойлашган.³²⁰

Нақшбандия таълимотида ёрқин из қолдирган забардаст авлиёлардан бири Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Башир Ҳазрати Баҳоуддин Балогардон бўлиб, у киши ислом оламида “Мири Ҳақиқат” мақомига эга бўлган. Ҳазрати Башир (769/1368-868/1464 йй.) Амир Темурнинг пири Саййид Бараканинг укаси Саййид Неъматуллоҳнинг дуолари туфайли оламга келган. Ҳазрати Баширнинг отаси Шайх Хожа Ҳасан ота 676/1278 йилларда дунёга келган. Бошланғич таълимни ва тасаввуф илмини отаси Шайх Ҳусайн ибн Мансур ал-Байзовийдан

³¹⁶ Маданий мерос агентлиги архиви. ҚД-9112 фонд, И-рўйхат, 97-иш, 10-16 varaқлар.

³¹⁷ Абдураулов Р.Р., Ремпель Р.И. Неизвестные памятники архитектуры бассейна Кашкадарьи. (Искусство зодчих Узбекистана). 1962. Вып.1. – С. 30.

³¹⁸ Маньковская Л.Ю. Кашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари. – Т.: 1979. – Б. 87.; Раимқулов А. Кашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари. – Қарши: Насаф, 2018. – Б. 48.

³¹⁹ Дала тадқиқотлари. – Қарши шаҳри, 2024 йил 26 май.

³²⁰ Дала тадқиқотлари. Кашқадарё вилояти Китоб тумани. 2024 йил 9 июнь.

ўрганиб, тасаввуф тариқати асосчиларидан бири бўлиб етишган. У Амир Темурнинг пири бўлган Саййид Мир Барака, Саййид Мир Неъматуллоҳ ва Амир Темурлар билан бир даврда яшаган³²¹. Отаси Хожа Ҳасан 90 ёшда, онаси Биби Малокат 80 ёшда бўлганига қарамай, фарзандлари бўлмаган. Бола туғилгач, унга Саид Аҳмад, деб ном қўйишган. Онаси Биби Малокатдан сут келмагач, ёш Саид Аҳмад сутсиз вояга етган. Шунинг учун номларига Башир (Бешир – сутсиз дегани) тахаллуси қўшиб айтилган. Саид Аҳмаддан кейин яна онаси Саид Али ва Хожа Аҳмад исмли икки фарзанд кўради.³²²

Ҳазрати Башир ёшлигидан (18 ёшдан) Қуръони карим ва бошқа китобларни ўқий бошлайди. Унинг тариқатида рақс ва самоъ усули бўлган.³²³

У салоҳият эгаси бўлиб, унинг таърифларини эшитиб, мусулмон оламининг турли бурчакларидан шогирд сифатида келишган. Булар орасида Усмон Туркистоний, Шаҳрисабзлик Шайх Шамсиддин, Шайх Поянда, Саъид Али, Дарвеш Муҳаммад Кодубоз, Саййид Муҳаммад Шаҳбозий Ҳақиқат, Мавлоно Лутфуллоҳ, Мавлоно Исмоил, Мавлоно Аминуддин, аёллардан: Биби Робия, Биби Соҳиба, Ҳазрати Баширнинг завжаси Биби Фотима, Биби Бахт Султон, Биби Дурсултон, Биби Туркона, Биби Хованд Султонлардек улуғлар бўлган. Буларнинг аксарияти Ҳазрати Башир қишлоғида дафн этилган. Ҳазрати Башир Ҳазрати Баҳоуддиндан кейин ислом оламида Нақшбандия таълимотида ёрқин из қолдирган забардаст авлиёлардан бири бўлган, “Мири Ҳақиқат” мақомига эга бўлган. Ҳазрати Башир 1464 йилда оламдан ўтади. Башир қишлоғидаги Ниёзтепада дафн этилган.³²⁴

Ҳазрати Башир қишлоғида XV аср ёдгорлиги бўлган Ҳазрати Башир сағанаси қўйилган бўлиб, у катта масжид ва мақбарани ўз ичига олади. Бу сағана Ўзбекистоннинг ноёб меъморчилик ва амалий санъат асари ҳисобланиб, мақбара ёдгорлиги XVI асрнинг охири XVII аср бошларида бунёд этилган, унинг шакли Темурийлар даврида ясалган тош обидаларни эслатади. Бу йирик бирикма (204×84 см.) икки

³²¹ Чориев А. Ҳазрати Башир тарихи. – Т.: Янги аср авлоди, 2022. – Б. 12.

³²² Ўша асар: – Б. 178-179.

³²³ Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. – Т.: Фан, 1996. – Б. 30.

³²⁴ Ўша асар: – Б. 31.

поғонали тағламага ўрнатилган бўлиб, усти ясси, ҳашамли ва серқирра. Обиданинг узун қирралари бўйлаб учта квадратли безак ўрнатилган³²⁵.

У ён томондан чуқур ўйилиб, жуда нозик, ўйма нақшлардан олинган турли хил геометрик нақшлар билан безатилган, уларнинг элементлари бир-бирига аниқ туташтирилган ҳолда обида жойидаги таглик тахтага ёпиштирилган. Гириҳлар асосан олти нузли тўрсимон негизда ясалган бўлиб, безак сиртига чирой бериб турибди. Сағананинг бош ва оёқ томонлари ҳам нақшинкор безатилган. Олти қатор шарафа алоҳида-алоҳида қоқилган маълум шаклли ёғоч косачалардан ясалган, уларнинг юқодариги уч қаторида кунгра, пастдагисида эса себарга шакл берилган. Косачалар қаватма-қават терилганлиги учун шарафа олд томонга бир оз чиқиб туради. Охириги тахтаси ингичка занжирлар билан ҳошияланган³²⁶. Хонақоҳ марказий тўрт томонлама ҳудуддан иборат бўлиб, унда тўртта устун уч томондан айвон билан ўралган. XVIII аср масжиди тўртбурчак (9,78×977 м), синчли, деворлари лойшувоқ қилинган. Унинг ҳар томонидаги (8,2 м, тўртбурчак) хонақоҳнинг ясси токи териб ёпилган³²⁷. Обиданинг шакл жиҳатдан ажиб нозиклиги, кучли композицияси кишида кучли таъсурот қолдиради.

Совет даврида динга бўлган тазйиқ туфайли 1940 йилларда бино бузиб ташланган. Ҳозирда Башир ота қабристони жойлашган тепаликнинг пастки қисмида чашма ёнида янги масжид қурилган. Шу ердаги Жунайдуллоҳ Исломшайх ўғли Ҳозиқ томонидан 1842-1843 йил қурилган чиллаҳона (ғор) ҳам мавжуд³²⁸. Ҳазрати Баширнинг ён томонида икки фарзанди ва бир хизматкорининг қабри бор. Қабрнинг дала қисмида 1450 йилга тегишли мўғул подшоси Саййид Жамолдин қабртоши топилган³²⁹.

Бу зиёратгоҳнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Ҳазрати Башир аслида Мирзо Улуғбек замонида яшаган. У расадхонанинг қуйи қисми “Пойи расад”ни қуриб, 7-8 йил Шайх Ҳазрати Султон Саид Аҳмад

³²⁵ Маданий мерос агентлиги архиви. КД-7086 фонд, Л-рўйхат, 11-иш, 6-9 varaқлар.

³²⁶ Маньковская Л. Ю. Кашкарёё воҳасининг архитектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 54.

³²⁷ Назилов Д. А. Архитектура горных районов Узбекистана. – Т.: Фан, 1984. – С. 92.

³²⁸ Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. – Т.: Фан, 1996. – Б. 29.

³²⁹ Маданий мерос агентлиги архиви. КД-9712 фонд, 3-рўйхат, 34-иш, 81-92 varaқлар.

химоясида иш олиб борган³³⁰. Улуғбек вафотидан кейин шогирди Али Қушчи расадхонадаги китоблар ва секстантини Башир қишлоғидаги Ниёзтепага жойлаштирган. Ҳатто маҳаллий аҳоли мазкур китоблар сақланган сандиқ тоғдаги тошга айланганини ва унинг кўриниши тоғ тошида акс этганини ҳам таъкидлайди. Воҳада маҳаллий аҳоли орасида мақбара ёнида Ҳазрати Башир ҳассасидан кўкарган арча ва у бунёд этган пистазор ҳам бор³³¹.

Ҳазрати Башир ота эккан писталар ҳозиргача (жуда катта дарахтлар бўлиб) ҳосил қилади. Писта дарахтларининг сони 200 дан ортиқдир. Ҳозирда Ҳазрати Башир қабри жойлашган тепалик остидан шифобахш сув чиқиб туради. Бир тегирмон сув (тошнинг остидан чиқиб) Ҳазрати Башир қишлоғини сув билан таъминлайди. Зиёратчилар шу сувдан ичадилар, уйларига олиб кетишади. Ҳазрати Башир ота қабри қўйилган тепалик тагида 30-40 киши сиғадиган ғор бор. Бу ғор одам яшаши учун жуда қулай ва мустаҳкам қилиб қовланган³³².

Ғори Санги Ғори Ҳокидан чамаси 800 метрлар юқорида экан. Ҳар иккала ғорда ҳам Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Башир ота 18-20 ёшгача яшаган экан. Ғори Сангидан 20 метрлар чамаси баландликда шаршара бўлиб, булоқдан сув оқиб турган. У ердаги манзара-ёввойи арча, заранг, шилви, иркак дарахтлари кишини ҳайратга солади. Олдинлари ушбу сув “Нур кўҳ” баландлигидан ҳовузга оқиб, атрофидаги боғларга тарқалган. 20 метр юқоридан кўпикланиб, шиддат билан оқиб тушаётган сувни маҳаллий аҳоли "Ҳожа неъмат" деб аташар экан. Сувнинг бир кўзи шу ердан чиқса, бир кўзи Мўғул қишлоғидан 4 км чамаси шимоли-шарқдаги Ҳожа Неъматуллоҳ зиёратгоҳидан чиқар экан. Маҳаллий аҳоли бу сувни Ҳожа Неъматуллоҳ қароматлари билан чиққан, деб айтишади.

Ғори Хоки ғори уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми ёмғир, сел келиши натижасида емирилиб кетган, иккинчи ва учинчи қисми тўлиқ сақланиб қолган. Ғорнинг оғзи кичик бўлган. 7 метрдан кейин ғорнинг зали бор. Залнинг диаметри 6 метр, баландлиги 2,2 метр

³³⁰ Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. – Т.: Фан. 1996. – Б. 28-29.

³³¹ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2024 йил 9 июнь.

³³² Чориев А. Ҳазрати Башир тарихи. Т.: Янги аср авлоди, 2022. – Б.25-26.

бўлиб, гумбазсимон шаклга эга. Ғор деворида китоб ва шамчиноқлар, сув идишлари қўйиш учун махсус тоқчалар ўйилган. Ювиниш, таҳорат олиш учун ўйиб хона қилинган³³³.

Инқилобдан олдин Ҳазрати Башир қабри турган тепаликнинг томонларида қишлоқ бўлиб, у ерда яшайдиган маҳаллий аҳоли томонидан катта бир тош топилган, унинг остида йўл борлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартдаги “Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 198-сонли Қарорида кўрсатилган Варганза, Ҳазрати Башир, Ғелон, Сувтушар қишлоқларида ташкил этилаётган янги туризм йўналишлари, Китоб кенглик станцияси, “Сийпантош” ёдгорлиги ва унинг атрофидаги туристик масканлар ҳақида кўрсатувлар суратга олинди³³⁴.

ХОЖА НЕЪМАТУЛЛОҲ ВАЛИЙ ЗИЁРАТГОҲИ **(Китоб тумани)**

Қашқадарё вилоятида Китоб тумани марказидан 23 километр узоқликдаги Мўғул қишлоғининг шимолий қисмида Неъматуллоҳ Валий зиёратгоҳи жойлашган. Халқ орасида у киши Хожа Неъматуллоҳ (ваф. 834/1431) ҳам деб аталиб, сўфий, шоир, неъматуллоҳий тариқати асосчиси ҳисобланади. Шоҳ Саййид Нуриддин Неъматуллоҳ ибн Мир Саййид Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ислом дини соҳасида забардаст олимларидан³³⁵.

Неъматуллоҳ Валий сунний-шофеей бўлиб, ўз шажарасини шиаларнинг 5-имоми Муҳаммад Боқир орқали (21 бўғимда) Муҳаммад (с.а.в) га етказган. Ироқда, сўнгра Маккада Шайх Абдуллоҳ Ёфеей (697/1298-768/1367 йй.) қўлида таҳсил олган. Ироқ, Миср. Табриз, Ардабил, Мовароуннаҳрда бўлган, туркий қабилалар орасида исломни фаол тарғиб қилиб, ёйган. Ўзининг зоҳидона турмуш тарзи билан халқ

³³³ Чориев А. Ҳазрати Башир тарихи. – Т.: Янги аср авлоди, 2022. – Б. 27-28.

³³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қарор ва фармонлар ижроси юзасидан Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасида эришилган натижалар тўғрисида маълумот // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 19 март.

³³⁵ Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашрети, 2017. – Б. 357.

орасида шуҳрат қозонган. Тасаввуфдаги “Неъматуллоҳ” йўналишининг асосчиси. Бу таълимот ислом оламида Нақшбандия таълимоти каби машҳур бўлиб, пир ва муршидликка асосланган³³⁶. Ҳозир ушбу таълимотга қисман Марказий Осиё, Ҳиндистон, Покистон халқлари амал қилади.

У киши Шом вилоятининг Ҳалаб шаҳрида туғилган. Ироқда ўқиган, сўнгра 24 ёшларида Ҳаж зиёратига бориб, Макка шаҳрида Шайх Абдуллоҳ ал- Ёфёбийга мурид бўлган³³⁷. Амир Темурнинг пири Мир Саййид Бараканинг укаси. Саййид Неъматуллоҳ араб ва форс тилларида ҳар хил маънолар ёритилган 544 та ёзишмалар битган, улардан 110 таси бизгача етиб келган. Бундан ташқари у 1541 та ғазални ўзида жамлаган катта девон тузган. Мазкур илмий мерос Ироқ ва Кермонда (Эрон) Амир Саййид Нуриддин Неъматуллоҳ номи билан 4 марта нашр этилган³³⁸. Неъматуллоҳ Валий таълимотида араб тасаввуфи, (Аҳмад Шозилий ва Абу Мадён), Ибн Арабийнинг ваҳдати вужуд таълимоти, Нажмиддин Кубро ғоялари ва Хожагон тариқати қарашлари уйғунлашиб кетган. Суфийлик тажрибасида у Жунайд ва Абу Язид Бистомий йўлидан борган. Ҳунарманд ва деҳқонларни мадҳ этган³³⁹.

Манбаларда келтирилишича Неъматуллоҳ Валий Ироқ, Маккаи мукаррамада илм ўрганган. Иршод бериш даражасига етгач, 35-45 ёшларида Самарқандга келади. Бу даврда Амир Темур энди Самарқанд тахтига ўтирган эди. Амир Темур Неъматуллоҳ Валий билан учрашиб, унга кўп ҳурмат-иззат кўрсатган³⁴⁰. “Зафарнома”да келтирилишича, Амир Темур Амир Ҳусайн устига кўшин тортиб, Термиз шаҳри яқинида тўхтаб турганда Мир Саййид Барака ва укаси Саййид Неъматуллоҳ подшоҳлик рутбасини белгиловчи алам ва ногорани соҳибқиронга топширадилар. Шундан сўнг у Амир Темур ёнида бўлиб, барча ишлари ва машваратларида иштирок этган³⁴¹. Ҳиротдан

³³⁶ Каттаев К. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ғ. Ғулом нашриёт матбаа ижодий уйи, 2017. – Б. 251-266.

³³⁷ Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир монокиби. – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 178-179.

³³⁸ Бердиев А. Китоб (Туристические достопримечательности Китаба) Кашкадарьи. – Китоб: 2019. – Б. 19.

³³⁹ Ислам энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 358.

³⁴⁰ Каттаев К. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ғ. Ғулом нашриёт матбаа ижодий уйи., 2017. – Б. 254-266.

³⁴¹ Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир монокиби. – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 179.

кетгач Язд, Шерозда истиқомат қилиб, сўнг Кирмон шаҳрида яшаб қолган.

Неъматуллоҳийлар шиаликдаги суфийлик тариқати тарафдорларидир. Шохрух Мирзо (ҳукмронлик даври 1405-1447) Неъматуллоҳийлар ва уларнинг пири Неъматуллоҳ Валийни ўз ҳимоясига олган. У Самарканд, Ҳирот Язд ва кўпроқ Кирмонда яшаб хонақоҳ ва масжид курдирган. Амир Темурнинг ака-укага ажратган мулкани 25 йил бошқариб, муқим яшаб қолади. 834/1431 йилда Кирмоннинг Моҳон қишлоғида вафот этади ва шу ерда дафн этилади³⁴². Кейинчалик алломанинг қабри устига юксак макбара қурилади ва ҳозирга қадар катта зиёратгоҳ ҳисобланади.

XVI асрда Эронда шиалик ҳукмрон мафкурага айлангач, Неъматуллоҳийлар тариқати кенг тарқалиб, асосан шаҳарнинг савдо-хунарманд доираларини ўзига жалб этган. Неъматуллоҳийлар сиёсий фаолияти давлатнинг ички ҳаётига таъсир кўрсатиши билан бошқа тариқатлардан ажралиб турган. Тариқат вакиллари Ҳиндистонда ҳам мавжуд бўлган. Неъматуллоҳийлар XIX аср ўрталарида кўплаб гуруҳларга бўлиниб кетган. Унинг тарафдорлари ҳозир Эронда ҳам бор.

Саййид Неъматуллоҳ Китоб тумани Мўғул қишлоғида 6 йил яшаган. Неъматуллоҳ Китоб шаҳрига бориб, шаҳар ҳокими Имомиддин Ҳамза ал-Ҳусайн ал-Ҳарвонийнинг қизига уйланади. Улардан Саййид Аҳмад Башир дунёга келади³⁴³.

Темурийлар авлоди вакиллари томонидан ислом йўлида хизмат қилган олим, уламо, авлиёларга ҳурмат маъносида сағана ва қурилиш ишлари олиб борилган. Неъматуллоҳ Валий Мўғул қишлоғида яшагани, тасаввуф тариқатидаги мавқеи, маҳаллий аҳоли билан пир ва мурид алоқалари туфайли унга шу қишлоқда рамзий қабр қилинган. Жумладан, Шохрух Мирзо Китоб тумани Мўғул қишлоғида Неъматуллоҳ Валий номи билан боғлиқ олти бурчакли макбара курдирган³⁴⁴.

³⁴² Ислам энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашрети, 2017. – Б. 358.

³⁴³ Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир манокби. – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 179.

³⁴⁴ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Китоб тумани Муғул қишлоғи. 2024 йил 8 июнь.

Қабр устига қўйилган тош ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Маҳаллий раҳбарият ташаббуси билан 2013 йил мақбара таъмирланиб, зиёратчилар учун барча шароитлар яратилди.

ОҚ СУВ ЗИЁРАТГОҲИ **(Китоб тумани)**

Китоб шаҳридан чамаси 17 километр жанубий-шарқда Хожа Исфароз (Хожа аз-фароз) қишлоғида “Оқ-сув” зиёратгоҳи жойлашган. Маҳаллий халқ бу ерда Шайх Шамсиддин ва фарзанди Шайх Нажмиддин, кейинчалик учинчи улуғ пир Дарвеш Муҳаммад ҳам дафн этилган, дейишади.

Хожа Шайх Шамсиддин (ваф. 906/1501 й.) Фаробга яқин Хеззан (Тожикистон) қишлоғида таваллуд топган. Аниқ туғилган йиллари ҳақида маълумот йўқ. У Собирӣ парранда авлодидан бўлиб, Шайх Антоур шажарасига бориб тақалади. Ёшлигида илмни отасидан олиб, деҳқончилик билан шуғулланган³⁴⁵. Шайх Шамсиддин “Қол ва ҳол” (тасаввуфий талқинда, зоҳирӣ ва ботинӣ илм) илмларига эга бўлган. У Кешда Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Башир (769/1368-868/1464 йй.) га шогирд тушган. Амир Темур томонидан Оқ-сувнинг чап соҳилида қурдирилган масжид ва мадрасада Шайх Шамсиддин ва ўғли шайх Нажмиддин хизмат қилишган. Фарзанди Шайх Нажмиддин ҳам отасидек комилликка эришган. Улар вафотидан кейин мадрасани Дарвеш Муҳаммад бошқарган³⁴⁶.

А.Чориев китобида: «Ҳазрати Шайхи Бузруквори Шайх Шамсиддин камолга етган забардаст авлиёлардандур, деб айтдилар. Мени ўзим у зотни тарбия қилиб вояга етқургандурман. Иршод хатини ўзим берганман. Шайхи Шамсиддин катта олим, каромат эгаси бўлганлар³⁴⁷. Шайх Шамсиддин 1501 йил май ойининг 20 санасида оламдан

³⁴⁵ Бердиев А. Оқ-сув зиёратгоҳи ҳақида // Мавлоно Абдулбоки Хожаги Эмканайи. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: 2013. – Б. 88.

³⁴⁶ Бердиев А. Оқ-сув зиёратгоҳи ҳақида // Мавлоно Абдулбоки Хожаги Эмканайи. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: 2013. – Б. 88-91.

³⁴⁷ Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир манокби. – Т.: Шарк, 1996. – Б. 303.

ўтдилар ва қабрлари Хожа исфароз қишлоғида жойлашган», деб келтиради³⁴⁸.

Шайхларнинг қабрлари ер устида умумий тўртбурчак шаклда қурилган катта сағана кўринишидаги иншоот ичига қўйилган. Умумий сағананинг баландлиги 4 м., эни тахм. 8 м., бўйи 12 м. ни ташкил этади. Умумий сағана мармар билан қопланиб, оқ ва жигар ранг билан ишлов берилган. Сағананинг ёнида учта шайхнинг исми-шарифи ва яшаб ўтган йиллари ёзилган. Сағана олдида ёғочдан туғ қўйилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, 1961 йили археологик изланиш баҳонасида шайхларнинг боши устида қўйилган белги- тошлар олиб кетилган³⁴⁹.

Ҳозирги кунда зиёратгоҳ ҳудудида фақат масжид бўлиб, ичида чиллахона бор ва у яхши сақланган. Қурилиш услубига кўра, масжид тўртбурчак шаклда, устига гумбаз ёпилган. Масжиднинг олди очик айвон қилиб ёпилган ва ҳовлисида 600 ёшга кирган халқ тилида “Амир Темур томонидан экилган” деган ном остидаги терак дарахти жойлашган.

АБДУЛБОҚИЙ ХОЖАГИ ЭМКАНАГИЙ ЗИЁРАТГОҲИ (Китоб тумани)

Китоб тумани Хожа Илмкон қишлоғида Мавлоно Абдулбоқий Хожаги Эмканагий зиёратгоҳи бор. Хожагон Нақшбандия йўналиши бўйича тасаввуфнинг етук тарғиботчиси, фикх, ҳадис илмлари бўйича алломаи замон, ҳол ва қол илмларининг соҳиби, Азим Пир Мавлоно Абдулбоқий Хожаги Эмканагий ибн Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Вахшуворий Китоб туманининг Хожа Имканагий қишлоғида 918/1512 йилда туғилиб, шу қишлоқда 1008/1600 йилда вафот этган. Шу ерда фарзандлари Мавлоно Хожа Абдул Қосим ибн Мавлоно Хожаги (ваф. 1022/1613 й.) ҳам дафн этилган³⁵⁰.

³⁴⁸ Бердиев А. Оқ-сув зиёратгоҳи ҳақида // Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Эмканагий. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: 2013. – Б. 91.

³⁴⁹ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Китоб тумани, 2024 йил 9 июнь.

³⁵⁰ Уватов У. Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Эмканагий ибн Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Вахшуворий Ҳазратлари ҳақида // Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: 2013. – Б. 11.

XIX асрга қадар бу кишлоқ тарихий асарларда Имкана, деб аталган³⁵¹. Муҳаммад Эмканагий (қ.с) буйдойранг, юзи нурли, сийрак соқолли, денгиздек фойзга тўла бўлган эканлар³⁵². Хожаги Эмканагий зоҳир, ботин илмларни ҳамда тарбия усуллари ўз оталари Дарвеш Муҳаммаддан олганлар³⁵³.

Дастлабки билимини отасидан олган Мавлоно Эмканагий Бухоро, Самарқанд мадрасаларида таҳсил кўрган усул (фуруъ), калом, тафсир, халис илмларини ўрганган.³⁵⁴ Ўз давринини буюк донишмандларидан, тасаввуфдан сабоқ олган. Яъқуб Чархийдан тариқат сирларини ўрганган. Махдуми Аъзам Косоний суҳбатида иштирок этган. Зоҳир ва ботил илмида камолотга эришган. Накшбандия тариқатининг тарғиботчиси, буюк донишманд сифатида шуҳрат қозонган”³⁵⁵.

Ҳазрати Хожаги ибн Дарвеш Муҳаммад Эмканагий Накшбандия тариқатидаги силсилаи шарифнинг йигирма иккинчи рутбасида турганлигини мавжуд барча манбалар тасдиқлайди³⁵⁶. “Накшбандия тариқатига оид кўлёмалар фихристи” китобида Ҳазрати Хожаги Эмканагий ибн Дарвеш Муҳаммаднинг “Интиҳоб ал-китобин Насама” (Шаббодалар китобидан сайланма) асари бўлганлиги ҳақида маълумот берилган³⁵⁷. Ҳозирда мазкур асарнинг маълум бир қисми ЎзРФА Шарқшунослик институтининг кўлёмалар фондида Р: 500 XVII рақами остида сақланмоқда.

Насриддин Ханафийнинг “Тухфат уз-зоирин” китобида Эмканагийнинг руҳий қудрати, кароматлари хусусида шайхнинг замон ҳукмдорларини адолат пешволикка, сулҳу амъниятга даъват этгани ҳақида қизиқарли ҳикоятлар жамланган³⁵⁸. “Пурқарам” деб номланган Абдулбокий Ҳожагий Эмканагий иршодни отаси Дарвеш Муҳаммаддан олган бўлиб, ўзидан кейин Хожа Муҳаммад Боқи (Боқибиллох), Хожа Абдул Қосим (яъни фарзандлари Муҳаммад Қосим) ва шу

³⁵¹ Азизов М., Мухторов Ф. Кешнинг машҳур сиймолари. – Т.: 2014. – Б. 33-34.

³⁵² Обидов А., Бобохонов Ж. Тариқат силсиласининг олтин занжири. – Т.: Navro‘z, 2018. – Б. 79.

³⁵³ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Hilol-nashr, 2016. – Б. 129.

³⁵⁴ Уватов У. Мавлоно Абдулбоки Хожаги Эмканагий ибн Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Вахшуворий Ҳазратлари ҳақида // Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: 2013. – Б. 11.

³⁵⁵ Хомидий Х. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 347.

³⁵⁶ Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Накшбанд ёки етти пир. – Т.: Ёзувчи, 1993.

³⁵⁷ Жуманазар Абдусаттор. Вахшувор. – Т.: Академнашр, 2015. – Б. 47.

³⁵⁸ Хомидий Х. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 11.

билан бирга Муҳаммад Сабор, Хожа Ахмад, Муҳаммад Саййид, Хожа Абдулазиз, Хожа Хайриддин Румий, Мавлоно Сўфий, Алиободий, Хожа Латиф Қандибодомий, Муҳаммад Фозил Бадахший, Яъқуб Сарфий Кашмирий каби халифаларга иршод бериб, шайхлик қилишга ижозат берадилар ³⁵⁹.

Ўз даврида Марказий Осиё, Ҳиндистон, Хуросон. Туркия халқлари “Хожагон” Накшбандия йўлидаги тасаввуф тарбиясини Мавлоно Хожаги Эмканагий мактабидан олганлар. У киши ташкил этган мадрасада фикҳ ва ҳадис илмидан ташқари дунёвий илмлар ҳам ўрганилган. Ҳазрати Хожаги Муҳаммад Эмканагийннинг фарзанди ва муриди Абдул Қосим Хожа Эмканагий Хожа-Илмкон кишлоғида XVI асрда хонақоҳ қуради. ³⁶⁰ Хонақоҳ олдида эса отасига даҳма қурдиради. 1601-1602 йиллардан бошлаб, Мавлоно Хожаги Эмканагий хонақоси ва мозори атрофида зиёратгоҳ билан бир қаторда сўфийлик тариқати ҳам шаклланади.

Тепаликдаги қабристон ўртасида хонақоҳ бўлиб, унга яқин жойда масжид, мадраса ва карвонсарой бўлган. У икки қўшсаройни ташкил этган. Қатнов йўлини кесиб ўтган равоқчага ғишт ётқизилган зинасимон йўлка хонақоҳ томон олиб боради. Хожаги Эмканагий номи билан боғлиқ археологик мажмуа (XVI аср) 1601-1602 йилларда бунёд этилган. Масжид ва мадрасага хонақоҳдан 41 зинапоя орқали тушиб келинган. Масжид ва хонақоҳ ўртасида пишиқ ғиштан ясалган зинапоя остидаги аркдан йўл ўтган ³⁶¹. Ҳозирда зинапоя ва чиллахоналар бузиб ташланган.

Хонақоҳ тўғри бурчакли (24×20,2 м.) тушган, бурчакларида цилиндрик кичик минорачалар-гулдасталари бўлган равоқ-гумбазли бинодан иборат. Унинг олд томонида учли, баланд куббадор пенток ён томонга тушган қанослари бор. Бинонинг ичи катта хонадан иборат (11,8×11,8 м.). Хона устидаги гумбазнинг диаметри хонанинг ён томонларига қараганда икки баравар кичик (6,4 м.). Бинонини тўрт

³⁵⁹ Уватов У. Мавлоно Абдулбоки Хожаги Эмканагий ибн Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Вахшуворий Ҳазратлари ҳақида // Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: 2013. – Б. 14-16.

³⁶⁰ Маньковская Л. Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 61.

³⁶¹ Маданий мерос агентли архиви. КД-9686 фонд, 3-рўйхат, 34-иш, 5-8 Ҳарақлар.

бурчагида томга олиб чиқадиган гиштли зина бор³⁶². Бино безаклари содда бўлиб, бу қурилиш услуби XVI аср охири XVII аср меъморчилигига оид Бухоро мактабига хослигини кўрсатади.

Хонақоҳдан 20 метр шарқда XVI-XVII асрлар учун аҳамиятли бўлган ер устида иншоот қурилган бўлиб, у Хожа Имканагий ва ўғли Абулқосим Хожа (ваф. 1621 йил) нинг даҳмаси ҳисобланади. Археолог олим Л.Ю. Маньковская даҳмаларни меҳробий сағаналар орасида кулранг иккита даҳма сифатида изоҳлайди. Унинг каттаси (12×12 м.) шарқ томонда хонақоҳнинг бош фасадидан 20 метр нарироқда, кичиги ундан жануброқда жойлашган. Даҳмалар квадрат пойдеворга ўрнатилган бўлиб, катта призма қўриниш касб этган. Уларнинг иккаласи ҳам мрамар билан қопланган³⁶³. Хожа Илмкон меъморий ёдгорлиги XVI-XVII асрлардаги Мовароуннаҳрнинг энг йирик ёдгорликларидан бири бўлган. 1965-1967 йилларда ансамблнинг қуйи қисми таъмирланган.

Бу зиёратгоҳ 2013 йилда туман ҳокимияти томонидан таъмирланган. Зиёратгоҳга ҳозирги кунда Нақшбандия тариқатининг “Хожагон” йўналишига эътикод қилувчи давлатлар: Туркия, Германия. Америка ва бошқа давлатлардан мусулмон зиёратчилар ташриф буюришади.

Абдулбоқи Хожаги Эмканагий дунёвий илмларни ҳам чуқур билган. Хожа Имкана қишлоғи тепасида чашма бўлиб, ундан Эмканагий 13 та Кориз қурдириб сув чиқартирган ва баландликдаги ерларни суғоришни йўлга қўйган. Бутун қишлоқ аҳолиси сув билан таъминланган. Ҳозирги кунда ҳам Кориз усулидан фойдаланиб, қишлоқ аҳолиси сувдан фойдаланади³⁶⁴.

«Кориз» – сўзи форсчадан олинган бўлиб, ер усти сувларини йиғиш ва уларни ер устига чиқариш учун қурилган қадимий сув иншооти бўлган.

Шу билан бирга хонақоҳга яқин жойда, масжид ҳовлисида кўҳна чинор бўлиб, тана айланаси 18 киши қулочига тенг бўлган, яъни 27 метрни ташкил этади. Чинорнинг ички қисми узунасига 5,8 метр ва

³⁶² Маданий мерос агентли архиви. КД-7086 фонд, Л-рўйхат, 11-иш, 11-15 varaқлар.

³⁶³ Маньковская Л. Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 14-16.

³⁶⁴ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Китоб тумани Хўжа Имкана қишлоғи. 2024 йил 6 август.

энига 4,2 метрни ташкил этади. Унинг ичида 25 та бола бемалол давра куриб ўтириши мумкин бўлган. Ўтган аср бошларигача чинор ковагидан мактаб сифатида фойдаланилган. Маҳаллий аҳолининг маълумотига кўра чинор шохларида 35 та лайлак уяси бўлган экан.

Хожа Илмкон, ёки Хожаги Эмканагий номи билан аталган бу кишлоқ тарихий сир-саноатга эга бўлиб, маҳаллий ва хорижий туристларни ўзига жалб қилиб келади.

ИСҲОҚ БУВА ЗИЁРАТГОҲИ **(Миришкор тумани)**

“Нор ўлди” худуди Помук кишлоғидан ғарбий томонга 70 км бўлган масофада “Исҳоқ бува” зиёратгоҳи жойлашган.³⁶⁵ Исҳоқ буванинг ким бўлганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Халқ орасида Исҳоқ бува тасаввуф вакили, Ҳаққа етишган авлиё бўлиб, у асли Эроннинг Исфаҳонидан эканлиги тилга олинади. Шу билан бирга, жасади ортилган туянинг Жайхун дарёсидан ўтиб, Турон заминининг Помук чўлларидаги “Исҳоқ бува” қадамжоси билан боғлиқ маконга чўкканлиги ҳақида гаплар бор. Маҳаллий аҳоли Исҳоқ бувани ҳаққа етишган инсон сифатида билиб, доимий зиёратга келишган. Турон заминининг Помук чўлларидаги ҳозирги “Исҳоқ бува” қадамжоси билан машҳур маконга қўйганлиги ҳақида гаплар бор.³⁶⁶

Мазкур зиёратгоҳ қурилиш услуби Темурийлар даврига оид, аммо унинг қурилиш даври номаълум, мақбара тузилиши жиҳатидан Ҳазрати Башир меъморий ёдгорлиги билан ўхшаш, мақбарани XV аср охири – XVI аср бошига тегишли, дейиш мумкин. Обида тўртбурчак, томи икки поғонали тағламага ўрнатилган, усти ясси ва ҳашамли серқирра кўринишга эга. Томининг устида мўрига ўхшатиб қўйилган гумбазча бор. Мақбаранинг ички томони шифти ёғочдан ўйиб ишланган нақшлар билан безатилган. Ёдгорлик ичидаги тўрт томонига устун қўйилган ёғоч сағана меъморчиликнинг ноёб усулидир³⁶⁷.

³⁶⁵ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Помук чўли, Исҳоқ ота зиёратгоҳи. 2024 йил 13 июль.

³⁶⁶ Шарипов Ш., Холиёров И. Исҳоқ бува зиёратгоҳи. – Т.: Voris nashriyot, 2016. – Б. 6-7.

³⁶⁷ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Помук чўли, Исҳоқ ота зиёратгоҳи. 2024 йил 13 июль.

Зиёратгоҳ 1980 йиллар охирида маҳаллий раҳбарлардан бўлган Рустамов Нурмамат томонидан ҳашар йўли билан таъмирланган. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида давлат томонидан моддий ёдгорлигимиз бўлган зиёратгоҳларни асраб-авайлашга бўлган эътибор туфайли қайта таъмирланиб, обод масканга айлантирилган.³⁶⁸

Маҳаллий аҳолининг айтишича, ҳозирги Миришкор тумани Помук чўлининг Норўлди ҳудудида Исҳоқ ота мўғуллар ҳужуми вақтида шаҳид бўлгани учун, у кишининг қони тўкилган жой рамзий зиёратгоҳга айлантирилган. Мақбара ёнида XV асрларга тегишли чиллахона ҳам бор.

Бошқа маълумотларга кўра, Исҳоқ ота Пудинада фаолият юритган Қусам Шайх (Қусам Муҳаммад) нинг укаси бўлган³⁶⁹. Манбаларда келтирилишича Аҳмад Яссавийнинг Гавҳари Шаҳноз қизидан бўлган Гавҳари Хуштож Бухоролик Ҳусайн шайх Атойи авлодларидан, яъни Хонзода Муҳаммад Хожага турмушга чиққан. Улардан Қусам Муҳаммад, Исҳоқ Муҳаммад, Мансур Муҳаммад, Арслон Хожа, Ҳасан Хожа ва Ҳусайн Хожалар дунёга келган. Йигирма ёш бўлган Қусам Муҳаммад, ўн саккиз ёш Исҳоқ Муҳаммад ва ўн олти ёшлик Мансур Муҳаммадлар бобоси Аҳмад Яссавий изидан бориб, илм олиш учун Маккага йўл олади. Йигирма йил деганда илм олиб юртига қайтаётганда Балхда мўғуллар ҳужумини кўриб ўз дуолари билан ёғийни мағлубиятга учратади. Балх подшоҳи уч ака-укадан бирингиз Балхда бизга соябон, дуокаш авлиё бўлиб қолинг деб сўрайди. Мансур Муҳаммад илм тарқатиш, аҳолини маънавий камолотга етказиш, тўғри йўлга бошлаш учун Балхда қолади. Қусам Муҳаммад билан Исҳоқ Муҳаммад туялар билан бир ой деганда Девдарага етади. Исҳоқ Муҳаммадни акаси шу ерда қолдириб, ўзи Пудинага йўл олади. Исҳоқ Муҳаммад ўша ерда яшаб аҳолига пирлик қилади. Мўғуллар истилоси Девдарага ҳам етиб боради. Исҳоқ Муҳаммад шаҳид бўлади. Қусам Шайх укасини ўзи истиқомат қилаётган жойга олиб келиб дафн қилдиради³⁷⁰.

³⁶⁸ Шарипов Ш., Холиёров И. Исҳоқ бува зиёратгоҳи. – Т.: Voris nashriyot, 2016. – Б. 7.

³⁶⁹ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Миришкор тумани Помук чўли, Исҳоқ ота зиёратгоҳи. 2024 йил 13 июль.

³⁷⁰ Ашурова Ш., Аҳмедова Қ.Қусам Шайх. – Қарши: Насаф, 2005. – Б. 40-47.

Косон туманининг Пудина қишлоғидаги Қусам Шайх номи билан боғлиқ архитектура ёдгорлиги совет даврида археолог олимлар томонидан ўрганилиб, Қусам Шайх меъморий ёдгорлигидаги энг қадимги мақбараларнинг Х-ХІ асрларда бунёд этилганлигини аниқлашган³⁷¹. Меъморий ёдгорликлар ичида Исҳоқ ота номи билан аталган мақбара, унга ёндош бўлган иккинчи мақбара бўлиб, ХІ-ХІІ аср бошлари билан даврлаштирилади³⁷². Бу ёдгорлик Марказий Осиё меъморчилигининг энг қадимий ва ноёб намуналаридан биридир. Ёдгорликнинг қурилиш услуби ХІV асрга хос бўлиб, теуурийлар меъморчилик услубини такрорлайди.

Археолог олим Л.Ю.Маньковскаянинг келтиришича, Қусам Шайх мақбараси (ХІ-ХІІ асрлар) жойлашган ҳовлининг шимол томонидаги мақбара ҳам анча кизиқарли, у хандақсимон йўлаклар орқали асосий комплекс билан туташтирилган. Бир ривоятга кўра энг қадимги сағаналардан бирида Исҳоқ ота, бошқа ривоятларга кўра Соғотойхон дафн этилган дейилади. Марказлашган тўртбурчакли бу мақбара пештоқи жуда содда. Марказий Осиёдаги энг қадимги ёдгорликлардан бири ҳисобланган бу мақбара Х асрнинг охирида қурилган бўлиши мумкин. У билан жанубий комплекснинг зиёратхонага ўхшаш мақбараси бирлаштирилган. Бунда деворларига чироғлар қўйиладиган уч қаватли тоқчалар бор. Унинг деворлари ХІV аср ўрталаридаги сағана гиштларнинг парчалари билан қопланиб шувалган. Бу ҳам кўҳна обидалардан бўлиб, тарихий-археологик маълумотларга кўра унинг қурилган вақти ХІ асрнинг охири-ХІV асрнинг бошларига тўғри келади³⁷³.

1990-1995 йилларда Қусам Шайх мажмуаси қайтадан таъмирланиб, масжид олдидаги Севинч ота, Мансур Муҳаммад ҳамда Исҳоқ ота мақбараларига йўлакчалар қурилган.

Қадимда Исҳоқ ота зиёратгоҳи ҳудудидан Буюк ипак йўли ўтган бўлиб, йўл Амударёнинг Келиф кечувига туташган. Бу йўл Балх, Ироқ,

³⁷¹ Абдурасулов Р.Р., Ремпель Р.И. Неизвестные памятники архитектуры бассейна Кашкадарьи. (Искусство зодчих Узбекистана). 1962. Вып. 1. – С. 30.

³⁷² Маданий мерос агентлиги архиви. ҚД-9112 фонд, И-рўйхат, 97- иш, 10-16 ваарақлар.

³⁷³ Маньковская Л. Ю. Кашкадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткичи) – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 77.

Шом, Макка, Мадинага олиб борган. Бир вақтлар Нор ўлди ҳудудидаги ҳозирда “Ўрта булоқ” деб номланган жойдан ҳозиргача булоқ суви оқиб туради.

Бир замонлар мавж уриб турган улкан сув ҳавзаси ўрнида эса ҳозирги кунларга келиб ош тузидан иборат қўл пайдо бўлган. Бу қўл ва булоқ Исҳоқ ота зиёратгоҳидан бор йўғи уч-тўрт километр масофада жойлашган. Зиёратгоҳ эса Помук чўлининг энг баланд нуқтасида ўрнашган.

ЕТТИ ТУҒ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ **(Қарши тумани)**

Қашқадарё вилояти Марказий Қарши шаҳридан 15 километр жанубий- ғарбда Патрон қишлоғида қадимий ёдгорликлардан бири “Етти туғ ота” зиёратгоҳи жойлашган³⁷⁴. У ерда Ҳазрат Алининг Ҳасан ва Ҳусайн ўғиллари шажарасига туташадиган, кейинги асрларда “Етти туғ ота” номи билан машҳур бўлган, авлиё Мирсайид Фатхуллоҳ ва унинг авлодлари, саййидзодалар номи билан аталувчи қабрлар мавжуд³⁷⁵. Жумладан, “Етти туғ ота” мажмуасида еттита саййидлар авлоди дафн этилган бўлиб, форс-тожик тилида сўзлашадиган улуғлар келгандан кейин бу қишлоқ Патрон, Подарон, яъни “Падарлар оталар қишлоғи”, деб ҳам аталган³⁷⁶. Етти туғ ота авлодларидан бўлган Фазли Ҳисор, Қундуз, Қўлоб каби жойларда яшаган. Бу авлодлар ҳам тожик тилида гаплашган. Улар аجدодлари бўлган Етти туғ оталар қабрини зиёрат қилиш учун келиб туришган.

Тарихчи олим Руҳиддин Акбаров ўзининг “Етти туғ ота шажараси” номли китобида келтиришича “Етти туғ ота” (“Мир Саййид Фатхуллоҳ”) Саййид Бурҳониддин Қиличга 11 бўғинда туташса, Махдуми Аъзам у зотга 6 бўғинда бориб туташади. Бу икки зот Махдуми Аъзам ва Етти туғ ота Шайх Саййид Бурҳониддин Қиличнинг авлодларидан. Шажарага кўра, Хожа Ислон Жўйборий, Бобораҳим

³⁷⁴ Дала тадқиқотлари. Қашқадарё вилояти Қарши тумани Патрон қишлоғи, 2024 йил 27 май.

³⁷⁵ Равшанов П., Ўроқов Р. Аждодларимиз қадри. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 11-25.

³⁷⁶ Акбаров Р. Қарши туман тарихи. – Т.: Тошкент ислом университети, 2016. – Б. 158.

Машрабнинг устози Ҳидоятуллоҳ Офокхўжа, Лутфулло Чустий, Саййид Аҳмад Косоний, Алихонтўра Соғунийлар Ҳазрати Махдуми Аъзам (асл номи Саййид Аҳмадхожа Косоний) нинг шогирдлари ва фарзандлари бўлганликлари ва Ҳазрати Махдуми Аъзам эса Етти туғ ота (Мир Саййид Фатҳуллоҳ)нинг амаки жамоатларидан экани аниқланди. Ҳазрати Махдуми Аъзам ўзлари яхши кўрган нок дарахтининг остида кўмилган эканлар. Махдуми Аъзам Самарқанддаги Шердор мадрасасини қурган Ялангтўш Баҳодирнинг пири ҳисобланади. Самарқанд ҳокимларидан бўлган Ялангтўш Баҳодир васиятида “Мени пирим Ҳазрати Хожа Ҳошими Даҳбедийнинг оёқ томонларига кўмингиз, пиримни зиёратига келувчилар мени қабримни босиб ўтишсинким, мен пиримга ярашгулик унчалик иш қилолмадим”, дейди³⁷⁷. Демак, Махдуми Аъзам ва Етти туғ ота (Мир Саййид Фатҳуллоҳ) бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Патрон Қишлоғида улар ётган хонақоҳнинг вужудга келиши тўғрисида Етти туғ шажарасида шундай ёзилади: “Мир Саййид Фатҳуллоҳ Порсо валининг мазорларига келиб, шу қишлоқда истикомат қилиб қолдилар ва ул зотга насибангиз Насафда деган буйруқ бўлди. Бузруквор тоғалари амри, азиз арвоҳлар башорати билан унинг (“Етти туғ ота”) Насафга тобе Кўҳна боғ мавзесига бориши маълум қилинди. (“Кўҳна боғ”) алҳол (ҳозирда) Патрон номи билан маълум ва машҳур қишлоқдир. Ул жаноб бу ерга келиб, хонақоҳ бино қилдилар ва шу ерда истикомат қилишни ихтиёр этдилар. Алҳол (айни чоғда) ул жаноб хонақоҳ (масжид) нинг шарқий томонида дафн қилинганлар³⁷⁸. Етти туғ ота қабристонни атрофида тожик тилида гаплашадиган уруғлар яшаб келган. Хонақоҳ таркибида масжид ҳам бўлган. Етти туғ оталар Кўҳна боғ (Патрон) қишлоғига келгандан кейин хонақоҳ-масжид қурдирганлар.

Археолог олим Ю.Л.Маньковская ўзининг “Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари” китобида Қашқадарё воҳасидаги Х-ХVI асрларда шаклланган монументал якка гумбазли масжидлар ҳақида келтирар экан, Патрон қишлоғидаги Етти туғ оталар қурдирган

³⁷⁷ Акбаров Р., Шамсиддинов Н. Етти туғ ота шажараси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2015. – Б. 50-51.

³⁷⁸ Акбаров Р. Патрон қишлоғи тарихи. – Қарши: Насаф нашриёти, 2013. – Б. 91.

масжидни шундай тасвирлайди: “Усмон Юсупов районининг Жайнов қишлоғидаги чор гумбазли гувала масжид - Айвонни қарийб қадимий ва якка устунли оммавий бинолар сирасига киритиш мумкин; бу обида Кучкак қишлоғидаги масжиддан хийла чоғроқ бўлиб, худди у жойдаги Чоргумбаз ёки Қарши туманининг Потрон қишлоғидаги Халфа эшон масжидларига ўхшаб кетади. Ёдгорлик ўрта асрларда ривож топган (лекин XV-XVI асрлардан аввалги эмас, албатта). Худди шундай бино шакли Қарши туманининг Қаҳлак қишлоғидаги Чоргумбаз энг йирик масжид, Косондаги Қўрғон масжидида ҳам такрорланади. Улар тўрт-бурчак пишиқ ғиштдан қурилган, гумбази қалқонсимон қаносларга ўрнатилган”³⁷⁹.

Масжид ичи 10х10 метрни ташкил қилади. устида 4х4 метрли тўртгумбаз бўлиб, улар масжиднинг ички ўртасидаги айланаси 6 метр бўлган асос “гулдаста” га суянади. Масжидларни бундай усулда қуриш XVI-XVII аср, яъни хонликлар даврига тўғри келади. Бу даврда қурилган масжидларда ёғоч ишлатилмаган, кейинроқ XIX-XX асрларда қурилган масжидларда ёғоч ишлатилганлиги кузатилади. Масжид шундай бино қилинганки, ёзнинг иссиғида салқин, қишнинг совуқ кунларида эса иссиқ бўлиб, ўзини узок йиллар тутиб тура олади³⁸⁰. Ушбу тарихий масжид XVI-XVII асрнинг ўзига хос ноёб ёдгорлигидир.

Масжид эски бўлиб, маҳаллий фуқароларнинг айтишича, ҳар йили таъмирланган. Қадимда масжид атрофида бинолар ва қудуқ бўлган, сайллар ўтказилган. Унинг олдида узун мезана бўлиб, кейинчалик қаровсизлиги туфайли бузилиб кетган. Атрофида тут дарахтлари кўп бўлган. Мустақиллик йилларида маҳаллий аҳоли томонидан масжид ёнида қўшимча бинолар, айвон, мақбара ҳовлисига кириш дарвозаси, азон айтиладиган мезана қурилди. 1998 йилда масжид давлат рўй-хатидан ўтказилади. Қарши туман ҳокимининг қарори билан бу тарихий жойни ободонлаштириш учун ер ажратилади. Ҳозирги кунда Етти туғ ота мақбараси ўзи қурдирган масжид обод қилинган.

³⁷⁹ Маньковская Л. Ю. Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 92-93.

³⁸⁰ Акбаров Р. Патрон қишлоғи тарихи. Қарши: Насаф нашриёти, 2013. – Б. 93.

2.3. ЗИЁРАТГОҲЛАРДАГИ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида асрлар давомида турли миллат ва дин вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшаб келган. Ўлка нафақат ислом олами, балки инсоният маънавияти ва маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк уламою фузалолар, тасаввуф пешволарини етказиб берган. Ана шундай шахсларнинг ибратли ҳаёти, илмий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаолияти, бебаҳо ирфоний асарлари, бой меросини тарғиб қилиш бугунги куннинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шу маънода, Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари тарихини ўрганиш, уларнинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини илмий тадқиқ этиш, айниқса, сўнгги йилларда республикада ички зиёрат туризмни ривожлантиришда нихоятда долзарб бўлиб қолмоқда. Шу боисдан зиёратгоҳлар тарихини илмий-амалий тадқиқ этиш ва бу маданий меросни халқ оммасига етказиш, қадамжоларнинг тарбиявий-маънавий салоҳиятини янада ошириш ҳамда зиёратгоҳлар номи билан боғлиқ тарихий шахсларнинг ибратли турмуш тарзи ва ҳаётини ёшларга ўрнак сифатида кўрсатиш давр талаби ҳисобланади.

Юртимизда мавжуд муқаддас зиёратгоҳлар, мақбаралар, қадамжолар диний ва миллий қадрият саналади. Мазкур жойлардаги амаллар ҳам ўзининг миллий, диний, психологик ҳамда тарихий илдиэларига эга. Уларни илмийлик асосида чуқур ўрганиш юртимиз маънавий ҳаётининг юксалишига, халқ орасида мавжуд айрим салбий одатларга барҳам берилишига, шу билан бирга, ижобий ҳислат ва урф-одатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлод онгида соғлом эътиқод, тўғри дунёқараш, алломаларимиз меросига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларини ривожлантиришга хизмат қилади. Бошқа томондан, тарихий обидалар, осори-атиқалар, мақбара ва қадамжоларга доир манбаларни таҳлилий ўрганиш мана шу зиёратгоҳлар билан боғлиқ тарихий воқеаларни чуқур англашга ва ўтмиш тўғрисидаги илмий қарашларни янада кенгайтиришга асос бўлади. Айниқса, муқаддас қадамжоларнинг келиб чиқиши, зиёрат объектига айланишидаги кейинги ривожда ўша давр тарихий жараён-

лари, аҳолининг менталитети, халқнинг руҳиятида акс этишини ҳисобга олиш муҳим.

Зиёрат масаласи, бу нафақат диний ибодат, балки туризм саёҳатининг ҳам кўриниши ҳисобланади. Зиёрат тарихи маълум бир жамиятга мансуб инсонларнинг маънавий соҳаси билан боғлиқ алоқаларини, шунингдек, ўзида ҳар доим маросим белгиларини сақлаб, ҳаёт тарзи ва услубига хос бўлган ўз мотивларини белгилаб беради. Шахсий ва психологик нуқтаи назардан зиёрат, бу – субъектнинг ички ўзгариши ва қайта туғилишини ҳам англатади. Яъни, зиёратнинг ижтимоий функцияси, жамиятни умумий ғоялар ва кадриятлар ёрдамида одамларни бирлаштириш зарурати билан баҳоланади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, зиёрат тушунчаси дунёвий маънога ҳам эга бўлиб, расмий жамоат аҳамиятига кўра, саёҳатнинг турли кўринишларини ўз ичига олади³⁸¹. Лекин бошқа томондан зиёрат билан туризм ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни қайд этиш мумкин. Бу кўпинча психологик томонга ва саёҳатнинг мақсадлари каби омилларга боғлиқ. Сайёҳ зиёратчилар учун муқаддас нарсалар билан маънавий алоқа, ҳиссий муносабат ва саёҳатдан қониқиш, янги таассуротлар ҳам муҳимдир.

Тадқиқотчи Б.Турсуновнинг фикрича, бугунги ўтказилаётган кўпгина иримларнинг таҳлили, уларнинг тарихи жуда қадим замонларга, исломдан олдинги зардуштийлик, улардан ҳам олдинги оловга сиғинувчилар ва ҳатто, улардан-да қадимийроқ диний ақидаларга алоқадорлигидан дарак беради. У шунингдек, халқ ижтимоий-маданий ҳаётида зиёратгоҳлар ҳамда у билан боғлиқ ибодатлар руҳиятни кўтариш, келажакка ишончларини оширишда руҳий мадад бериш ва илм-фанга йўналтиришдаги аҳамияти катталигини, халқ хотирасида сақланган тарихимизнинг бу дурдоналарини териб олиш, унинг моҳиятини тўғри ёритган ҳолда аҳли илм ва оммага қайтариш лозимлигини айтиб, муқаддас манзиллар фақат дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган жой бўлибгина қолмасдан, уларнинг асосий вазифаси, халққа маънавий

³⁸¹ Уайсова А. Мотивы путешествия и анализ потребителя сакрального туризма // Международный научно-исследовательский журнал. – 2019. Апрель. Часть 2. №4(82). – С. 34-38.

озука бериш ва руҳиятимизни аждодлар хотираси, бой мероси асосида тарбия этиш мақсадларига қаратилганини қайд этади³⁸².

Зиёрат мақсадлари ҳар доим замонавий дунёда жуда долзарб бўлиб, бу ёшлар тарбиясига, тарих, маданият ва маънавий ўсиш билан танишишга ёрдам беради. Шунингдек, диний зиёратнинг мақсади муқаддас жойларни зиёрат қилиш, маърифий ёки билим мақсадлари билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Зиёратнинг вазифалари ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. А.Уайсованинг фикрига кўра, зиёрат-саёҳат когнитив, ижтимоий ва коммуникатив, спорт, эстетик, эмоционал ва психологик, соғломлаштириш, ижодий, зиёрат ибодат каби функцияларни бажаради³⁸³.

Зиёратгоҳлар аҳолининг кундалик турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётидаги психологик-социологик жиҳатлари, инсонларнинг руҳий мувозанатини сақлаш ва келажакка умид уйғотиш, руҳий кучлантириш ҳамда орзу-умидларга ишонтира олган. Зиёратгоҳларга жамиятда инсоннинг ниятларини амалга оширувчи восита ёки амалга ошган ниятларига мадад берувчи куч сифатида қаралса, иккинчи томондан эса, у аждодлар билан кўринмас ришта вазифасини ҳам бажарган.

Тадқиқотчи олимлар томонидан зиёратнинг маданий-маърифий ҳаётда тутган ўрнига ҳудудий жиҳатдан турли тасниф ва таърифлар берилган бўлса-да³⁸⁴, ушбу қисмда зиёратгоҳларнинг аҳоли маданий-маърифий ҳаётидаги вазифасига кўра таснифи мисолида Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларини таҳлил қиламиз.

Зиёратгоҳларнинг инсонлар ҳаётидаги дастлабки функцияси бирлаштирувчи сиғиниш объекти сифатида маълум бир ҳудудда диний жамоа ва қон-қариндош гуруҳлар учун жипслаштирувчи марказ бўлиб хизмат қилган. Албатта, турли диний байрамларда амалга ошириладиган зиёрат жараёнида одамлар бир-бири билан алоқа қилиш, ўзаро фикр алмашиш, дийдорлашиш имкониятига эга бўлганлар. Бу

³⁸² Турсунов Б.Р. Из истории святыни Канибадамского оазиса (на материалах мазара Ходжа такровут). – Худжанд: Ношир, 2007. – С. 34-35.

³⁸³ Уайсова А. Мотивы путешествия и анализ потребителя сакрального туризма // Международный научно-исследовательский журнал. – 2019. Апрель №4(82). Часть2. №4(82). – С. 34-38.

³⁸⁴ Огудин В. Место поклонения Фергани как объект научного исследования // Экономическое обозрение. – 2002. №1. – С. 72-74.

эса, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, дўстлик, қариндошчилик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, фикр алмашишга хизмат қилган. Шунингдек, инсонларга руҳий-психологик таскин берувчи вазифани ҳам бажарган. Агар буни воҳа зиёратгоҳларининг кишилар маънавий-маърифий ҳаётидаги ўрни мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, зиёратгоҳнинг коммуникатив (ўзаро алоқа функцияси), умумлаштирувчи вазифасини, яъни қариндошлар ўзаро йиғиладиган ва суҳбатлашадиган жой сифатида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Қашқадарё воҳасидаги Ғойиб ота, Ҳазрати Башир, Лангар ота, Оқ Сув, Султон Мир Ҳайдар, Неъматуллоҳ Валий зиёратгоҳларида нафақат шу ерда яшовчилар, балки қўшни вилоятларда истиқомат қиладиганлар ҳам ташриф буюришади. Зиёрат жараёнида масжид ибодат учун фойдаланилади³⁸⁵. Зиёратчилар томонидан бу маскан атрофида исчиқариш, биргаликда овқат пишириш ва турли маросимлар билан боғлиқ амаллар ибодатнинг бир қисми, бошқа томондан эса, аҳолининг дам олиш маскани вазифасини ҳам бажариб келган.

Зиёратгоҳларда ўтганлар руҳига атаб дуолар қилиш, уларни эслаш жараёнида коммуникация-алоқа вужудга келган. Зиёратчиларнинг ўзаро бир-бири билан алоқаси ўрнатилиб, бундай ҳолатлар одатда уюшган зиёрат ташрифлари давомида кузатилган. Олиб борилган сўровларда ахборотчиларнинг фикрига кўра, мазкур зиёрат давомида, асосан, катталар ёшларга нисбатан кўпроқ ҳордиқ чиқаришган. Улар зиёратгоҳда нафақат авлиё ва тарихий шахсга бўлган ҳурматини, балки ўтган аجدодлари номини ҳам эслаганлар. Уларнинг номига дуолар қилганлар. Мазкур коммуникация, ўз навбатида, ёши катта авлоднинг ёш авлодга анъаналарни етказишида муҳим вазифани бажаради, дейиш мумкин.

Зиёратга ташриф давомида яна бир асосий ҳолат кузатиладики, инсонлар ўз муаммоларини ечилиши, руҳнинг нажот ва таскин топиши, қийинчиликларни енгиш, юқори кучга эга бўлишлари учун ҳам у ерга ташриф буюрадилар. Бу зиёратгоҳнинг воситачилик хусусиятини кўрсатади. Зиёратгоҳ Аллоҳ ва инсон ўртасида воситачи

³⁸⁵ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2024 йил 9 июнь.

вазифасини бажаради. Бунда, асосан, аёллар ва ёши катта авлод кишиларнинг иштироки кўп кузатилади. Шу маънода, айнан Қашқадарё воҳасида авлиё, пир, саййид, саҳобалар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, бу ерда маҳаллий аҳоли руҳий покланиш, руҳий янгиланиш учун ташриф буюришади.

Халқимизнинг ислом динига эътиқоди кучли бўлганлиги туфайли тасаввуф вакиллариининг ислом илмини ривожлантиришдаги роли, буюк саркардаларимизнинг юксак ватанпарварлик хислатларини эъзозлаб, ҳурмат юзасидан зиёратгоҳга ташриф буюрган. Жумладан, воҳада ислом динини ёйиш учун саҳобалар жасоратларини акс эттирувчи Абу Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳи³⁸⁶, Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий, Мири Жанда ота, Қусам Шайх, Қабри Охунд зиёратгоҳи ва бошқаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Худуддаги зиёратгоҳлар орасида дунё маданияти бўлаги ҳисобланган диний йўналишда мактаб яратган арбоблар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам бўлиб, бу соҳада Хожа Имканагий номи машҳурдир³⁸⁷. Имканагий мактаби вакиллариининг бўлган Дарвеш Муҳаммадининг тасаввуфдаги қарашлари инсоннинг шахс сифатида ҳам диний, ҳам амалий билимларга эга бўлган ҳолда камолотга эришуви, маънавиятли ва одоб-ахлоқли фарзанд тарбия этишда диний билимларнинг аҳамияти юзасидан фикр-мулоҳазалари муҳим ҳисобланган³⁸⁸. Юртимиздан чиққан бундай олимнинг илмий, фалсафий ва диний қарашлари халқимизнинг руҳиятига таъсир қилган. Халқнинг одоб-ахлоқига ижобий таъсир кўрсатиб, дунёқарашини янада бойитган. Шу жиҳатдан, алломанинг маънавий ва моддий меросини ўрганиш, келгуси авлодга етказиш асосий вазифа эканлигини нафақат давлат, балки ҳар бир шахс тушуниб етиши зарур.

Воҳада маҳаллий аҳоли орасида кенг машҳур бўлган яна бир авлиё даражасидаги шахслардан бири Ҳазрати Башир ҳисобланади. Мақбара ёнида Ҳазрати Башир ҳассасидан кўкарган арча ва у бунёд этган пистазор ҳам бор³⁸⁹. Бу зиёратгоҳнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки,

³⁸⁶ Қаранг: Равшанов П. Қарши тарихи. Нахшаб. Насаф. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 505.

³⁸⁷ Обидов А., Бобожонов Ж. Тарикат силсиласининг олтин занжири. – Т.: Navro'z, 2018. – Б. 79-80.

³⁸⁸ Қаранг: Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: Фан. 1995. – Б. 716.

³⁸⁹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2024 йил 6 август.

накшбандия тариқатини давом эттирган, “Мири Ҳақиқат” мақомига эга бўлган Ҳазрати Башир аслида Мирзо Улуғбек замонида яшаган. У расадхонанинг куйи қисми “Пойи расад”ни қуриб, 7-8 йил Шайх Ҳазрати Султон Саид Аҳмад ҳимоясида иш олиб борган³⁹⁰. Улуғбек вафотидан кейин шогирди Али Қушчи расадхонадаги китоблар ва секстантини Башир қишлоғидаги Ниёзтепага жойлаштирган. Ҳатто маҳаллий аҳоли мазкур китоблар сақланган сандиқ тоғдаги тошга айланганини ва унинг кўриниши тоғ тошида акс этганини ҳам таъкидлайди.

Воҳада Неъматуллоҳ Валий шахси ҳам маҳаллий аҳолиси орасида кенг тарқалган. Унинг каромати билан башорат қилинган Ҳазрати Башир дунёга келганлиги сабабли, бу зиёратгоҳга аксарият аҳоли вакиллари Аллоҳдан фарзанд сўраш учун келади. Бошқа томондан, авлиё шахсига бўлган ҳурмат туфайли Аллоҳ уларни турли ёмон қарашлардан ҳимоялашига ҳам ишонишади.

Айтиш мумкинки, воҳа зиёратгоҳлари тарихида саййидлар авлоди номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар ҳам мавжуд. Жумладан, “Етти туғ ота” мажмуасида еттита саййидлар авлоди дафн этилган бўлиб, форс-тожик тилида сўзлашадиган улуғлар келгандан кейин бу қишлоқ Патрон, Подарон, яъни “Падарлар – оталар қишлоғи”, деб ҳам аталган³⁹¹. Патрон қишлоғида яшаб, фаолият кўрсатган саййидлар авлоди маҳаллий аҳоли орасида обрў-эътиборга эга бўлган. Аҳолининг динга бўлган эътиқодини мустаҳкамлашда муносиб хизмат қилган. Уларнинг асли ким бўлганлиги ҳақида шажара ҳам мавжуд³⁹².

Шунингдек, Қашқадарёда ислом оламида машҳур бўлган халифа Усмон Қуръони сақланиши билан боғлиқ зиёратгоҳ ҳам бор. Бу Катта Лангар ота мақбараси бўлиб, муқаддас китоб нусхаси 1880 йилларда мақбара ичидаги хирқада сақланган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин шу ерда истиқомат қилувчи Қулпун момо, кейинчалик унинг жияни Тўхта бобо уни сақлаган. 1984 йил ҳукумат вакиллари уни олиб кетган. Бу ерда бир вақтлар Қуръоннинг бир қисми сақланган. 1993 йил вилоят

³⁹⁰ Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. – Т.: Фан. 1996. – Б. 28-29.

³⁹¹ Акбаров Р. Қарши туман тарихи. – Т.: Тошкент ислом университети, 2016. – Б. 158.

³⁹² Акбаров Р., Шамсидинов Н. Етти туғ ота шажараси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2015. – 72 б.

ҳокими вакили бўлган икки киши Қуръони каримнинг 13 варақли қисмини масжид имомига топширган. Бу муқаддас китоб 2003 йилгача “Ҳазрати Лангар ота”да сақланиб қолган. Голландиялик шарқшунос олим Ян Вист Виткам 1997 йилда зиёратгоҳга сайёҳ сифатида келиб, Қуръонни расмга олади, 1998 йилда Қуръоннинг суратга олинган рангли нусхасини шу жойга совға қилади. Ҳозирги кунда мазкур Қуръоннинг асл нусхаси Ўзбекистон Муслмонлар идораси қошидаги кутубхонада сақланмоқда³⁹³. 2021 йилда С.Мирзиёева ташаббуси ва маблағи ҳисобидан мазкур нусха парчалари Франция Лувр музейи ва Британия музейи олимлари томонидан реставрация қилиниб, китоб ҳолатига келтирилди³⁹⁴.

Тариқат вакиллари ибодатларини оғишмай бажаришлари учун пирга руҳий нуқтаи назардан муҳтож бўлганлар. Пир ўз муридани ислом йўлида тўғри бошқарган. Мурид уни устоз сифатида кўриб, ўргатган амалларини тўлиқ бажарган. Хусусан, Яккабоғ тумани Лангар қишлоғидаги Ҳазрати Лангар (XV аср) зиёратгоҳ мақбарасида кароматчи пирлар, исломнинг забардаст тарғиботчилари бўлган ишқия тариқати намояндаларининг авлодлари хоки бор³⁹⁵. Шу жиҳатдан, тасаввуф тариқати мактаби вакилларининг ҳаёт йўли, қолдирган ҳикматли сўзлари инсонларнинг руҳияти соғлом бўлиши ва қалбининг саломатлигига эришиш учун муҳим ҳисобланади.

Зиёратгоҳларнинг аҳоли ижтимоий-маънавий ҳаётидаги функцияси даволовчилик хусусияти ёки соғломлаштиришдир. Зиёратда иштирокнинг даволовчи хусусиятининг Туркистон аҳолиси ўртасида машҳурлигини тадқиқотчи М.Тастанбеков ҳам таъкидлаб ўтган. Унинг фикрича, Туркистон аҳолиси Сулаймон тоғини муқаддас тоғ сифатида ўзлаштириб, зиёрат орқали кўплаб касалликларни даволашга интилиш бўлганлигини таъкидлаган³⁹⁶.

³⁹³ Соатов Абдужаббор Ҳожи. Лангар ота табаррук манзилгоҳи ёхуд Идрок шамчироғи. – Т.: Фан ва технология, 2010. – Б. 56-57.

³⁹⁴ Халқ сўзи. 2021 йил 13 июнь сони.

³⁹⁵ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани, 2024 йил 22 июль.

³⁹⁶ Tastanbekov M.M., Dinashева L.S., Orazkhan N.O., Ospanova A. Pilgrimage of Turkestan Muslims After joining To Russia // 2nd Cyprus International Conference on Educational Research, (CY-ICER 2013). Procedia – Social and Behavioral Sciences 89. – 2013. – pp. 667-675.

Худди шундай Қашқадарё воҳасида ҳам даволовчи хусусият сифатида қараладиган зиёратгоҳлар мавжуд. Масалан, Дехқонобод тумани Хожаипок ота қадамжоси тоғ худудида жойлашган бўлиб, зиёратгоҳ атрофида бир жойдан олтингугуртли сув чиқади ва ундан ҳосил бўлган кўл, балчиқ бор³⁹⁷. 1987 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Н.А.Семашко номидаги Республика курортология ва физотерапия институти мутахассислари Хожаипок ота сувининг таркибини ўрганиб, Д.Менделеев жадвалидаги кўп минерал моддаларнинг борлигини аниқлаган ва касалликларга шифо бўлиши айтилган³⁹⁸. Хожаипок ота суви шамоллаш билан боғлиқ касалликлар, ревматоид (бод касаллиги), полиартрит, турли тери касалликлари, асаб тизими, умуртқа остеохондрози, умуртқа грижаси, ҳар хил невропотиялар, сурункали холецистид, энтероколит простати, аднексит, бруцеллёз ва бошқаларни даволашда шифо сифатида қаралган³⁹⁹. Хожаипок ота суви ва иссиқ балчиғи асосан июнь, июль ойларида қуёш нури таъсирида исиб, беморларга шифо бўлиш хусусиятига эга. Олиб борилган сўровларга кўра, маҳаллий аҳоли шифобахш сувни Хожаипок ота каромати, деб билишади ва ундан фойдаланганда, унинг шифо бўлишига катта умид билдиришади.

Китоб туманидаги Хожаисфароз кишлоғи Оқсув дарёси бўйида Шайх Нажмиддин ва Дарвеш Муҳаммад сағаналари жойлашган. Оқсув дарёси сувининг 200 метри “Оқ сув” зиёратгоҳи номи билан машҳур бўлиб, халқ уни Шайх Шамсиддин каромати, деб ҳисоблайди. У ерга ёз ойларида турли тери касалликларига чалинган беморлар келиб, чўмилиб, шифо топишади⁴⁰⁰.

Қашқадарё воҳасидаги энг машҳур ва ташрифчилари кўп бўлган Ҳазрати Башир, Катта Лангар зиёратгоҳи, Мири Жанди ота, Насафий мажмуасида иштирок этган маҳаллий зиёратчилар билан олиб борилган суҳбат асосида шу жиҳат аниқландики, сўровда иштирок этган-

³⁹⁷ Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Хўжаипок ота зиёратгоҳ мутаваллиси Аширов Келдиёр билан бўлган суҳбат. 2024 йил 20 июль.

³⁹⁸ Тошқулов К. Қадимий ва навкирон Дехқонобод. Биринчи китоб. – Т.: Мухаррир нашриёти, 2012. – Б. 12.

³⁹⁹ Тошқулов К. Қадимий ва навкирон Дехқонобод. Иккинчи китоб. – Т.: Tugon zamin ziyo, 2015. – Б. 22.

⁴⁰⁰ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузор тумани. 2024 йил 20 июль..

ларнинг асосий қисми зиёратгоҳлар тарихи билан боғлиқ маълумотга эга эмас, яъни улар мазкур жой зиёратгоҳ эканлигини эшитиб, доимий келиб турадилар, лекин уларнинг 40%и зиёратгоҳ тўғрисида диний билимларга ёки маълумотга эга, 60%и тўлиқ эмас, балки умумий эшитган маълумотларига эга⁴⁰¹. Мазкур савол билан мурожаат қилганимиздан сўнг, сўровда иштирок этганларнинг 80% ташриф буюраётган зиёратгоҳи тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлиш истакларини билдиришди. Бундан келиб чиқадики, зиёратгоҳлар тарихи билан боғлиқ рисоаларни ёзиш, зиёратгоҳ ҳудудида ҳар бир маскан тарихи, шаклланиши тўғрисида маълумотномалар осиб қўйилиши лозим. Бунинг учун воҳа зиёратгоҳлари тарихини ўрганиш тадқиқотларни кенгайтириш, маҳаллий аҳоли тилига яқин, халқчил ёзилган рисоалар нашр этиш лозим бўлади.

Зиёратгоҳларнинг маънавий-маърифий ҳаётдаги когнитив функцияси – бу инсонларнинг идрок этиши, воқелик, тафаккурининг бойиши, билим ва тажрибанинг ошишини англатади. Маҳаллий зиёратчилар билан олиб борилган суҳбат асосида шу нарса аниқландики, зиёратчилар қадамжо ҳақида умумий маълумотга эгалар, улар қабрда ётган кишилар тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслар. Гарчи юқорида айтиб ўтилганидек, бундай зиёратгоҳларда ислом уламолари ва ислом дунёсида машҳур бўлган шахслар дафн этилган. Уларнинг асарлари, олиб борган фаолиятлари тарбия мактаби вазифасини бажариши лозим. Маҳаллий аҳоли билан олиб борилган суҳбат асосида аниқландики, аҳоли мазкур шахсни авлиё даражасида буюк ислом уламози сифатида қабул қилган. Бироқ, олимнинг асарлари қўлёзма ҳолида бўлиб, нашр этилиб, оммабоп тилда мавжуд бўлмаганидан, халқ аллома илмий ижоди ҳақида маълумотга эга эмас⁴⁰². Жумладан, Абулбаракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий (ваф. 710/1310 й.)⁴⁰³, ислом илми билимдонларидан яна бири Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий⁴⁰⁴, Ҳазрат Абу Бакр Шиблий⁴⁰⁵, Ҳофиз

⁴⁰¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани. 2024 йил 7 август.

⁴⁰² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузор тумани. 2024 йил 20 июль.

⁴⁰³ Уватов У. Абул Муъин ан-Насафий. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 6-12.

⁴⁰⁴ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2019 йил 19 август.

⁴⁰⁵ Исмоил хожи Райхонов. Ҳазрат Жунайид ал-Бағдодийнинг ҳаёти ва меъроси. – Қарши: Насаф, 2017.

Шерозий⁴⁰⁶ каби алломалар асарларини маҳаллий халқчил тилда нашр қилиниши ва ҳикматларини⁴⁰⁷ ёшлар билан таништириш нафақат маданий мероснинг тикланиши, балки тарбиявий-таълимий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Воҳа ҳудудида жойлашган Дархон момо зиёратгоҳи Соҳибкирон Амир Темурга ибратли насихатлар қилган ўша машҳур Дархон момога тегишли деб ҳисоблаб⁴⁰⁸, халқ оғзаки ривоятларида, Амир Темур юришлари даврида бир қишлоққа дам олиш учун тўхтаганида, маҳаллий аҳолидан бўлган бир донишманд кампир Темур ҳақида, унинг шошқалоқлик билан шаҳарларни босиб олгани, аста-секинлик билан олдин кичик шаҳарларни босиб олиши кераклиги ҳақидаги насихати билан боғлиқ⁴⁰⁹. Мазкур образ орқали ёшларда тарбиянинг шошма-шошарлик билан эмас, балки ақл, илм билан иш кўришлик, меҳнат-севарлик, аввал ўйлаб, кейин бирор ишни амалга ошириш кераклигини ўргатади. Бу орқали донишмандлик билан иш тутиш лозимлиги ҳақидаги гўзал тарбияни сингдириш мумкин.

Шунингдек, Мусофир ота зиёратгоҳи билан боғлиқ ривоятлар ҳам бўлиб, маҳаллий аҳоли бу зиёратгоҳни самарқандлик Абдулла Хожа ибн Муҳаммад (524/1130 й.) номи билан боғлайди. У ҳаждан қайтаётганида, одамлари билан шу ерда дам олади, очарчиликдан қийналаётган аҳолига отини сўйиб, овқат қилиб таркатади, кўп ўтмай, шу ерда вафот этиб, дафн қилинади. Маҳаллий аҳоли халоскорининг кимлигини билмагани учун бу зиёратгоҳни “Мусофир ота”, деб номлашади⁴¹⁰. Мазкур зиёрат тарихи ёшларни инсонпарварлик, гуманизм, меҳрибонлик ва меҳнатсеварликка ундайди.

Ғузур тумани Дўнг Қовчин қишлоғида, халқни вафо, муҳаббат, садоқатга даъват этадиган Тоҳир-Зухра ёдгорлиги мавжуд. Халқ орасида Тоҳир-Зухра зиёратгоҳи ҳақида кўплаб ривоятлар бор, гўёки севги ва муҳаббат рамзи бўлган Тоҳир-Зухра ҳақиқатдан ҳам шу ерда

⁴⁰⁶ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани. 2024 йил 7 август.

⁴⁰⁷ Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 661-662.

⁴⁰⁸ Жуманазар А., Тухлиев Ш. Яккабоғ: Соҳибкирон камол топган юрт. – Т.: Академнашр, 2018. – Б. 64.

⁴⁰⁹ Ғофуров Ғ., Шаймардонов И., Тухлиев Ж. Яккабоғ тумани. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 68.

⁴¹⁰ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузур тумани Мири Жанда масжиди. 2024 йил 20 июль.

яшаган, деб ўйлашади. Ҳаёти аянчли якунланган бўлса-да, мазкур афсона халқимиз хотирасида абадий муҳрланган⁴¹¹.

Тадқиқотчи Н.Абдулаҳатовнинг фикрича, мазорлардаги дин пешволари, шайхлар зиёратчиларнинг эмоционал ҳолатидан фойдаланиб, уларнинг ҳиссий туйғуларига таъсир қилишга интилганлар, бу ўринда, муқаддас жойлар ва уларда дафн этилган авлиёлар билан боғлиқ ривоятларнинг роли муҳим аҳамият касб этиш билан бирга, уларни турли урф-одат ва маросимларга бўлган эътиборини кучайтирган. Бу эса, ўз навбатида, зиёратгоҳларнинг кишилар турмушидаги ўрнини янада муҳим бўлишини таъминлаган.⁴¹²

Таъкидлаш жоизки, зиёратгоҳларда ислом одатларига мос келмайдиган фетишизм ва бошқа диний шаклларнинг қолдиқлари ҳали ҳамон аҳоли турмуш тарзининг баъзи кўринишларида сақланиб қолмоқда. Бунда, яна дарахт ёки нарсасиз буюмга сиғиниш мақсад ва кўриниш тусини олган.

Тадқиқотчи С.Мирҳасиловнинг фикрига кўра, маҳаллий ўзбекларда турли диний урф-одатлар бўлиб, хусусан, ёмон жинларнинг бўлиши, агар инсон дарахт тагида ухлаб қолса, демак, жинлар унга зарар етказиши, бу бахтсизлик олиб келиши ёки касалликка чалинишига сабаб бўлиши мумкин, деган қараш мавжуд. Дарахт култи алоҳида руҳлар яшайдиган ҳудуд сифатида қаралиб, маҳаллий аҳоли у ерда овқат пиширган, ис чиқариб, дуолар қилишган. Дарахтлар магик алоқага эга бўлиб, унга яқинлашган аёл ҳомиладор бўлиши мумкин, деган ишонч сақланиб қолган. Қурбон ҳайитида қурбонлик қилиш асосан мазорлар ва муқаддас жойларда амалга оширилган. Бунда жонлик сўйилиб, аҳолига тарқатилган. Айниқса, аёллар бу ишга жуда бош бўлиб, камбағалларга овқат тарқатишган, эҳсон қилиб, дуо қилишган, баъзан чироқлар ҳам ёқишган⁴¹³.

Хусусан, Қумчуп ота қабри⁴¹⁴ жойлашган мақбаранинг шарқ томонида турли хил тошлар бор, уни одамлар турли номлар билан

⁴¹¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузур тумани. 2024 йил 20 июль.

⁴¹² Абдулаҳатов Н.У. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (по материалам святых мест Ферганской вилоята). Автореф.дисс....канд.ист.наук. –Т.: Институт истории АН РЎз, 2008. – С. 12.

⁴¹³ Мирҳасилов С. К изучению реликтов доисламских верований у узбеков в дореволюционном прошлом // Этнографические изучение быта и культуры узбеков. Отв. Ред. Х.Зияев и Б.В.Лукин. – Т.: Фан, 1972. – С. 22-32.

⁴¹⁴ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузур тумани Қумчўп қишлоғи. 2024 йил 20 июль.

атаганлар: “Чевар тош”, “Чилла тош”, “Полвон тош”, “Балогардон тош” ва бошқалар. Ҳозиргача халқимиз орасида тошларга сиғиниш одати бор, бу исломдан олдинги даврга оид бўлиб, бизни эътиқодимизга тўғри келмайди. Фақат у ерда ҳар хил рангдаги, турли шаклдаги тошларни табиат мўъжизаси, дейиш мумкин. Зиёратгоҳ ёнида “Мурод кудуғи” бўлиб, одамлар уни ҳам шифо, деб билишади. Мақбара ёнида ноёб, кам учрайдиган теракнинг антиқа бир тури ўсади. Уни шу ерлик халқ патта ёки авлиё дарахти, деб атайди⁴¹⁵.

Қашқадарё воҳаси аҳолиси орасида ўз аجدодларини унутмаслик мақсадида ислом анъаналарига кўра, рамазон ва қурбон ҳайити ҳамда ота-боболар вафот этган кунларда ва бошқа айрим сабабларга кўра, қабристонга бориб, марҳумларни ёд этишади, хотираларига Қуръон тиловат қилишади. Шунингдек, турли фасллар билан боғлиқ диний ибодат кўринишлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири дарвешона деб номланади. Ҳозирги қадар воҳа аҳолиси орасида сақланиб келаётган мазкур маросимда, маҳаллий таомлардан ўзбек палови пиширилиб, бўғирсоқ тайёрланади, хўроз сўйилиб, қонлиқ чиқарилади. Қадимдан бу маросим зиёратгоҳларда доимий истиқомат қилувчи дарвешларни овқат билан таъминлаш мақсадида қилинган ва маросим одатда баҳор келиши билан янгиланиш сифатида ўтказилган.

Зиёратгоҳларда қурбонлик маросими ҳам амалга оширилиб, “қурбонлик” сўзи арабча “худога яқинлашиш”, яъни унинг раҳмат-шафқатига сазовор бўлиш учун худо йўлига жонлиқ сўйишни аниқлатган⁴¹⁶.

Дала тадқиқотлари жараёнида, Шаҳрисабз туманида зиёрат ибодатида иштирок этаётган онахонлар билан суҳбатлашганда шу нарса аён бўлдики, жонлиқнинг қони қурбонлик қилаётган одам номидан унинг жони учун садақа сифатида баҳоланар экан. Қурбонлик қилинган ҳайвон гўшти етим, камбағал, бева-бечораларга тарқатилган ва савобдан умидворлик бўлган⁴¹⁷.

⁴¹⁵ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Қумчўп қишлоғи. 2024 йил 20 июль.

⁴¹⁶ Ислом. Энциклопедия /А-Ҳ. 2017. – Б. 619-620.

⁴¹⁷ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани. 2024 йил 7 август.

Қурбонликлар орасида, асосан, хўроз сўйилган, бинобарин, хўроз-ни сўйиб, қон чиқариш одати исломдан олдинги даврлардаги диний қарашлар замирида юзага келган азалий иримлардан бири ҳисобланади. Зотан, Олд Осиё ва Марказий Осиё халқларида, эрамиздан аввалги VII-VI асрлардаёқ, хўроз “ёвуз қора кучларни ҳайдовчи парранда” сифатида мукаддаслаштирилганлиги тарихдан маълум⁴¹⁸.

Воҳа аҳолиси орасида қурбонлик қилиш билан боғлиқ худойи ёки арвоҳи пир, деб номланган маросим ҳам ўтказилган⁴¹⁹. Аксарият аҳоли уни зиёрат жойида ташкил қилса, баъзилар уйда бажарганлар. Хўроз ёки қўй сўйилиш маросимидан кўзланган мақсад, бошланадиган ишнинг бароридан келиши ёки оилага янги меҳмон – келин, фарзанд келиши учун хайрли бўлишидан умид қилиниб, Аллоҳ йўлида қон чиқариб, ош пишириб, маросим ўтказганлар. Бошқа ҳудудлардан фарқли томони, мазкур маросим асосан эркаклар иштирокида ўтказилган.

Аёллар томонидан “Мавлуд”, “Бибисешанба”, “Мушкулкушод” каби маросимлар ўтказилган. Мавлуд маросими Пайғамбаримиз (с.а.в.) туғилган кунлари сифатида аёллар диний амалиётининг муҳим элементларидан ҳисобланган⁴²⁰. Баъзи ҳолларда, бу маросимни воҳа аҳолиси эркаклар учун ҳам ўтказишган. Воҳа аҳолиси томонидан Мушкулкушод, баъзи ҳудудларда Биби мушкулкушод (асосан Фарғона, Тошкент ҳудудларида) одати ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Аксар ҳолларда, бу маросим сифатида эмас, балки ислом амалларига боғланган ҳолда ишонч, умидворлик каби ижтимоий муносабатлар кўринишида намоён бўлган. Жумладан, масжид, авлиё қабрларида ишлайдиган ходимларга маҳсулотлар (сув, нон, майиз, ширинликлар, баъзан пул) берилиб, Қуръондан оят ва суралар ўқилган, сўнг ихлос билан мушкулларни осон қилиш мақсадида маҳсулотлар истеъмол қилинган. Бибисешанба маросими аёлларнинг турли мақсадлар билан Бибисешанба йўлида қилинадиган эҳсон маросимидан иборат⁴²¹.

⁴¹⁸ Брагинский И. Из истории таджикской народной поэзии. – М.: Наука, 1956. – 26 б.

⁴¹⁹ Дала таджикотлари. – Қашқадарё вилояти Шахрисабз тумани. 2024 йил 11 август.

⁴²⁰ Бу ҳақда қаранг: Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Тошкент: 1993. – Б. 184-187.

⁴²¹ Дала таджикотлари. – Шахрисабз, Китоб туманлари аҳолиси маросимларида иштирокидан. 2024 йил 7 август.

Воҳа зиёратгоҳларига ташриф жараёнида яна бир муҳим ҳолат кўзга ташланадики, ҳар бир зиёратгоҳнинг ўзига хос шифобахшлик хусусияти мавжуд. Авлиёлар ва у ердаги сувларга маълум касалликларга шифо топишни ёки орзу-умидларини амалга оширишларида (турмушга чиқиш, фарзанд кўриш, муродлари ҳосил бўлиши учун) ташрифни зиёратгоҳни аҳоли орасида тизимлашганини кўрсатади. Бунда асосан аёлларнинг иштироки кўп кузатилади.

Зиёратгоҳ масканига айланган жойда ўзига хос зиёрат билан боғлиқ атрибутлар учрайди. Уларга мақбара, сағана, қабрлар ўралган мато, меҳроб, шамчирок, баъзи қабрлар ёнида муқаддас деб қадрланадиган дарахт (Башир ота зиёратгоҳида) кабиларни киритиш мумкин. Мақбара сағаналарининг муҳим атрибутларидан бири, бу – қабрлар турли кўринишдаги матолар (бўз мато, оқ кийим) билан ўраб қўйилганидир⁴²². Айрим мақбаралар устида алам ва мато бўлаги осилган бўлиб, бу туғ деб номланади. Матолар рангида ҳам ўзига хос рамз мавжуд бўлиб, ёрқин ранглар авлиё эканини англатади⁴²³.

Қадамжоларни зиёрат қилишнинг ҳам ўзига хос ахлоқ-одоб нормалари мавжуд бўлиб, уни амалга оширмоқчи бўлган шахс, албатта, бу қоидаларга амал қилиши шарт. Қабрни зиёрат қилиш вақтида, орқасини ўгириб чиқмаслик, унинг ичига кираётганда ўнг оёқ билан қадам босиб, салом бериб кириш ва ўтганлар ҳаққига бағишлаб дуойи фотиҳа ўқиши, зиёратдан сўнг орқасига ўгирилмасдан чиқиш сингари ахлоқий одатлар туфайли аҳолини қадимдан муқаддас жойларни зиёрат қилишда маълум бир ахлоқ меъёрлари мавжуд бўлган⁴²⁴. Тадқиқотчи Н.Абдулаҳатовнинг фикрича, бу меъёрларга амал қилиш ва улар билан боғлиқ қарашлар, ўз навбатида, зиёратгоҳлар тўғрисидаги ахлоқ кодексларини ишлаб чиқишига замин яратган. Ахлоқ меъёрларига амал қилмаган кишиларни мазорнинг ўзи жазолаши ҳақида аҳоли орасида қарашлар ҳам мавжуд. Муқаддас мазорларга туфлаш ёки ёмон сўз айтиш, айниқса, у ерларда ҳожатини чиқариш катта гуноҳ, деб қаралган. Кимки, бу таъқиқларга амал қилмаса, тез

⁴²² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани, Ҳазрати Башир зиёратгоҳи. 2024 йил 9 июнь.

⁴²³ Дала тақикотлари. – Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани. 2024 йил 7 август.

⁴²⁴ Мирзо Аҳмад Хушназар. Қабристон зиёрати одоби. –Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 9.

орада зиён топишига ишонганлар⁴²⁵. Умуман, қабр зиёратидан икки нарса мақсад қилинган: бири охиратни эслаш, дунёнинг ўткинчилигини ҳис этиш бўлса, бошқаси қабр аҳли ҳаққига дуо қилиш, уларга мағфират сўраш, тиловат етказиш назарда тутилган. Қабр зиёратининг одобларини қуйидагилар ташкил этади: дунё машғулотларини тарк этиб, охиратни ўйлаш; қабр аҳлларига салом бериш; қабристонда викор билан, сокин юриш; қабрларни босмаслик, уларнинг устига ўтирмаслик; зиёрат қилмокчи бўлган қабрга оёқ тарафдан келиб, ўнг тарафига туриш ва унга юзланиб, қабрга орқа қилган ҳолда салом бериш; тик туриб дуо қилиш; марҳумларнинг яхши сифатларини эсга олиш; ўзини сарҳисоб қилиш, қабрга қанчалар тайёр эканини ўйлаш; зиёратдан қайтишда вазмин, тафаккур ва тадаббурда қайтиш ҳисобланади⁴²⁶.

Қабр зиёратида ўқиш тавсия этилган суралар: қабр зиёратига келган киши билса, “Мулк” сурасини ўқиса, яхши бўлади. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “*У (Мулк сураси) ман қилувчидир. У нажот берувчидир. У қабр азобидан нажот беради*”, деганлар. Қабр зиёратига келган кишига “Ихлос” сурасини 3 ёки 11 марта ўқиши ҳам тавсия этилган. Имконияти бўлса, “Ёсин” сурасини ва “Оят-ул Курсий”ни ўқиса, савоби кўп бўлиши айтилади. Қабр олдида Қуръон ўқиганда, тиловатни овоз чиқариб ўқиган афзал, чунки қабр аҳли ундан баҳра олади. Зиёратчи дуо қилганда, Қуръон савобини ўз марҳумига бағишлаганда қабристон аҳлини ҳам унутмаслиги керак. Зиёратчи қабр аҳлига Аллоҳдан мағфират сўрайди, хайрли дуо қилади. Дуо қилганда, қабр эгасига эмас, балки қабр эгасининг ҳаққига дуо қилаётгани намоён бўлиши керак⁴²⁷.

Қабристонда қуйидаги ишлар мумкин эмаслиги таъкидланади. Жумладан, қабрга чироқ, шам, олов ёқиш, қабрдаги маййитдан шифо, ҳожат сўраш, бола кокилини аташ кабилар ширкка яқин гуноҳлардир. Зеро, бундай ишлар Аллоҳ таолодан бошқадан ҳожат сўраш демакдир. Қабр тоши ва темирларини ўпиш, латта боғлаш, қабрни айланиб тавоф

⁴²⁵ Абдулаҳатов Н., Азимов В. Олтириқ зиёратгоҳлари. – Т.: 2005. – Б. 14.

⁴²⁶ Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид. Қабристон зиёрати одоблари. Электрон манба: <https://islom.uz/maqola/1605>
Мурожаат санаси: 21.12.2020.

⁴²⁷ Алимов Усмонхон. Ўтганларни ёд этиш инсоний бурч // – Ислом нури. – 2013 йил 9 май. – Б. 2.

қилиш, қабр ёнида суратга тушиш, баланд овозда, хушчақчақ гаплашиш, қабр бошида таом қолдириб кетиш, еб-ичиш, уввос солиб йиғлаш жоиз эмас, чунки бу билан маййитга озор бериб қўйиш мумкинлиги айтилади⁴²⁸.

Бу борада, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур қабрлар зиёрати охиратни эслаш учун, аммо қабрлар зиёратининг асл моҳиятини унутиб, улуғ авлиёлар қабрларига бориб, ҳожатларини сўрайдиган, бахтини сўраб, бефарзандлар фарзанд талабида, ишига ривож тилаб борадиганлар, истакларини соҳиби қабрлардан сўрайдиган бўлиб қолишган. Ҳар қандай истак, тилакларни фақат ёлғиз Аллоҳдан сўралиши керак⁴²⁹, деб таъкидлайди.

Шунингдек, касб-корлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам бўлиб, бу ёшларни меҳнатсеварлик, хунар олишга бўлган қизиқишини оширади.

Қашқадарё воҳасида тарихий минг йилликлар давомида юз берган сиёсий-ижтимоий, маданий ўзгаришлар ҳудудда илм-фан ва маданиятнинг юксалишига сабаб бўлган. Воҳа ҳудудида жойлашган аллома, авлиё, пир, саййид, Хожа, тарихий шахслар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар аҳоли турмуш тарзининг бир бўлагига айланиб, ташриф давомида зиёратчилар нафақат табаррук зотларга бўлган ҳурматни, балки жаҳон ислом маданиятининг бир бўлагига ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг фан йўлидаги хизматлари, уларнинг ҳаёти тўғрисидаги маълумотлардан ҳам хабардор бўладилар. Энг муҳими, олимларнинг ислом фани йўлида қолдирган маданий мерослари, ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари ёшлар, маҳаллий аҳоли учун ўрнак бўлиб қолади.

А.Уайсованинг фикрича, дунёда диний туризмнинг асосий йўналишлари муқаддас одамлар, муқаддас жойлар ва диний байрамлар билан алоқалар туфайли ривожланмокда⁴³⁰. Шундай экан, ички туризмни ривожлантиришда Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳларининг маданий-

⁴²⁸ Суюндик Мустафо Нуротоний. Мунаввар қадамжолар. – Т.: Noshirlik yog’dusi, 2011. – Б. 77.

⁴²⁹ Шайх Абдулазиз Мансур: “Азиз-авлиёларга атаб қабристонларда қурбонликлар қилиш, қабрларни тавоф этиш бидъатдир”. Электрон манба: <https://www.xabar.uz/madaniyat/shayx-abdulaziz-mansur-aziz-avliyolarga-atab>.

⁴³⁰ Уайсова А. Мотивы путешествия и анализ потребителя сакрального туризма // Международный научно-исследовательский журнал. – 2019. Апрель. Часть 2. №4(82). – С. 34-38.

маърифий аҳамиятидан келиб чиқиб, авлиё, тарихий шахслар номи билан боғлиқ кичик рисола, китоб ва йўл кўрсатгичларни нашр қилиш муҳим ҳисобланади. Бошқа томондан, зиёратгоҳларнинг аксарияти таъмирлаш (реставрация) ишларига муҳтож бўлиб, уларни илмий ўрганиш ва кенг омма билан таништириш фан вакиллари, тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

Юқорида кўрсатилган факт ва маълумотлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, воҳа зиёратгоҳлар персонафикациянинг аҳамияти масаласи аҳоли маънавий турмуш тарзида ибрат ва сабоқ мактаби бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади. Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун хизмат қилган шахслар фаолияти, уларнинг қилган амаллари, айтган сўзлари бугунги ёшларимиз учун ўғит, насиҳат, ҳаёт йўлларида йўл кўрсатувчи бўлиб хизмат қилади. Мазкур зиёратгоҳларга ташриф аҳоли ҳаётида нафақат сиғиниш объекти, балки ўзаро бирлаштирувчи, даволовчи, когнитив, коммуникация алоқаларини мустаҳкамлаш, энг муҳими, руҳий-маънавий тарбияланишларида муҳим роль ўйнайди. Худуднинг ҳар бир зиёратгоҳи мақсадларни амалга оширувчи ёки соғломлаштирувчи функцияга эга. Мазкур манзилларни ободонлаштириш ва таништириш муҳим вазифалардан биридир.

ҚАШҚАДАРЁ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУТГАН ЎРНИ

3.1. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ВОҲА ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ТИКЛАНИШИ

Жамиятда миллий қадриятларни тиклаш нафақат тарихий меросни сақлаш ва келажак авлодга етказиш, балки, ўз навбатида, миллий ўзликни англашга, миллий ҳис-туйғу ва ифтихорни ривожлантиришга самарали таъсир этади. Маълумки, жаҳонда туризмнинг тан олинган 3 та – халқаро туризм, миллий туризм, ички туризм гуруҳи мавжуд бўлиб⁴³¹, унинг тематикаси жиҳатидан бир қанча турларга, яъни тарихий обидалар ва тарихни ўрганишга қаратилган туризм, зиёрат туризми, этнографик туризм, экологик туризм, таълим олиш, спорт ва бошқа дам олиш билан боғлиқ туризмни ташкил этади⁴³².

Жаҳон туризмнинг бир қисми бўлган зиёрат туризми халқаро миқёсда кенг фойдаланилиб келинади. Зиёрат туризми объектлари деганда, мамлакат ичида одамлар диққатини тортадиган тарихий обидалар, буюк шахслар қадамжолари каби тарихий, маънавий ва маърифий аҳамиятга молик объектларни ўз ичида бирлаштиради. Зиёрат туризми республикамизда қадимдан ривожланиб келган. Ўзбекистон ҳудудида мустамлака ва совет давлати ҳукмронлиги даврида зиёратгоҳларга ташриф таъқиб остига олинган эди, алломаларнинг қабрлари харобага айлантирилган, совет йилларида улардан омборхона, сақловхона сифатида фойдаланилганини тарихий жараёнлар кўрсатади⁴³³.

Халқаро ҳисоботларда, сўнгги йилларда 250 млн.дан ортиқ кишилар айнан зиёрат мақсадида турли зиёратгоҳ ва ўзлари учун муқаддас ҳисобланган жойларга бориб, туристик дам олаётгани келтирилади. Жаҳон мамлакатлари ҳудудлари 11 та зиёратгоҳ минтақа-

⁴³¹ Dağdeviren A., Özdemir H., Göker G. Ilgaz İlçesinin Turizm Potansiyeli (Tourism Potential of Ilgaz District) // Journal of Tourism and Gastronomy Studies, 5-4 (2017). – pp. 504-533.

⁴³² Қаранг: Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р. Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. – Т.: Fan va texnologiya, 2007. – Б. 6-7.

⁴³³ Болтабоев С. Чоризм ҳукмронлиги даврида ислом. Ўқув-услубий қўлланма. – Наманган: 2005. – Б. 43-44.

ларига бўлиб ўрганилса, Марказий Осиё минтақаси ислом дини макро минтақаси ҳисобланади⁴³⁴. Шу маънода, Марказий Осиё мамлакатлари орасида қадимий шаҳарлари, бой тарихи билан ажралиб турадиган Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантириш учун барча ресурслар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Қашқадарё вилояти тарихий жараёнларда жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси билан алоҳида мавқега эга⁴³⁵. Шу жиҳатдан, ушбу ўлкадан етишиб чиққан буюк алломалар, қадимий тарих, илмий ва маънавий меросни воҳа номи билан жаҳонга танитиш, ундан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда зиёрат туризми соҳаси мустақилликнинг дастлабки кунларидан иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида эътироф этилиб, унга эътибор иқтисодий сиёсат даражасида кўтарилган. Соҳа ривожини учун зарурий-ташқилый, ҳуқуқий механизм вужудга келтирилиб, ҳукумат томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу борадаги ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Президентининг 1992 йил 27 июлдаги “Ўзбектуризм” миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди ва айнан шу йилнинг 20 октябрида Вазирлар Маҳкамасининг 424-сонли Қарори асосида Дастур қабул қилинди, бу миллий туризмни ташкил қилиш учун асос бўлди⁴³⁶.

1993 йил Ўзбекистон 120 дан ортиқ давлатни бирлаштирган Жаҳон туристик ташкилоти (ВТО)га аъзо бўлди⁴³⁷. 1994 йил БМТ ва ЮНЕСКО кўмагида Жаҳон туризм ташкилотининг Ипак йўли, деб номланган халқаро семинар ўтказилди⁴³⁸. 1995 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини

⁴³⁴ Гуломов С. Тошкент иқтисодий районида диний туризмни ривожлантиришнинг баъзи бир масалалари // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Т.: 2010. – С. 122-124.

⁴³⁵ Alimardonova Z.M. Modern concept of tourism development in Surkhandarya region // Central Asian Journal of innovations on tourism management and finance. – Vol.02, Issue: 02, Feb 2021. – pp. 89-99.

⁴³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги “Ўзбектуризм” миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-447-сон Фармони // Xalq so'zi. 1992 йил 27 июль.

⁴³⁷ Жаҳон Туризм Ташкилоти Бош Ассамблеяси Бали шаҳрида (Индонезия) бўлиб ўтган мажлис, 1993-йил, X сессия. Манба: Основополагающие документы ЮНВТО. Том I. – Февраль, 2016. – С. 19-21.

⁴³⁸ Ruziyeva D.I. Ways of development and promoting of cultural tourism in Uzbekistan // Economics and management: theory and practice: Collection of scientific articles. Vol. 2 – Verlag SWG imex GmbH, Nürnberg, Deutschland, 2014. – pp. 99-102.

Буюк Ипак йўлининг шаклланишида иштирокини фаоллаштириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-1162-сонли Фармони имзоланди⁴³⁹. Бундай фармон ва қонунлар замирида, ҳудудимиздаги зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолар билан машхур бўлган Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарларни туризм салоҳиятини ошириш вазифаси кўзда тутилган эди.

1996 йил 25 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигида маданият, фан ва туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 335-сонли Қарори, 1997 йилда Ўзбекистонда туризмни барқарор ривожлантириш режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режа, ўз навбатида, зиёрат туризмни ҳам қамраб олган эди⁴⁴⁰.

Таъкидлаш ўринлики, Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатларнинг ички туризмни тиклаш ва халқаро туризмни ривожлантиришга эътибори 1996 йил октябрда туркий тилли давлат бошлиқларининг Тошкент шаҳрида ўтказилган 4 учрашувида кўриб ўтилди. Унда Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримов томонидан “Буюк Ипак йўлини тиклаш, маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатларнинг маданий меросини қайта тиклаш, асраш ва барқарор ривожлантириш дастурини биргаликда ишлаб чиқиш, мақсадли саёҳат йўналишларини кенгайтириш ва сайёҳликнинг тегишли инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида”ги таклифлар илгари сурилди⁴⁴¹. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 8 августда “Туризм ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”⁴⁴² Қарори туризмнинг келажак истиқболини белгилашда катта аҳамият касб этди.

⁴³⁹ Рустамов Р.А. Ўзбекистонда туризм фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириш муаммолари // Актуальные проблемы туризма – 2009. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.1. – Т.: DP Patent press, 2009. – Б. 67-70.

⁴⁴⁰ Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида қаранг: Электрон манба: [https://lex.uz/docs/5356705? query=Фан,%20таълим%20ва& exact=1](https://lex.uz/docs/5356705?query=Фан,%20таълим%20ва&exact=1).

⁴⁴¹ Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. – Т.: O'zbekiston, 1997. – В. 303-309.

⁴⁴² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 346-сонли “Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори // Xalq so'zi. 1998 йил 9 август.

Юқоридаги тадбирлар асосида, мустақиллик йилларида, муқаддас қадамжоларда ётган авлиё ва алломаларнинг фаолиятига бағишлаб, ЮНЕСКО раҳбарлигида халқаро аҳамиятга эга бўлган саналар ташкил этилиши билан бир қаторда, илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифа сифатида белгиланди. Бунинг натижасида, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик, Қаршининг 2700 йиллик ёши нишонланди⁴⁴³.

Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида⁴⁴⁴, хусусан, Хивадаги Ичанқалъа қўриқхонасида (1990) ҳамда Бухоронинг тарихий марказида (1993) жойлашган ёдгорликлар, Шаҳрисабз шаҳридаги Темур ва Темурийлар даври меъморий ёдгорликлари (2001) ва Самарқанд шаҳри марказидаги тарихий ёдгорликлар (2002) Халқаро Жаҳон Маданий Мероси Қўмитасига 13 та машҳур ёдгорликлар сифатида рўйхатга олинди.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди тарихий жараёнларда иштирок этган бўлса ҳам, бугунги кунда Қашқадарё вилоятида жами 1321 та моддий-маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, шундан 1043 та археология, 210 та архитектура, 43 та монументал, 35 та диққатга сазовор жойлар мавжуд⁴⁴⁵. Биргина Сурхондарёда 561 та маданий меросга оид тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг ёш даври палеолит босқичидан, то XX асргача бўлган даврни қамраб олади. Улардан 44 таси археологик, 36 таси архитектура ва муқаддас қадамжолар, 39 таси монументал ва санъат, 42 таси диққатга сазовор туристик жойларни ташкил этади⁴⁴⁶.

Маданият ишлари Вазирлиги қошида Ёдгорликларни сақлаш бош бошқармаси томонидан 1992 йилда Маданий меросни асраш қонуни ишлаб чиқилди⁴⁴⁷ ва ЎзНИПИ институти ва меъмор таъмирлаш

⁴⁴³ Юсупова К.Н. Туризм – маънавият ва маданият тарғиботчиси // Актуальные проблемы туризма – 2009. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.1. – Т.: DP Patent press, 2009. – Б. 108-114.

⁴⁴⁴ Қаранг: Хашимов М. ЮНЕСКО фаолиятида диний бағрикенглик тамойиллари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Тарих фан.номз. ... дисс.автореф. –Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – Б. 11–13.

⁴⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қарор ва фармонлар ижроси юзасидан Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасида эришилган натижалар тўғрисида маълумот // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. 2021 йил 14 март.

⁴⁴⁶ Alimardonova Z.M. Modern concept of tourism development in Surkhandarya region // Central Asian Journal of innovations on tourism management and finance. – Vol:02, Issue:02, Feb 2021. – pp. 89-99.

⁴⁴⁷ ЎзМА, М-7 жамғарма, 1-рўйхат, 61-иш, 162-варак.

Мастер уюшмасига таъмирлаш ва тиклаш ишлари юклатилди⁴⁴⁸. 1993 йил 5 январда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек номлари билан боғлиқ меъморий ёдгорликлар таъмири бўйича ҳамда Жаҳонгир макбарасининг қолдиқларини гидрогеологик шароитини ўрганиш, уни муҳофаза этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди⁴⁴⁹. Шунинг асносида, Ўзбекистонда Мирзо Улуғбек юбилейининг ўтказилиш муносабати билан 1993 йил 1 октябрда юбилей объектларини таъмирлаш мақсадида Шаҳрисабз шаҳридаги ёдгорликларни ўрганишга доир экспедиция уюштирилди ва моддий маблағ ажратилди⁴⁵⁰. Хусусан, Шаҳрисабз шаҳри тарихий архитектура ёдгорликлари учун ажратилган маблағ 106,4 млн. сўмни ташкил этган ва таъмирлаш ишлари Шамсиддин Кулол макбарасида, Кўк Гумбаз масжиди, Дорут-тиловат, Гумбази Саййидон макбараси таъмирига сарфланган⁴⁵¹.

Амир Темур ва Темурийлар тарихи билан боғлиқ ёдгорликлар ҳозирги кунда нафақат маҳаллий, балки халқаро миқёсида зиёрат объектлари сифатида фойдаланилиб келинади. 1996 йилда Амир Темур юбилейининг халқаро миқёсида ўтказилиши муносабати билан Шаҳрисабз шаҳридаги Темурийлар даври ёдгорликларини таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлса, 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиси Археология институти ва Амир Темур моддий маданият тарихи музейи илмий ходимлари ҳамкорлигида олиб борилган археологик қазилма ишларида Дор ас-Саодат макбараси ҳудудидан ҳаммом супа тошлари топилган⁴⁵².

Шунингдек, Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи муносабати билан 2004 йил 29 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 452-сонли Қарори асосида шаҳардаги тарихий ёдгорликлар мажмуаларида таъмирлаш ишлари олиб борилди⁴⁵³. 2005 йилда археолог Р.Х.Сулаймонов томонидан илмий экспедиция ташкил

⁴⁴⁸ ЎзМА, М-7 жамғарма, 1-рўйхат, 9-иш, 14-варақ.

⁴⁴⁹ ЎзМА, М-7 жамғарма, 1-рўйхат, 58-иш, 18-варақ.

⁴⁵⁰ ЎзМА, М-7 жамғарма, 1-рўйхат, 61-иш, 6-варақ.

⁴⁵¹ ЎзР ВМ ижтимоий масалалар, фан ва маданият бўлими мудири Ю.Шодиметов. ЎзМА, М-7 жамғарма, 1-рўйхат, 60-иш, 35-варақ.

⁴⁵² ЎзМА, М-38 жамғарма, 1-рўйхат, 234-иш, 7-варақ.

⁴⁵³ ЎзМА, М-38 жамғарма, 1-рўйхат, 220-иш, 10-варақ.

этиб, Қашқадарёнинг шарқий ҳудудида археологик тадқиқотлар ўтказилди⁴⁵⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 июндаги қарорига асосан 2015 йилда Тошкентдан Қаршигача тезюарар поездда “Насаф” йўли ва 2016 йил 25 август куни мазкур поезднинг Тошкент-Бухоро йўналишларидаги “Шарк” йўли ишга тушди. Бу эса, туристларни пойтахтдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларига келиб-кеетишларида қулайлик яратди. Янги очилган замонавий темир йўл маршрутларнинг фойдаланишга топширилиши халқаро туристларнинг республика бўйлаб ҳаракатланишларини оsonлаштирди.

Мустақиллик йилларида совет давридан фарқ қилган ҳолда халқнинг маънавияти, ўзлиги қайтиши билан мазкур зиёратгоҳлар нафақат туризм, балки тарихий-маданий мерос объектига айлантирилиб, уларнинг ҳар бири давлат рўйхатига олинди. Масалан, 1992-1993 йилларда Шаҳрисабз тумани Мўминобод кишлоғидаги Саъд ибн Абу Ваққос номи билан боғлиқ рамзий қадамжо⁴⁵⁵, 1994 йилда Мири Жанди ота мажмуаси⁴⁵⁶, 1995-1996 йилларда Шаҳрисабздаги Темурийлар даври ёдгорликларида таъмирлаш ва экспедиция ишлари олиб борилди⁴⁵⁷. 2000 йилда Абу Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳи қайтадан таъмирланиб, атрофи обод этилган ва қабр устига мақбара қурилган⁴⁵⁸. 2014-2016 йилларда Эски Нишонда яшовчи Саидқулов Нуриддинхон эшон ўз маблағи ҳисобидан Жунайд Бағдодий номи билан боғлиқ рамзий зиёратгоҳ, 2 хонали мақбара қурдирилган⁴⁵⁹.

Айтиш мумкинки, воҳа зиёратгоҳларининг аксариятини тасаввуф вакиллари, ислом таълимоти билан шуғулланган алломаларнинг қабрлари ташкил этади. Тасаввуфий-фалсафий ғоялар гуманистик характерга эга бўлиб, комил инсон ахлоқини тарбиялашда бемисл хизмат кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, дунё ва охират, замон ва макон, инсон моҳияти, инсоний камолот мезонлари, шартлари, комил инсон

⁴⁵⁴ 2005 йил Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур моддий маданият тарихи музейи ҳисоботидан. ЎзМА, М-38 жамғарма, 1-рўйхат, 234-иш, 7-варак.

⁴⁵⁵ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри. 2021 йил 19 март.

⁴⁵⁶ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Ғузур тумани бош имом хатиби. 2019 йил 29 август. 4-дафтар.

⁴⁵⁷ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри. 2019 йил 18 август.

⁴⁵⁸ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри. 2020 йил 18 август.

⁴⁵⁹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Нишон тумани. 2024 йил 7 август.

ҳақидаги тасаввурларимиз, билимларимизни кенгайтиришга, нафси тийиш, маънавий юксалишимизда ибрат ва даъват бўлиб хизмат қилади⁴⁶⁰.

Зиёратгоҳларга ташриф туризм соҳаси билан боғлиқ бўлиб, бу соҳа XXI асрда дунё миқёсида энг устувор фойда келтирувчи соҳага айланган. Ҳозир у автомобилсозлик ва нефтни қайта ишлаш соҳасидан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди⁴⁶¹. Туризм соҳасини ривожлантириш миллий ва минтақавий иқтисодиётни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотчи олим С.Рўзиев Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришни босқичларга бўлиб, биринчи босқич, 1992 йил Ўзбектуризмнинг ташкил этилиши, 1993-1999 йиллар – иккинчи босқич – туризм тўғрисидаги қонун қабул қилиниши, 2000 йилдан учинчи босқич бошланганини, бунда зиёрат туризми ҳам алоҳида ўрин эгаллашини қайд этиб ўтади⁴⁶². Мазкур босқичларга тўртинчи босқич сифатида 2017 йилдан кейинги туризм соҳасида кенг миқёсидаги давлат эътиборини киритиш мумкин.

Тадқиқотчи О.Жалиловнинг фикрича, Ўзбекистонда махсус туризмнинг диний ва тарихий аҳамиятидан келиб чиқиб, ривожлантиришнинг учта йўналиши таклиф этилади. Биринчиси, бу Қорақалпоғистон, Навоий, Каттақурғон, Кармана, Ходжайли, Беговит шаҳарларида туризмнинг моддий-техник базасини шакллантириш бўлса, иккинчи йўналиш: Қарши – Термиз ҳудудларида тарихий археологик туризмни ривожлантириш, бунда курорт – дам олиш турлари билан чамбарчас боғлаш таклиф этилади. Унинг фикрича, келаётган туристларнинг 5-10% и мазкур ҳудудларга ташриф буюриш истагини билдиришади ва бунинг учун Қарши, Шаҳрисабз, Термиз – Денов шаҳарларининг моддий-техник, туристик базасини мустаҳкамлаш назарда

⁴⁶⁰ Комилов Н. Янги ҳаёт тоған таълимот // Истиклол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши (Фарғона). Ўзб. Респ. мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 79-81.

⁴⁶¹ Dağdeviren A., Özdemir H., Göker G. Ilgaz İlçesinin Turizm Potansiyeli (Tourism Potential of Ilgaz District) // Journal of Tourism and Gastronomy Studies, 5-4 (2017). – pp. 504-533; Файзиева Ш. Основные направления развития туризма в Узбекистане // Экономический Вестник Узбекистана. – 2004, №3. – С. 61.

⁴⁶² Рўзиев С.С. Ўзбекистонда маданий туризм бозори ва унинг истикболлари. Икт.фан.номз. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2009. – Б. 11-12.

тутилади⁴⁶³. Бундан ташқари, бу ҳудудларда экологик туризмни ривожлантириш ҳам муҳим ҳисобланади⁴⁶⁴.

Ўзбекистон замини ислом цивилизациясининг муҳим марказларидан бири сифатида бутун дунё сайёҳларини ўзига чорлаб келмоқда. Бунда туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар сифатида Халқаро туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Вақф хайрия жамият фонди, Ташқи ишлар вазирлиги, вилоят ҳокимликларининг туризм бошқармаси, ISESCO (Таълим, илм-фан ва маданият бўйича ислом ташкилоти), UNWTO (Бутунжаҳон туристик ташкилоти) зиёрат масалалари билан ҳамкорликда шуғулланади⁴⁶⁵.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Зиёрат туризми бўйича мамлакатимизнинг салоҳияти жуда юқори⁴⁶⁶ бўлиб, мазкур йўналишда зарур қулайликлар яратиш мақсадида, Дин ишлари бўйича қўмита таркибида “Зиёрат туризмини қўллаб-қувватлаш бўлими” ташкил этилди, айрим мусулмон мамлакатлари фуқаролари учун визасиз режим жорий қилинди.

Бу ерда масаланинг яна бир муҳим жиҳати шу бўлдики, 2018 йил 21-23 февраль кунлари Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ислом маданиятининг пойтахти сифатида намоён бўлиб келган Бухорода туризм форуми ўтказилиб, зиёрат туризми декларацияси халқаро миқёсида имзоланди⁴⁶⁷. Бу тадбирдан кўзланган мақсад, республикамиз ҳудудларида зиёрат туризмини ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, бу соҳага тўғридан тўғри инвестицияларни

⁴⁶³ Джалилова О. Основные направления развития туризма в Республике Узбекистан // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Т.: 2010. – С. 149-151.

⁴⁶⁴ Атабекова С.Ф. Экологический туризм как новый вид туризма // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Т.: 2010. – С. 160-162.; Мухитдинов З.А. Туризм и экология: проблемы и перспективы развития // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Т.: 2010. – С. 174-177.

⁴⁶⁵ Гаибназарова З.Т. Перспективы развития туристического потенциала Узбекистана // Научные исследования экономического факультета. Электронный журнал. 2019. – Том 10. Выпуск 1. – С. 94-104.

⁴⁶⁶ Туризм – мамлакатимиз иктисодиётининг эртанги қуни. <https://president.uz/uz/1516>; Мирзиёев Ш.М. Оққўнгил, ориятли ва меҳнатқаш инсонлар юрти (Сурхондарё вилояти) // Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 273-302.; Ўша муаллиф. Ҳар қандай синовларни енгишга қодир халқ // Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 303-336.

⁴⁶⁷ Ўзбекистонни зиёрат туризмнинг марказларидан бири сифатида эътироф этиш тўғрисида Бухоро декларацияси имзоланди. // Халқ сўзи. 2019 йил 22 февраль.

жалб қилиш, Ўзбекистонни дунёдаги энг катта зиёратчилик туризми марказларидан бири сифатида эътироф этиш ва ҳалол жаҳон стандартларини жорий қилиши белгиланган эди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сонли Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №709-сонли Фармойиши қабул қилинади. Унга кўра, “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Ушбу фонд олдида юртимиздаги тарихий, меъморий аҳамиятга эга зиёратгоҳларни сақлаш, таъмирлаш, ободонлаштириш, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг диний-маърифий асарларини чоп этиш, юртимиздаги кадамжо ва зиёратгоҳларнинг мусулмон оламидаги нуфузини янада ошириш, зиёратгоҳларга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат вазифа қўйилди⁴⁶⁸.

Айтиш мумкинки, 2016-2018 йиллар давомида бу соҳада қабул қилинган қонунларнинг ижросини Қашқадарё вилояти рақамларида кузатсак, ҳудудда 1043 та археологик, 208 та меъморий, 27 та диққатга сазовор жой, 43 та монументал жами 1321 та моддий-маданий мерос объектлари сифатида 50 та жойлаштириш воситалари (2646 ўрин), 100 тадан ортиқ миллий ва европа таомлари тайёрлайдиган ресторан ҳамда миллий услубдаги чойхоналар, 18 та туроператорлик субъектлари фаолияти ташкил этилди. Шу билан бирга, 17 та туристик синфга мансуб автотранспорт воситалари, 43 та ҳамроҳ-таржимон сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. 2018 йилнинг январь-ноябрь ойларида вилоятга жами 1,4 млн. туристлар ташриф буюрган бўлиб, шундан 62,7 минг нафари хорижий сайёҳларни ташкил этади. Хорижлик сайёҳлар сони икки баробарга ошган. Сайёҳларнинг асосий қисмини Европа (46,4% – Италия, Франция, Германия, Испания, Буюк Британия), қўшни

⁴⁶⁸ Мирзиёев Ш.М. Оққўнгил, ориятли ва меҳнаткаш инсонлар юрти (Сурхондараё вилояти) // Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 273-302.; Ўша муаллиф. Ҳар қандай синовларни енгишга қодир халқ // Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 303-336.

мамлакатлар (27,4%) ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари (12,6%) фукаролари ташкил этади⁴⁶⁹.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 августдаги 708-сонли Фармойишига асосан⁴⁷⁰ вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича 2018 йилнинг 11 ойида 183 млрд. сўмлик 54 та лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, 810 ўринга эга бўлган 11 та жойлаштириш воситалари, 21 та ресторанлар ва кафелар, 4 та туроператорлик субъектлари ташкил қилинди. 13 та туристик классдаги автобус ва микроавтобуслар, 4 та электромобиллар олиб келинди. Автотранспорт воситалари, сигвейлар ва велосипедларни ижарага бериш йўлга қўйилди⁴⁷¹. Бу соҳадаги энг муҳим қадам – 2018 йилда Тошкент шаҳридан Шаҳрисабз шаҳригача тез юрар (Афросиёб) поезди қатнови йўлга қўйилди. Қарши халқаро аэропортини “Очиқ осмон” тизимида ишлаши учун самарали ишлар амалга оширилди⁴⁷².

Вилоят ва Шаҳрисабз шаҳрининг туристик хариталари, туристик буклет, флаер ва китобчалар ишлаб чиқилиб, ахборот марказлари орқали бепул тарқатилиши йўлга қўйилди. Сайёҳларни жалб қилиш ва уларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш мақсадида 2018 йилнинг ўзида Амир Темур таваллудини ҳар йили анъанавий шаклда нишонлаб бориш таъминланди⁴⁷³.

2018 йилнинг 6-10 сентябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳрида “Халқаро мақом санъати анжумани” ташкил этилди. Анжуман доирасида хунарамандлар фестивали, фольклор гуруҳлар конкурслари юқори даражада ўтказилди⁴⁷⁴. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13-14 декабрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида Қашқадарё вилояти Туризмни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан 8-9 февраль кунлари етакчи туроператорлар, оммавий ахборот воситалари ва блогерларни Қашқадарё вилоятининг

⁴⁶⁹ Қашқадарё вилоятининг мавжуд туристик салоҳияти ва соҳани ривожлантиришнинг устувор вазифалари тўғрисида тезислар // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 19 март.

⁴⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги 2019 йил 18 январь конун ҳужжатлари тўплами.

⁴⁷¹ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 18 июнь.

⁴⁷² Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри ва тумани. 2021 йил 17 июль.

⁴⁷³ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри. 2021 йил 17 июль.

⁴⁷⁴ Қашқадарё вилоятининг мавжуд туристик салоҳияти ва соҳани ривожлантиришнинг устувор вазифалари тўғрисида тезислар. – Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. 2024 йил 7 август.

туризм салоҳияти билан таништириш мақсадида "Info-Tour" ташкил этилди⁴⁷⁵.

2019 йилда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар сифатида Шаҳрисабз шаҳрида Республика бўйлаб фаолият олиб бораётган санъат вакиллари орасида "Мақом анжумани" ҳамда турли янги замонавий кўринишдаги фестивалларни ташкил этган ҳолда Шаҳрисабз шаҳрини "Фестиваллар шаҳри"га айлантириш, Китоб туманидаги "Хожагий Имканагий" зиёратгоҳи, Миришкор тумани Женов қишлоғидаги "Исоқ Ота" мажмуаси, Ғузор тумани Ғузор шаҳридаги "Мусофир Ота" зиёратгоҳини ва туризм объектларига олиб боровчи жами 83 км йўл ва йўлбўйи инфратузилма Инвестиция дастурига киритилди.

Туризм салоҳияти ва инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида 2019-2020 йилларда қиймати 299,3 млрд.сўм ўзлаштириш ҳисобига 72 та лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳамда 944 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилди. Жумладан, 15 та меҳмонхона, 40 та меҳмон уйлари, ўтов уйлар ва дам олиш уйлари ташкил этиш лойиҳалари, 4 та аҳоли дам олиш масканларини барпо этиш лойиҳалари; транспорт инфратузилма соҳасини ривожлантириш бўйича 7 та туризм тоифасидаги транспорт воситаларини харид қилиш; йўл бўйи инфратузилма объектларини барпо этиш лойиҳалари бўйича меҳмонхона, автотураргоҳ, савдо расталари барпо этиш лойиҳалари амалга оширилди⁴⁷⁶.

Вилоятга 2019 йилда 95 та хорижий давлатлардан 144,2 минг нафардан ортиқ хорижий туристлар ташриф буюриб, 2018 йилга нисбатан 1,7 бараварга ошган. Ички сайёҳлар сони ўтган 2019 йилда 1 млн. 650 минг нафарни ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 150 минг нафарга ошган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13-14 декабрь кунларида Қашқадарё вилоятида ташрифлари вақтида Шаҳрисабз шаҳрини фестиваллар шаҳрига айлантириш бўйича берган

⁴⁷⁵ Xalq so'zi gazetasi. – 2019 йил 31 август, 179-сон.

⁴⁷⁶ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 18 июнь.

таклифларига асосан йил давомида 15 га яқин Халқаро фестиваллар ўтказиш режалаштирилди. Қолаверса, 16-22 май кунлари “Sevimli” ва “BBC” телевидениялари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартдаги “Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 198-сонли Қарорида кўрсатилган Варганза, Ҳазрати Башир, Ғелон, Сувтушар қишлоқларида ташкил этилаётган янги туризм йўналишлари, Китоб кенглик станцияси, “Сийпантош” ёдгорлиги ва унинг атрофидаги туристик масканлар ҳақида кўрсатувлар суратга олинди⁴⁷⁷.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги “Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 631-сонли Қарорига асосан 2019 йилдан Қашқадарё вилоятида ҳозирги кунга қадар жами 41 та меҳмон уйлари ташкил этилган бўлиб, улардан Қарши шаҳрида 4 та, Шаҳрисабз шаҳрида 33 та, Китоб туманида 2 та, Шаҳрисабз туманида 1 та ҳамда Чирокчи туманида 1 та меҳмон уйлари фаолият олиб бормоқда⁴⁷⁸.

2020 йилда Қамаш тумани М-39 халқаро магистралида лойиҳа қиймати 6 млрд. сўмлик “Arsh” меҳмонхона комплекси ва йўл бўйи инфратузилма объектлари ишга туширилди. Қарши шаҳрида лойиҳа қиймати 10 млрд. сўмлик янги “Буюк қарвон” меҳмонхонаси иш бошлади. Қарши тумани Қовчин қишлоғидаги Абул Муъин Насафий мажмуасида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, кутубхона ва Насафийлар музейи ташкил қилинди⁴⁷⁹. “Одина” масжиди, “Лангар ота” зиёратгоҳларида капитал таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. “Абул Муъин Насафий”,

⁴⁷⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қарор ва фармонлар ижроси юзасидан Қашқадарё вилоятининг туризм соҳасида эришилган натижалар тўғрисида маълумот // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 19 март.

⁴⁷⁸ Назаров М.И., Жумаев Х.Х. Қашқадарё вилоятининг сайёҳлик йўналишлари географияси // Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Чирчиқ, 2019. – Б. 134-138.

⁴⁷⁹ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2021 йил 18 июль.

“Қусам Шайх” зиёратгоҳларида йўл кўрсатгичлар ўрнатилди⁴⁸⁰. Қарши халқаро аэропорти чартер рейсларни қабул қилишни бошлади.

Қуйида Қашқадарё вилоятида зиёрат туризми бўйича муқаддас кадамжоларнинг йўналиши юзасидан йўл кўрсаткич таклиф этилади:

Қашқадарё вилоятида зиёрат туризми бўйича йўл харитаси:

Қарши шаҳри: Абу Убайда ибн Жарроҳ зиёратгоҳи – Қарши шаҳри, Гулшан маҳалласи, Жайхун кўчаси;

Қарши тумани: Абул Муъин Насафий архетектура мажмуаси (XI-XVII асрлар) – Қарши тумани Қовчин қишлоғи, Шайх Шамсиддин Ҳалвоний зиёратгоҳи (XIV аср) – Қарши тумани Қовчин қишлоғи, Етти туғ ота мақбараси (XVII аср) – Қарши тумани, Патрон қишлоғи;

Ғузор тумани: Мири Жанда (Шаҳобуддин Умар Сухравардий) зиёратгоҳи (XII-XIII асрлар) – Ғузор тумани Мардтепа қишлоғи, Амир Ғузорий меъморий обидаси (XVII аср ўрталари, XIX аср боши) – Ғузор тумани Мардтепа қишлоғи, Қумчўп ота (VIII-IX асрлар) – мил.авв. VI-IV асрлардаги қадимги қабла кўрғон ўрнида пайдо бўлган. Ғузор тумани Соғбон қишлоғи, Тоҳир-Зухра мажмуаси – Ғузор тумани Дўнгтепа, ҳозирги Тоҳир-Зухра қишлоғи;

Нишон тумани: Абу Туроб Нахшабий зиёратгоҳи, аввалги номи халқ орасида "Шаҳид ота" ёки "Чилламозор" зиёратгоҳи (IX аср) – Китоб тумани Қарри Нишон мавзеси, Жунайд Бағдодий рамзий қабри аввалги Найман ота зиёратгоҳи (IX-X асрлар) – Нишон тумани Откудук қишлоғи;

Косон тумани: Қусам Шайх мақбаралар мажмуи (IX-XIX асрлар) – Косон тумани Пудина қишлоғи, Абдурахмон Халифа мақбараси (XIX аср) – Косон тумани Пўлоти қишлоғи, Оллоҳёр Эшон кадамжоси (XVIII аср) – Косон тумани Бўлмас қишлоғи, Ғойиб ота зиёратгоҳи, рамзий қабр (тах. XVI аср) – Косон тумани Месит қишлоғи;

Касби тумани: Султон Мирҳайдар ёдгорлик мажмуи (XIII-XVI асрлар) – Касби тумани Касби қишлоғи;

Миришкор тумани: Исҳоқ ота зиёратгоҳи (XVI аср охири – XVII аср боши) – Миришкор тумани Женов қишлоғи;

⁴⁸⁰ Дала тадқиқотлари. – Қарши шаҳри, 2024 йил 26 май.

Муборак тумани: Муборак ал-Марвазий зиёратгоҳи (яшаб ўтган йиллари VIII аср, мақбара XIV аср) – Муборак тумани Хожа Муборак қишлоғи;

Қамаши тумани: Катта Лангар ота зиёратгоҳи (XVI аср) – Қамаши тумани Лангар қишлоғи, Ўғлонжон ота мақбараси (XVI аср) – Қарши тумани Пасттол қишлоғи, Мушкул ота зиёратгоҳи (XVIII аср) – Қамаши тумани Бердоли қишлоғи;

Чироқчи тумани: Катта Лангар ота мақбараси (XVI-XVIII асрлар) – Чироқчи тумани Лангар қишлоғи, Кичик Лангар зиёратгоҳи (XVII аср) – Чироқчи тумани Лангар қишлоғи, Кўк тунли зиёратгоҳи (Чироқчи тумани Қахрамон қишлоғи, Оқ туяли зиёратгоҳи (XVII аср) – Чироқчи тумани Зарбдор қишлоғи;

Яккабоғ тумани: Имом Абу Юсуф зиёратгоҳи – Яккабоғ тумани Имомёқуб қишлоғи, Ҳазрати Лангар зиёратгоҳи (XV аср) – Яккабоғ тумани Лангар қишлоғи, Хожа илғор зиёратгоҳи (XV-XVI асрлар) – Яккабоғ тумани Хожа илғор қишлоғи, Тезоб ота мақбараси (XVII аср) – Яккабоғ тумани Хожа илғор қишлоғи, Шоди Шайх Валий зиёратгоҳи (тах. XV аср) – Яккабоғ тумани Ҳусин қишлоғи, Саховат ота мақбараси (XV аср) – Яккабоғ тумани Тўртбулоқ қишлоғи, Дархон момо зиёратгоҳи (XIV аср) – Яккабоғ тумани Дархон қишлоғи;

Шаҳрисабз шаҳри: Дорут-тиловат мажмуаси (XIVаср), Дорус-саодат (XIV аср), Кўк гумбаз масжиди (XV аср), Гумбази Саййидон (XV аср), Амир Темур ер ости даҳмаси (XV аср) – Шаҳрисабз тарихий маркази Ипак йўли кўчаси;

Умуман, юртимизда мавжуд зиёратгоҳ, мақбара, қадамжолар ҳалқимизнинг диний ва миллий қадриятлардан бири саналади. Бугунги кунда ватанимиз тупроғида ҳоки ётган шахслар ҳаёти, фаолияти, зиёратгоҳлар тарихи, у ердаги урф-одатларни ўрганиш, маънавий меросимиз сифатида ёш авлодга етказиш, республика, вилоят, туман миқёсидаги зиёратгоҳларнинг мусулмон оламидаги мавқеини ошириш, у ерга маҳаллий ва хорижий зиёратчиларни жалб этиш, зиёрат туризмини ривожлантириш олдимизда турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

3.2. ВИЛОЯТ ЭКОТУРИЗМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қабр зиёрати ва экотуризм билан боғлиқ зиёратгоҳлар:

Китоб тумани: **Ҳазрат Султон** зиёратгоҳи – Китоб тумани Ҳазрати Султон тоғи Шут қишлоғида жойлашган, аҳоли орасидаги номи "Кўҳи тавба", "Авғойи қиёмат" деб аталади, баландлиги жиҳатдан Республикада бешинчи нуқта ҳисобланади. Тожикистон чегараси, Зарафшон-Ҳисор тоғ тизмасининг айрилиш жойида жойлашган. Оқ сув дарёси худди шу ердан бошланади; **Ҳазрати Башир** зиёратгоҳи (XVI аср) – Китоб тумани Ҳазрати Башир қишлоғи Койни тоғида жойлашган, ёнидан Оқ сув дарёси оқиб ўтади, катта чашма бор, қабри арча кўкарган тепаликда жойлашган, пастда чиллахонаси бор; **Хожа Нёматуллоҳ** зиёратгоҳи (XIV-XV асрлар) – Китоб тумани Мўғул қишлоғи, Амир Темурнинг пири Мир Саййид Бараканинг акаси, рамзий қабр, асл қабри Эроннинг Моҳон қишлоғида. Чиройли табиат манзараси бўлган адирликда жойлашган, ёнида булоқ, ҳовуз бўлиб, унда еб бўлмайдиган кулранг балиқлар бор; **Хожагий Имканагий** зиёратгоҳи (XVI-XVII асрлар), Мавлоно Абдулбоқий Хожагий Имканагий Нақшбандия тариқати Хожагон йўналиши тарғиботчиси, у ерда минг йиллик чинор, масжид, чиллахона бор; **Оқ сув** зиёратгоҳи (XVI аср) – Китоб тумани Хожа Исфароз қишлоғи, Нақшбандия тариқати йирик вакили, Мавлоно Абдулбоқий Имканагийнинг оталари Дарвеш Муҳаммад Вахшуворий дафн этилган. Ёнидан Оқ сув дарёси оқиб ўтади, минг йиллик чинор ва масжид бор, қадимда бу ерда мадраса бўлган;

Дехқонобод тумани: **Хожаипок** зиёратгоҳи – Дехқонобод тумани Хожаипок қишлоғида, Туркменистон билан чегарадош тоғли худудида жойлашган. У ердан олтингугуртли сув чиқади, балчиқ бор, суви тери касалликларига даъво; **Хожаи Ипакконсой** чашмалари – Дехқонобод тумани Қорадаҳна қишлоғи, қишлоқнинг жанубида Жирабулоқ булоғи бор, Шаршар ота ва Шўркўл суви Хожаи Ипакконсой чашмалари деб аталади, икки булоқ суви таркибида шифо берувчи маданлар бор. Шўрсув таркибида калий, олтингугурт каби моддалари кўп. Хожаи

Ипакконсой чашмалари манзарали, чиройли жойда жойлашган, атрофида ноёб гўзал дарахтлар, pistaзорлар бор. Булоқлар атрофида қизилмия ўсимлиги кўп учрайди, тошлари қип-қизил, бу ердан ўтган кишини кийими қизил чангга беланади. Қояларда турли ҳайвонларнинг суратлари чизилган. Бу суратлар Сармишсой суратларига ўхшаб кетади, аҳоли орасида табиат музейи дейилади.

Таъкидлаш жоизки, ички ва ташқи сайёҳликни кенг йўлга қўйиш, республикада туризм соҳасини модернизациялаш, соҳани барқарор ривожлантириш, туризм марказлари ҳисобланган ҳудудларда туристик, маиший ва алоқа-ахборот инфратузилмаларини кенг йўлга қўйиш, маҳаллий ва хорижий меҳмонларга халқаро стандартларга мувофиқ хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада белгиланган тадбирларни амалга ошириш, юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш, биринчи навбатда, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг мавқеини мустаҳкамлайди, хорижий инвесторлар учун янги имкониятлар ва ишончли ҳамкорлик эшикларини очади, мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичлари барқарорлигига, аҳоли даромадлари, бандлиги ва тадбиркорлиги каби кўрсаткичларнинг яхшиланишига омил бўлиб, хизматлар соҳасининг янада такомиллашувига сабаб бўлади.

Зиёрат туризми фаолиятини кенгайтиришда зиёрат объектларнинг йўл маршрутини тузиш аҳамиятли ҳисобланиб, бу Республика туризм йўналишининг кенгайишига хизмат қилади.

ҲАЗРАТ СУЛТОН НОМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАДАМЖО

Китоб туманининг шимолий-шарқида Ҳазрати Султон тоғи жойлашган, у денгиз сатҳидан 4135 метр баланд бўлиб, Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмаларининг айрилиш жойида Ғова чўққисига туташган⁴⁸¹. Бу жой Ҳазрати Султон номи билан боғлиқ қадамжо бўлиб, маҳаллий аҳоли уни “Кўҳи тавба”, “Авғойи қиёмат” деб атайд⁴⁸².

⁴⁸¹ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2024 йил 10 август.

⁴⁸² Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. – Т.: Фан, 1996. – Б. 37.

Эрамиздан олдинги VII-VI асрларда, балки ундан олдин ҳам маҳаллий сўғдлар (зардуштийлар) Ҳазрат Султон тоғининг устига чиқиб қўёшга қараб топинганлар. Ўша пайтда бу қоя номи тарихга “Сўғд қояси” номи билан киритилган. Унинг устида оташпарастлар қурбонликлар қилишган. Ҳозиргача тарашлаб йўнилган тош супада қурбонлик қилувчи қон ялоғ сақланиб қолган. Тоғ устидан қуёш кийнаиб чиқгандек, 2-3 маротаба пастга-юқорига тебраниб чиқади. Шу пайт қурбонлик сўйилган. Ушбу жойда дастлаб мўжазгина қаср ҳам бўлган, кейинчалик бузиб ташланган⁴⁸³.

680 йили Халифа Муовия вафотидан кейин Ироқда умавийларга қарши ҳаракат бошланади. Куфа шиалари Имом Ҳусайнни ўзларининг имоми деб Куфага ташлиф қилади ва Халифа Язидга қарши қўзғолонга бош бўлишни сўрайдилар. Имом Ҳусайн жангчилари билан Маккадан Куфага етган вақтда Карбало даштида халифаликнинг етти минг қўшини қарши чиқади. 680 йили 10 октябрда Имом Ҳусайн (Р.А)ни Синан ибн Авс ибн Амир ан-Нахаъий найза санчиб ўлдирган эди... Синан ўзи отдан тушиб каллани танадан узди. Бу мислсиз жиноят ҳижрий 61 йил жума куни бўлди. Ўша куни ашуро кунига тўғри келган эди.⁴⁸⁴ Имом Ҳусайн Карбало даштида дафн этилган. Бу жой шиаларнинг муқаддас зиёратгоҳи ҳисобланади.

Ривоятда Имом Ҳусайн жангда ҳалок бўлгач, боши танадан жудо қилиниб, Язидга келтирилади. Қўшин бошлиғи Хожа Довуд Дамашкий Имом Ҳусайннинг боши ўрнига ўз ўғли Ҳусайннинг бошини қолдириб каллани олиб қочади. Ғова чўққисига олиб келади. Шу ерда дафн этади. Чўққига етиб боргач шериги Мубил ота ҳам шаҳид бўлади.⁴⁸⁵ Ҳазрати Султон тоғининг баланд чўққиси 70-80 киши намоз ўқиши учун тошни тарашлаб қўйгандек текис, супанинг ғор, яъни қибла томонида қабр бўлиб, унга Имом Ҳусайннинг боши қўйилганлиги айтилади⁴⁸⁶.

⁴⁸³ Бердиев А. Саёҳат ва зиёратнома. Сирли Ҳазрати Султон тоғи ҳақида. – Т.: Тафаккур чаманзори, 2023. – Б. 132.

⁴⁸⁴ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Hilol-nashr, 2016. – Б. 129.

⁴⁸⁵ Дала тадқиқотлари. – Қашқадарё вилояти Китоб тумани. 2024 йил 10 август.

⁴⁸⁶ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Иккинчи жуз. – Т.: Hilol-nashr, 2018. – Б 34.

Қаърида катта тарихни беркитган Ҳазрати Султон тоғи ханузгача ўз улуғлигини сақлаган ҳолда узоқ-узоқлардан салобат билан кўзга ташланиб туради. Тоғнинг улуғлигига салобат берувчи ҳодисалардан яна бири, эрталаб қуёш чиқиши вақтида тоғнинг энг баланд чўққисидан уфққа қаралганда қуёшнинг икки уч маротаба пастга юқорига тушиб чиқишидир. Оддий кўз билан қаралганда қийналиб чиқаётгандек кўринади. Аслида бунинг сабаби ернинг ўз ўқи атрофида 3-6° тебранишидир. Кун ботиш вақтида тоққа ўт кетгандек қизариб кўринади. Тоғнинг салобатини оширувчи ҳодисалардан яна бири, у ердаги Қабзахона қишлоғининг эски ўрнидан қаралганда, қуёш тоғ устига келганда қоянинг одам боши шаклида кўринишидир⁴⁸⁷. Ҳазрати Султон чўққиси қадимги даврдан ҳозиргача ўзининг сирли ва жозибалигига билан зиёратчиларни ўзига жалб қилиб келмоқда.

“Мусибатнома” китобида келтирилишича, Имом Ҳусайннинг боши Қарға ва Мастуралар томонидан олиб қочилган бўлса, Ҳазрати Сулгон тарихида эса Хожа Довуд Дамашқий томонидан олиб қочилади. Ҳар икки муҳиби хонадонларнинг бири Карбалогоа қочса, бири Ҳисорга қочади.

Қадимий тарихларда подшоҳлар, номдор кишилар, полвонларнинг қабрлари сир тутилган. Дафн қилинган жойлари бир неча жойда кўрсатилган. Бу ишлар душманлар маййитни ўғирлаб азоб бермасин деган мақсадда қилинган. Имом Ҳусайннинг муборак бошларини дунё кездириб, ҳар жойга “дафн этилиши” ва шу билан боғлиқ тарихларни яратилиши юқоридаги фикрлардан холи эмас. Имом Ҳусайннинг бошларини қолган жойларга ҳам худди шундай йўл билан “қелтирилиши” Язиднинг қўшинини чалғитиш учун муҳиблар ташкил этган тадбирлардан бири бўлса ажаб эмас. Карбалода Имом Муҳаммади Ҳанифа, акаларининг бошларини танларига восил қилишда шахсан иштирок этишлари, ҳақиқий бош ўз таналарига яъни, Карбалода деб тушиниш мумкин. Масалани яна бир қизиқ томони шундаки, Муқанна қўзғолони 774-783 йиллар орасида бўлган бўлса, Имом Ҳусайн салкам

⁴⁸⁷ Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. – Т.: Фан, 1996. – Б. 38.

94 йил олдин дашти Карбалода шаҳид бўлганлар⁴⁸⁸. Шунинг учун Ҳазрати Султон тарихи кейинроқ ёзилиб, ушбу жой зиёратгоҳга айлан-тирилган дейиш мумкин. Ҳазрати Султон тоғи қадамжо ҳисобланади.

Шунингдек, Китоб туманининг тоғ ҳудудидаги Ҳазрати Башир қишлоғида Ҳазрати Султон Саид Аҳмад номи билан боғлиқ археологик ёдгорлик (XV аср) мавжуд бўлиб, у “Шоҳак” деган манзил билан боғланиб, бу йўл Ҳазрати Башир зиёратгоҳига, иккинчиси Самарқандга олиб боради⁴⁸⁹. Ҳазрати Султон тоғининг сири ханузгача инсониятни лол қолдириб келади. Тоғ Китоб туманининг шимолий шарқида жойлашган бўлиб, баландлиги жиҳатдан Республикада 5 нуқта ҳисобланади. Денгиз сатҳидан 4135 метр баланд бўлиб, Китоб шаҳридан 82 километр шимоли шарқда Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизимларининг айрилиш жойидаги Гова чўққисига туташ.⁴⁹⁰

Республиканинг турли ҳудудларидан кўплаб зиёратчилар, маҳаллий аҳоли келиб бу жойни зиёрат қилишади. Тоғ қадимдан ҳам улуг жой ҳисобланиб, маҳаллий аҳоли уни “Кўҳи тавба” яъни “тавба қилганларнинг гуноҳини куйдирувчи” деб атайдди. Тоғ ҳавоси жуда совуқ бўлганлиги сабабли, ёз фаслида 20 июлдан 20 августгача зиёратчилар Ҳазрат Султон зиёратгоҳига боришади.

ХОЖАИПОК ОТА ЗИЁРАТГОҲИ **(Дехқонобод тумани)**

Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Қўрғонтепа маҳалласи Хожаипок қишлоғи тоғ ҳудудида Туркменистон Республикаси билан чегарадош. Тоғли Хожаипок қишлоғида халқ орасида араб истилосидан кейин X-XI асрларда ислом динини тарғиб қилиш учун келган Хожа Соат, Хожа Булғон, Хожа Туллик, Хожа Маҳмуд, Хожа Обигарм, Хожаикон каби етти Хожалардан бири бўлган Хожаипок ота номи билан боғлиқ рамзий зиёратгоҳ жойлашган⁴⁹¹.

⁴⁸⁸ Бердиев А. Саёҳат ва зиёратнома. Сирли Ҳазрати Султон тоғи ҳақида. – Т.: Тафаккур чаманзори, 2023. – Б. 141-142.

⁴⁸⁹ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2024 йил 8 август.

⁴⁹⁰ Қашқадарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Қарши шаҳри, 2024 йил 8 август.

⁴⁹¹ Дала тадқиқотлари. Дехқонобод тумани, Қўрғонтепа маҳалласи Хўжаипок қишлоғи. 2024 йил 20 июль.

Хожа сўзи форсча (обрў эътиборли киши, соҳиб, савдогар, мураббий)-фаҳрий унвон ва мурожаат шакли. Марказий Осиёда XX аср бошига қадар Хожалар – хулафои рошидин (Абу Бакр, Умар (асосан), Усмон ва Али (унинг Муҳаммад (с.а.в.) нинг қизлари Фотимадан бўлган авлодларидан ташқари, авлодлари даъво қилувчи шахсларнинг фаҳрий унвони. Бошқа манбаларда Хожалар арабларнинг фатҳий юришларига бошчилик қилган саркардалар авлодлари деб ҳисобланади. Хожалар исломда оқсуяклар табақаси сифатида саййидлардан кейин туриб имтиёзларга эга бўлишган⁴⁹². Баъзи мусулмон мамлакатларида ҳозир ҳам уларнинг имтиёзлари сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Қашқадарё воҳасининг тоғ ҳудудларида Хожалар номи билан боғлиқ кишлоқлар, табиий ҳудудлар, зиёратгоҳлар, қадамжолар мавжуд. Р. Я. Рассудованинг ёзишича, Хожа сўзи форсча “қатта бошлиқ” маъносини билдирган. Лекин Хожа сўзининг турли даврларда ва турли ҳудудларда иккинчи даражали бошқа маънолари ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, қозоқлар ва қирғизларда “Хожа” деб диний илм берувчи мактабларда дарс берадиган муаллимларга айтилган⁴⁹³. Хожа сўзи қайси даврда, қайси минтақада ва қандай маънони англатишидан қатъий назар, Хожа дейилганда, асосан, ўзларининг этник келиб чиқишини араблар билан боғловчи аҳоли тушунилган.

Хожаипок ота зиёратгоҳи 1990 йилларгача очиқ жойда жойлашган бўлиб, мустақилликка эришганимиздан сўнг маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли билан қабр устига одмигина бир хонали мақбара қурилган, томи эса текис қилиб лойшувоқ билан ёпилган. Ҳовлида яна битта қабр бўлиб, аҳоли вакилининг айтишича у Хожаипок ота хизматкорининг қабридир. Маҳаллий манбага кўра, Марказий Осиёни араблар ишғол қилгандан сўнг, араб саркардалари ислом динини ёйиш учун хизмат қилган, уларнинг қабрлари зиёратгоҳга айланган. Ушбу зиёратгоҳ ҳам қадим даврлардан буён мавжуд⁴⁹⁴. Аҳоли орасида етти

⁴⁹² Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашрети, 2017. – Б. 551-552.

⁴⁹³ Тошқулов К. Дехқонобод тарихи ва тараққиёти. Учинчи китоб. – Т.: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 10-11.

⁴⁹⁴ Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Каттакўрғон маҳалласи Хўжаипок кишлоғида яшовчи, 1975 йилда туғилган Аширов Келдиёр билан бўлган суҳбат. Зиёратгоҳ мутаваллиси. 2024 йил 20 июль.

Хожа, етти пир деган тушунчалар бўлиб, улар ислом динини тарғибот ва ташвиқот қилишган ҳамда аҳолига пир бўлишган. Хожалар ҳақида аҳоли орасида турли хил ривоятлар мавжуд. Тахминимизча, бу ердаги қабр рамзийдир. Қабрда ким ётганлиги ноъмалум. Чунки, илмий изланишлар давомида Хожайпок ота ҳақида маълумотлар учрамади.

Мовароуннаҳрда ислом динини тарғиб ва ташвиқ қилган зотлардан бири Хожа Аламбардор (X аср) бўлиб, у Имом Абу Бакр Муҳаммад Қаффол Шошийнинг сафдоши, аламбардор (байроқдор, динни байроқ қилиб кўтариб, ташвиқ этувчи) номи билан танилган. Манбаларга кўра, унинг тахмин қилинган қабри Тошкентнинг Камолон дарвозаси ортида бўлган⁴⁹⁵. Бу манба ҳақиқатга яқиндир. Фақатгина Ўзбекистон ҳудудида Тошкентдаги Хожа Аламбардор тарихий шахс бўлиши мумкин. Тарихда аламбардорлар кўп ўтган, улар халқнинг юксак эътиборида бўлишган.

Зиёратгоҳ Дехқонобод марказидан анча узоқ, тоғ ҳудудида жойлашганлигига қарамасдан баҳор фаслининг май ойидан куз фаслининг сентябрь ойларигача зиёратчилар билан гавжум. Хожайпок ота зиёратгоҳи атрофидан олтингугуртли сув чиқади ва ундан ҳосил бўлган кўл, балчиқ бор. 1987 йилда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Н. А. Семашко номидаги республика курортология ва физотерапия институти мутахассислари Хожайпок ота сувининг таркибини ўрганиб, Д. Менделеев жадвалидаги менерал моддаларнинг борлигини аниқлаган ва касалликларга шифо бўлиши айтилган⁴⁹⁶.

Зиёратгоҳдаги сув ва иссиқ балчиғи асосан июнь, июль ойларида қуёш нури таъсирида исиб, беморларга шифо бўлиш хусусиятига эга. Олиб борилган сўровларга кўра, маҳаллий аҳоли шифобахш сувни Хожайпок ота қаромати деб баҳолашади ва ундан фойдаланганда, шифо бўлишига катта умид билдиришади.

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани тоғ ён бағридаги Хожайпок қишлоғида ҳам Хожайпок номи билан аталган зиёратгоҳ жойлашган. Бу қадамжони маҳаллий аҳоли IX-X асрларда Арабистондан ватанимиз ҳудудига ислом динини ёйиш учун келган етти Хожалардан

⁴⁹⁵ Ислом энциклопедияси.Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашрети, 2017. – Б. 552.

⁴⁹⁶ Тошқулов К. Қадимий ва навқирон Дехқонобод. Биринчи китоб. – Т.: Мухаррир нашрети, 2012. – Б. 12.

бири деб ҳисоблашади. Зиёратгоҳ баҳор ва ёз фаслларида ўзининг сўлим табиати, шифобахш суви билан кўплаб зиёратчиларни жалб этади. Аниқланишича, сув таркибида фосфор, олтингугурт, туз, хлорид, сульфид, азон, темир ва бошқа моддалар бор. Сув асосан, бош, оёқ, бел оғриқлари, кўкрак қафасининг қисилиши, турли яралар, чипқон, тошма, тери ва асаб касалликларига даъводир⁴⁹⁷. Дала тадқиқотларига кўра, маҳаллий аҳоли зиёратгоҳ ҳудудидан чиқаётган сувни шифобахш деб билишади ва кўплаб касалликларига даво топишган.

Қашқадарё вилояти Дехқонобод тумани Хожайпок кишлоғида жойлашган Хожайпок ота зиёратгоҳида ҳамда Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги Хожайпок зиёратгоҳининг ўзига хос ўхшашлик томонлари бор. Иккала зиёратгоҳ ҳам тоғ ҳудудида жойлашган. Уларнинг иккиси ҳам Хожайпок номи билан боғлиқ бўлиб, рамзий қабр, иккала зиёратгоҳ ҳудудидан ҳам олтингугуртли сув чиқади, зиёратчилар у ерга ташриф буюриб, ҳам шифо топишади ҳам табиат манзарасидан баҳраманд бўлишади. Бу зиёратгоҳларни экотуристтик объект сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Хожайпок зиёратгоҳи рамзий бўлса-да, улар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар тарихини кенг оммага тарқатиш, нафақат вилоятни, балки республикани туризм йўналишида машҳур қилиш, ислом уламолари ҳаётини, илмий ўрганиш лозим бўлади. Қашқадарё воҳасида тарихий минг йилликлар давомида юз берган сиёсий-ижтимоий, маданий ўзгаришлар ҳудудда илм-фан ва маданиятнинг юксалишига сабаб бўлган. Воҳа ҳудудида жойлашган олим, авлиё, пир, сайд, хожа, тарихий шахслар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар аҳоли турмуш тарзининг бир бўлагига айланиб, ташриф давомида зиёратчилар нафақат табаррук зотларга бўлган ҳурматни, балки ислом маданиятига ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг фан йўлидаги хизматлари, уларнинг ҳаёти тўғрисидаги маълумотлардан ҳам хабардор бўладилар.

⁴⁹⁷ Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она кишлоғим. – Т.: 2003. – Б. 15-16.

ХУЛОСА

Тадқиқотда ўрганилган мавзунинг илмий, амалий аҳамияти ва долзарблигидан келиб чиқиб, Қашқадарё воҳаси алломаларининг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси, алломалар, тасаввуф вакиллари ҳаёт-фаолияти, илмий мероси ва алломалар, тасаввуф вакиллари хоки ётган зиёратгоҳлар тарихини ёритишда, уларни комплекс таҳлил қилишда қуйидаги хулосаларга келинди:

Кўп асрлик тарихга эга бўлган Қашқадарё воҳаси ислом қадриятлари ва анъаналари ривожланган ўлка сифатида Буюк ипак йўли кесимида жойлашган. Воҳа савдо, хунармандчилик, илм-фан, маданият марказларидан бири бўлган. Қадимий маданият ва цивилизация дурдоналарига эга Нахшаб, Насаф, Кеш каби шаҳарлардан тафсир, ҳадис, калом, фикҳ, тасаввуф каби илмлар ривожига катта ҳисса қўшган Абу Туроб Нахшабий, Абу Муъин Насафий, Нажмиддин Насафий, Азизиддин Насафий, Зиёуддин Нахшабий, Сайидо Насафий, Абу Муҳаммад Кеший ва бошқа алломалар, мутафаккирлар, тасаввуф вакиллари ҳаёт-фаолияти, илмий мероси бирламчи қўлёзма манбалар асосида ўрганилиб, улар ҳақидаги янги маълумотлар асослаб берилди.

Қашқадарё воҳасида туғилиб, ижод қилган олимлар, ҳозирда улар жойлашган манзил зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжо сифатида маҳаллий аҳоли орасида фойдаланилиб келинаётган шахсларнинг илмий мероси тадқиқ қилиниб, жанубий воҳа тарихини ўрганиш билан бир каторда, олимларнинг ислом илмлари ва маданиятида тутган ўрнини аниқлашга хизмат қилади.

Жанубий Ўзбекистон ҳудудида зиёратгоҳларга оид маълумотлар эсдалик, хотира, ҳисобот, саёҳатнома, қозилик ва вақф ҳужжатлари орқали маълум бўлиб, дастлабки маълумотлар Кеш шаҳрига оид ҳисобланади. Қашқадарё воҳаси ҳақида манба ва адабиётларда ҳам алломаларнинг номи мавжуд бўлиб, улар IX-X асрларда араб тарихчи ва географлари асарлари орқали ёритилган.

Марказий Осиё халқлари диний-маънавий ҳаётида ибодат ва диний эътиқод, зиёратгоҳларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва тарбиявий аҳамияти катта бўлиб, аҳоли маънавий-маърифий ҳаётида нафақат рухий, балки, психологик жиҳатдан коммуникатив аҳамияти юқори

бўлиб келди. Ўзбекистон ҳудудида зиёрат қилинадиган масканлар ислом оламида юксак маънавий мерос қолдирган буюк уламолар номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар ҳамда кароматлари билан халқ орасида улуғ ҳисобланиб афсонага айланган шахслар, яъни саҳобалар, пайғамбар авлодлари, шайхлар, валийлар ва сўфийларнинг номлари билан боғлиқ зиёратгоҳлардан бўлди.

Қашқадарё воҳаси зиёратгоҳлари архитектура-меъморий услублари ислом маданиятининг намуналарини бирлаштирган ёдгорликлар экани, зиёратгоҳлар, мақбарлар тузилиши ва кўриниши темурийлар даври меъморчилик услуби анъаналарини такрорлайди. Зиёратгоҳлар қурилишининг ўзига хос жиҳати, у ерда мақбара сағаналар билан бирга, албатта зиёратгоҳлар ёнида ибодат учун масжид ҳам бунёд этилган. Бу бевосита ўрта асрлар даври қурилиши ва безак ишларининг ислом анъаналари билан симбиозини кўрсатади. Ўрта асрлар ноёб меъморчилиги, у ерда ётган шахслар ҳаёт-фаолияти маънавий ва моддий меросимиз сифатида нафақат маҳаллий ва хорижий туристларни ҳам ўзига жалб қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/4945427>.

1.2. Жаҳон Туризм Ташкилоти Бош Ассамблеяси Бали шаҳрида (Индонезия) бўлиб ўтган мажлис, 1993-йил, X сессия. Основопологающие документы ЮНВТО. – Том I. – Февраль, 2016. – С. 19-21.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: 2017. 31-сон. 782-модда.

1.4. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Т.: 2017 йил 3-сон. – Б. 11.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон. 2017 йил 7 февраль // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3217-сонли Қарори. 2016 йил 16 август. Электрон манба: www.lex.uz.

1.7. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 274.

1.8. Karimov I.A. O‘zbekiston XXI asr bo‘sag‘asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. – Т.: O‘zbekiston, 1997. – В. 137.

1.9. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

1.10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 123 б.

II. Қўлёзма ва тошбосмалар

2.11. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Сиддикий. Тазкираи Муҳаммад Боқир. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. Р: 1846.

2.12. Азизиддин Насафий. Мақсад ал-ақсо. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 2484/III.

2.13. Азизиддин Насафий. “Мабдаъ ва маъод”. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 9854/III.

2.14. Азизиддин Насафий. Баён ат-танзил. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 2484/IV.

2.15. Зиёуддин Нахшабий. Чеҳл номус. ЎзР ФАШИ. Ҳамид Сулаймон фонди. Қўлёзма. Р: 2274.

2.16. Зиёуддин Нахшабий. Шарҳи сураи Забур. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 2900/XXIV.

2.17. Комил ибн Камол Насафий. Дурр ал-макнун. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. Р: 529/I.

2.18. Комил ибн Камол Насафий. Равзат ал-жаннат. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. Р: 529/II.

2.19. Мир Аҳмад ибн Мавлоно Назруллоҳ ал-Ҳусайний ал-Кеший. Тухфатур русул ва фарид ал-мактубот. ЎзФА ШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 2154.

2.20. Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад Азим Марғиноний Чимёний. Тазкиратул-атқиё. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 9037.

2.21. Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий. Аъламул-ахёр. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 2929.

2.22. Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Тоййиб Хоразмий. Тазкираи Тоҳир Эшон. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 855.

2.23. Муҳаммад Тоҳир ибн Хоразмий. Хужжатус-соликин. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 856.

2.24. Надр Муҳаммад Насафий. Тарихи валий. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. Р: 2501.

2.25. Шаҳобиддин ибн Амир Ҳамза ибн Амир Кулол. Мақомоти Амир Кулол. ЎзР ФАШИ. Асосий. Қўлёзма. Р: 96.

2.26. Абул Вафо Қураший. Ал-жавохиру-л-мудия фи табақоти-л-ҳанафия. – Ж. II. Тошбосма. 1914.

III. Архив ҳужжатлари, ҳисобот ва маълумотномалар

3.27. ЎзМА, Фонд–34 ТАССР Маориф Халқ комиссарлиги;

3.28. ЎзМА, Фонд–394 Санъат, табиат ва қадимги ёдгорликларни сақлаш Ўрта Осиё қўмитаси (Средазкомстарис);

3.29. ЎзМА, фонд – 2761 Республиканское правление общества охраны памятников истории и культуры;

3.30. ЎзМА, фонд–2296 Главное управление по охране памятников и изобразительного искусства Министерство культуры УзССР (1957-1976);

3.31. ЎзМА, М–7 Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги;

3.32. ЎзМА, М–38 Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги;

3.33. ЎзМА, М–35 Государственный комитет Республики Узбекистан по архитектуре и строительству.

3.34. Маданият вазирлиги Маданий мерос департаменти архиви.

3.35. “Вақф” хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилоят филиали томонидан давлат муҳофазасига олинган объектлар руйхати.

3.36. Маданият дазирлиги ҳузуридаги Маданий меърос департаменти Қашқадарё вилояти бошқармаси.

3.37. Маданият дазирлиги ҳузуридаги Маданий меърос департаменти Сурхондарё вилояти бошқармаси.

3.38. Ўзбекистон мусулмонлари идораси маълумотномаси.

IV. Араб ва форс тилидаги манба ва адабиётлар

4.39. Абдулхай Лакнавий. Ал-фавоиду-л-бахийя фи тарожим ал-ҳанафийя. – Қоҳира: Дорул китаб ал-исламий, (йили кўрсатилмаган) – 263 б.

4.40. Абдулхай ибн Фахриддин Ҳусайний. Нузҳатул хавотир ва баҳжатул масомий ван-навозир. – Ж. I. – Байрут: Дор ибн Ҳазм, 1999. – 1508 б.

4.41. Абу Амр Усмон ибн Абдуррахмон. Табақотул фуқаҳо аш-Шофеъийя. – Ж. I. – Байрут: Дорул башоир ал-исламийя, 1992. – 1100 б.

4.42. Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмоил ибн Халфун. Ал-Муъламу би шуйхил Бухорий ва Муслим. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, (йили кўрсатилмаган) – 638 б.

4.43. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Ат-таҳбийр фил муъжамил кабийр. – Ж. I. – Бағдод: Риасат диван ал-авқоф, 1975.

4.44. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Ал-Ансоб. – Ж. II. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998.

4.45. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999. – 877 б.

4.46. Абул Вафо Қураший. Ал-жавохиру-л-мудия фи табақоти-л-ханафия. – Ж. III. Дару Ҳижр, 1993.

4.47. Али Ризо Қорабулут. Муъжам ат-тарих ат-турос ал-исламий фи мактабаат ал-олам. – Ж. I. – Қайсарий: Дор ал-ақаба, – 782 б.

4.48. Алоуддин Самарқандий. Мийзанул-усул фи натоижил-уқул. – Қатар: Матобиъ ад-Дуҳа ал-ҳадийса, 1984. – 789 б.

4.49. Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Исмоил Бувсирий. Итҳофу-л-хойрати-л-маҳара би-з-заводи-л-масониди-л-ашъара. – Ж. I. – Риёз: Мактабату-р-Рушд, 1997.

4.50. Аҳмад ибн Али ибн Собит (Хатиб Бағдодий). Тарихи Бағдод. Ж. 14. – Байрут: Дор ал-ғарб ал-исламий, 2002. – 570 б.

4.51. Бурҳониддин Иброҳим ибн Муҳаммад. Ал-максидул иршод фи зикри асҳоб ал-Имом Аҳмад. – Ж. II. – Риёз: Мактабат ар-Рушд, 1990. – 552 б.

4.53. Бурҳониддин Муҳаммад ибн Муҳаммадан-Насафий. Шарҳ ал-фусул фи илмил-жадал. – Риёд: Жомиъа ал-Малик Саъуд, 2012. – 363 б.

- 4.55. Жалолиддин Абдурахмон ибн Абу Бакр Суютий. Табақотул хуффоз. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1994. – 607 б.
- 4.56. Зайниддин Қосим ибн Қутлубуға. Тожу-т-тарожим фи табақоти-л-ҳанафия. – Байрут: Дорул қалам, 1992.
- 4.57. Ибн Ҳажар Асқалоний. Мутолибу-л-оълия би-з-завоиди-л-масониди-с-самония. – Саудия Арабистони: Дору-л-ғойс, 1997.
- 4.58. Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Ж. IX, XI, XIV. – Қоҳира: Дор ал-ҳадис, 2006.
- 4.59. Муҳаммад Шафиқ Гирбол. Ал-Мавсуату-л-арабияту-л-муяссара. – Ж. II. Дару-л-жил вал-жамъияту-л-мисрия, 1995.
- 4.60. Муҳаммад Ҳифзурраҳмон ал-Кумиллоий. Ал-будурул мудийя фи тарожимил ҳанафийя. – Ж. XII. – Бангладеш: Дорус-солих, 2018.
- 4.61. Насафий Абул Муъин Маймун ибн Муҳаммад. Табсиратул адилла фи усулид-дин / Ҳ. Отай нашри. – Ж. I. – Анқара: 1993.
- 4.62. Тақиюддин ибн Абдулқодир ат-Тамимий ад-Дорий ал-Ҳанафий. Табақот ас-санийя фи тарожим ал-ҳанафия. – Ж. 1. – Риёд: Дор ар-Рифоъий, 1983.
- 4.63. Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. – Ж. 5. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2004. – 476 б.
- 4.64. Хайриддин аз-Зириклий. Ал-Аълам. – Ж. I, VII. – Байрут: Дор ал-илм ал-малайин, 2002.
- 4.65. Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Ж. XII, XIII. – Байрут: 1884. – 663 б.
- 4.66. Шамсуддин Заҳабий. Тарих ал-ислом. – Байрут: 1884. – Ж. 5. – Б. 91.
- 4.67. Ҳожи Халифа. Суллам ал-вусул ила табақот ал-фухул. – Ж. I. – Истанбул: Ирсика, 2010. – 421 б.

**V. Диссертация, автореферат, монография, илмий тўпламлар,
тадқиқотлар
Ўзбек тилидаги:**

- 5.68. Абдурахманова Н. Абул Баракот Насафий илмий меросининг таснифи // Eurasian journal of social sciences, philosophy and culture. Innovative Academy Research Support Center. Volume 2 Issue 3, 2022.

5.69. Абдурахманова Н. “Ал-Мустасфо” асарининг ёзилиш тарихи ва ўзига хос услублари // Ислом тафаккури. – Т.: № 2. 2024.

5.70. Абдусаттор Жуманазар. Хожагий Эмканагий устози ва таълим олган мактаб // Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Эмканагий. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: 2013.

5.71. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 230 б.

5.72. Аминов Ҳ., Примов С. Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2017.

5.73. Акбаров Р. “Хожа илмкони” масжиди // <https://nasafziyo.uz/index>.

5.74. АсқарХожаев С.М., АсқарХожаев М.Б. Ўзбекистонда туризм ва кичик бизнесни ривожлантиришда меъморий обидалардан фойдаланишга доир айрим мулоҳазалар // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Т.: 2010. – Б. 42-45.

5.75. Асророва Л. Архив хужжатларида Бухоро зиёратгоҳлари масаласи. Ислом тафаккури. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020. – Б. 19-21.

5.76. Асророва Л. Бухорони шариф этган зот – Сайфиддин Боҳарзий. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2021. – Б. 196.

5.77. Асророва Л. Тарикатнинг етти пири. – Т.: Тафаккур, 2021.

5.78. Аҳмадалиев Ю., Исмоилов О. Экологик ва зиёрат туризми объектларини динийҳуқуқий муҳофаза қилиш усуллари // Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Чирчик: 2019. – Б. 31-34.

5.79. Аширов А.А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 272 б.

5.80. Бердиев А. Оқ-сув зиёратгоҳи ҳақида // Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Эмканагий илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тўпламни нашрга тайёрловчи. А.Бердиев. – Т.: 2013. – Б. 88-91.

5.81. Бердиёров Б.С. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмат бозоридаги ўрни: Иқт. фан. номз.дисс.автореф. – Самарқанд, 2010. – 24 б.

5.82. Буюк алломаларимиз / Масъул муҳаррир Исломов З. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – Б. 13.

5.83. Буюк юрт алломалари. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов. – Т.: Ўзбекистон. 2018. – Б. 152-167.

5.84. Даминов И. Абулмуъин Насафийнинг илмий мероси ҳақида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2011, 2-сон. – Б. 96-98.

5.85. Даминов И. Шаҳобуддин Умар Сухравардий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Т.: O‘zbekiston 2018. – Б. 264-272.

5.86. Даминов Э. Шаҳобуддин Умар Сухравардий (Мири Жанда ота). – Т.: Моварауннаҳр, 2010. – Б. 14-21.

5.87. Дармонова М.А. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида маданий мерос объектларининг муҳофаза қилиниши // Моддий маънавий мерос ва умумбшайри кадриятлар. Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. – Т.: Лессон пресс, 2016. – Б. 278-281.

5.88. Донишмандлар тухфаси: Рубойлар / таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э. Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 400 б.

5.89. Даврон Х. Амир Темур пирлари // Тафаккур. № 1. 1994.

5.90. Ёқубов Б. Халқ байрамлари ва урф-одатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1965. – 48 б.

5.91. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Т.: Ўқитувчи, 2003.

5.92. Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 312 б.

5.93. Жуманазар А., Тухлиев Ш. Яккабоғ: Соҳибқирон камол топган юрт. – Т.: Академнашр, 2018. – Б. 66-75.

5.94. Зоҳидов М.С., Собиржонов А.С. Қарши. – Т.: Ўзбекистон, 1978. – Б. 4-5.

5.95. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т.: Шарк машъали, 1993. – 104 б.

5.96. Мавлоно Абдулбоқи Хожаги Эмканагий. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. А.Бердиев. Оқ-сув зиёратгоҳи ҳақида. Тўпламни нашрга тайёрловчи. А.Бердиев. – Т.: 2013.

5.97. Маньковская Л.Ю. Қашқадарё воҳасининг археологик ёдгорликлари (Йўл кўрсаткич). – Т.: Ўзбекистон, 1979. – Б. 79-82.

5.98. Махсудов Д. Абул Баракот ан-Насафий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Т.: O‘zbekiston, 2018. – Б. 167-172.

2.53. Махсудов Д. Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг тафсир илмида тутган ўрни: тарих. фанлари. номз... дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2007.

5.99. Маҳмудов Қ. Имом Насафийнинг мероси ҳақида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2011. 1-сон. – Б. 19-20.

5.100. Мотурудия таълимоти ва Абул Муъийн Насафий илмий мероси. – Т.: ТИУ нашриёти, 2018. – 304 б.

5.101. Муҳаммадаминов С.А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожига тутган ўрни. т.ф.н. дисс... – Т.: 2012.

5.102. Муҳаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 126 б.

5.103. Назаров М.И., Жумаев Х.Ҳ. Қашқадарё вилоятининг сайёҳлик йўналишлари географияси // Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Чирчик: 2019. – Б. 134-138.

5.104. Насриддинов Қ. Қарши қалъаси. – Қарши: Насаф, 2005. – 148 б.

5.105. Насруллаев Н. Лутфуллоҳ Насафий / Буюк юрт алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016.

5.106. Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. (IX-XX асрлар): Тазкира. – Т.: Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2006.

5.107. Обидов А., Бобохонов Ж. Тариқат силсиласининг олтин занжири. – Т.: Наврўз, 2018.

5.108. Окилов С. Абулмуин Насафий ва унинг мотуридия таълимоти ривожига қўшган ҳиссаси (“Табсирату-л-адилла” асари асосида): тарих фанлари номзодлик дисс.. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005.

5.109. Пардаев М. Олтинсой зиёратгоҳлари. Она қишлоғим. – Т.: Ёзувчи, 2003.

5.110. Пармонов О., Бердиев А. Китоб тумани ҳақида лавҳалар. – Т.: Фан, 1996. – Б. 28-29.

5.111. Примов С. Абу Шакур Солимий Кеший / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Т.: O‘zbekiston 2018. – Б. 209-211.

5.112. Примов С.У. Абу Шакур Кеший “Тамҳид” асарининг Мотуридия таълимоти ривожига тутган ўрни. Ислomшунослик ф.ф.д. дисс... – Т.: 2021.

5.113. Пўлатов С., Бўтаев А. Қарши-қадимий шаҳар. – Қарши: Насаф, 2006. – Б. 34.

5.114. Равшанов П. Қарши тарихи. Нахшаб. Насаф. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 647 б.

5.115. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: Фан, 1995. – Б. 716.

5.116. Раимқулов А. Қашқадарё воҳасининг ўрта аср шаҳарлари. – Қарши: Насаф, 2018. – 204 б.

5.117. Райҳонов И. Абу Туроб Нахшабий ан-Насафий. – Қарши: Насаф, 2018.

5.118. Раҳмонов Ф. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одат ва маросимлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари): Тарих фанлари номзодидисс. – Т.: 2001. – 26 б.

5.119. Раҳимжонов Д. Ҳадис илмининг Насафдаги ривожини // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2006. 3-сон. – Б. 173-174.

5.120. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Умар ан-Насафий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Т.: O‘zbekiston 2018. – Б. 190-199.

5.121. Рахимджанов Д. А. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-Қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. т.ф.н. дисс... – Т.: 2003. – 170 б.

5.122. Рўзиев С.С. Ўзбекистонда маданий туризм бозори ва унинг истикболлари: Иқт.фан.номз. ...дисс.автореф. – Т.: 2009. – 26 б.

5.123. Садриддин Салим Бухорий. Табаррук зиёратгоҳлар. – Т.: Ёзувчи, 1993. – 48 б.

5.124. Сайфутдинов Ш.С. Халқаро туризм: тажриба ва амалиёт. – Т.: ТДИУ. 2017. – 240 б.

5.125. Саматов Ш. Азизиддин Насафий маънавий меъросида комил инсон ғояси // *Ijtimoiy fanlar* / 2-son, 2022.

5.126. Саримсоқов Б. Ўзбек маросими фольклори. – Т.: Фан, 1995. – Б. 154.

5.127. Соатов А. Лангар ота табаррук манзилгоҳи ёҳуд Идрок Шамчироғи. – Т.: Фан ва технология, 2010. – Б. 72.

5.128. Султонов Ў. Ўрта Осиёда Саййидлар хонадонларининг шаклланиши хусусида // *Imom Vuxoriy saboqlari*. 2018. 1-сон. – Б. 27-30.

5.129. Уватов У. Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий / Буюк юрт алломалари. Иккинчи нашри. Тузувчи У.Уватов. – Т.: О‘zbekiston 2018. – Б. 199-200.

5.130. Уватов У. Абул Муъйин ан-Насафий. – Т.: Маънавият, 2001. – Б. 6-12.

5.131. Уватов У. Абулмуъин Ан-Насафий ва унинг “Ал тамҳид ли қавоиди т-тавҳид” асари // *Имом ал-Бухорий сабоқлари*. 2006. 4-сон. – Б. 262-265.

5.132. Уватов, У. Мовлоно Абдулбоқи Хожаги Эмканагий ибн Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Вохшуворий ҳазратлари ҳақида // Мавлоно Абдулбоқи Хожа Эмканагий. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: 2013. – Б. 11-19.

5.133. Уватов У. Абу Мутиъ Макхул ан-Насафий / Буюк юрт алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016.

5.134. Умаров Ш.Х. Абдулҳамид Кеший илмий меросининг VIII – IX асрлар Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожигаги ўрни. т.ф.ф.д. дис. автореферати. – Т.: 2019.

5.135. Фаридуддин Аттор. Тазкират ул авлиё. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи А.Мадраимов. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2017.

5.136. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004.

5.137. Чориев А. Ҳазрати султон Мир Ҳайдар ота манокиби. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 347-349.

5.138. Чориев А. Ҳазрати Султон тарихи ва Ҳазрати Башир монокиби. – Т.: Шарқ, 1996. – Б. 178-179.

5.139. Шовкатов Ш.Ш. Абу ал-Юср Паздавий илмий меросини ўрганишнинг методологик асослари // Eurasian journal of academic research. Volume 2 Issue13, December 2022.

5.140. Язичиўғли М. Yazicioglu M. S. Maturidi kelim ekolu'nun iki buyuk simasi: Ebu Mansur Maturidi ve Ebu'l - Mu'in Nesefi // Ankara universitesi basimevi. – Ankara: 1985.

5.141. Ўрта аср шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2016.

5.142. Қаюмов А.А., Қаюмова И.К. Туризмни халқаро миқёсда // Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Чирчиқ: 2019. – Б. 90-94.

5.143. Қорабоев У. Ўзбек халқ байрамлари. – Т: Шарқ, 2002. –Б.8.

5.144. Ҳожи Абдуллоҳ Абдуррозиқ. Зиёрат одоблари. Мўъминлар мулоқоти ва дўстлик одоблари. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – 32 б.

5.145. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Мансур А. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – 624 б.

5.146. Ғофуров Ғ., Шаймардонов И., Тухлиев Ж. Яккабоғ тумани. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 68.

5.147. Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари. – Т.: Ўзбекистон, 2016.

Хорижий тиллардаги:

5.148. Абашин С. «Народный» суфизм в современной Средней Азии // Исламские ценности и центральноазиатские реалии. – Т.: ИФЕАК. 2004. – С. 1-11.

5.149. Абашин С. Национализмы в Средней Азии: в поисках идентичности. – СПб.: Алетея, 2007. – 304 с.

5.150. Абашин С.Н. Власть и фотография: визуальная репрезентация в имперской рамке // Неприкосновенный запас. 2012. 4(84). – С. 14-32.

5.151. Абашин С.Н., Бобровников В.О. Соблазны культа святых (вместо предисловия) // Подвижники ислама: Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе / Сост. С.Н. Абашин, В.О. Бобровников. – М.: 2003. – С. 3-17.

5.152. Абашин С.А., Бобровников В.О. Подвижники ислама: культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. – Москва: Вост. Лит., 2003. – 336 с.

5.153. Абдурасулов Р., Ремпел Л. Неизвестные памятники бассейна Кашкадарьи // Искусство зодчих Узбекистана. – Т.: АН РУз, 1962. – С. 24-30.

5.154. Абрамзон С.М. Предметы культа казахов, киргизов и каракалпаков // Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л.: Наука, 1978. – С. 56.

5.155. Абриев Р. Ўзбекистонда тоат ибодат билан боғлиқ архитектура ёдгорликлари хусусида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2015, 4-сон. – Б. 35-37.

5.156. Абриев Х. Амир Темур ва темурийлар даври меъморий обидалари бунёд этилиши ҳамда таъмирланиши тарихидан // Imom Buxoriy saboqlari. 2018. 1-сон, – Б. 45-47.

5.157. Азизов М., Мухторов Ф. Кешнинг машхур сиймолари. – Т.: 2014. – 56 б.

- 5.158. Акбаров Р. Қарши туман тарихи. – Т.: Тошкент ислом университети, 2016. – Б. 178.
- 5.159. Акбаров Р., Шамсиддинов Н. Етти туғ ота шажараси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2015. – 72 б.
- 5.160. Алиев М. Ислам и его обряды. – Т.: Кзыл Узбекистан и Узбекистон сурхи, 1956. – 84 б.
- 5.161. Амонов М.У. XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда нақшбандия-муҷаддида тариқати билан боғлиқ меъморий ва эпиграфик маълумотлар // *Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi*, 2020. 11-сон. – Б. 114-122.
- 5.162. Арапов А. В., Булатов М. С, Туйчиева Ю. Г. Забытый "язык" символов. Ак-Астана баба // *Мозийдан садо*. – Ташкент: 2000. № 2/(14). – Б. 12.
- 5.163. Арапов Д.Ю. Ислам и советское государство (1917–1936). Сборник документов. – М.: 2010. Вып.2. – 208 с.
- 5.164. Арендаренко А.Г. Досуги в Туркестане 1874-1889. – СПб, 1889.
- 5.165. Аширов А.А. Традиционные религиозные воззрения и обрядность узбекского народа // *Исламские ценности Центральной Азии: толерантность. Историко-философские аспекты. Материалы международной научной конференции*. – Т.: 2008. – С. 194-200.
- 5.166. Аширов А.А. Еще раз о проблемах этнологии в Узбекистане // *Этнографическое обозрение*. – 2006. № 3. – С. 107-127.
- 5.167. Abramson D., Karimov E. Sacred Sites, Profane Ideologies: Religious Pilgrimage and the Uzbek State. eds. Sahadeo, Jeff, RusseII Zanca. // *Everyday life in Central Asia Past and Present*. – Bloomington: Indiana University Press, 2007. – P. 319-338.
- 5.168. Antes P. A Survey of New Approaches to the Study of Religion in Europe. New Approaches to the Study of Religion: In 2 vol. V. 1: Regional, Critical, and Historical Approaches / Ed. by Peter Antes. – Berlin N.Y.: Walter de Gruyter, 2004. – P. 43-62.
- 5.169. Arberry A. J. Sufism. An Account of the Mystics of Islam. This edition first published by Routledge New York NY. 2008. – P. 142.

5.170. Alimardonova Z.M. Modern concept of tourism development in Surkhandarya region // Central Asian Journal of innovations on tourism management and finance. Vol.02, Issue: 02, Feb 2021. – P. 89-99.

5.171. Ashirov A. Ethnology in Uzbekistan: Achievements, Problems, and future Progress // Selecteb Bibliography of Central Asia and Kazakstan (Modern History, Religion, Ethnicity). Praga, 2009. – P. 148-151.

5.172. Бабаджанов Б. Возрождение деятельности суфийских групп в Узбекистане // Центральная Азии и Кавказ. – 1999. №1(2). – С. 71-82.

5.173. Бабаджанов Б. Возрождение деятельности суфийских групп в Узбекистане // Центральная Азии и Кавказ. – 1999. №1(2). – С. 184.

5.174. Бабаджанов Б.М. Кокандская ханство: власть, политика, религия. – Токио-Ташкент: 2010. – 744 с.

5.175. Басилов В.Н., Снесарев Г.П. Введение // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. Историко-этнографические очерки. – Москва: 1986. – С. 3-5.

5.176. Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв. (историко-теоретическое исследование) Изд. Второе. – Москва: Наука, 1988. – С. 300-301.

5.177. Batson, C. Religion and the individual. A social-psychological perspective / C.Batson, P.Schoenrade, W.Ventis. –New York: Oxford University Press, 1993. – 427 p.

5.178. Bennisgen A., Wimbush S.E. Muslim National Communism in the Soviet Union. A Revolutionary Strategy for the Colonial World. – The University of Chicago Press, 1979. – 267 p.

5.179. Горшунова О.В. Женское паломничество к святым местам (по материалам Ферганской долины) // Итоги полевых исследований. – М.: 2000. – С. 23-39.

5.180. Далиев М. Критика культа святых в исламе и значение борьбы с ним в современных условиях Узбекистана: Дисс... канд.фил.наук. – Т.: Институт философии и права. 1966. – 207 с.

5.181. Джалилов О.З. Проблемы и перспективы развития историко-культурного туризма в Узбекистане (1991-2010 гг.): Автореф.дисс... канд.ист.наук. – Т.: 2011. – 27 с.

5.182. Джалилова О. Основные направления развития туризма в Ресублики Узбекистан // Актуальные проблемы туризма – 2010. Ежегодный сборник научных трудов. Вып.2. – Т.: 2010. – 232 с.

5.183. Dağdeviren A., Özdemir H., Göker G. Ilgaz İlçesinin Turizm Potansiyeli (Tourism Potential of Ilgaz District) // Journal of Tourism and Gastronomy Studies, 5-4 (2017). – P. 504-533.

5.184. David W. Montgomery, John Heathershaw. Islam, secularism and danger: a reconsideration of the link between religiosity, radicalism and rebellion in Central Asia // Religion, State & Society, 2016. 44:3. – P. 192-218.

5.185. DeWeese D. Islamization and Native Religion in the Golden Horde: Baba Tiikles and Conversion to Islam in Historical and Epic Tradition. Pennsylvania, 1994.

5.186. DeWeese, Devin. The Masha'ikh-i Turk and the Khojagan: Rethinking the links between the Yasavi and Naqshbandi Sufi Tradition // JIS, 7/2 (july 1966). – P. 180–207.

5.187. DeWeese, Devine. Yasavian Legends on the islamization of Turkistan. -Aspekts of Altaic Civilization – III. Proceeding of the Thirteen Meeting of the Permanent International Altaistic conference Indiana University (in) 1987. Ed. D.Sinor. – Bloomington, 1990. – P. 1–19.

5.188. Зимин. Л. А. Нахшеб, Несеф, Карши. Их история и древности В. В. Бартольд. Туркестанские друзья, ученики и почитатели. – Т.: 1927. – С. 127.

5.189. Inside Kashkadarya: Social and Cultural Magazine Kindle Edition, October 20, 2020 by Asror Allayarov (Author) <https://www.amazon.com/Inside-Kashkadarya-Social-Cultural-Magazine-ebook/dp/B08IMSWZ1P>.

5.190. Кабанов С.К. Описание архитектурных памятников низовьев реки Кашка-Дарьи. – Т.: 1947. – С. 16.

5.191. Kolarz W. Islam in the Soviet Union, 1917-1960. –Karachi-Dacca, 1960. – 72 p.

5.192. Kolarz W. Russia and her colonies. –Hamden, Conn: Archon Books, 1967. – 334 p.

5.193. Kodirov D., Mavlonova U., Kodirov T. Halal Tourism in Central Asia: Developing Service Systems in Uzbekistan // Journal of Halal Service Research JHSR. Vol. 1, Iss.2, 2020. – P. 35-45.

5.194. Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи. – Т.: 1979. – С. 98-99.

5.195. Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи. – Т.: Узбекистан, 1971. – 56 с.

5.196. Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Шахрисабза. – Т.: издательство Узбекистан, 1986. – 40 с.

5.197. Массон М.Е. Работы Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ КАТЭ по изучению восточной половины Кашкадаринской области Уз ССР. – Москва: 1967.

5.198. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен. (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965-1966 гг.)). – Т.: Фан, 1973. – 99 с.

5.199. Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Темуре и Улугбеке. // Труды САГУ, вып. IX IX. – Т.: 1953. – С. 32.

5.200. Manila declaration on world tourism // ews from the Manila Conference –First Published June1, 1980, Vol.:6, iss.2. – P. 152-158. <https://doi.org/10.1177/034003528000600215>.

5.201. Mehdi Ebadi. Shrine Pilgrimage (Ziyārat) in Turco-Iranian Cultural Regions // International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage: –Vol. 4: Iss. 1, Article 7. Volume 4(I) – 2016. – P. 70-77.

5.202. Medieval Islamic Civilization Josef W. Meri Routledge encyclopedias of the Middle Ages. Том I. – Psychology Press, 2006. – 933 p.

5.203. Nye, Malory. Religion, Post-Religionism, and Religioneing: Religious Studies and Contemporary Cultural Debates. Method & Theory in the Study of Religion 12: 2000. – P. 447-476.

5.204. Nebenzahl Kenneth. Mapping the Silk Road and Beyond. 2000 years of Exploring the East. – New York: 2005.

5.205. OIcott M.B. Women and Society in Central Asia // Soviet Central Asia. The Failed Transformation. Edited by William Fierman. – Boulder: Westview Press, 1991. – P. 235-254.

5.206. Проект районной планировки Китабского района Кашкадаринской области Узбекиской ССР. Том 1. – Т.: 1971.

5.207. Пугаченкова Г. Термез. Шахриябз. Хива. – Москва: Искусство, 1976. – 208 с.

5.208. Pitrovsky M.B. Islam – belief and a way of life // Islam. Short directory. – М.: 1983. – P. 45.

5.209. Работы в Китабском и Шахрисабском районах. АО 1981 года. – Москва: 1983. – 73 с.

5.210. Ruziyeva D.I. Ways of development and promoting of cultural tourism in Uzbekistan // Economics and management: theory and practice: Collection of scientific articles. Vol. 2. –Verlag SWG imex GmbH, Nürnberg, Deutschland, 2014. – P. 99-102.

5.211. Roemer H.R. The successors of Temur. The temurid and Safavid periods, in the Cambridge history of Iran. Vol. VI. Eds. P.Jackson & I.Iockhart. –Cambridge: Cambridge University Press, 1986. – P. 98-142.

5.212. Современное правовое положение мусульманской женщины. – Казань: 1911.

5.213. Соколов Ю.А. Ташкент, ташкентцы и Россия. – Т.: 1965.

5.214. Социология религии Вебер М. Социология религии. (Типы религиозных сообществ) // Избранное. Образ общества. – Москва: 1994. – С. 41-47.

5.215. Сулейманов Р.Х. Карши-Насаф-Нахшаб в системе мировой цивилизации. Роль города Карши в истории мировой цивилизации. – Ташкент-Карши: 2006.

5.216. Сухарева О.А. К вопросу о культе мусульманских святых в Средней Азии // Труды АН ТАДЖССР. Т. СХХ. – 1960. – С. 195-207.

5.217. Usmanova Surayyo. Ziyarah Tourism as a New linkage for Tourism Development in Uzbekistan // New Voices from Uzbekistan / ed. Marlene Iaruelle, –Central Asia-Azerbaijan Fellowship Program, 2019. – P. 31-39.

5.218. Wheeler G. Russia and Islam: new trends in soviet policy // Central Asian Review. – Oxford, 1956. Vol. 4. №1. – P. 1-3.

5.219. Wimbush S.E. The politics of identity change in soviet central Asia // Central Asian survey. –London, 1984. Vol.3, №3. – P. 69-78.

VI. Электрон манбалар

6.220. <https://nasafziyo.uz/index>

6.221. <http://kh-davron.uz>

6.222. <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati>

6.223. <https://ru.wikipedia.org>

6.224. <https://parstoday.ir/uz/radio/programs>

6.225. www.religions.uz.

6.226. www.muslimaat.uz.

6.227. <https://hidoyat.uz>.

6.228. <http://qadamjo.uz>.

6.229. <https://vaqf.uz/oz> .

6.230. <https://nasafziyo.uz>.

6.231. <https://meros.uz>.

6.232. <https://minsport.uz>.

6.233. <http://qadriyat.uz>.

6.234. <https://aImeros.uz/uz>.

6.235. www.uzbekistan.travel/ru/c/ziyosat/.

6.236. <https://qashqadaryo.uz/uz>.

АБДУЛКАРИМ АС-САМЪОНИЙНИНГ “НАСАБНОМА” (АЛ-АНСОБ)⁴⁹⁸ АСАРИДА КЕЛТИРИЛГАН НАСАФ ВА КЕШЛИК ОЛИМЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

КЕШЛИК ОЛИМЛАР

Ал-Хушминжакатий

Хушминжакат – Кеш қишлоқларидан.

Яҳё ибн Ҳорун ал-Хушминжакатий ас-Сарром шу қишлоқдан бўлиб, ёшлигидан ҳадис илмига қизиқар, аҳли сунна муҳаддисларидан ҳадис ёзиб олар эди. Насафга икки-уч марта келган. Абул Аббос ал-Мустаффирийнинг “Тафсир ал-Килабий” ва “Китоб уд-далоил вал-муъжизот” (Далиллар ва муъжизалар китоби) номли асарларини муаллифнинг ўзидан таълим олган. Ҳижрий 420 (милодий 1030) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этган.

Абу Али Ҳасан ибн Аҳмад ал-Хушминжакатий ал-Кеший ҳам шу қишлоқдан. Самарқанднинг ишончли қозиларидан эдилар. Ҳижрий 450 (милодий 1059) йилда таваллуд топганлар.

Ал-Хушунанкат

Хушунанкат – Кеш қишлоқларидан. У Самарқанд қишлоқлари билан туташган. Илгари Хушунанкас Самарқанд қишлоқларидан эди.

Абу Аҳмад ал-Хушунанкатий шу қишлоқдан бўлиб, исмлари ва насаблари тўғрисида маълумот йўқ. Абу Аҳмад Ҳозир ибн Ҳасан ас-Самарқандий бу кишидан ҳадис ёзиб олганлар.

Аз-Зодакий

Зодак – Кеш қишлоқларидан.

Абу Саъид Масъуд ибн Лисавайҳ аз-Зодакий шу қишлоқдан бўлиб, Туфайл ибн Зайд ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ал-Мустамлий ҳадис ривоят қилганлар.

⁴⁹⁸ Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома (ал-Ансоб). (VIII–XII асрда яшаган ўзбекистонлик олимлар ҳақида маълумот) / Таржимонлар: хожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов. – Т.: Ҳилол нашр, 2017. – Б. 266-321.

Ас-Субахий

Субах – Насафдан олти фарсах узоқликдаги Ҳирор қишлоқларидан.

Али ас-Субахий исми шайх шу қишлоқлик бўлиб, Абу Бакр ал-Баладийдан Имом ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ» китобларидан таълим олганлар.

Имом *Муҳаммад ибн Али ас-Субахий ал-Кеший* Кешда яшаганлар. Кешдаги мадрасада дарс берганлар. Бу кишидан таълим олиш учун Фарғона ва Мовароуннаҳрдан келганлар. Бу киши қози Абу Али Ҳусайн ибн Хизр ан-Насафийнинг шогирдларидан бўлиб, шу зотдан таълим олганлар. Имом Абдулхолиқ ибн Муҳаммад аш-Шиконий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Самарқандда вафот этиб, Чокардиза қабристонининг «Боб ул-машҳад» деган жойида дафн қилинганлар. Қабрлари табаррук зиёратгоҳдир. Уни зиёрат қилганлар шифо топади. У зот ҳақларида: «У кишининг оғизларида пайғамбар алайҳиссаломнинг сочлари бор», – деб айтилган.

Фақиҳ *Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Субахий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, «ал-Луълуий» (Гавҳарчи) номи билан танилган эдилар. Гавҳар сотиб тижорат қилиб юрганлари учун шу нисбат берилган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Кейинчалик Бухорода яшаганлар. Ҳовлилари тижоратчилар тўпланадиган жой (мажмаъ ат-тужжор) эди. Мен Бухорода ал-Луълуийдан ҳадис илмидан таълим олганман ва у кишидан бу нисбат ҳақида сўраганимда: «Бизнинг ота-боболаримиз гавҳар сотардилар», – деб айтганлар. Ҳижрий 553 ёки 554 (милодий 1159 ёки 1160) йили Бухорода вафот этганлар.

Аш-Шурабоний

Шурабон – Кеш қишлоқларидан.

Абу Бакр Абдурахмон ибн Маҳмуд ал-Кеший аш-Шурабоний шу қишлоқдан. Бу киши ҳақларида Абул Аббос ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар.

Ал-Ғардиёний

Ғардиён – Кеш қишлоқларидан. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ғардиёний шу қишлоқдан.

Ал-Ғазнаёний

Ғазнаён – Кеш қишлоқларидан.

Абу Умар Ҳафс ибн *Абу Ҳафс ал-Кеший ал-Ғазнаёний* шу қишлоқ аҳлидан бўлиб, Яҳё ибн Абдулғаффор, Абу Саъид Ато ибн Мусо ал-Журжоний ва Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Иброҳим ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Шох ас-Самарқандий ва «Китоб ул-бўстон» («Бўстон китоби») асарининг 159 муаллифи Абу Аҳмад Исо ибн Ҳусайн ал-Касбавий⁴⁹⁹ ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 300 (милодий 913) йилдан олдин 100 ёшга кириб вафот этганлар.

Сиддиқ ибн *Абу Бакр ал-Ғазнаёний ал-Кеший* ҳам шу қишлоқ аҳлидан бўлиб, имом ва фақиҳ эдилар. Самарқандда яшаганлар. Абул Фатҳ Муборак ибн Исмоил ал-Боҳилийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 568 (милодий 1173) йилнинг шаъбон ойида Самарқандда вафот этиб, «Қантарату ғотфар» қабристонида дафн қилинганлар.

Ал-Кеший

Кеш⁵⁰⁰ – Насаф шаҳарларидан. Мен ўн икки кун шу шаҳарда яшаганман. Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким «Тарих» китобларида зикр қилишларича, бу шаҳарнинг номи аслида Кес бўлса ҳам, лекин у Кеш номи билан танилган. Кеш шаҳри Нахшаб яқинида. Кешнинг таниқли олимларидан:

Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн *Ҳумайд ал-Кеший* шу шаҳардан. «Абд Ҳумайд» лақаби билан танилган эдилар. Бу киши буюк имомлардан бўлиб, ҳадис жамлаб, уларни тасниф қилганлар. Язид ибн Ҳорун ва Абдураззоқ ибн Ҳаммомдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Муслим ибн Ҳажжож, Абу Исо ат-Термизий, Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрий ва бошқа улуғ муҳаддислар ҳадис ривоят қилганлар. Дунёнинг кўп мамлакатидан бу зотдан таълим олиш учун келганлар. Ҳижрий 249 (милодий 864) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

⁴⁹⁹ Касба Насаф қишлоқларидан бўлиб, Самарқанд яқинида жойлашган.

⁵⁰⁰ Ҳозирги Шаҳрисабз.

*Абул Ҳазоил **Муҳаммад** ибн Абдуллоҳ ал-Кеший* ҳам шу шаҳардан бўлиб, ҳижрий 487 (милодий 1095) йили таваллуд топганлар. Аждодлари насафлик бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Самарқандда бўлганимда у кишидан таълим олганман.

*Абу Жаъфар **Муҳаммад** ибн Ҳотам ал-Кеший* Кешнинг пешкадам олимларидан. Абу Абдуллоҳ ал-Ҳофиз ал-Ҳоким айтадилар: «Муҳаммад ибн Ҳотам ал-Кеший шайхларимиз Абд ибн Ҳумайд ал-Кеший ва Фатҳ ибн Амр ал-Кешийдан ҳадис илмидан таълим олар эдилар. Бу икки шайх ҳам ҳижрий 250 (милодий 865) йилда 118 ёшга кириб вафот этганлар». Абу Жаъфар Муҳаммад ал-Кеший ҳижрий 339 (милодий 951) йилнинг шаввол ойида ҳажга кетаётганларида Ҳамадонда вафот этганлар.

*Абу Наср **Муҳаммад** ибн Таййиб ал-Кеший аз-Зоҳид* факих, зоҳид, обид ва ҳадис илмини ўрганиш учун кўп сафар қилган олимлардан. Қатор муҳаддис олимлардан таълим олганлар. Райда Муҳаммад ибн Айюб, Бағдодда Юсуф ибн Яъқуб ал-Қозидан таълим олганлар. Кўп нарсадан парҳез қилар эдилар ва қийинчиликларга сабрли, озгина егулик бўлса ҳам, қаноатланардилар. Сафарда бўлсалар ҳам, муқим бўлсалар ҳам, кўп рўза тутар эдилар. Ҳижрий 318 (милодий 931) йилда вафот этганлар. Ҳусайн қабристонида дафн қилинганлар.

Ал-Марғабоний

Марғабон – Кеш қишлоқларидан.

*Абу Амр **Аҳмад** ибн Абул Бахтарий ал-Марвазий ал-Марғабоний* асли марвлик бўлиб, Марғабон қишлоғида яшаганлари учун шу нисбат берилган. Марвда Абул Аббос Аҳмад ибн Саъид ал-Маъдоний, Абул Фазл Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Ҳаддодий, Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ал-Исмоилий ва Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад ас-Сарахсийдан таълим олганлар. Ҳижрий 430 (милодий 1039) йилдан кейин вафот этганлар.

НАСАФЛИК ОЛИМЛАР

Ал-Офуроний

Офурон – Насафдан бир фарсах узоқликдаги қишлоқ. Бу қишлоқдан илгари ва ҳозир буюк олимлар ва муҳаддислар етишиб чиққанлар.

Абу Мусо Васир ибн Мунзир ал-Офуроний ан-Насафий шу қишлоқдан бўлиб, зоҳид эдилар. Бу киши ҳақларида Абу Комил ал-Басирий «ал-Музофот» китобларида маълумот берганлар.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Офуроний ҳам шу қишлоқдан бўлиб, фақиҳ эдилар. Бухорода яшаганлар ва бухоролик олимлар Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ва Абу Амр Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорийдан таълим олганлар. Ҳижрий 413 (милодий 1023) йилнинг шаввол ойида 80 ёшда Бухорода вафот этганлар.

Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Офуроний ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Лайс ибн Наср ал-Кожарийдан таълим олганлар. Ҳижрий 422 (милодий 1032) йили Офурон қишлоғида вафот этганлар.

Абул Фазл Шубий ибн Абдуллоҳ ал-Офуроний ҳам шу қишлоқдан бўлиб, «Шоҳ» лақаби билан танилган эдилар. Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий, Муҳаммад ибн Маҳмуд, Муҳаммад ибн Закариё ва Муҳаммад ибн Бужайрдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 383 (милодий 994) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

Абу Муҳаммад Жибрил ибн Авн ал-Офуроний исломнинг пешқадам олимларидан. Имом ал-Бухорийнинг дўстларидан. Имом ал-Бухорий Насафда яшаганларида бу киши у зот билан бирга бўлганлар. Жибрил ал-Офуроний Абдулазиз ибн Ҳотам ал-Офуроний ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Таййиб Абдулмалик ибн Исҳоқ ал-Офуроний адиб ва шоир эдилар. Аҳмад ибн Ҳомид ал-Мукри, Абул Фаворис Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафий ва Лайс ибн Наср ал-Кожарий ан-Насафийдан таълим олганлар. Илм ўрганиш учун Марвада бўлиб, у ернинг фақиҳларидан таълим олганлар. Абул Аббос ал-Маъдоний, Абул

Ҳасан ал-Маҳмудий ва фақиҳ Абу Зайд ал-Марвазийдан таълим олганлар. Ҳижрий 388 (милодий 999) йили шаъбон ойининг ўнинчисида вафот этганлар.

Абу Тамом Абдусалом ибн Исҳоқ ал-Офуроний фақиҳ, адиб ва шоир эдилар. Юқорида номлари зикр қилинган Абдулмалик ал-Офуронийнинг укалари. Акаларининг шайхларидан таълим олганлар. Бу киши Шофеъий мазҳабининг фақиҳи эдилар. Ҳижрий 400 (милодий 1010) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

Ал-Ажир

Бу киши ҳақда Абул Аббос ал-Мустаффирий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар.

Туфайл ибн Зайд ат-Тамимий ал-Ажир Насаф аҳлидан. Имом ал-Бухорий Насафга келганларида шу кишининг уйларида бўлганлар. Туфайл ал-Ажирдан Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф «Ҳикоъту ат-Туфайл ибн Зайд» («Туфайл ибн Зайд ҳикоялари») китобини ривоят қилганлар. Аҳад ал-Ажирнинг айтишларича, боболари Туфайл ибн Зайд Имом ал-Бухорийдан: «Намозда рукуъ ва саждада неча марта тасбеҳ айтиш керак?» – деб сўраганлар. Имом ал-Бухорийнинг устозлари Муҳаммад ибн Салом ал-Пайкандий: «Янбағи салосу тасбийҳот фис-салоти яъни фир-рукуи вас-сужуд» (Намозда рукуъ ва саждада уч марта тасбеҳ айтиш дуруст), – деганлар. Имом ал-Бухорий эса: «Менда: «Изо вазаъа раъсаҳу лис-сужуди вастамкана жоза» (Агар бошини саждага қўйиб, жим турса ҳам жоиз), деган бир ҳадис бор», – деб жавоб берганлар».

Ал-Утишундий

Утшунд – Насаф қишлоқларидан.

Абул Музаффар Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Утишундий ан-Насафий чиройли сўзловчи, адиб ва шоир эдилар. Бу киши Абу Бакр ал-Бухорий, Абул Фазл ал-Бухорийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. «Ҳадис ур-рубоиъ» («Тўртлик ҳадислар») китобининг муаллифи.

Ал-Устугдодизий

Устугдодиза – Насафдан тўрт фарсах узоқликдаги қишлоқ. Насафдан Бухорога сафар қилаётганимда шу қишлоқда бўлганман. Бу ердан буюк муҳаддислар етишиб чиққанлар.

Абу Бакр Мухаммад ибн Осим ал-Устугдодизий Насаф аҳлидан. Фақиҳ, фозил ва солиҳ олимлардан эдилар. Абу Бакр Мухаммад ибн Аҳмад, Абу Солиҳ Халаф ибн Мухаммад ал-Хайём, Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Мусо аз-Зарир ар-Розий ва Абу Бакр Аҳмад ибн Саъд ас-Симнатийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Тохир ан-Насафий ва ўғиллари таълим олганлар. Ҳижрий 378 (милодий 989) йили зулҳижжа ойининг ўн бешинчисида вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Жаъфар Мухаммад ибн Мухаммад ал-Устугдодизий* оталаридан ҳамда Абу Мухаммад Исмоил ибн Хусайн аз-Зохиддан ва бухоролик машойихлардан таълим олганлар. Ўзларидан ўғиллари Абдулазиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 425 (милодий 1035) йилда ёш вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Мухаммад Абдулазиз ибн Мухаммад ал-Устугдодизий* ҳам шу кишлоқдан бўлиб, «Абдулазиз ан-Нахшабий» номи билан танилган эдилар. Ҳофиз ал-ҳадис (ҳадисни ёддан билувчи) эдилар. Илм талабида Ирок, Ҳижоз, Шом ва Мисрда бўлиб, санади саҳиҳ кўп ҳадисни ўз қўллари билан насх хатида кўчирганлар. Узоқ муддат сафарда бўлганлар. Исфаҳонда кўпроқ турганлар. Кейинчалик ватанларига қайтиб келганлар. Насафда оталаридан ва Абул Аббос Жаъфар ибн Мухаммад ал-Мустағфирийдан, Самарқандда Абу Тохир Мухаммад ибн Аҳмад ал-Журжонийдан, Бухорода Абу Бакр Мухаммад ибн Аҳмад ал-Варроқдан, Марвда Абул Қосим Ҳасан ибн Исмоил ал-Маҳмудийдан, Маккада Абул Ҳасан Мухаммад ибн Али ал-Аздийдан ҳамда Бағдод, Шероз, Байт ал-Макдис, Миср, Искандария ва Тунис уламоаларидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Ҳусайн Муборак ибн Абдулжаббор ат-Туюрий ва Абу Бакр Мухаммад ал-Баладий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 408 (милодий 1018) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 456 ёки 457 (милодий 1065 ёки 1066) йили Нахшабда вафот этганлар.

Абу Аҳмад Мухаммад ибн Аҳмад ал-Устугдодизий солиҳ шайх, адабиётшунос олим бўлиб, камгап эдилар. Ғазнага борганлар ва султон Маҳмуд ибн Сабуктегиннинг фарзандларига адабиётдан таълим берганлар. Кейинчалик ватанларига қайтиб, доимо ибодат билан машғул бўлганлар. Абу Бакр Аҳмад ибн Мухаммад ал-Бухорий ва Абу

Исҳоқ Иброҳим ибн Абу Бакр ар-Розийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ан-Нахшабий таълим олганлар. Ҳижрий 439 (милодий 1048) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар. Жанозаларида Насафнинг кўп қишлоқ аҳли ҳозир бўлган.

Ал-Андадий

Андад – Насаф қишлоқларидан.

Муҳаммад ибн **Фазл ал-Андадий** шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Маҳмуд ан-Насафий ва Абу Али ал-Ҳофиз ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари ва неваралари ҳадис ривоят қилганлар.

Ал-Аншамисний

Аншамисний – Насаф қишлоқларидан.

Абул Ҳасан Ҳумайд ибн **Наим ал-Фақиҳ ал-Аншамисний** шу қишлоқдан. Бу киши солиҳ, фақиҳ, зоҳид ва тақводорлардан эдилар. Асад ибн Ҳамдавайҳ ан-Насафийдан таълим олганлар. Абул Аббос ал-Мустағфирий айтадилар: «Ҳижрий 376 (милодий 987) йилнинг шаввол ойида у киши билан бирга Зухҳод масжидида бир кун ўтирган эдим».

Ал-Ибсаний

Ибсан – Насафдан бир фарсах узоқликдаги қишлоқ.

Абу Яъқуб Юсуф ибн **Абу Бакр ал-Ибсаний** шу қишлоқдан. Бу киши шайх, фозил, қори, чиройли сийратли ва кўп ибодат қилувчилардан эдилар. Абу Бакр Муҳаммад ал-Баладийдан таълим олганлар. Насафда бўлганимда ал-Азракийнинг «Ахбору Макка» («Макка хабарлари») китобини шу кишида ўқиганман. Ҳижрий 478 (милодий 1086) йилнинг сафар ойида туғилиб, ҳижрий 552 (милодий 1158) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

Акаларининг ўғли **Абул Муаййин Маймун** ибн **Аҳмад ал-Ибсаний** ҳам шу қишлоқдан. Абу Бакр ал-Баладий ривоят қилган Имом ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобининг ўн бир жузини шу кишидан таълим олганман.

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн **Ғоним ал-Ибсаний** ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Масъуд ал-Кешийдан таълим олганлар. Ҳижрий 425 (милодий 1035) йил жумодул охир ойининг ўн тўққизинчи куни, шанба кечаси вафот этганлар.

Ал-Идрисий

Бу боболарининг исмига берилган нисбатдир.

Абу Саъд Абдурахмон ибн Муҳаммад ал-Астрободий ал-Идрисий шу нисбат билан машҳурдирлар. Астрободлик бўлиб, кейинчалик вафотларига қадар Самарқандда яшаганлар. «Тарихи Астробод» ва «Тарихи Насаф» китобларининг муаллифи. Бу зот юз минг ҳадисни ёддан билардилар. Мартабалари улуғ олим эдилар. Ҳадис илмини ўрганиш мақсадида Хуросон ва Ироқда бўлиб, у ернинг муҳаддисларидан кўп ҳадис ёзиб олганлар. Китоб ҳам таълиф қилганлар. Журжонда Абу Бакр Аҳмад ибн Иброҳим ал-Исмоилий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Адий ал-Ҳофиз, Бағдодда Абул Ҳасан Али ибн Умар ад-Доракутний ал-Ҳофиз, Марвда Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Умар ал-Жавҳарий ва Абул Ҳорис Али ибн Қосим ал-Хаттобийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Ало Муҳаммад ибн Али ал-Мукри ал-Воситий, Абул Қосим Али ибн Муҳсин ат-Танухий, Абул Ҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Атиқий ал-Бағдодий, Абул Қосим Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ал-Азҳарий ал-Бағдодий, Абу Саъд Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Молиний ва Абу Бишр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Варроқ ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 405 (милодий 1015) йилнинг зулҳижжа ойида Самарқандда вафот этганлар.

Абул Қосим Маҳмуд ибн Исмоил ал-Идрисий ат-Тараблусий имом, фозил, муфтий ва чиройли сийратли эдилар. Умрларини илм ўрганиш ва уни ёйиш билан ўтказганлар. Отам Муҳаммад ас-Самъонийдан таълим олганлар. Абу Бакр Абдулғаффор ибн Муҳаммад аш-Ширавийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Марв ва Нишопурда у кишидан баъзи нарсаларни ёзиб олдим. Ҳижрий 470 (милодий 1078) йилдан кейин таваллуд топганлар.

Ал-Боёний

Поён – Насафнинг маълум ва машҳур маҳаллаларидан. Бу маҳаллада Имом ал-Бухорий бўлганлар. Мен бу кишлоқда кўп бўлдим ва Имом ал-Бухорий намоз ўқиган масжидда намоз ўқидим.

Абу Яъло Муҳаммад ибн Абу Таййиб Аҳмад ал-Боёний шу кишлоқдан бўлиб, имом эдилар. Араб тили ва адабиётини жуда яхши билар-

дилар. Хижрий 367 (милодий 978) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

Ал-Батхудоний

Батхудон – Насаф қишлоқларидан.

Абу Али Ҳасан ибн Абдуллоҳ ал-Батхудоний ан-Насафий шу қишлоқдан. Бу киши шайх, фозил, солиҳ, ҳалолу покиза, чиройли сийратли қори эдилар. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан таълим олганлар. Хижрий 491 (милодий 1099) йил муҳаррам ойининг биринчисида Батхудон қишлоғида туғилиб, хижрий 551 (милодий 1157) йили Насафда вафот этганлар.

Ал-Баздавий

Базда (Пазда) – Насафдан олти фарсах узоқликда Бухоро йўлида жойлашган катта қалъа.

Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Баздавий бу нисбат билан машҳурдирлар. «Факиху Мовароуннаҳр» (Мовароуннаҳрнинг фақиҳи) ва «Устоз ул-аимма» (Имомларнинг устози) унвонларининг соҳиби. Тарикатда шайх бўлиб, Абу Ҳанифа мазҳабида эдилар. Ўғиллари Абу Собит Ҳасан ибн Алидан Али ибн Абдулазиз ал-Бағавийнинг «Муснад» китобларини ёзиб олганман. Ўғиллари ушбу китобни Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Бухорийдан ривоят қилганлар.

Укалари *Абул Юср Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Баздавий* «Қози ас-садр» (Қозиларнинг пешвоси) номи билан танилганлар. Бухорода имло ва фикҳдан дарс берганлар. Ўғиллари Абул Маолий Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Баздавий Марвда қози эдилар.

Абу Абдуллоҳ Убайдуллоҳ ибн Амр ал-Баздавий пешкадам муҳаддис олимлардан. Каъб ибн Саъид ал-Қози, Аҳмад ибн Ҳафс ал-Ижлий ва Абу Ваҳб Муҳаммад ибн Музоҳимдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Сулаймон Довуд ибн Нусайр ал-Бухорий ҳадис ривоят қилганлар. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Наср ал-Баздавий, Убайдуллоҳ ибн Амр, Исо ал-Асқалоний ва Абу Исо ат-Термизийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Убайдуллоҳ ибн Амр хижрий 323 (милодий 936) йилда вафот этганлар.

Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо ал-Баздавий – юқорида номлари зикр қилинган Абул Ҳасан ал-Баздавийнинг боболари. Бу кишидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Гунжор ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар.

Ал-Бадёнавий

Бадёна – Насаф қишлоқларидан.

Абу Салама ал-Бадёнавий шу қишлоқдан бўлиб, зоҳид ва ориф эдилар.

Ал-Бузғомий

Бузғом – Насаф қишлоқларидан.

Абу Тоҳир Ҳамза ибн Муҳаммад ал-Бузғомий шу қишлоқдан бўлиб, фақиҳ уламолар Абу Тоҳир ал-Қалонисий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл ал-Бухорийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 412 (милодий 1022) йилнинг рамазон ойида ёш вафот этганлар.

Ал-Баштоний

Баштон – Насаф қишлоқларидан. Бу ердан улуг олимлар етишиб чиққанлар.

Бишр ибн Имрон ал-Баштоний қироатлари жуда чиройли қори бўлганлар. Ҳижрий 401 (милодий 1011) йилнинг ражаб ойида Баштон қишлоғида вафот этганлар.

Ал-Баладий

Балад арабча сўз бўлиб, шаҳар деган маънони англатади.

Машҳур муҳаддис олим *Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий Насаф* аҳлидан. Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ва ўғиллари Абу Зар Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Мустағфирийдан, Абу Наср Аҳмад ибн Али ал-Моймарғийдан ва оталари Абу Наср ал-Баладийдан таълим олганлар. Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Моймарғда бу зот ҳақларида менга йигирмадан кўпроқ киши маълумот берди. Неваралари Абу Наср Аҳмад ибн Абдулжаббор ал-Баладийдан бу нисбат ҳақида сўрадим. У зот айтдилар: «Конат алуламоу фи замони жаддий ал-аъло Абу Наср аксарухум би Насаф минал-қуро ван-ноҳия. Ва кона жаддий мин аҳлил-балад. Фаурифа би Ал-Баладий. Фабақо алайно ҳазал исм» (Катта бобом Абу Насрнинг замонларида аксарият уламолар Насафнинг қишлоқ ва ноҳияларидан

эдилар. Бобом эса шаҳар аҳлидан бўлганлар. Шунинг учун «Ал-Баладий» нисбати билан танилганлар. Шундай кейин бизга бу исм қолди). Абу Бакр ал-Баладий Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларидан дарс берганлар. Ҳижрий 504 (милодий 1111) йилда вафот этганлар.

Неваралари *Абу Наср Аҳмад ибн Абдулжаббор ал-Баладий* солиҳ шайх, чиройли сийратли, Насафнинг таниқли ва кўзга кўринган олими эдилар. Абу Ҳафс Умар ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ларини шу кишидан таълим олганман. Ўғлим Абул Музаффар ас-Самъоний ҳам ушбу китобнинг айрим жузидан таълим олганлар. Ҳижрий 551 (милодий 1157) йилда у кишининг ёнларидан кетганимда тирик эдилар.

Боболари *Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Баладий* қози, ҳадисни яхши кўрувчи муҳаддис эдилар. Абу Муҳаммад ат-Тарсусий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз ва Абу Бакр ибн Идрис ал-Жаржаройдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий таълим олганлар ва устозлари ҳақида «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар қомуси») китобларида маълумот қолдирганлар.

Ат-Тадёний

Тадёна – Насаф қишлоқларидан.

Абул Фаворис Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафий ат-Тадёний шу қишлоқдан. Бу кишидан Насаф машойихлари таълим олганлар. Ҳижрий 366 (милодий 977) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

Иброҳим ибн Набҳон ат-Тадёний ҳам шу қишлоқдан. Ҳижрий 392 (милодий 1003) йил рабиъул аввал ойининг еттинчисида, якшанба куни Тадёна қишлоғида ёш вафот этганлар.

Ат-Тубиний

Тубин – Насаф қишлоқларидан.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ат-Тубиний шу қишлоқдан бўлиб, Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Ҳалаф ан-Насафийдан таълим олганлар. Ҳижрий 380 (милодий 991) йилда Ҳузорнинг (Ғузорнинг) Камсара қишлоғида вафот этганлар. Тобутлари Тубин қишлоғига олиб борилиб, шу ерда дафн қилинганлар.

Абул Фазл Жавфар ибн Муҳаммад ат-Тубиний шу кишлоқда деҳқон эдилар. Имом ал-Бухорийдан «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларидан таълим олганлар. Бу киши – Имом ал-Бухорийдан «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобини ривоят қилган охирги ровий. Ҳижрий 278 (милодий 892) йилдан кейин вафот этганлар.

Ал-Жавбақий

Жавбак – Насафда одамлар тўпланиб турадиган мавзе.

Абу Туроб Исмоил ибн Тоҳир ал-Жавбақий ан-Насафий шу нисбат билан машҳурдилар. Бу киши Насаф аҳлидан бўлиб, ҳофиз ал-Қуръон, фозил ва кўп ҳадис билувчи эдилар. Абул Фазл Аҳмад ибн Али ас-Сулаймоний ва Абу Абдуллоҳ ал-Ғунжор ал-Ҳофиздан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 430 (милодий 1039) йил зулҳижжа ойининг йигирма еттинчисида вафот этганлар.

Абу Наср Аҳмад ибн Али ал-Жавбақий ҳам шу кишлоқдан. Бу киши адиб ва шоир бўлиб, «Абу Ҳомидот» лақаби билан машҳур эдилар. Илм талабида ҳижрий 320 (милодий 933) йилда Ироққа сафар қилиб, Ироқ ва Хуросон машойихларидан таълим олганлар. Фикҳ илмини Абу Исҳоқ ал-Марвазийдан ўрганганлар. Кейинчалик Насафга келиб, шу ерда яшаганлар. Ҳаж қилиб қайтаётганларида ҳижрий 340 (милодий 952) йилда вафот этганлар.

Абу Иброҳим ибн Аҳмад ал-Жавбақий Насаф аҳлидан. Абул Фаворис Аҳмад ибн Муҳаммад, Абу Наср Лайс ибн Наср ал-Кожарий ва Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободийдан таълим олганлар. Ҳижрий 410 (милодий 1020) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

Ал-Жувикий

Жувик – Насаф кўчаларидан.

Муҳаммад ибн Ҳайдар ал-Жувикий шу кўчадан. Муҳаммад ибн Толиб ан-Насафий ва Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар.

Ал-Жўйборий

Жўйбор – Насафдаги маҳалла. Самарқанд ва Ҳиротда шу номда кишлоқлар бор.

*Абу Бакр **Муҳаммад** ибн Суррий ал-Жуйборий* Насафнинг Жўйбор маҳалласидан. «Ҳам» лақаби билан танилганлар. Мен бу маҳаллада бўлганман. Бу киши солиҳ шайх ва ғассол (ўлик ювувчи) бўлганлар. Имом ал-Бухорий билан учрашганлар. Иброҳим ибн Маъқал ва Муҳаммад ибн Мусодан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдуллоҳ ибн Аҳмад ва Абу Бакр Аҳмад ибн Абдулазиз таълим олганлар.

*Абу Иброҳим **Исмоил** ибн Муҳаммад ал-Жуйборий* асли бухоролик бўлиб, Насафнинг Жўйбор маҳалласида яшаганлар. Фақиҳ эдилар. Жомеъ масжидида Абу Ҳафс аз-Зоҳид ал-Фардадий ўтирадиган жойда ўтирар эдилар. Абдусамад ибн Фазл ал-Балхий ва Абу Шаҳоб Муаммар ибн Муҳаммад ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилганлар.

Ўғиллари *Абу Али **Ҳусайн** ал-Кеший* ҳам фақиҳ эдилар. Исо ибн Ҳусайндан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 320 (милодий 933) йилдан кейин вафот этганлар.

Ал-Жийлоний

Жийлон – ток шохлари. Ундан сават ва бошқа ҳар хил нарса тўқувчи (ясовчи) киши «Жийлоний» дейилади. Табаристоннинг ортида машҳур Жийлон шаҳри ҳам бор.

*Абу Муҳаммад **Аҳмад** ибн Муҳаммад ал-Жийлоний* шу нисбат билан машҳурдирлар. Бу киши Насаф аҳлидан бўлиб, кейинчалик Бухорода яшаганлар. Фикҳ илмининг пешқадам олимларидан ва фозил кишилардан эдилар. Насафда Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан таълим олганлар. Ал-Азрақийнинг «Ахбору Макка» («Макка хабарлари») ва Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобининг баъзи жузларини шу кишидан таълим олганман. Ҳижрий 485 (милодий 1093) йилда Насафда таваллуд топганлар.

Ал-Ҳотимий

*Абул Муаййид **Маймун** ибн Абул Ало ал-Ҳотимий ан-Насафий* насафлик олимлардан. Бу киши Насафда узоқ муддат қози бўлганлар. Боболари Абу Али Ҳасан ибн Ади ал-Ҳотимийдан таълим олганлар. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 442 (милодий 1051) йилда туғилиб, ҳижрий 513

(милодий 1120) йил ражаб ойининг ўн тўққизинчисида, жума куни кечаси Насафда вафот этганлар.

Ал-Ҳомидий

Ҳомид – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абул Ҳасан **Наср** ибн Аҳмад Ҳомид ал-Ҳомидий шу нисбат билан машҳурдирлар. Бу киши Насаф олимларидан бўлиб, ёш фақиҳ, такводор, зоҳид, диндор ва фозил эдилар. Илм ўрганиш учун Марвга сафар қилиб, Абул Фазл ал-Ҳаддодийдан ҳадис ёзиб олганлар. Ҳижрий 396 (милодий 1006) йили Марвда вафот этганлар. Абу Амр ал-Камонийнинг ёнларида дафн қилинганлар.

Ал-Ҳузорий

Хузор⁵⁰¹ – Насафга яқин ноҳия. Бу ердан кўп олим чиққан.

Абу Ҳорун **Мусо** ибн Жаъфар ал-Ҳузорий ал-Кеший Хузор аҳлидан. Илм ўрганиш мақсадида Ироқ, Ҳижозда бўлиб, кейинчалик Хуросонга қайтиб, Аҳмад ибн Солих ал-Маккий ва Муҳаммад ибн Занбур ал-Маккийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Ҳаммод ибн Шокир ан-Насафий ва Муҳаммад ибн Закариё ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар.

Ал-Ҳаштиёрий

Абу Ҳусайн **Тоҳир** ибн Маҳмуд ал-Ҳаштиёрий ан-Насафий Насаф аҳлидан. Бу киши буюк имом, фозил ва олимлардан эдилар. Илм талабида Ироқ, Шомда бўлганлар. Ҳижрий 289 (милодий 903) йили Насафда вафот этганлар.

Ал-Ҳушном

Абу Али **Муҳаммад** ибн Ҳушном ал-Ҳушномий Насаф аҳлидан. Исҳоқ ибн Амр ва Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободий, Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 334 (милодий 946) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 406 (милодий 1016) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этганлар.

Ўғиллари Абул Ҳасан **Тоҳир** ибн Муҳаммад ал-Ҳушномий Насаф аҳлидан. Ҳижрий 383 (милодий 994) йилда илм талабида Хуросон, Ҳирот ва Сижистонда бўлиб, ўша мамлакатларда анча йил яшаганлар.

⁵⁰¹ Ҳозирги Ғузор.

Тасаввуф машойхларининг хизматларини қилиб, уларнинг панду насихатларини ёзиб олар эдилар. Кейинчалик ўз шаҳарларига қайтиб, Шош, Суғд ва Самарқанд уламоларидан таълим олганлар. Ҳижрий 397 (милодий 1007) йил жумодул аввал ойининг жума кечаси ёш вафот этганлар.

Ал-Ҳашяндизий

Ҳашяндиза – Насаф қишлоқларидан.

Исмоил ибн Меҳрон ал-Ҳашяндизий – шу қишлоқдан бўлиб, Абул Ҳасан ал-Омирийнинг куёвлари. Бу киши ҳақларида Абул Аббос ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар.

Ал-Ҳузёний

Ҳузён – Насаф ноҳиясининг Ғубдин қишлоғидаги қаср.

Абул Аббос Маҳдий ибн Самъон ал-Ҳузёний Ғубдин қишлоқларидаги Ҳузён қасрида яшар эдилар. Доимо зоҳидлар ҳақида гапирардилар. Ҳижрий 398 (милодий 1008) йил шаъбон ойининг ўн учинчисида, чоршанба куни вафот этганлар. Жанозаларини Абул Аббос ал-Мустағфирий ўқиганлар. Пайшанба куни қуёш ботишидан олдин дафн қилинганлар.

Ад-Дорий

Абу Муҳаммад Абдурахим ибн Зайд ад-Дорий ан-Насафий Насаф олимларидан. Хуросонга бораётганларида Абул Аббос ал-Мустағфирий билан бирга сафарда бўлганлар. Насафда Абу Аҳмад Қосим ибн Муҳаммад ал-Қантарийдан, Иштихонда Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Иштиханийдан, Кушонияда Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ал-Кушонийдан, Бухорода Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Исмоилийдан таълим олганлар. Абул Аббос ал-Мустағфирий айтадилар: «Мен у кишидан битта ҳадис ёзиб олганман. Ҳижрий 396 (милодий 1006) йилнинг ражаб ойида 30 ёшда вафот этганлар».

Ад-Дужоканий

Дужокан – Насаф қишлоқларидан.

Исмоил ибн Яъқуб ад-Дужоканий ан-Насафий шу қишлоқдан бўлиб, шайх ва ҳофиз ал-Қуръон эдилар. Самарқандга келиб, у ернинг машойхларидан таълим олганлар. Ҳижрий 482 (милодий 1090) йилнинг шаъбон ойида Насафда вафот этганлар.

Ад-Дириздаҳий

Диризда – Насаф кишлоқларидан.

Абу Али Ҳусайн ибн Ҳасан ал-Фақиҳ ад-Дириздаҳий шу кишлоқдан. Фикҳ ва ҳадис илмларини Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Усфурий ва Абу Салама Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Бакр ал-Фақиҳдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Иброҳим ибн Али ан-Насафий таълим олганлар.

Абу Саъид Халаф ибн Сулаймон ад-Дириздаҳий ҳам Диризда кишлоғидан. Шайх ва ишончли муҳаддис эдилар. Илм ўрганиш учун Ироқ, Шомда бўлиб, Ҳишом ибн Аммор ад-Димашқий, Суфён ибн Вакеъ, Муҳаммад ибн Башшор, Муҳаммад ибн Мусанно ва бошқа уламолардан таълим олганлар. Бу киши – Иброҳим ибн Маъқалнинг қариндошлари. «Муснад»ни таълиф қилганлар. Ҳижрий 300 (милодий 913) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

Ар-Роғсарсаний

Роғсарсан – Насафдан ярим фарсах узоқликда жойлашган кишлоқ.

Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ан-Насафий ар-Роғсарсаний шу кишлоқдан бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Зайд ал-Ҳусайний ал-Алавийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар.

Ар-Роҳибий

Роҳиб – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Бакр ар-Роҳибий ал-Фароизий Насаф аҳлидан. Бу киши Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий, Муҳаммад ибн Толиб ан-Насафий ва Муҳаммад ибн Маҳмуд ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 385 (милодий 996) йилнинг зулҳижжа ойида вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ар-Роҳибий* Насаф шаҳрининг фахрли адиб ва шоири эдилар. Боболари Абу Амр ар-Роҳибийдан, Абул Фаворис Аҳмад ибн Жумъа, Лайс ибн Наср ал-Кожарий ва Абу Бакр Исмоил ибн Муҳаммад ал-Фарротийдан таълим

олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 347 (милодий 959) йилнинг шаъбон ойида таваллуд топиб, ҳижрий 426 (милодий 1036) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Баззор ар-Роҳибий шайх эдилар. Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 386 (милодий 997) йил зулқаъда ойининг душанба куни аср вақтида вафот этганлар.

Аз-Зоғарсарсаний

Зоғарсарсан (Зоғарсарсий деб ҳам айтилади) – Насаф кишлоқларидан.

Абу Али Бакр ибн Абдуллоҳ аз-Зоғарсарсаний ан-Насафий шу кишлоқдан бўлиб, Самарқандда Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Форисийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 525 (милодий 1132) йилнинг шаввол ойида 88 ёшда вафот этганлар. Боболари Мусо аз-Зоғарсарсаний бир юз ўн тўрт йил, оталари тўқсон олти йил умр кўрганлар.

Аз-Зикуний

Зикун – Насаф кишлоқларидан.

Абу Жаъфар Ҳам ибн Мустағфир аз-Зикуний шу кишлоқдан бўлиб, Ражо ибн Сувайд ал-Балхий ва Абу Сухайл Имрон ибн Абу Имрондан таълим олганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Муҳаммад ибн Ҳам аз-Зикуний ва Муҳаммад ибн Қора ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 326 (милодий 939) йилдан кейин вафот этганлар.

Аз-Занданаёй

Занданаё (Зандон деб ҳам айтилади) – Насаф кишлоқларидан.

Абул Фаворис Абдулмалик ибн Муҳаммад ан-Насафий аз-Занданаёй Занданаё кишлоғидан. Самарқандда яшаганлар. Қози Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Баладийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 428 (милодий 1038) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 495 (милодий 1102) йилдан кейин вафот этганлар.

Ас-Сокабадёзавий

Сокабадёз – Насаф қишлоқларидан.

Муҳаммад ибн **Ато ан-Насафий ас-Сокабадёзавий** шу қишлоқдан бўлиб, фақиҳ, адиб ва олимлардан эдилар. Абу Ражо Қутайба ибн Муҳаммад ан-Насафийдан таълим олганлар. Ҳижрий 482 (милодий 1090) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

Ас-Сонжаний

Сонжан – Насаф қишлоқларидан.

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн **Маъқал ас-Сонжаний ан-Насафий** шу қишлоқдан бўлиб, Насаф аҳлининг машҳур имоми эдилар. Насафда Туфайл ибн Зайддан кейин қози бўлганлар. Бу киши ҳадис ва фикҳ илмларини яхши билувчи, пок ва ғамхўр кишилардан эдилар. Ҳадис жамлаб, уларни тасниф қилганлар. Илм талабида Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Мисрда бўлиб, у ердаги уламолардан таълим олганлар. Анча машаққат тортиб Аҳмад ибн Ҳанбалга йўлиққанлар, аммо у кишидан таълим ололмаганлар. Бу зот Имом ал-Бухорийдан «Саҳиҳ ул-Бухорий» китобидан таълим олганлар. Ушбу китобни Имом ал-Бухорийдан ривоят қилган охирги муҳаддис. Ҳижрий 295 (милодий 909) йилнинг зулқаъда ойида 85 ёшда вафот этганлар.

Ас-Сунний

Суннага берилган нисбат бўлиб, бу бидъатнинг зиди, муҳолифи деган маънони англатади. Бидъат аҳли кўпайиб кетган бир вақтда бир гуруҳ уламолар шу нисбатни қўллашни маъқул кўрганлар. Абу Салама Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сунний бу нисбат билан машҳурдирлар. Насаф аҳлидан. У ернинг – Насафнинг шайхларидан эдилар. Бу киши аввал мўътазилий, кейин сунний бўлганлар.

Абу Салама Ҳусайн ибн **Аҳмад ас-Сунний** исмли бир фарзандлари шайх эдилар. «Ад-Дехқон» номи билан танилган эдилар. Бу зот Имом ал-Бужайрийнинг «ас-Сунан» («Суннатлар») китобларидан таълим олиб, уни Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан ривоят қилганлар. Насафда бўлганимда бу кишидан шу китобдан таълим олганман.

Ас-Суводий

Суводиза – Нахшаб кишлоқларидан. Насаф аҳли бу кишлоқлик кишиларга нисбат берганда «ас-Сувоий» дер эди. Аммо тўғриси «ас-Суводий»дир.

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Луқмон ас-Суводий шу кишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Ақийл ал-Балхий, Аҳмад ибн Ҳам ас-Саффор, Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Боҳилий, Солиҳ ибн Абу Румайҳ ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ишончли муҳаддис эдилар. Ҳижрий 371 (милодий 982) йилда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ақийл ал-Балхийнинг «ал-Жомеъ» китобларини шахсан муаллифдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустаффирий ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 374 (милодий 985) йилнинг шаъбон ойида вафот этганлар.

Ас-Саломий

Абу Наср Муҳаммад ибн Яъқуб ас-Саломий ан-Насафий Насаф аҳлидан. Кучли шайх, тўғри сўз олим ва кўп ҳадис билувчи эдилар. Абу Наср ас-Саломийнинг фарзандлари бўлмаган. Насафда минора курганлар ва: «Ҳазал буржу лий би манзилат ал-валад» (Бу минора менинг учун фарзанд ўрнидадир), деганлар. Насафда оталаридан ва Абу Амр Бакр ибн Муҳаммад ан-Насафийдан, Бухорода Абу Саъид Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ар-Розийдан, Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Соифдан, Кармана ва Сарахс уламоларидан таълим олганлар. Бу кишидан Абул Аббос Жаъфар ал-Мустаффирий ва Абу Бакр Муҳаммад ал-Баладий ҳадис ривоят қилганлар. Ал-Карминийдан Абу Ҳафс Умар ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобларидан таълим олганлар. Ҳижрий 430 (милодий 1039) йили Насафда вафот этганлар.

Аш-Шовхароний

Шовхарон – Насаф кишлоқларидан. Иморатлари кўп бўлиб, кейин харобага айланган. Унинг номигина қолган. Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Жаъфар аш-Шовхароний Абу Амр ибн Абу Комилнинг суҳбатдоши бўлган. Ҳижрий 383 (милодий 994) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

Аш-Шоҳидий

Шоҳид – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Абдулваҳҳоб ан-Насафий аш-Шоҳидий Насаф аҳлидан. Дастлаб оталари Абдулваҳҳоб аш-Шоҳидийдан, кейин Абу Наср Лайс ибн Наср ал-Кожарий ва Абул Фаворис Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 412 (милодий 1022) йилнинг жумодул аввал ойида Кешда вафот этганлар. Насафда дафн қилинганлар.

Аш-Шарғиёний

Шарғиён – Бухородан беш фарсах узоқликдаги Шарғ (Чарх) кишлоғи. Насафда ҳам Шарғиён деган кўча бор. У «Кўйи Чарғиён» дейилади. Бухоронинг Шарғ (Чарғ) кишлоғидан шу кўчага кўчиб келган кишиларга «аш-Шарғиёний» деб нисбат берилган.

Абу Наср Аҳмад ибн Али аш-Шарғиёний ан-Насафий Насаф аҳлидан бўлиб, ушбу маҳаллада яшаганлар. Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 403 (милодий 1013) йил рамазон ойининг ўн олтинчисида вафот этганлар.

Аш-Ширакатий

Ширакат – Насаф кишлоқларидан.

Абу Наср Аҳмад ибн Аммор аш-Ширакатий шу кишлоқдан бўлиб, Абу Муҳаммад Наср ибн Муҳаммад аш-Ширакатийдан Имом ат-Термизийнинг «Сунани Абу Исо» китобларидан таълим олганлар. Ҳижрий 400 (милодий 1010) йилнинг шаъбон ойида Ширакат кишлоғида вафот этганлар.

Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Муҳаммад аш-Ширакатий ишончли шайх бўлганлар. Абу Мансур Абдуллоҳ ибн Сулаймон ал-Карминий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қаффол аш-Шошийдан таълим олганлар. Ҳижрий 408 (милодий 1018) йилнинг шаввол ойида Ширакат кишлоғида вафот этганлар.

Абу Аҳмад Толиб ибн Али аш-Ширакатий – ҳам шу кишлоқ аҳлидан бўлиб, Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Толибнинг оталари. Имом ал-Бухорийдан ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Муқридан ҳадис ривоят

қилганлар. Ҳижрий 288 (милодий 902) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

Ас-Соигий

Соиг арабча сўз бўлиб, заргар деган маънони англатади. Насафда «ас-соға» (Заргарлар) кўчаси бор.

Абу Али Муҳаммад ибн Усмон ас-Соигий ан-Насафий шу кўчадан эдилар. Аммо заргар эмасдилар. Насафга илк бор келганимда шу кўчада бўлганман. Абу Али ас-Соигий фозил, илмга чанқоқ эдилар. Илм талабида Ироқ, Миср, Ҳижоз, Бағдодга бўлиб, у ерларнинг уламоларидан таълим олганлар. Кейин ватанлари Насафга қайтиб, Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 344 (милодий 956) йилдан кейин денгизга ғарқ бўлганлар.

Ас-Садиқий

Садик – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абул Фазл Жаъфар ибн Муҳаммад ас-Садиқий ан-Насафий Насаф аҳлидан. Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Бағавийдан ҳадис ривоят қилганлар.

Ат-Толибий

Абу Яъмар Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ат-Толибий Насаф аҳлидан. Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий ва Муҳаммад ибн Толиб ан-Насафийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Умрларининг охирида кўзлари ожиз бўлиб қолган. Ҳижрий 386 (милодий 997) йилнинг шаъбон ойида Насафда вафот этганлар.

Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ат-Толибий Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий ва Муҳаммад ибн Закариёдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз уч ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 386 (милодий 997) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

Ат-Турхорий

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Абу Али ан-Насафий ат-Турхорий Насаф аҳлидан. Абул Фаворис Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз у кишидан «Муснади Усмон ибн Аффон»

китобини ва Иброҳим ибн Маъқалнинг «Муснад» китобини таълим олганлар.

Ал-Имроний

Абу Бакр Муҳаммад ибн Қосим ал-Имроний ал-Касбавий Касба аҳлидан. Касба Насаф қишлоқларидандир. Катта боболарининг исми Имрон бўлганлиги учун «ал-Имроний» деб нисбат берилган. Самарқандда раис ва вазир лавозимларида ишлаганлар. Кейинчалик ҳамма ишларини қўйиб, умрларининг охирида Абу Исмоил Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Ҳалимийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 513 (милодий 1120) йилнинг зулқаъда ойида 83 ёшда Касба қишлоғида вафот этганлар.

Ал-Ғубдиний

Ғубдин⁵⁰² – Насафдан икки фарсах узоқликдаги қишлоқ. Бу қишлоқдан кўп илм аҳли етишиб чиққан.

Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Наим ал-Котиб ал-Ғубдиний шу қишлоқдан бўлиб, котиб эдилар. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Устоз ал-Бухорийдан таълим олганлар. Ҳижрий 381 (милодий 992) йилнинг муҳаррам ойида вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Наим Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Ғубдиний* ишончли муҳаддис, солиҳ, тўғри сўз эдилар. Кўп ҳадис билардилар. Илм ўрганиш учун Хуросон, Ироқ ва Ҳижозда бўлиб, у ернинг машойихларидан таълим олганлар. Бухорода Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайёмдан, Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободийдан ва Абу Амр Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорийдан, Насода Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насавийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ан-Насафий ва Абу Али Ҳасан ибн Абдулмалик ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 341 (милодий 953) йилнинг зулҳижжа ойида таваллуд топиб, Ҳижрий 427 (милодий 1037) йилнинг жумодул охир ойида вафот этганлар.

Укалари *Абул Ҳусайн Ало ибн Муҳаммад ал-Ғубдиний* Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ва Абу Аҳмад Абдурахмон ибн

⁵⁰² Қарши туманидаги Ғубдин ҚФЙ.

Абдуллоҳ ар-Розийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 409 (милодий 1019) йилнинг рамазон ойида Насафда вафот этганлар.

Абу Али Ҳасан ибн Абдуллоҳ ал-Ғубдиний ал-Батхудоний ҳам шу қишлоқдан бўлиб, қори, фозил, солиҳ кишиларидан эдилар. Абу Бакр ал-Баладий ва Муҳаммад ибн Аҳмаддан таълим олганлар. Насафда у кишидан таълим олганман. Ҳижрий 491 (милодий 1099) йил муҳаррам ойининг биринчи кунида таваллуд топиб, ҳижрий 551 (милодий 1157) йилда вафот этганлар.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ғубдиний котиб бўлиб, Бухорода яшаганлар. Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал-Хайём ва Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорийдан таълим олганлар. Ҳижрий 420 (милодий 1030) йилда вафот этганлар.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ал-Ғубдиний ан-Насафий фозил, имом эдилар. Самарқанд қозиси бўлганлар. Абу Таййиб Тохир ибн Ҳасан ал-Мутаввиъийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 505 (милодий 1112) йилнинг сафар ойида Бухорода вафот этганлар.

Ал-Фарҳуздижажй

Фарҳуздижа – Насафдан икки фарсах узоқликдаги қишлоқ. Шу қишлоқда бир кеча тунаганман.

Шайх Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Фарҳуздижажй шу қишлоқдан. Ҳижрий 491 (милодий 1099) йилда таваллуд топганлар. Бу киши солиҳ шайх, вазмин, камтарин инсон бўлиб, эшитган ҳадислари саҳиҳ эди. Бухорода у зотдан Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ 110 Қарши туманидаги Ғубдин ҚФЙ. ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») китобининг учдан бирини, ал-Азрақийнинг «Ахбору Макка» («Макка хабарлари») китобининг икки жилдини таълим олганман.

Али ибн Нажоҳ ал-Фарҳуздижажй ҳам шу қишлоқнинг пешқадам олимларидан. Бу киши ва шу қишлоқ аҳли ҳақида Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар.

Ал-Фазовий

Бу боболарининг исмига берилган нисбатдир.

Абу Бакр Мухаммад ибн Али ал-Фазовий Насафдан бир фарсах узоқликдаги Афрон қишлоғидан. Иброҳим ибн Маъқал ан-Насафийдан таълим олганлар. Тахминан ҳижрий 320 (милодий 933) йилда вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Амр Аҳмад ибн Мухаммад ал-Фазовий ал-Офуроний* илм талабида ҳижрий 320 (милодий 933) йилда Ироққа бориб, ҳадис илмидан кўп таълим олганлар. Ҳижрий 325 (милодий 938) йилда ёш вафот этганлар.

Ўғиллари *Абул Азҳар Аҳмад ибн Мухаммад ал-Фазовий ал-Офуроний* оталаридан ва *Абул Аҳвас Мухаммад ибн Муслим ал-Косийдан* таълим олганлар. Ўзларидан эса *Абул Аббос ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз* ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 286 (милодий 900) йилдан кейин вафот этганлар.

Ал-Фанкадий

Фанкад – Насаф қишлоқларидан.

Абу Жаъфар Мухаммад ибн Мансур ал-Фанкадий шу қишлоқдан бўлиб, хофиз ал-Қуръон эдилар. Тамом ибн Мухаммад ал-Муқри ва *Абу Аҳмад Мухаммад ибн Аваз ал-Муқридан* Қуръони каримдан таълим олганлар. Бу киши ҳақида *Абул Аббос ал-Мустағфирий* «Тарихи Насаф» китобларида маълумот берганлар.

Ал-Фаннуий

Аҳмад ибн Амр ал-Фаннуий ад-Дабусий Насаф аҳлидан бўлиб, Дабусияда ҳижрий 93 (милодий 713) йили Қутайба ибн Муслим кўлида мусулмон бўлганлар.

Ал-Фижакатий

Фижакат – Насаф қишлоқларидан.

Қози Абу Наср Аҳмад ибн Тоҳир ал-Фижакатий ан-Насафий Самарқандда боболари *Аҳмад ибн Мухаммад ибн Исо ал-Фижакасийдан* ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса *Абу Ҳафс Умар ибн Мухаммад ан-Насафий* ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 522 (милодий 1129) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар.

Имом *Абу Бакр Мухаммад ибн Абдуллоҳ ал-Фижакатий ан-Насафий* ҳам шу қишлоқдан. *Абу Ҳафс Умар ибн Мухаммад ибн*

Аҳмад ан-Насафий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 452 (милодий 1061) йилнинг сафар ойида таваллуд топганлар.

Қози *Абул Музаффар Маҳмуд ибн Абдураҳим ал-Фижакасий* ан-Насафий ҳам шу кишлоққа мансуб бўлиб, Самарқандда оталаридан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий таълим олганлар. Ҳижрий 523 (милодий 1130) йилнинг зулқаъда ойида Фижакас кишлоғида шаҳид бўлганлар.

Ал-Қариний

Қарина – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абу Талҳа Мансур ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Қариний Базда аҳлидан. Боболарининг исми Қарина бўлган. Шунинг учун «ал-Қариний» деб нисбат берилган. Бу киши – Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини ривоят қилган кучли ва ишончли муҳаддис. Ҳижрий 329 (милодий 942) йилда вафот этганлар.

Ал-Қаллосий

Насафда илм аҳли учун қурилган машҳур уй бор. Унинг номи «ал-Қаллос»дир.

Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қаллосий ан-Насафий Насафда имом эдилар. Самарқанд қозиси Мансур ибн Аҳмад ал-Ғазакийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Самарқанд имомларидан бўлган Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ас-Санкбосийдан ҳадис ёзиб олганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 422 (милодий 1032) йилнинг ражаб ойида таваллуд топиб, ҳижрий 493 (милодий 1101) йил зулҳижжа ойининг ўн иккинчисида, жума кечаси Самарқандда вафот этиб, Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар.

Оталарининг амакилари *Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад ал-Қаллосий* Насафда раис бўлганлар. Ҳижрий 358 (милодий 970) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 447 (милодий 1056) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

Кенжа ўғиллари *Абу Бакр Муҳаммад ибн Наср ал-Қаллосий* Самарқандда Имом Али ас-Санкбосийдан фикҳ илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 418 (милодий 1028) йилнинг зулҳижжа ойида

таваллуд топиб, ҳижрий 485 (милодий 1093) йил зулҳижжа ойининг ўн саккизинчисиди, чоршанба куни Насафда вафот этганлар.

Акалари *Абу Муҳаммад Носир ибн Муҳаммад ал-Қаллосий* Насаф ва Самарқанд уламоларидан таълим олганлар. Умар ан-Насафий айтадилар: «У кишини учратганимда мен ҳали ёш эдим. У зот кўп ҳадис ёзиб олганлар. Ҳижрий 421 (милодий 1031) йил зулҳижжа ойининг ўн бешинчисиди таваллуд топиб, ҳижрий 472 (милодий 1080) йилнинг рабиъул аввал ойида вафот этганлар».

Ал-Кожарий

Кожар – Насафдан икки фарсах узоқликдаги қишлоқ. Бу қишлоқдан кўп муҳаддис, олим ва имомлар етишиб чиққанлар.

Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Кожарий шу қишлоқдан. Бу киши Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Фақиҳ ал-Ҳиндувоний ва Абул Фаворис Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 411 (милодий 1121) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

Абу Салама Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кожарий ҳам шу қишлоқдан. Лайс ибн Наср ал-Кожарийдан таълим олганлар. Бу кишидан Абу Туроб Исмоил ибн Тоҳир ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 410 (милодий 1020) йил зулҳижжа ойининг йигирма еттинчисиди жума намозидан кейин вафот этганлар. Шанба куни дафн қилинганлар.

Ал-Косаний

Косан⁵⁰³ – Насаф қишлоқларидан. Самарқандда адиб Маҳмуд ибн Али ан-Насафийдан эшитган эдим. У киши фахрланиб шундай дердилар: «Аллоҳ таоло қишлоғимизни Қуръони каримнинг Набаъ сураси, 34-оятида: «Ва каъсан диҳақо» (Жаннатда косалар тўла шароблар бордир), – деб зикр қилган». Бу ердан кўп зоҳид, олимлар етишиб чиққанлар.

Абу Абдураҳмон Муоз ибн Яъқуб ан-Насафий ал-Косаний шулар жумласидан бўлиб, зоҳид, олим, такводор ва солиҳ кишилардан

⁵⁰³ Қашқадарё вилоятидаги Косон шаҳри.

эдилар. Ҳижрий 219 (милодий 834) йилда жомеъ масжидини қурганлар. Шунингдек, «Сиккат уз-зуҳҳод»да (Зоҳидлар кўчаси) масжид, таҳоратхона ва қудуқ қурганлар. Бу кўча «Абу Абдурахмон аз-Зоҳид» деб ҳам номланган эди. Насафда бўлганимда қабрларини зиёрат қилганман.

Абу Наср Аҳмад ибн Шайх ал-Косаний шу қишлоқдан бўлиб, адиб, шоир, фозил ва фақиҳ кишилардан эдилар. «Тавотир ал-ҳужаж» («Кетма-кет ҳужжатлар») китобини таълиф қилганлар. Шофеъий мазҳабининг йирик фақиҳи бўлганлар.

Абу Наср Аҳмад ибн Жаъфар ал-Косаний Косон аҳлидан. Абул Аббос ал-Мустағфирийнинг куёвларидан. Лақаблари «Шуъба» эди. Бу лақабни қайноталари қўйганлар. Ҳадис илмини яхши билар эдилар. Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Астрободий, Абу Салама Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Сунний, Абул Аббос ал-Мустағфирийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладий ва Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Абдулазиз ан-Нахшабий бу киши ҳақларида «Муъжам уш-шууюх» («Шайхлар комуси») китобларида айтадилар: «Ҳижрий 499 (милодий 1048) йилда у кишидан ҳадис ёзиб олгандим. Ҳижрий 397 (милодий 1007) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 462 (милодий 1070) йил шаввол ойининг тўртинчисида, жума куни Насафда вафот этганлар».

Ал-Комилий

Комил – боболарига берилган нисбат.

Абу Яъло Ҳамза ибн Муҳаммад ал-Комилий Насаф олимларидан. Бу киши ҳақларида Абул Аббос ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида айтадилар: «ал-Комилий қарилик чоғларида мендан, Жаъфар ибн Муҳаммад ат-Тубанийдан, Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Маккийдан, Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Жавбакий ва бошқа машойихлардан ҳадис ёзиб олардилар. Ҳижрий 419 (милодий 1029) йилда жумодул охир ойининг йигирма еттинчисида, сешанба куни 76 ёшда вафот этганлар».

Ал-Кубиндавий

Кубинда – Насаф қишлоқларидан.

*Абу Исҳоқ **Иброҳим** ибн Ашрас ал-Кубиндавий* шу қишлоқдан. Абу Убайд Қосим ибн Саломдан таълим олганлар.

*Абу Лайс **Наср** ибн Мунзир ан-Насафий ал-Кубиндавий* ҳам шу қишлоқдан. Илм талабида Хуросон, Ирок, Ҳижоз, Шом ва Мисрда бўлиб, у ердаги машхур олимлардан таълим олганлар. Бу киши ҳақларида Абул Аббос ал-Мустаффирий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар. Дажла дарёсида сувга ғарқ бўлганлар.

*Абу Бакр **Муҳаммад** ибн Моноз ал-Кубиндавий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, фозил имом эдилар. «Шуъба» номи билан танилгандилар. Аҳмад ибн Жаъфар ан-Насафий ва Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Касбавийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 430 (милодий 1039) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 493 (милодий 1101) йил сафар ойининг учинчисида, якшанба куни Насафда 63 ёшда вафот этганлар.

Акалари *Абу Муҳаммад **Бакр** ибн Моноз ан-Насафий ал-Кубиндавий* ҳам муҳаддислардан. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий шу кишидан таълим олганлар. Абу Ҳафс ал-Кубиндавий Самарқандда кўп муҳаддисдан ҳадис илмидан таълим олардилар. «Наҳр ул-қассорин» маҳалласида бир неча муддат ваъз қилардилар. Ҳижрий 430 (милодий 1039) йилда туғилиб, ҳижрий 493 (милодий 1101) йил сафар ойининг учинчи куни Насафда 63 ёшда вафот этганлар.

*Абу Бакр **Муҳаммад** ибн Аҳмад ибн Моноз ал-Кубиндавий* ёшликларидан илмга чанқоқ эдилар. Биз билан бирга Самарқандда Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини Абу Наср Аҳмад ибн Абдулжаббор ал-Баладийдан таълим олардилар.

Ал-Кармужиний

Кармужин – Насаф қишлоқларидан.

*Абул Ҳасан **Ямон** ибн Таййиб ал-Кармужиний ан-Насафий* шу қишлоқдан. Бу киши Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ва Наср ибн Суҳайл ал-Баздавийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустаффирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 382 (милодий 993) йилнинг зулҳижжа ойида вафот этганлар.

Оталари *Абу Тоҳир ибн Хунайс ал-Кармужиний* ҳам шу кишлоқдан. Абул Аббос ал-Мустағфирий айтадилар: «Мен у кишида Ваҳб ибн Мунаббихнинг «ал-Мабда» китобини кўрдим. Бу китоб ҳижрий 323 (милодий 936) йилда ёзилган».

Ал-Касбавий

Касба⁵⁰⁴ (Касбажий деб ҳам айтилади) – Насафдан тўрт фарсах узоқликдаги кишлоқ. У ерда жомеъ масжиди ҳам бор.

Абу Аҳмад Исо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Касбавий шу нисбат билан машҳур бўлиб, «Бўстон» китобини тасниф этганлар. Бу кишидан Абдулмалик ал-Муарриф ва Абу Саъд ал-Идрисий ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Касбавий ҳам шу кишлоқдан. Абу Жаъфар ал-Фаррохонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Абу Комил ал-Басирий айтадилар: «У кишидан Ибн Умарнинг бўйинга масҳ тортиш ҳақидаги ҳадисларини ёзиб олганмиз. Ушбу ҳадис куйидагичадир: «Ман масаҳа унуқаҳу амина мин ал-ғулли явмал-киёмати» (Кимки бўйнига масҳ тортса, киёмат кунининг кишанидан омон қолади).

Абул Ҳасан Али ибн Иброҳим ал-Касбавий ҳам шу кишлоқдан. «Дарб ул-ҳадид»да (Темир дарвоза) муфтий эдилар. Абул Ҳасан Бузжонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Комил ал-Басирий таълим олганлар.

Абул Муаййад Мунир ибн Муҳаммад ал-Касбавий ҳам шу кишлоқдан. Кўп ҳадис билардилар. Адиб ва фозил эдилар. Насаф олимларидан таълим олиб, Насафнинг Ашфурқон кишлоғида вафот этганлар.

Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил ал-Касбавий ҳам шу кишлоқ олимларидан. Абу Бақр Аҳмад ибн Саъд аз-Зоҳиддан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 412 (милодий 1022) йил шаввол ойининг олтинчисида, жума куни вафот этганлар.

Абу Бақр Муҳаммад ибн Абдулмалик ал-Касбавий ҳам шу кишлоқ олимларидан. Абу Наср Аҳмад ибн Жаъфар ал-Косаний ал-Ҳофиздан

⁵⁰⁴ Ҳозирги Касби.

ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 409 (милодий 1019) йили зулҳижжа ойига 7 кун қолганда, душанба куни кечаси Насафда вафот этганлар.

Имом *Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Касбавий* боболаридан тортиб ҳаммалари фозил, олим ва имом эдилар. Абу Жаъфар ал-Каробисий ал-Балхийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 439 (милодий 1048) йилнинг сафар ойида туғилиб, ҳижрий 494 (милодий 1102) йил сафар ойининг йигирма иккинчисида, пайшанба куни эрτάлаб Касба қишлоғида вафот этганлар.

Ал-Луълуий

Луълу арабча сўз бўлиб, марварид-гавҳар деган маънони англатади. Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ал-Луълуий Насаф аҳлидан бўлиб, кейинчалик Бухорода яшаганлар. Марварид олибсотиб юрганлари учун «ал-Луълуий» деб нисбат берилган. Насафда Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан таълим олганлар. Бухорода ал-Луълуийдан ҳадис илмидан таълим олганман. У кишидан бу нисбат ҳақида сўраганимда: «Бизнинг ота-боболаримиз марварид сотардилар», – деб айтдилар.

Ал-Моймарғий

Моймарғ – Бухоро йўлидаги Нахшаб ноҳиясининг катта ва чиройли қишлоғи. Насафдан Бухорога жўнаётганимда бир кун шу қишлоқда бўлганман. Бу қишлоқдан кўп фозиллар етишиб чиққанлар. Самарқандда ҳам шу номда қишлоқ мавжуд.

Абу Наср Аҳмад ибн Али ал-Муқри ал-Моймарғий Насафнинг Моймарғ қишлоғидан. Бу киши солиҳ шайх, ишончли ва тўғри сўз муҳаддис ва кўп ҳадис билувчи олимлардан эдилар. Бухоролик Муҳаммад ибн Собир ал-Бухорий, Халил ибн Аҳмад ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Фазл ал-Бухорий ва Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорийдан таълим олганлар. Абу Бакр ибн Абу Исҳоқ ал-Калободийдан ҳадис ривоят қилганлар.

Абул Муаййад Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Моймарғий ан-Насафий фозил имом эдилар. Мадинаи Мунавваранинг имоми Муҳаммад ибн Мансур аш-Ширвонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса

Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 442 (милодий 1051) йилнинг рабиъул аввал ойида Моймарғ қишлоғида таваллуд топганлар. Ўғиллари Аҳмад эса ҳижрий 481 (милодий 1089) йилнинг шаъбон ойида таваллуд топганлар.

Ал-Маттий

Абу Исҳоқ **Муҳаммад** ибн Абдуллоҳ ал-Маттий Насаф аҳлидан бўлиб, кўп олимдан таълим олганлар. Ҳижрий 382 (милодий 993) йилнинг жумодул аввал ойида Бухорода вафот этиб, Насафда дафн қилинганлар.

Ўғиллари Абул Музаффар **Абдуллоҳ** ибн Муҳаммад ал-Маттий Абул Аббос ал-Мустағфирийнинг мактабдошлари эдилар. Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Абул Аббос ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 351 (милодий 963) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 412 (милодий 1022) йил шаввол ойида вафот этганлар.

Кенжа ўғиллари Абу Саҳл **Аҳмад** ибн Муҳаммад ал-Маттий ҳижрий 422 (милодий 1032) йилда вафот этганлар.

Ал-Муждувоний

Муждувон – Насаф қишлоқларидан. Иморатлари кўп эди, аммо ҳозир хароб бўлган.

Абу Жаъфар **Муҳаммад** ибн Назр ал-Муаддиб ал-Муждувоний шу қишлоқдан. Бу киши адиб, зоҳид, солиҳ банда, ибодат билан машғул, тақводор ва шоир эдилар. Абу Убайд ибн Абул Ҳасан ан-Насафийнинг «Китобу ғариб ал-ҳадис» («Ғариб ҳадислар китоби») асарини таълим олганлар. Бу кишидан эса Абул Аббос ал-Мустағфирий таълим олганлар.

Ўғиллари Абу Зар **Жаъфар** ибн Муҳаммад ал-Муждувоний ҳижрий 387 (милодий 998) йилнинг шаввол ойида вафот этганлар.

Абул Ҳайсам **Аҳмад** ибн Амр ал-Муждувоний ан-Насафий шу қишлоқдан бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Абу Амр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Усфурийдан таълим олганлар. Ҳижрий 419 (милодий 1029) йил рабиъул охир ойининг бошида Самарқандда вафот этганлар.

Ал-Маҳфузий

Маҳфуз – боболарининг исмига берилган нисбат. Абул Ҳайсам Наср ибн Абу Яъло ал-Маҳфузий Насаф аҳлидан бўлиб, Аллоҳнинг солиҳ бандаси ҳамда Насафнинг ишончли ва тўғри сўз тижоратчиларидан эдилар. Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафийдан таълим олганлар. Ҳижрий 385 (милодий 996) йилнинг зулҳижжа ойида вафот этганлар.

Ал-Мадиний

Мадина арабча сўз бўлиб, шаҳар деган маънони англатади. Ал-Мадиний шаҳарда муқим яшовчи, шаҳарлик демакдир. «Мадина» сўзи 8 та шаҳарга берилган нисбат: 1) Мадинаи мунаввара (кўпинча Мадина дейилганда, шу шаҳар назарда тутилади); 2) Бағдод; 3) Исфохон; 4) Нишопур; 5) Марвдаги ички қалъа; 6) Бухоро; 7) Самарқанд; 8) Насаф. (Кўринадики, Насаф шахрига ҳам «Мадина» деган нисбат берилган.)

*Абу Муҳаммад Ҳаммо*д ибн *Шокир ал-Мадиний ан-Насафий* Насаф шахрининг ичкарасидан. Бу киши ишончли ва буюк муҳаддислардан эдилар. Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ларини Абу Исо ат-Термизийдан, Исо ибн Аҳмад ал-Асқалонийдан ва Муҳаммад ибн Фазл ал-Балхийдан ривоят қилганлар. Ироқ ва Шомда ҳам бўлиб, у ердаги олимлардан таълим олганлар. Бу кишидан Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»ларидан таълим олганлар. Абу Муҳаммад ал-Мадиний ҳижрий 311 (милодий 924) йил зулқайда ойидан 7 кун қолганда, душанба куни вафот этганлар.

Ал-Марудий

Маруда – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абул Фазл Муҳаммад ибн *Абу Саъид ал-Марудий ан-Насафий* Насаф аҳлидан. Ишончли муҳаддис ва шайх эдилар. Маҳмуд ибн Анбар ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилган охириги муҳаддис бўлиб, у кишидан тўқсонга яқин ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос ал-Мустафийрий ва Ал-Мустафийрийнинг ўғиллари Абу Зар Муҳаммад ибн Жаъфар таълим олганлар. Ҳижрий 297 (милодий 910) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 386 (милодий 997) йилнинг зулқайда ойида вафот этганлар.

Ал-Мустағфирий

Мустағфир – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абу Али Муҳаммад ибн Муътаз ал-Мустағфирий Насаф аҳлидан. Абу Ҳафс Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ижлийдан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ҳижрий 318 (милодий 931) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 374 (милодий 985) йилнинг рабиъул охир ойида вафот этганлар.

Ўғиллари *Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Мустағфирий* Насафда имом-хатиб эдилар. Бу киши фақиҳ, фозил, кўп ҳадис билувчи муҳаддис, тўғри сўз, фаҳм-фаросатли, маърифатли ва тақводорлардан бўлганлар. Ҳадис жамлаб, китоб тасниф этганлар. Хуросон, Марв, Сарахс шаҳарларида яшаганлар. Кўпроқ Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад ас-Сарахсийдан таълим олганлар. Насафда Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободийдан, Бухорода Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Ғунжор ал-Ҳофиздан, Марвда Абул Ҳайсам Муҳаммад ал-Кушмиҳанийдан ва бошқа кўп олимдан таълим олганлар. Бу зотдан менинг катта бобом қози Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдулжаббор ас-Самъоний ва Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Аҳмад ас-Самарқандий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилганлар. Абул Аббос ал-Мустағфирий ан-Насафий кўп ҳадис жамлаганлар. Ўз даврларида Мовароуннаҳрда бу кишидай ҳадис жамловчи ва тасниф қилувчи ҳамда ҳадисларни яхши тушунувчи муҳаддис бўлмаган. Ҳижрий 350 (милодий 962) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 432 (милодий 1041) йилнинг жумодул аввал ойида Насафда вафот этганлар. Қабрлари Насафнинг водий тарафида. Уни зиёрат қилганман.

Абу Зар Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Мустағфирий ҳам Насаф аҳлидан бўлиб, Абул Аббос Жаъфар ал-Мустағфирийнинг ўғилларидан. Насафда оталаридан кейин имом-хатиб бўлганлар. Оталаридан ва кўп машойихдан таълим олганлар. Ниҳоятда илмли эдилар ва хайрли ишлар қилардилар. Бу киши ҳақларида Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий ал-Ҳофиз «Муъжам уш-шуюх» («Шайхлар қомуси») китобларида зикр қилганлар. Имом ал-Бухорийнинг «Саҳиҳ ул-Бухорий» китобларини Абу Али ал-Ҳожибийдан таълим олганлар. Эшитган ҳадислари саҳиҳ эди.

Ал-Мисноний

Миснон – Насаф қишлоқларидан.

Имрон ибн Аббос ал-Мисноний ал-Фақиҳ шу қишлоқдан бўлиб, Насафнинг пешқадам фақиҳларидан эдилар. Муҳаммад ибн Ҳумайд ар-Розий ва Муҳаммад ибн Фузайлдан ҳадис ривоят қилганлар. Ал-Миснонийдан эса Макхул ибн Фазл ан-Насафий ва Иброҳим ибн Фазлавайҳ ал-Касбавий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 281 (милодий 895) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар.

Ал-Макхулий

Макхул – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абул Бади **Аҳмад** ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Макхулий – Насаф аҳлидан бўлиб, «ал-Луюъу фи физ-зуҳд» («Зуҳддаги гавҳарлар») китобининг муаллифи. Фикҳ илмини билагонлардан эдилар. Оталари Абул Муаййин ал-Макхулийдан ҳамда Исо ал-Яғнавийдан таълим олганлар. Ҳижрий 331 (милодий 943) йилда таваллуд топиб, ҳижрий 379 (милодий 990) йилнинг сафар ойида Бухорода вафот этганлар. Насафда дафн қилинганлар.

Укалари Абул Маолий **Муътамид** ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Макхулий ҳам Насаф аҳлидан бўлиб, боболари Абул Муаййиндан «ал-Луюъу фи аз-зуҳд» китобини ривоят қилганлар. Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Исфаройинийдан таълим олиб, устозларидан «Ахбору Макка» («Макка хабарлари») китобини ривоят қилганлар. Ҳижрий 346 (милодий 958) йилнинг зулҳижжа ойида таваллуд топиб, ҳижрий 430 (милодий 1039) йилда вафот этганлар.

Ал-Мудавий

Муда – Насаф қишлоқларидан. Мен бу қишлоқда бўлгандайман.

Муҳаммад ибн Ислом ан-Насафий ал-Ансорий ал-Мудавий Муда қишлоғидан. Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Бишрдан «ал-Мубтадо» («Бошланиш») китобини ривоят қилганлар. Ўзларидан эса ўғиллари Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мудавий ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Али **Муҳаммад** ибн Ҳошим ал-Мудавий ҳам шу қишлоқдан. Ҳаммод ибн Шокир ан-Насафий ва Асад ибн Ҳамдавайҳ ан-Насафийдан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн

Муҳаммад ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 375 (милодий 986) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

Ал-Мувоний

Мувон – Насаф қишлоқларидан.

Абу Муҳаммад Усмон ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Мувоний шу қишлоқдан бўлиб, фақиҳ ва зоҳид эдилар. Қози Абул Фаворис ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар ва айтадилар: «Ҳижрий 422 (милодий 1032) йилнинг зулқаъда ойида вафот этганлар».

Ан-Нахшабий

Нахшаб Мовароуннаҳр шаҳарларидан бўлиб, Насафнинг аввалги номидир. Бу ердан дунёга машҳур кўпгина олимлар етишиб чиққанлар. Бу шаҳарнинг тарихи катта бўлиб, бу ҳақда Абул Аббос ал-Мустағфирий ал-Ҳофиз ан-Насафий икки жилддан иборат «Тарихи Насаф» номли катта китоб жамлаганлар.

Аскар ибн Ҳусайн ан-Нахшабий буюк шайх бўлиб, илм, фатво, таваккал, зуҳд ва парҳезкорликда ўз асрининг тенги йўқ олими эдилар. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Нумайрдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мусъаб ва Яъқуб ибн Валид ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 245 (милодий 860) йилда йиртқич ҳайвон тишлагач, вафот этганлар.

Ан-Насафий

Насаф⁵⁰⁵ – Мовароуннаҳр шаҳарларидан. Аввалги номи Нахшаб. Бу шаҳарда қарийб икки ой турдим ва у ернинг кўп олимидан таълим олдим. Бу шаҳардан ўз фанининг кўп мутахассислари етишиб чиққанлар. Уларнинг саноғига етиш қийин. Насафдан чиққан олимлар ҳақида Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий ан-Насафий саккиз жилддан кўпроқ китоб жамлаганлар.

Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъқал ан-Насафий аҳли суннанинг буюк олими, ишончли ва фозил муҳаддиси эдилар. Кўп ҳадис ёзиб олганлар, «Муснад» ва «Тафсир»ларни жамлаганлар. Насафда бир неча муддат

⁵⁰⁵ Ҳозирги Қарши.

қози ҳам бўлганлар. Илм ўрганиш учун Хуросон, Ироқ, Шом ва Мисрга бориб, Абдуллоҳ ибн Усмон ад-Дабусий, Қутайба ибн Саъид ал-Бағлоний, Ҳишом ибн Аммор ад-Димашқий, Ҳармала ибн Яҳё ал-Мисрий ва Яъқуб ибн Ҳумайд ибн Косибдан таълим олганлар. Бу кишидан олимлар кўп ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 294 (милодий 908) йилда вафот этганлар.

Ўғиллари *Абу Усмон Саъид ибн Иброҳим ан-Насафий* оталари ва Абдусамад ибн Фазл ал-Балхий, Абд ибн Ҳумайд ал-Кеший ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Яман, Ҳижоз, Ироқ, Хуросон ва Мовароуннаҳрда бўлганлар ва у ердаги уламолардан таълим олганлар. Фозил, ишончли муҳаддис, адиб ва шоир ҳам эдилар. Бу кишидан Али ибн Муҳаммад ал-Марвазий, Муҳаммад ибн Имрон ал-Иштиханий ва Абул Фазл Мансур ибн Наср ал-Қоғазий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 341 (милодий 953) йилнинг сафар ойида вафот этганлар.

Ан-Нусайрий

Нусайр – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абу Али Саъид ибн Нусайр ан-Нусайрий ан-Насафий Насаф аҳлидан бўлиб, қози ва имом эдилар. Оталари Наср ибн Аҳмад ан-Нусайрий ва Абу Наим ал-Ғубдинийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 493 (милодий 1101) йил зулҳижжа ойининг ўн саккизинчисида, пайшанба куни Самарқанднинг «Ҳоити ҳайён» кўчасида 58 ёшда вафот этганлар, Чокардиза қабристонида дафн қилинганлар.

Ан-Нухий

Нух – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Муҳаммад ан-Нухий ал-Хатиб Насаф аҳлидан бўлиб, ўз шаҳарларида имом-хатиб эдилар. Бу киши фозил, фақиҳ ва узоқ умр кўрган олимлардан эдилар. Самарқандда бу зотдан жуда кўп олимлар ҳадис илмидан таълим олганлар. Исҳоқ ан-Нухийдан Абул Маҳомид Маҳмуд ибн Аҳмад ас-Соғаржий ва Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ҳабаший ҳадис ривоят қилганлар. Ан-Нухий ҳижрий 433 (милодий 1042) йилнинг сафар ойида таваллуд топиб,

ҳижрий 518 (милодий 1125) йил жумодул аввал ойининг ўн тўққизинчисида, жума куни кечаси Насафда вафот этганлар.

Акалари *Абу Муҳаммад Исмоил ибн Муҳаммад ан-Нухий* Самарқандда қози ва имом-хатиб эдилар. Самарқандда ҳадис ёзиб олганлар. Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустаффирий ал-Ҳофиздан таълим олганлар. Ўзларидан Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 423 (милодий 1033) йилнинг шаъбон ойида таваллуд топиб, ҳижрий 481 (милодий 1089) йилда Қурбон ҳайити куни Самарқандда вафот этганлар.

Укалари *Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ан-Нухий ан-Насафий* оталари Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Нухий ал-Хатибдан ҳадис ривоят қилганлар. Бу кишидан Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 436 (милодий 1045) йилнинг сафар ойида таваллуд топиб, ҳижрий 511 (милодий 1118) йилнинг рамазон ойида Насафда вафот этганлар.

Оталари *Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ан-Нухий ан-Насафий* тўрт фарзанд кўрганлар. Шулардан иккитаси, яъни Исмоил ва Исҳоқ имом-хатиб, қолган икки фарзандлари, яъни Иброҳим ва Яъқуб олимларнинг раиси эдилар. Ўзлари Абул Қосим Али ибн Аҳмад ал-Хузойидан ҳадис илмидан таълим олганлар. Ўзларидан эса фарзандлари ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 459 (милодий 1068) йилнинг муҳаррам ойида Варка қишлоғида вафот этганлар. Тобутлари Насафга олиб борилиб, нуҳийлар қабристонида дафн қилинганлар.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Нухий ҳам Насаф аҳлидан бўлиб, шижоатли, саҳий ва буюк олимлардан эдилар. Оталаридан ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Баладийдан таълим олганлар. Насафда Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Бужайрийнинг «ал-Жомеъ» китобларини Абу Бакр ал-Баладийдан таълим олганлар. Насафдан Бухорога келганимда у кишини Бухорода учратдим, кейин Насафга жўнаб кетдилар. У зотни учратганим ҳижрий 551 (милодий 1157) йилнинг охирларида эди.

Қози, раис *Абу Юсуф Яъқуб ибн Муҳаммад ан-Нухий ан-Насафий* ҳам Насаф аҳлидан бўлиб, қози Абул Фаворис Абдулмалик ибн Ҳасан ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. У кишидан эса Абу Ҳафс

Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 442 (милодий 1051) йилнинг шаъбон ойида таваллуд топиб, ҳижрий 523 (милодий 1130) йил зулқайда ойининг йигирма бешинчисида, шанба куни кечаси Насафда вафот этганлар.

Ан-Навқадий

Навқад – Насафдан олти фарсах узоқликдаги катта қишлоқ. Бу қишлоқ «Навқад Қурайш» деб ҳам айтилади.

Абул Ҳазоил Абдулқодир ибн Абдуллоҳ ан-Навқадий бу нисбат билан машҳур бўлиб, фозил имом эдилар. Бухорода Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Жаъфарий ва Маккада Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Али ат-Табарийдан таълим олганлар. Ан-Навқадийдан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий таълим олганлар. Ҳижрий 450 (милодий 1059) йилнинг барот кечасида таваллуд топиб, ҳижрий 527 (милодий 1134) йилда вафот этганлар.

Муҳаммад ибн Мансур ан-Навқадий имом, зоҳид, кўп вақт рўздор, мударрис ва Самарқанд муфтийси эдилар. Қози Абул Юср Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Баздавийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 535 (милодий 1141) йилнинг рамазон ойида Самарқандда вафот этганлар.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Сулаймон ан-Навқадий Насаф ноҳиясининг Навқад Хурдохун қишлоғидан. Кучли ва ишончли муҳаддислардан эдилар. Абу Исо ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» китобларини Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Анбардан ривоят қилганлар. Ҳижрий 407 (милодий 1017) йилнинг жумодул аввал ойида вафот этганлар.

Ан-Ниёзакий

Ниёза – Кеш ва Насаф оралиғидаги катта қишлоқ. Бу қишлоқда мен бир кеча тунаганман. Ўша кечаси қор ёғиб, каттиқ совуқ бўлган эди.

Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Ниёзакий ал-Карминий Кармана аҳлидан бўлиб, бу нисбат билан машҳурдирлар. Бу киши ҳақларида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғунжор ал-Ҳофиз «Тарихи Бухоро» китобларида ва Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида маълумот

қолдирганлар. Абу Наср ан-Ниёзакий Имом ал-Бухорийнинг «ал-Адаб ал-муфрад» («Одоб дурдоналари») китобларини Абул Хайр Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Насафийдан ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абул Аббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий шу китобни ривоят қилганлар. Ҳижрий 379 (милодий 990) йили Карманада вафот этганлар.

Самарқандда Абул Футуҳ Муҳаммад ибн Али ан-Ниёзакий исмли ёш бир йигитни кўрдим. Менимча, у юқорида номлари зикр қилинган Абу Наср Аҳмад ал-Карминийнинг авлодларидан. Чунки у ҳам карминалик эди. У мендан кўпгина ҳадис ёзиб олди ҳамда мендан фикҳ ва ҳадис илмидан таълим олди.

Ан-Ниёзивий

Ниёза (ёки Ниёзий) – Насаф қишлоқларидан. Мен бир кеча шу қишлоқда тунаганман. Бу қишлоқ Ниёзий, Ниёзивий, Ниёзий, Ниёхий деб ҳам айтилади.

Абу Иброҳим Исмоил ибн Абдусодиқ ан-Ниёзивий имом-хатиб, фақиҳ, фозил эдилар. Абу Наср Ҳусайн ибн Абдулвоҳид аш-Шерозий ал-Ҳофиз ва Абу Муҳаммад Абдулкарим ибн Мусо ал-Баздавийдан таълим олганлар. Ўғиллари Маймун ибн Исмоил ўзларидан ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши ҳақларида Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ал-Ҳофиз ўзларининг «ал-Қанд» китобларида зикр қилганлар ва шундай деганлар: «Имом-хатиб Абу Иброҳим Исмоил ибн Абдусодиқ ан-Ниёзивий Самарқандга бир неча марта келганлар. Ҳижрий 481 (милодий 1089) йилда мен ҳали ёш эдим. У кишини Ниёза қишлоғида кўрдим ва мендан «Нима мушкулинг бор?» деб аҳвол сўрадилар. Менга кўп фойдалари тегарди. Ўшандан кейин у кишини Насафда кўрдим. Ҳижрий 494 (милодий 1102) йил зулҳижжа ойининг ўн бешинчисида вафот этганлар».

Ал-Варозоний

Варозон – Насаф қишлоқларидан.

Абу Абдуллоҳ Насуҳ ибн Восил ал-Варозоний ан-Насафий ишончли шайх ва тақводор олим эдилар. Абу Ҳафс Қутайба ибн Аҳмад ал-Бухорийдан «Тафсир ал-кабир» («Катта тафсир») асаридан таълим олиб, у китобни ўз қўллари билан кўчирганлар. Аҳмад ибн Яъқуб ан-

Насафий у кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 343 (милодий 955) йилда вафот этганлар.

Ал-Варасиний

Варасин – Насаф қишлоқларидан.

Абул Ҳорис Асад ибн Ҳамдавайҳ ал-Варасиний ан-Насафий Насаф аҳлидан бўлиб, кўп ҳадис билар эдилар ва уларни жамлаганлар. Туфайл ибн Зайд ат-Тамимий, Мусанно ибн Иброҳим ал-Ғубдиний, Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ва бошқа ўз замоналарининг кўп олимидан таълим олганлар. «Ал-Бўстон» («Бўстон»), «ал-Ажойиб» («Ажойиб»), «Ахбор ул-Ҳасан вал-Ҳусайн» («Ҳасан ва Ҳусаннинг хабарлари»), «ал-Мақтал» («Жангнома»), «Мафохирату аҳлу Кеш ва Насаф» («Кеш ва Насаф аҳлининг фахрли кишилари») китобларининг муаллифи. Бу киши муҳаддис, чиройли тасниф қилувчи олимлардан бўлиб, Насаф шаҳрининг ифтихори эдилар. Насаф аҳли у кишини фахр билан эслар эди. Бу киши уйларида кўп чиқмас эдилар. Агар чиқсалар ҳам, қўлларида сиёҳдон, қалам ва дафтар бўлар эди. Ҳижрий 315 (милодий 928) йилнинг ражаб ойида вафот этганлар.

Ал-Варағжаний

Варағжан – Насаф қишлоқларидан.

Аслам ибн Маймун ан-Наҳвий ал-Варағжаний шу қишлоқдан бўлиб, тилшунос ва аруз вазнини яхши биладиган адиб эдилар. Бу киши ҳақларида Абул Аббос ал-Мустағфирий «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар.

Абу Али Ҳусайн ибн Сиддиқ ал-Варағжаний ишончли ва тўғри сўз шайх эдилар. Муҳаммад ибн Ақил ал-Балхий, Аҳмад ибн Ҳам ас-Саффор, Али ибн Ҳасан ал-Муаддиб ва бошқалардан таълим олганлар. Ўзларидан Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Фақиҳ ат-Тубаний, Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Қалонисий ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 366 (милодий 977) йилда вафот этганлар.

Саъид ибн Иброҳим ал-Варағжаний ан-Насафий ҳам шу қишлоқдан бўлиб, фозил, фақиҳ эдилар. Имом Юсуф ибн Муҳаммад ал-Ҳанафий ан-Насафийдан фикҳ илмини ўрганиб, ҳадис ҳам ёзиб олганлар. Ўзларидан ўғиллари фақиҳ Али ибн Саъид ҳадис ривоят

қилганлар. Ҳижрий 494 (милодий 1102) йили Варағжан қишлоғида вафот этганлар.

Ал-Вазганжий

Вазганж – Насаф ноҳиясидаги қишлоқ.

Абу Али Ҳасан ибн Сиддиқ ал-Вазганжий ан-Насафий бу нисбат билан машҳур бўлиб, Муҳаммад ибн Ақил ва Аҳмад ибн Ҳамдондан ҳадис ривоят қилганлар.

Ал-Ванажий

Ванаж (Ванаҳ деб ҳам айтилади) – Насаф қишлоқларидан бўлиб, у ерда работ ҳам бор.

Абу Муҳаммад Абусамад ибн Муҳаммад ал-Ванажий шу қишлоқдан бўлиб, чиройли, ибратли шайх эдилар. Она томондан боболаридан таълим олганлар. Ўзларидан эса Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ан-Нахшабий таълим олганлар ва у киши ҳақида «Муъжам уш-шух» («Шайхлар комуси») асарларида шундай деганлар: «Ҳижрий 450 (милодий 1059) йили, ушбу китобимни таълиф қилаётганимда у киши ҳали тирик эдилар».

Ал-Ванусоний

Ванусон – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абу Муҳаммад Ҳаммод ибн Шокир ан-Насафий ал-Ванусоний Насаф шаҳридан. Ишончли ва улуғ шайхлардан эдилар. Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийларнинг «ал-Жомеъ»ларини ривоят қилганлар. Улардан ривоят қилган ҳадислари Насафда ёйилган эди. Илм ўрганиш учун Ироқ, Шомда бўлганлар. Буюк олимлардан Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий ал-Ҳофиз ва Муҳаммад ибн Закарийё бу кишидан таълим олганлар.

Ал-Ёний

Ёна – боболарининг исмига берилган нисбат.

Абу Бакр Абд ибн Абул Аббос ал-Ёний ан-Насафий Насаф аҳлидан бўлиб, муаззин, зоҳид, солиҳ банда ва дуолари ижобат бўладиган олимлардан эдилар. Бу киши Имом Аҳмад ибн Сайё, Исо ибн Аҳмад ал-Асқалоний, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф

ан-Насафий ва Муҳаммад ибн Закариё ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 326 (милодий 939) йилда вафот этганлар.

Ал-Яздодий

Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ал-Яздодий Насаф аҳлидан. Насафнинг муҳаддис, шайх, насаб илмини билувчи олимларидан. Бухоро, Самарқанд, Кеш ва унинг ноҳияларида бўлиб, у ердаги машойихлардан, шунингдек, Иброҳим ибн Маъқал ан-Насафий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазийдан таълим олганлар. Муҳаммад ал-Яздодий ҳижрий 344 (милодий 956) йилнинг жумодул аввал ойида Насафда вафот этганлар.

Ал-Яъқубий

Абу Наср Муҳаммад ибн Исмоил ал-Яъқубий Насаф аҳлидан бўлиб, олим эдилар. Боболари Абу Усмон Саъид ибн Иброҳимдан, Маъқалдан, Абдулмуъмин ибн Халафдан, Юсуф ибн Яъқуб ал-Яъқубий ва бошқа олимлардан таълим олганлар. Бухоро аҳли Абу Исо ат-Термизийнинг «ал-Жомеъ» асарларини бу кишидан олти марталаб дарс олганлар. Абул Аббос ал-Мустаффирий бу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 389 (милодий 1000) йилнинг рамазон ойида вафот этганлар. Жанозаларини ҳоким Абу Аҳмад ал-Қантарий ўқиганлар.

Ал-Яғнавий

Яғна – Нахшаб қишлоқларидан. Нахшабдан Бухорога кетаётганимда бу қишлоқда бўлганман. Бу қишлоқдан кўп олимлар чиққан бўлиб, Абул Аббос ал-Мустаффирий икки жилддан иборат «Тарихи Насаф» китобларида зикр қилганлар.

Абу Наср Аҳмад ибн Наср ал-Яғнавий шу қишлоқдан бўлиб, Абу Яъқуб Юсуф ибн Маъруф ал-Иштиханий, Лайс ибн Наср ал-Кожарий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар. Бу киши солих, зоҳид, обид эдилар. Ҳижрий 460 (милодий 1069) йил рабиъул аввал ойининг олтинчисида, жума куни кечаси вафот этганлар.

Шайх Абу Муҳаммад Абдурахим ибн Али ал-Яғнавий ан-Насафий ҳам шу қишлоқдан бўлиб, адиб эдилар. Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Зайд ал-Алавийдан таълим олганлар. Кейинчалик Самарқандга жўнаб кетганлар. Абу Шужо Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Бастомий шу кишидан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 555 (милодий 1161) йил

рабиъул охир ойининг ўн бешинчисида, сешанба куни вафот этиб, Чокардиза қабристонидида дафн қилинганлар.

*Имом Абу Бакр **Муҳаммад** ибн Аҳмад ал-Яънавий ан-Насафий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Абу Али Ҳасан ибн Ҳамадоний ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 433 (милодий 1042) йилда туғилиб, ҳижрий 494 (милодий 1102) йили Бухорода вафот этганлар.

Ал-Юзавий

Юза («Юзи» деб ҳам айтилади) – Насаф қишлоқларидан. Абу Муқотил Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Юзавий Насаф аҳлидан. Бухоро машойихларидан таълим олганлар. Бухорода имло мажлисининг иштирокчиларидан бўлганлар. Бу кишидан Абул Аббос ал-Мустағфирий ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 417 (милодий 1027) йилнинг ражаб ойида Бухорода вафот этганлар.

*Абу Бакр **Муҳаммад** ибн Аҳмад ал-Юзий* ҳам шу қишлоқдан бўлиб, Туфайл ибн Зайд ва Довуд ибн Абу Довуд ал-Марвазийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 336 (милодий 948) йилда ражаб ойидан 10 кун қолганда вафот этганлар.

Санобар Жўраева, Лобар Асророва

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АЛЛОМАЛАРИ ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРИ ТАРИХИ

Монография

Муҳаррир: С. Абдунабиева
Бадиий муҳаррир: К. Бойхўжаев
Саҳифаловчи: А. Муҳаммадиев

Нашр. лиц № 1006-9260-а51а-410а-4237-1355-6372..
Босишга рухсат етилди 12.12.2024.
Бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози. «Times New Roman»
гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоғи. 12.5.
Адади 100 дона. Буюртма № 66.

"EVRIKA NASHRIYOT-MATBAA UYI" МЧЖ.
нашриётида тайёрланди.
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлик-4, 3-уй.

«DAVR MATBUOT SAVDO» босмахонасида чоп етилди.
100198, Тошкент, Қўйлик 4 мавзе, 46.

ҚАЙДЛАР УЧУН